

Жаҳон

АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал

Alisher Navoiy Xose Ortega-i-Gasset **Janni Rodari** Anna Axmatova **Jeyms Joys** Jonatan Swift **Jorj Bayron** Ryunoske Akutagava **Fransua Rable** Edgar Allan Po **Frans** Tomas Eliot **Vilyam Shekspir** **Kafka** **Martti Larni** **Artur Rembo** **Gi de Mopassan** **Ivan Bunin** **Aflotun** **Dante Aligeri** **Chan Chhol** **Roa Bastos** **Mario Vargas Losa** **Isay Kalashnikov** **Anton Chexov** **Taduesh Dolenga Mostovich** **Andreys Pumpurs** **Fridrix Nitshe** **Fyodor Dostoyevskiy** **Viktor Gyugo** Ivo Andrich **Marsel Prust** **Mo Yan** **Aleksandr Veselovskiy** Ann Filip **Abdulla Qodiriy** Roxelio Sinan **Andres Mata** **Moris Meterlink** Hermann Hesse **Oktavio Pas** Migel Otero Silva **Onora de Balzak** **Rikardo Miro** **Arastu** Tomas Mann **Ernest Heminguey** **G'afur G'ulom** **Gabriela Mistral** **Zahiriddin Muhammad Bobur** **Tetsuo Miura** **Erkin Vohidov** **Aleksandr Pushkin** Boris Pasternak **Premchand** Uolter de la Mer **Toni Morrison** **Migel de Servantes** **Emil Zolya** **Muxtor Avezov** **Abdulla Oripov** **Iohann Gyote** Mark Toutant **Yan Parandovskiy** **Nelli Zaks** Bernard Shou **Chingiz Aytmatov** **Oskar Uayld** **Li Munyol** **Xose Marti** Patrik Modiano **Semben Usmon** **Homer** **Jaloliddin Rumiy** **Grem Grin** **Emili Dikinson** **Oybek** **Lev Tolstoy** Migel de Karron **Avetik Isaakyan** **Jan-Mari Leklezio** **Gabriel Garsia Markes** **Sharlotta Bronte** **Grant Motevosyan** **Lesya Ukrainka** **Rabindranat Tagor** **Sofokl** **Aka-uka Grimmlar**

Жамоатчилик кенгаши:

Муҳаммад АЛИ
Наум КАРИМОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ
Абдухалил МАВРУЛОВ
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДҮСТМУҲАММАД
Абдураҳим МАННОНОВ
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ
Муҳаббат ТҮЛАХҶАЕВА
Баҳодир КАРИМОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Шуҳрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖҶРАЕВА
Отабек САФАРОВ
Дилдорхон АЛИЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Жамила АСҚАРОВА
Даврон РАЖАБОВ
Шаҳноза НАЗАРОВА
Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

- 3** Алишер НАВОИЙ. Баҳор сенсиз ўлиптур... (Рус ва инглиз тилларига К.Симонов, А.Обид тарж.)

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

- 7** В.ГЮГО. Париж Биби Марям ибодатхонаси. (Рус тилидан Б.Зокир тарж.)

НАСР

- 60** И.КАЛАШНИКОВ. Қаттол аср. Тарихий роман. (Рус тилидан М.Ўлдошев тарж.)
144 Танзил ус-солихин. (Наширга тайёрловчи А.Турдиалиев)

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- 55** Замоनावий АҚШ шоиралари ижодидан. (Инглиз тилидан А.Обид тарж.)
139 А.СВИРШИНСКАЯ. Е.БАГРЯНА. Л.СТЕФАНОВА. Шеърлар. (Рус тилидан Р.Мусурмон тарж.)
182 А.ЕЛЬЦОВА. Шеърлар. (Рус тилидан Гўзал Бегим тарж.)

ДРАМА

- 100** С.УЛУҒЗОДА. Рўдакий. Драма. (Тоҷик тилидан Н.Маллаев тарж.)

УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

- 159** Абдулла ОРИПОВ.

ЭССЕ

- 168** Ё.ХЎЖАМБЕРДИЕВ. Соат кафгири.

ШАРҚ ВА ҒАРБ ҲИКМАТИ

- 188** Қ.НАЗАРОВ. Икки томчи сувдек ўхшаш.

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ

- 198** М.ТЎЛАХЎЖАЕВА. Театр ва янги замон.

- 138** Ҳикматлар.
202 Муковамизда.
203 Тақвим.
206 Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.

NAVOIY SABOQLARI



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

БАҲОР СЕНСИЗ ЎЛУПТУР...

*Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,
Қизил гул анда ўту оқ шукуфалардур ях.*

*Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,
Биҳиит ичинда лиқо бўлмаса эрур дўзах.*

*Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,
Юзумки йўл-йўл ўлуптур сиришкдин рах-рах.*

*Ғариб келмади ширин лабингга аччиғ сўз,
Эмас ғариб чучук мева бўлса хаста талх.*

*Кўнгул фано кунжидин зўр бозу истарким,
Вужуд панжасини англамиш багоят шах.*

*Навоий эғни ялангдур демангки, бордур анга
Фано ҳасири, бало хораси насиж ила нах.*

*Магар шах ашҳаби оллинда пайк бўлди сипехр
Ки, қилмиш ўн кечалик ойни эғнида ноцах.*

“Ғаройиб ус сизар”, 108-газал

ЛУҒАТ

Шукуфа – гул
Лиқо – юз
Хайл – тўда, гуруҳ
Сиришк – кўз ёши
Рах – ажин
Талх – аччиқ
Бозу – биллак, қўл
Шах – дағал, қаттиқ

Ҳасир – бўйра, палос, кигиз
Хора – абрешин мато
Насиж – тўқилган
Нах – абрешин ипи
Ночах – кичик найза
Пайк – хабарчи, хабар етказувчи
Сипехр – фалак, осмон
Ашҳаб – кулранг ёки кўк от



Ғазалнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Сенсиз баҳор мен учун дўзах кабидир, ундаги қизил гуллар олов, оқ гуллар эса муз сингаридир.

2. Сенсиз баҳорнинг дўзахга ўхшатилишида ажабланарли ҳеч нарса йўқ, чунки жаннатда Унинг жамоли (дийдор) бўлмаса, жаннат ҳам гўё дўзахга айланади.

3. Унинг хаёли кўз олдимда намоён бўлар экан, ҳажрида кўзёшим оқиб, юзимга ажинлардан йўл солган.

4. Хаста одамга ширин мева ҳам аччиқ кўринади, шундай экан, сенинг ширин лабиндан аччиқ сўз чиқса, бунга ҳайрон бўлиш керак эмас.

5. Кўнгилда фано бўлиш истаги шунчалик кучлики, у ўзини кутқаргувчи қудратли бир билак истади, чунки у ўзи учун бу вужуд қаттиқ бир панжа эканлигини англаб етди.

6. Навоийни эгни яланг (яъни либоссиз), деб ўйламанг, чунки унда фанодан палос ва абрешин ипидан тўқилган бало матоси бордир.

7. Шоҳнинг кулранг оти олдида осмон хабарчи фаришта бўлди ва у ўн кечалик ойни кичик найзага айлантирди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бир қарашда ишқий мавзуда ёзилгандек тасаввур берувчи ушбу ғазалда ирфоний мазмун устувор бўлиб, унда Ҳаққа етишиш учун Расули акрам буюрган йўлдан юриш керак, деган ғоя илгари сурилади.

Ғазал матлаъсида ошиқ учун ёр бўлмаса, баҳор фасли ҳам қиш каби туюлиб, кўкламда очилган қизил гул олов, оқ гул муз сингари бўлиши баён қилинмоқда (Шу ўринда мумтоз адабиётимизда ёр орқали маъшуқа, дўст, пири комил, Пайғамбар (с.а.в.) ва Оллоҳ назарда тутилишини эслатиш жоиз). Диний манбаларга кўра, охиратда гуноҳкорларга дўзах азоби бирига қарама-қарши икки ҳодиса – олов ва қаттиқ совуқ (муз) орқали намоён қилинади. Навоий бу ўринда дўзахдаги ана шу азобга ишора қилмоқда.

Набатдаги байтда лирик қаҳрамон ёрга қарата “баҳор сенсиз қишга тенг бўлиши табиий ва бу ажабланарли эмас, чунки дийдор бўлмаса жаннат ҳам дўзах билан тенгдир”, дер экан, *лиқо* сўзи орқали жаннатда юз берадиган илоҳий жамолга ишора қилади. Диний ривоятларга кўра, жаннатда Оллоҳ ўз дийдорини суюкли бандаларига намоён қилади: ушбу дийдор чоғида барча ҳушидан кетади. Ҳушларига келгач, улар яна шу илоҳий жамолни кўмсайдилар, ушбу жамолсиз энди жаннат ҳам уларга худди дўзахдек бўлиб кўринади. Байтда қўлланилган **тамсил** санъати ошиқнинг руҳий ҳолатини таъсирчан ифодалашга хизмат қилган.

Учинчи байтда илоҳий жамолни ўйлар экан, лирик қаҳрамон қаттиқ ҳаяжонга тушади: кўзларидан ёш оқади, юзида ажинлардан йўл пайдо бўлади. **Муболаға**, **тавзеъ** (*хаёли хайли*) ва **мукаррар** (*йўл-йўл, рах-рах*) санъатлари билан зийнатланган тасвир орқали ошиқнинг илоҳий дийдорга қанчалик эҳтиёжманд ва интиқ эканлиги намоён бўлади.

Кейинги байтда Навоий ёрнинг ширин лабидан аччиқ сўз чиқса, ҳайрон бўлмаслик керак, чунки хаста одамга ширин мева ҳам аччиқ бўлиб туюлади ва бунинг ажабланарли жойи йўқ, дер экан, ўзини ёр висолига ташна хаста ошиққа нисбат беради. Ушбу байтнинг ботиний мазмунига эътибор

қаратсак, унда Алишер Навоий Расули ақрамга (с.а.в.) ғойибона мурожаат қилаётганлигини сезиш мумкин. Маълумки, ул Зотнинг сўзлари ҳамиша ширин ва фасих бўлган. Лекин гоҳида мушриклар учун (уларни ҳидоятга чорлаш мақсадида) аччиқ сўз айтганлар. Мушриклар бемор каби эдилар ва уларга саодатдан хабар бераётган, айбу нуксонларини кўрсатиб, тузатишга ундаётган сўзлар ҳам аччиқ туюлган.

Ғазалнинг бешинчи байтида кўнгилнинг тан истакларидан кутулиб, фано бўлиш ва Ҳаққа эришиш истаги баён қилинади. Бунда у ўзини халос этадиган кучли билакка – *зўр бозуга* эҳтиёжманддир. Чунки вужуд *панжаси* руҳни озод қилиши учун унга бир кучли билак – пири муршиднинг ёрдами зарур. Байтда *бозу*, *панжа* каби уядош сўзларни қўллаш орқали вужудга келтирилган **таносуб** санъати, вужудни панжага қиёслаш билан ҳосил қилинган **ташбех** санъати фикрнинг бадий таъсирчанлигини оширган.

Навбатдаги байт ҳам юқоридаги фикрнинг давоми ҳисобланади. Унда ҳам Алишер Навоий лирик қаҳрамон истагини фано бўлиш билан боғлаб, халқ кўзига либоссиз бир бечора каби кўринаётган бўлса-да, аслида унда фанодан палос ва балодан мато бор эканлигини айтади ва шу орқали тасаввуддаги жавонмардлик таълимотига ишора қилади.

Шу ўринда “Саъбаи сайёр” достонида келтирилган шанба куни қора қасрда Баҳромга айтиб берилган “Фаррух ва Ахий” ҳикоятини эсга олиш зарур. Ҳикоятда Ахийга тухмат қиладилар, у бору будидан айрилиб, ҳатто кийимсиз қолиб, бир *палос ёпиниб*, дўсти Фаррухнинг мамлакатига бориб қолади. Бу ерда Ахийнинг мард ва сахийлиги, энг асосийси, ҳамма нарса-сидан ажралиб қолганда палос ёпиниб юрганлигига урғу қаратиш лозим. Ҳикоят моҳиятан рамзий бўлиб, унда Ҳақ йўлидаги инсоннинг фидойилиги ва бу йўлда дуч келган қийинчиликлари Ахий тимсоли орқали ёритиб берилган. Шу нуқтаи назардан олганда, байтда *эғнимда палос бор*, деган маънонинг мавжудлиги шоирнинг жавонмардлик таълимотига, ахийлик фаолиятига бўлган ижобий муносабати ва мойиллигини билдиради.

Сўнгги – мактаъдан кейинги байтда рамзий ифода усули билан пайғамбарлар султони Расули ақрамнинг (с.а.в.) меърожга кўтарилганларига ишора бор. Навоий Пайғамбаримизнинг меърож тунида минган отлари – ашҳаб (*Бурук*)нинг олдида осмоннинг ой (*пайки сунехр*)га айланганини айтиш орқали ислом рамзи ҳисобланган кичик найза устига ўрнатилган янги ойни назарда тутаяди. Маълумки, тасаввудда фано бўлиш Расули ақрамга эргашишдир. Чунки Муҳаммад (с.а.в.) меърожда фано бўлган эдилар. Демак, фано бўлган инсонга бутун илоҳий сирдан насиба берилади.

Умуман олганда, мазкур ғазал тузилиш жиҳатидан пароканда ғазалга яқин туради, чунки ундаги ҳар бир байт ўзича мустақил мазмунга эга бўлиб, хос ғоя ва ифода йўсинини ўзида мужассам этади. Ғазал байтларини Ҳаққа бўлган муҳаббат ва илоҳий маърифат ўзаро бирлаштириб турганига гувоҳ бўламиз.

Ғазал рус тилига таниқли шоир Константин Симонов томонидан таржима қилинган. Аслиятда ғазал 7 байтдан иборат, таржима эса 6 байт ҳажмида (5-байт тушиб қолган) амалга оширилган. Бу ўзгариш бевосита байтдаги рамзийлик ва ботиний маънонинг мураккаблиги билан боғлиқ деб айтиш мумкин. К.Симонов таржимада ғазалнинг асосан зоҳирий маъносини ифодалашга ҳаракат қилган, шу сабабли унинг 5- ва 6-байтларини таржима қилишга қийналган: 5-байтни тушириб қолдиргани ҳолда 6-байтни нотўғри, яъни “Навоийни дўзахда кийимсиз ва оёғи яланг деб ёлғон гапирма, чунки мен сенинг туҳфаларинг – бало ва ғамдан либос ва пойафзал кийганман” тарзида ўгирган. Ғазалнинг сўнгги (мактаъдан кейинги) байти таржимасида ҳам аслиятдан узоқлашишни кузатиш мумкин.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Константин СИМОНОВ

*Весна без тебя – палача жгут, смертные муки, ад!
В нем красные розы меня жгут, белые – леденят.*

*Весна без тебя для меня – ад, ад ночи и ад дня.
Но в том раю, где ты без меня, – нет ни льда, ни огня.*

*Если захочешь меня найти, стать под моим окном,
По лицу моему иди, по бороздам слез на нем.*

*Как в сладких плодах горькая кость не удивит меня.
Так в сладких устах твоих слов злость не удивит меня.*

*Не лги про меня, что там в аду гол и бос Навои.
Я одет, обут в печаль и беду – в подарки твои.*

*Не боюсь лжи и угроз, хотя вижу над головой,
Как секиру в небе занес юный месяц – гонец твой!*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Аъзам ОБИД

*Spring is like absolute hell for me without you,
The red bloom is fire in it, the white has icy view.*

*It's not strange – without you – spring is inferno,
Since paradise will – sans his face – turn to hades too.*

*As soon as his dream fantasies come into my sight,
Tears on my face line wrinkles with affliction, rue.*

*Delicious fruits are unsavory for a sick person,
It's unsurprising if your sweet lip will – vile curses – boo.*

*Soul in nonentity is longing for hand-holding,
Cause it feels this body for it is boorish, askew.*

*Do not say Navoi is ungarmented, he wears
A robe of nonexistence, a misfortune-sewn tissue.*

*Having turned a ten-day moon into a smaller arrow
The sky became a herald in front of the king's horse-blue.*

Виктор ГЮГО

(1802–1885)

**ПАРИЖ БИБИ МАРЯМ
ИБОДАТХОНАСИ**

Роман¹

*Рус тилидан
Баҳодир ЗОКИР
таржимаси*

III. Қўнғироқлар

Шармандалик устуни ёнидаги қатл кунидан сўнг Квазимодонинг шашти анча пасайгани Париж Биби Марям ибодатхонаси яқинида яшайдиган кишиларнинг эътиборидан четда қолмади. Илгарилари бўлар-бўлмаста қўнғироқлар чалинаверарди: эрталабки ва кечки ибодатга – узундан-узок товушлар, пешиндан кейинги ибодатга – катта қўнғироқнинг гумбурлаган овози, никоҳ ва чўқинтириш маросимлари пайтида эса – кичик қўнғироқлардан майин ва ёқимли оҳанглар тараларди. Доимо титраб, гумбурлаб турган кўҳна ибодатхона қўнғироқларининг шўх-шодон навоси ҳаммаёққа таралиб турарди. Бу ерда мис оғизлардан чиқаётган оҳангларда эркин ва сершовқин руҳнинг мавжудлиги ҳис этиларди. Эндиликда бу руҳдан асар ҳам қолмаган. Ибодатхона зулмат ва сукунатга чўмгандек туюларди. Ахир, Квазимодо ҳамон ўша ерда истиқомат қилади-ку! Унга нима бўлди экан? Эҳтимол, шармандалик устуни ёнида бошдан кечиргани уят ва иложсизлик ҳисси қалбини қуршаб олгандир; ёки жаллод камчисининг зарби ҳамон руҳини эзаётганмикан, балки жазо қийноқлари юрагидаги ҳиссиётларни, ҳатто қўнғироқларга бўлакча меҳр-муҳаббатини сўндиргандир? Ёки букурнинг қалбидан “Мария”га рақиб жой олиб, ана шу гўзал хилқат туфайли катта қўнғироқ ва унинг ўн тўрт сингилчаси унутилган эмасмикан?

1482 йилда Хушхабарлар байрами 25 март, сешанба кунига тўғри келган эди. Шу кунги ҳавонинг мусаффолиги ва ёруғлигидан Квазимодонинг қалбида қўнғироқларга меҳр-муҳаббат қайтадан жонланди. Ибодатхона хизматчиси қаттиқ ёғочдан ясалган, тери билан қопланган, четларига темир зарҳал миҳлар қоқилган ҳамда ғоят жозибали меъморий нақшлар билан безатилган улкан дарвозани очаётган пайтда Квазимодо шимолий минорага кўтарилди.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.



Кўнғирокхонанинг юкори қисмига кириб, меҳр кўйган арзандалари-га ёт бир нарса қалбидан жой олганидан қайғураётгандек, бирпас олти кўнғирокқа тикилиб қолди. Аммо уларни ҳаракатга келтириши билан қўл остидаги кўнғирокларнинг тебраниши, дириллашини ҳис этиб, бир шохдан бошқасига учиб ўтаётган қушчадек, бу жаранглаётган зиналар бўйлаб тепага-пастга оқаётган оҳанглари кўрганда (ҳа-ҳа, айнан кўрганда, чунки уларни эшитишдан маҳрум эди), ажиб товушлар таратаётган мусиқа оҳанглари шўрлик карнинг бутун вужудини куршаб олганда, у яна аввалгидек бахтиёр эди; ҳамма нарсани унутган букурнинг қалбидаги қувонч ёришиб кетган юзида ҳам намоён бўлди.

У мусикачиларни илҳомлантириб турган дирижёр сингари, бир олдинга, бир орқага ташланар, чапак чалар, бир арқондан иккинчисига бориб, овоз ва ишоралар билан олти кўшиқчисига далда бериб турарди.

– Қани, Габриэль, олға! – деди у кўнғирокларнинг бирига. – Бугун байрам, майдонни оҳангга тўлдириб ташлагин-чи! Ялқов бўлма, Тибо! Ортда қолаяпсан. Қимирласанг-чи! Ё занглаб қолдингми, нима бало? Яхши! Жуда яхши! Жонлироқ, жонлироқ ҳаракат қил, тилинг кўринмасин! Ҳамманинг қулоғи қоматга келсин, менга ўхшаб кар бўлиб қолсин! Ана шундай, Тибо, баракалла! Гильом! Гильом! Нима бўлди сенга, ахир, кичкинтой Паскье ҳам сендан ўзиб кетди-ку! Худо ҳақи, қулоғи очиклар сендан кўра уни яхшироқ эшитяпти, шекилли! Яхши, яхши, Габриэль! Баландроқ, яна ҳам баландроқ! Эй, чуғурчуқлар! Сизга бу ерда нима бор? Сира овозингиз чиқмаяпти. Бу яна қандай мис тумшуклар бўлди? Улар куйлаш ўрнига оғзини очиб турибдими! Ишламасангиз бўлмайди! Ахир, бугун Хушхабар куни-ку! Бундай ажойиб нурафшон байрамда оҳанглари жаранглаб чиқиши лозим! Шўрлик Гильом, ҳаллослаб, нафасинг бўғилиб қолибдими?

У кўнғироклар ичига сингиб кетган, подачининг учи ўткир хилачўпи санчиғи билан илгарилаб бораётган эшаклар сингари букурнинг бақир-чақиридан илҳомланган олти кўнғирок бир-бири билан мусобақалашаётгандек ялтироқ либосини кўз-кўз қилганча титраб-чайқалиб турарди.

Бехосдан кўнғирокхонанинг тик деворини ёпиб турган кенг шиферлар оралиғидаги тўйнуққа кўзи тушган Квазимодо майдонга ғалати либос кийиб олган лўли қиз эчкичаси билан кириб келгани ва гиламчасини ёйганини кўриб қолди. Уларнинг атрофига томошабинлар йиғила бошлади. Бу манзара эритилган қорамойни совитаётган шамол сингари унинг фикрларини алғовдалғов қилиб юборди. У арқонларни кўлидан бўшатди-да, кўнғирокларга тесқари турганча шифер бостирманинг орқасига бориб чўккалаб ўтирди ва бир гал архидьяконни ҳайратга солган меҳрга тўла нигоҳини раққосага қаратди. Унутилган кўнғироклар, суякни кўрсатиб, тош ташланганда ажабланган итга ўхшаб, Саррофлар кўпригида туриб кўнғирок овозини тинглаётган ишқибозларни ранжитиб, ўша заҳоти тинчиб қолган эди.

IV. 'Anagkh

Худди ўша март ойидаги кунларнинг бирида, адашмасам, 29-санасида авлиё Евстафий кунда кийинишга тутинган навқирон дўстимиз Жеан Фролло Тегирмончи чўнтагидаги ҳамёндан темир чақанинг овози эшитилмаётганига ҳайрон бўлди.

– Бечора ҳамён! – деди шумтака уни чўнтакдан чиқариб. – Вожаб! Наҳотки, бир су ҳам қолмаган бўлса? Соққа, пиво ва Венера¹ ичақ-чавоғингни суғуриб олибди-ку!

Шундай дея шошилмасдан пойабзалининг ипини боғлаётган пайтда хаёлига келган фикрни қувишга ҳарчанд уринмасин, фойдаси бўлмади. Шунда у – кучли ички зиддият аломати – нимчасини тескари кийиб олди ва юпқагина қалпоқчасини ерга отиб юборди:

– Майли, нима бўлса бўлар! Акамнинг хузурига бораман! Бир эю учун дийдиё эшитсам-эшитибман-да!

Жеан енглари кенг, мўйнали чакмонини елкасига ташлади-да, ердан шапкасини олиб, ичида “ноумид – шайтон” дея уйдан югуриб чиқиб кетди.

Кўтарма кўприк кўчасидан юриб, Ситега йўл олди. Овчилар бурғуси кўчасидан ўтаётганида ковурилаётган гўштнинг ёқимли ҳиди димоғига урилди. Нонушта қилиш учун бир чақаси ҳам қолмаган Жеан оғир хўрсинди ва Ситега киравериш жойидаги Пти-Шатленинг олти бурчакли улкан минораси аркидан ўтиб, ичкарига кириб кетди.

У ибодатхонадан чиқаётган хизматчидан акасини сўради:

– Айтолмайсизми, жозаслик архидьяконни қаердан топсам бўлади?

– Адашмасам, архидьякон минорадаги ўз хужраларида, – дея жавоб қилди хизматчи. – Мабодо, папа ёки қирол элчиси бўлмасангиз, ул зоти олийларини безовта қилмаганингиз маъкул.

Жеан чапак чалиб юборди:

– Жин урсин! Бу ўша машъум афсунгар уясини кўриш учун зўр имконият-ку!

Бу фикрдан руҳланган Жеан кичкина нимкоронғи эшикдан кириб, миноранинг юқори қисмига олиб борадиган бурама зинопоядан кўтарила бошлади.

“Биби Марям руҳи ҳақи, – деди у йўл-йўлакай хаёл суриб, – мухтарам акажоним уятли жойидек ҳаммадан сир сақлаётган бу хужра, хойнаҳой, жуда ғаройиб бўлса керак. Айтишларича, бу ерда у дўзах таомларини пиширар, аллақандай фалсафий тошни қайнатар эмиш. Вой иблис-ей! Хўш, менга бу тошдан не фойда? Очигини айтганда, унинг ўчоғидаги энг улкан фалсафий тошдан кўра, ёғда ковурилган кичкина тухум мен учун афзалроқ!”

У охири кўринмаётган зинапояни сўқиб, устунли галереяга етгач, нафасини ростлаб олди; сўнг шимолий миноранинг ҳозирги пайтда томошабинлар учун ёпиб қўйилган торгина эшигига кириб, яна зиналардан кўтарила бошлади. Бир неча дақиқадан кейин кўнғироклар қазноғидан ўтиб олгач, ёнлама ўйикда қурилган майдончага, гумбазнинг остида эса кичкина узунчоқ эшикка кўзи тушди. Зина деворининг юқори қисмида тешилган туйнукдан тушаётган ёруғлик эшикда осиглиқ турган каттагина қулф ва қалин темир қисқичларни кўриш имконини берарди.

– Уф! – дея хўрсинди шумтака. – Ҳойнаҳой, шу ер бўлса керак!

Калит қулфнинг ичига солинган эди. Эшик ёнида турган Жеан уни секингина очди-да, бошини ичкарига тикиб, разм солди.

Қия очилган эшикка оҳиста бошини суққан Жеан кўз ўнгида доктор Фаустнинг хужрасига ўхшаш манзара намоён бўлди. Бу совуқ, нимкоронғи хона эди. Бу ерда ҳам чанг ва ис босган катта стол ва курси, циркуль ва ре-

¹ Венера – Қадимги Рим афсоналарида севги-мухаббат ва гўзаллик маъбудаси.

торталар, шифтдан осилиб турган хайвонлар скелетлари, ерда ётган глобус, ҳар хил ёзувлар ва геометрик шакллар билан тўлдирилган эски кўлёмалар, ичида олтин заррачалар товланиб турган қадахлар билан аралаш-қуралаш бўлиб ётган одам ва от бош чаноқлари, бир-бирининг устига палапартиш қўйиб ташланган қалин-қалин китоблар уюми, бир сўз билан айтганда, фан лаш-лушлари қалашиб ётарди. Курсида столга энгашиб, бир киши ўтирарди. Жеанга орқаси билан ўтирган бу кимсанинг елкалари ва гарданигина кўринаётган бўлса ҳам, бир туки йўқ бошни таниш қийин эмасди.

Ҳужранинг умумий манзараси унинг буткул қаровсиз қолгани, ускуналарнинг ташландиқ ҳолати эса кулба эгасининг эътибори тамоман бошқа нарсалар билан банд бўлганидан далолат беради.

“Жин урсин! – деди Жеан ўзига ўзи. – Биргина экюни узоқ кутишимга тўғри келадими дейман!”

Архидьяконнинг яна бир жойда қотиб қолганини сезган Жеан писиб орқага тисарилганча хужрадан чиқди-да, ҳозиргина келган ва бу ҳақда огоҳ этмоқчи бўлгандек, оёқларини бир-бирига уриб, овоз чикарди.

– Киринг! – деган овоз хужрадан келди. – Сизни кутиб тургандим! Калитни кулфда қолдирганман. Кираверинг, мэтр Жак!

Шумтака дадиллик билан ичкарига қадам қўйди. Кутилмаган бу ташрифдан архидьякон сесканиб кетди.

– Э, бу сенмисан, Жеан?

– Ҳа, менинг исмим ҳам “Ж” билан бошланади, – дея жавоб қилди бетамиз бола.

Клод отанинг юзи яна жиддийлашди.

– Нима учун бу ерга келдинг?

– Акажон, – деди Жеан, ғам босган одамдек маънос илжайиб, – мен сиздан озгина...

– Нима озгина?

– Ўғитларингизга эҳтиёж сезиб келгандим... – Жеан “ўғитларингизга ва озгина пулга!” дейишга ҳадди сиғмади. Табиийки, гапи чала қолди.

– Жаноб! – деди архидьякон совуқ оҳангда. – Сиздан жуда норозиман.

– Эвоҳ! – дея талаба оғир хўрсиниб қўйди.

Клод креслоси билан Жеан томон бурилди-да, юзига разм солди.

– Сени кўрганимдан хурсандман.

Бу гап яхшилик аломати эмасди. Жеан аччиқ таъна-ю дашномларга тайёрланиш лозимлигини тушунди.

– Жеан! Ҳар куни устингдан арзи-дод эшитишимга тўғри келади. Нима жин урди сени? Ёш виконт Альбер де Рамоншанни калтаклаганинг нимаси?

– Айб ўша олифтанинг ўзида! – деди Жеан. – Ярамас бола кўлмаклардан от чоптириб, талабаларга лой сачратибди!

– Кийимини сен йиртиб ташлаган Майе Фаржель ким бўлди? – давом этди архидьякон. – Маҳкамага тушган шикоят аризасида ҳам “Tunicam déchiraverunt”¹ дейилган.

– Бўлмаган гап! Бу Монтегюдаги талабаларнинг йиртилиб адо бўлган ёпинчиғи эди, холос. Бор гап шу!

– Аризада сарреттам эмас, tunicam² дейилган. Лотинчани тушунасанми, ўзи?

Жеандан садо чикмади.

¹ Tunicam déchiraverunt (лот.) – Кўйлақлари йиртилган.

² Сарреттам эмас, tunicam (лот.) – ёпинчиқ эмас, кўйлақ.

– Эвоҳ! – деди руҳоний бошини чайқаб, сўнг дийдиёсини бошлади:
– Демак, илм ва адабиётга муносабат шу экан-да! Лотинчани наридан-бери ҳатлайдиган, арабчадан буткул беҳабар бу бесаводларнинг юнончани менсимаслиги, тагин, ўқиш пайтида биргина юнонча сўзни тушириб қолдирган олимларни *Graecum est, non legitur*¹, дея масхаралаб, уларни жоҳиллар қаторига қўшганларига нима дейсиз?

Жеаннинг тоқати тоқ бўлди.

– Ака! Девордаги мана бу юнонча сўзни соф француз тилида ўқиб беришимни хоҳлайсизми?

– Қайси сўзни айтаяпсан?

– 'Anagkh.

Жунбишга келаётган вулқоннинг отилишидан дарак бераётган сезилар-сезилмас тутунга ўхшаб, архидьяконнинг сарғайган ияклари титраб кетди. Аммо Жеан акасининг юзидаги бу ўзгаришни сезмади.

– Жуда соз, Жеан, – дея минғирлади Клод ота. – Хўш, бу сўз нимани англатар экан?

– Қисматни.

Талаба Клоднинг оқариб кетган юзига парво қилмасдан гапини давом эттирди:

– Пастроқда ўша қўл билан ёзилган “Αναρχεια” сўзи “ярамас” деган маънони англатади. Юнон тилини билишимга энди ишонгандирсиз?

Архидьякон миқ этмасдан ўтирарди. Юнон тили машғулоти уни ўйга солиб қўйган эди.

Эркалатиб талтайтирилган боладек айёр шумтака ниҳоят илтимосимни баён этишга фурсат етди, деган тўхтама келди. У мулоийм оҳангда гап бошлади:

– Мехрибон акажон! Наҳотки, мардларча муштлашув чоғида қандайдир болакайларнинг бир-икки жойи тирналгани учун ғазабланиб, мenden марҳаматингизни дариг тутсангиз?

Аммо Цербер² асал солинган кулчага учмаганидек, Жеаннинг тилёғламалиги акасига заррача таъсир қилмади, пешонасидаги битта ҳам ажин ёзилмади.

– Бу билан нима демоқчисан? – деб сўради у совуқ оҳангда.

– Бўпти, айтақолай, – деди Жеан дадиллик билан. – Менга пул керак.

Бундай безбетликдан жиғибийрон бўлган архидьякон катталарга хос салобат билан гап бошлади:

– Жаноб Жеан, Тиршапдаги мол-мулкимиздан, йигирма бир уйдан тушадиган ижара ҳақини қўшиб ҳисоблаганда, атиги ўттиз тўққиз ливр ўн бир су ва олти денье микдоридан даромад олишимиздан хабардор бўлсангиз керак. Бу ака-ука Паклелар давридагидан бир ярим баробар кўп бўлса ҳам, барибир, етарли эмас.

– Менга пул керак! – дея такрорлади Жеан қатъият билан.

– Руҳоний суди қарорига биноан, барча уйларимиз епархияга боғлиқлигидан ва епископдан ҳар бири олти Париж ливридан иборат тилла суви юритилган икки кумуш танга тўлаб қутулиш мумкинлигидан ҳам хабардор бўлсангиз керак. Шунча пулни ҳали тўплай олганим йўқ.

– Менга фақат пул кераклигидан хабардорман, холос, – учинчи бор бир гапни қайтарди Жеан.

¹ *Graecum est, non legitur* (лот.) – Бу юнонча сўз, барибир ўқий олмайсиз.

² Цербер – юнон афсоналарига кўра, оғзидан заҳарли аралашма оғиб тушадиган уч каллали баҳайбат ит.

– Хўш, пул нима учун керак бўлиб қолди?

Бу саволдан кейин йигитнинг кўзларида умид учкунлари порлаб, ялтоқлана бошлади.

– Қулоқ солинг, азизим Клод, – деди у, – мақсадларим ёмон бўлганда сизга мурожаат этишга ҳаддим сиғмасди. Пулингизни майхоналарда со-вуриб, зарҳал либосли хизматкорим ҳамроҳлигида Париж кўчаларида изғиб юрмоқчи эмасман. Йўқ, акажон, савоб ишга пул сўраяпман.

– Хўш, бу қандай савоб иш экан? – деб сўради ажабланган Клод.

– Икки дўстим Одри жамоасидаги бир бева аёлнинг боласига сеп олмоқчи. Бу савобли иш эмасми? Атиги уч флорин берсангиз бўлгани, мен ҳам бу ишга ўз улушимни қўшсам дегандим.

– Уларнинг оти бордир?

– Пьер Қассоб ва Батист Қушхўр.

– Ҳм! – деб тўнғиллади архидьякон. – Замбарак меҳробга қай даража-да зид бўлса, бу исмлар ҳам савоб ишга шунчалик мос келмайди.

Жеан айнан шу исмларни тилга олиб, чакки иш қилганини тушунди.

– Бундан ташқари, – давом этди сезгир руҳоний, – атиги уч флоринлик сеп ҳам бўларканми? Тағин художўй беванинг боласига-я? Қизик, қачондан буён бу жамоага мансуб бевалар эмизикли чақалоқ тарбиялайдиган бўлибди?

Жеан яна бир бор музни эритишга уриниб кўрди.

– Майли, ростини айтақолай: пул менга бугун кечкурун Валь-де-Амурдаги Изабо-ла-Тьерининг ҳузурига бориш учун керак эди.

– Жирканч бузуқи! – дея бақирди руҳоний.

– 'Avayveia, – дея Жеан унинг гапини бўлди.

Деворга ёзилган ва Жеан тили билан айтилган бу сўз архидьяконга ғалати таъсир этди: у лабини тишлаб, ғазабдан юзи қизариб кетди.

– Кет бу ердан, – деди у Жеанга. – Мен бир кишини кутаяпман.

Талаба сўнги бор уриниб кўришга қарор қилди:

– Акажон! Овқатлангани пулим йўқ, ҳеч қурса бир неча чақа беринг.

– Грациан ёзувларининг қайси жойига келиб тўхтадинг?

– Дафтарларимни йўқотиб қўйдим.

– Лотин адибларидан кимларнинг асарларини ўрганаяпсан?

– Мендаги Гораций нусхасини ўғирлаб кетишди.

– Арастудан нималарни ўқидинг?

– Тупурдим Арастунгизга! Унинг метафизикаси эътиқодимга раҳна солишини истамайман.

– Яхши йигит! – деди архидьякон. – Қиролнинг сўнги бор шаҳарга ташрифи чоғида мулозимларидан бири – Филипп де Комин отининг ёпинчиғига “Qui non laborat, non manducet”¹ деган шиор ёзиб қўйилган эди. Шу ҳақда ўйлаб кўрсангиз яхши бўларди.

Талаба кўзларини ерга қадаб, панжасини қулоғига тутиб, бир дақиқа жим турди-да, кейин жиблажибон каби эпчиллик билан Клод отага бурилди:

– Шундай қилиб, новвойдан бир бўлак нон сотиб олишим учун арзи-маган бир су ҳам бермоқчи эмассиз, шундайми?

– Qui non laborat, non manducet.

Архидьяконнинг қатъият билан айтилган бу сўзларидан кейин Жеан ноиложликдан уввос солиб йиғлаётган бева сингари юзини беркитиб олди-да, “Otototototoi!” деб ҳайқирди.

¹ Qui non laborat, non manducet (лот.) – Ишламаган – тишламайди.

– Бу нима деганингиз, жаноб? – деди укасининг бу қилиғидан хайратланган руҳоний.

– Ижозатингиз билан айтаман! – деди шумтака йиғлагандек бўлиб кўриниш учун муштлари билан ишқаганидан қизариб кетган кўзларини унга қадаб. – Бу юнонча сўз! Умидсизликни ифода этадиган Эсхил анапести¹ бу.

Шундан кейин у шу қадар қаттиқ хохолаб кулдики, ҳатто архидьяконнинг лабида ҳам беихтиёр табассум пайдо бўлди. Клод айбини чуқур ҳис этди: у болани ҳаддан ташқари эркалатиб вояга етказган эди.

– Акажон! – дея Клоднинг табассумидан руҳланган Жеан яна гапга тушиб кетди. – Илма-тешиқ бўлиб кетган пойабзалимга бир қаранг, ахир!

Архидьяконнинг қиёфаси ўша заҳоти яна жиддий тус олди.

– Сенга янги пойабзал юбораман, аммо пулдан умид қилма, – деди у.

– Арзимаган бир чақа беринг! – илтижо қилди Жеан. – Грацианни ёд оламан, художўй бўламан, илм бобида Пифагорга айланаман. Ўтинаман, озгина пул беринг! Наҳотки, оч-наҳор ўлиб кетишимни истасангиз?

Клод хўмрайиб бош чайқади:

– Qui non laborat...

Жеан унга гапини тугатишга имкон бермади.

– Шундай денг! – дея бақирди у. – Тупурдим ҳаммасига! Яшасин кувноқ хаёт! Майхонадан чиқмайман, муштлашаман, идишларни уриб синдираман, бузук аёлларнинг хузурига бораман!

У қалпоғини деворга отиб, қайроқтош билан ўйнагандек, панжаларини кирсиллата бошлади.

Архидьякон ҳамон унинг юзига хўмрайиб қараб турарди.

– Жеан! Тубанлашиб боряпсан. Қаёққа кетаётганингни биласанми, ўзи?

– Майхонага, – деди Жеан тап тортмай.

– Майхона шармандалиқ устунига етаклашини наҳотки тушунмаётган бўлсанг?

– У ҳам чироқ осиладиган устунлардан бири. Эҳтимол, айнан унинг ёрдами билан Диоген ўзи излаган одамни топган бўлармиди?

– Шармандалиқ устун дорга етаклайди-ку!

– Дор деганингиз, бу – бир учига одам, иккинчи учига – коинот осилиб турган тарози! Бундай ажойиб қисмат ҳаммага ҳам насиб этмайди.

– Дор дўзахга етаклайди, ахир!

– Бу атиги ловуллаб турган олов, холос.

– Жеан, Жеан! Бундай саёқ юришнинг охири бахайр бўлмайди.

– Лекин бошланиши зўр бўлган эди-да!

Шу пайт зинадан қадам товуши эшитилди.

– Жим бўл! – деди архидьякон бармоғини лабига босиб. – Ниҳоят, мэтр Жак ҳам келди. Менга қара, Жеан, – деди у шивирлаб. – Бу ерда кўрганинг ва эшитган гапларингни бирор жойда айтиб юрма. Ўчоқнинг тагига яшириниб, жимгина ўтир!

Талаба ўчоқ томонга ўтиши билан миясига зўр фикр келиб қолди.

– Дарвоқе, акажон, сукут сақлаб ўтиришим учун – бир флорин.

– Жим бўл! Майли, розиман.

– Ҳозироқ беринг.

– Ма, ол! – дея архидьякон зарда билан ҳамёнини отиб юборди.

Жеан ўчоқнинг тагига яшириниб олди.

Эшик очилди.

¹ Анапест – уч мисрали шеър шакли.

V. Қора либосли кишилар

Хужрага хўмрайган қора либосли бир одам кириб келди. Дўстимиз Жеанни унинг қоп-қора либоси ва тунд қиёфаси хайратга солди. Сочлари ва қошлари оппоқ, пешонасини ажин босган, пастки лаби осилиб тушган, қўллари баркашдек олтмиш ёшларни қоралаган бу киши кўзларини қисиб турарди.

Архидьякон нотаниш одамни қарши олиш учун ҳатто ўрндан ҳам кўзғалмади. У меҳмонга эшик олдида турган тахта курсига бориб ўтиришга ишора қилди ва қандайдир фикрни миясида пиштаётгандек, бирпас хаёл суриб турди-да, калондимоғлик билан деди:

– Салом, мэтр Жак!

– Хурмат-эҳтиромимни қабул қилинг, мэтр! – деди қора либосли киши.

– Хўш, ишлар қалай? – деб сўради архидьякон ўртадаги сукунатни бузишга жазм этмаётган шогирдига мурожаат этиб. – Хўш, муваффақиятдан умидвормисиз?

– Минг афсус, тақсир! – дея жавоб қилди меҳмон ғамгин илжайиб. – Ҳамон оловни пуфлаш билан овораман. Ҳаммаёқ кул, олтиндан эса дарак йўқ!

– Мэтр Жак Шармолю, мен бу ҳақда эмас, афсунгарингизнинг иши ҳақида сўраяпман. Гапингиз рост бўлса, Олий ҳисоб палатаси ғазначиси Марк Сенен – афсунгар. У қилмишини бўйнига олдими-йўқми? Қийноқ бирон натижа бердимиз?

– Афсуски, ҳеч қандай натижа йўқ! – дея жавоб қилди мэтр Жак маъюс жилмайиб. – Бу одам тошдан ясалган экан. Ундан гап олиш учун Чўчкалар бозорида тириклайин қайноқ сувга солиш керакми дейман. Аммо шу вақтгача ҳақиқат қарор топиши учун турли қийноқ усулларини қўллаб кўрдик. Унинг барча суяклари уриб синдирилди. Кекса масхарабоз Плавт айтганидек:

*Aduorsum, slimulos, laminas – crucesque, compedesque,
Nervos, catenas, carceres, numellas, pedicas, boias¹.*

Бу даҳшатли одам. Бекорга вақт сарфляяпмиз, холос.

– Уйидан янги бирон-бир далил топилмадимиз?

– Албатта, топилди! – деди мэтр Жак халтачасини ковлаб. – Мана бу қўлэзма топилди. Унда тушунарси сўзлар битилган. Ҳатто Брюсселдаги Кантерсен кўчасида яшайдиган яҳудийлар иши кўриляётганда қадимий яҳудий тилини ўрганиб олган жинойт суди прокурори жаноб Филипп Лельенинг ҳам унга тиши ўтмади.

Мэтр Жак гапини давом эттириб, қўлэзма ўрамини оча бошлади.

– Қани, менга беринг-чи... – Қўлэзмага разм солган архидьякон хайкириб юборди: – Мэтр Жак, бунинг бари афсунгарлик! “Эмен-хетан”! Бу иблислар базмига учиб келаётган шарпалар қийкириғи-ку! *Per ipsium, et cum ipso, et in ipso²* – бу иблисни базмдан яна дўзахга улоқтириб юборадиган дуо. Нах, рах, мах³ – бу дуо табобатга алоқадор, кутурган

¹ *Aduorsum, slimulos, laminas – crucesque, compedesque, Nervos, catenas, carceres, numellas, pedicas, boias* (лот.) – На занжир, на таёқ, на кишан, На турма, на дор, на арқон кор қилди.

² *Per ipsium, et cum ipso, et in ipso* (лот.) – Ўзи орқали, ўзи билан, ўзида.

³ Нах, рах, мах – маъносиз сўзлар йиғиндиси.

итга қарши ўқилади. Мэтр Жак! Сиз, ахир, черков суди прокурорисиз! Наҳотки, бу даҳшатли қўлэзма эканини фаҳмламаган бўлсангиз!

– Биз бу одамни яна қийноққа соламиз. Ҳа, дарвоқе, Марк Сенендан яна мана буни топиб олдик, – деди у халтасини титкилаб.

Бу Клод ота ўчоғи олдида қалашиб ётган буюмларга ўхшаб кетадиган идиш эди.

– Э, бу алкимёгар қозони-ку! – дея изоҳ берди архидьякон.

– Тан оламан, – деди мэтр Жак ёлғондакам тиржайиб, – мен уни ўчоқда қўллаб кўрдим, аммо, барибир, натижа бўлмади.

Архидьякон идишни диққат билан кўздан кечирди.

– Бунга тирнаб бир нималар ёзилганми? Och! Och! – бу бургани ҳайдайдиган сўз эмасми? Марк Сенен деганлари – ғирт аҳмоқ экан! Бу қозонда ҳеч қачон олтин ишлаб чиқариш мумкин эмаслиги кундек аён. У ёзда ётоқхонангизга қўйишгагина ярайди, холос.

– Хатоларимиз ҳақида сўз кетган экан, – деди кирол прокурори, – баъзи нарсаларни аниқлаштириб олмакчиман. Хужрангизга чиқишдан олдин пастдаги пештоқни кўздан кечираётганимда ўз-ўзидан савол туғилди: Отель-Дье тарафида физика бўйича ишларнинг бошланиши тасвирлангани ва Биби Марям пойидаги етти яланғоч ҳайкалча орасидаги товонида қаноти бор ҳайкалчада Меркурий тимсоли акс эттирилганига ишончингиз комилми?

– Ҳа, – дея жавоб қилди руҳоний. – Ҳар ҳолда, соқолли иблис ҳомийлик қилган италиялик олим Августин Нифо шундай деб ёзган. Яхшиси, ҳозирок пастга тушиб, ўша жойнинг ўзида масалага аниқлик киритганимиз маъқул.

– Миннатдорман, мэтр, – деди Шармолу таъзим қилиб. – Дарвоқе, сал бўлмаса, хотирамдан кўтарилай дебди! Ёшгина афсунгар қизни хибсга олишга ижозат берасизми?

– Қайси афсунгар қизни айтяпсиз?

– Руҳонийлар суди томонидан тақиқланганига қарамасдан, ҳар куни бош майдонга келиб, рақсга тушадиган, сизга яхши таниш лўли қизни-да! Шубҳасиз, унинг ичига иблис кириб олган, Пикатрикс даражасида ўқийдиган, ёзадиган, математикани биладиган эчкиси ҳам бор. Шунинг ўзи ҳам бутун лўлилар кавмини дорга осиш учун етарли далил бўла олади. Айбнома тайёрланган. Суд чўзилмайди, ишонаверинг! Раққоса эса, худо ҳақи, жуда келишган! Тим қора чарос кўзларини айтмайсизми! Қачон бошлаймиз?

Архидьяконнинг юзи докадек оқариб кетган эди.

– Вақтини сизга айтаман, – дея шивирлади у. Сўнг овозини кўтариб деди: – Ҳозирча Марк Сенен билан шуғулланиб туринг.

– Хотиржам бўлинг, – деди Шармолу тиржайиб. – Уйга қайтишим билан уни чарм курсига боғлаб қўйишларини буюраман. Аммо у одам бола-си эмас, иблиснинг худди ўзгинаси! У ҳатто қўллари меникидан бақувват бўлган Пьер Тортерюнинг ҳам тинка-мадорини қуритиб юборди. Қария Плавт айтганидек: “Nudus vinctus, centum pondo, es quando pedes per pedes”¹. Энг зўр қийноқ ускунаси – диблага² боғлаб, сўроқ қилиб кўрайликчи! Буни ҳам бир синаб кўрсин.

¹ Nudus vinctus, centum pondo, es quando pedes per pedes (лот.) – Қип-яланғоч ҳолда оёгингдан осилганда оғирлигинг юз фут бўлади.

² Дибла – қурбон танасини тортиб, тизза бўғимларини синдириш учун қўлланадиган қийноқ қуроли.

Клод ота оғир ўйга чўмиб ўтирар эди. Бироздан кейин у Шармолюга узук-юлуқ гапира бошлади:

– Мэтр Пьер... яъни, мэтр Жак! Марк Сенен билан шуғулланинг.

– Албатта, албатта, Клод ота. Шўрлик! Уни қандай азоб-укубатлар кутиб турганидан ҳали беҳабар. Нима қиларди ўша иблислар базмига бориб! Олий ҳисоб палатаси ғазначиси Буюк Карлнинг “Stryga vel masca!”¹ деган қонунини билмаслиги мумкинми? Одамлар Смеральда деб атайдиган қизалоқ бўйича эса фармойишингизни кутаман. Айтгандай, пештоқ тагидан ўтаётганимизда ибодатхонага киравериш жойидаги деворий суратда акс эттирилган боғбон тасвири нимани англатишини тушунтириб берсангиз. Ҳойнаҳой, у тарғиботчи бўлса керак? Устоз! Нималар ҳақида ўйлаб қолдингиз?

Хаёлга чўмган Клод ота унинг гапларини эшитмасди. Уни кузатиб турган Шармолю руҳоний деразададаги ўргимчак инига тикилиб турганига эътибор қилди. Шу пайт ёруғликка интилиб иннинг ўртасидан учиб ўтаётган пашша унинг толаларига ўралашиб қолди. Иннинг титраб кетганини сезган улкан ўргимчак бир сакраб, пашшанинг ёнига келди-да, олдинги оёқчалари билан уни иккига букди; айна шу пайтда унинг жирканч хартумчаси пашшанинг бошини пайпаслаб турарди.

– Бечора пашша! – деди черков суди прокурори. У пашшани кутқариб олмоқчи бўлиб инга яқинлашай деганда, худди хозиргина уйқудан уйғонган одамдек тўсатдан ўзига келган архиdjьякон титроқ ҳаракатлар билан қўлини ушлаб қолди.

– Мэтр Жак! – дея хитоб қилди у. – Такдирга қарши бориб бўлмайди!

Прокурор чўчиб руҳонийга ўгирилди. Унинг назарида, архиdjьяконнинг чакнаб турган кўзлари кичкина мавжудотлар – пашша ва ўргимчак ўртасидаги аянчли манзарага қадалиб тургандек эди.

– Ҳа, ҳа! – дея фикрини давом эттирди руҳоний ҳазин овоз чиқариб. Бу овоз руҳоний қалбининг туб-тубидан чиқиб келаётганга ўхшарди. – Барча нарсанинг тимсоли-ку бу! Ҳозиргина дунёга келган бу мавжудот парвоз қилади, қувнаб-ўйнайди; у баҳор сасига, мусаффо ҳавога, эркинликка ташна! Ҳа, ҳа! Бироқ пуштиранг розеткага дуч келиши билан йўлини ўргимчак, жирканч ўргимчак тўсиб қўяди! Шўрлик раққоса! Ўлимга маҳқум бечора ҳашарот! Аралашманг, мэтр Жак, тақдири азал деганлари шу! Эй, Клод, сен ҳам ўргимчак! Пашша ҳам ўзинг! Эй, Клод! Сен ҳаммиша илмга, нурга, куёшга, чексиз кенгликларга интилдинг, абадий ҳақиқат сари талпиндинг. Бироқ ўзга олам, ёруғлик, тафаккур ва илмфаннинг нурафшон туйнугига интилиб, кўзлари қамашиб кетган ҳашарот сингари – сен билан ёруғлик ўртасига тортилган нозиккина толани сезмасдан, эси оғиб қолган одамдек нурга томон ташландинг! Оқибатда боши ва қанотлари узилган қушдек, тақдирнинг темир исканжасида қолиб, азоб чекайпсан! Мэтр Жак! Мэтр Жак! Қўйинг, ўргимчакка халақит берманг!

– Ишонинг, унга тегмайман, – деди ажабланган прокурор. – Худо хайрингизни берсин, қўлимни қўйворинг! Бу қўл эмас, исканжанинг ўзи-ку!

Бироқ унинг гаплари архиdjьяконнинг қулоғига кирмасди.

– О, тентак! – дея гапини давом эттирди туйнукчадан кўз узмаётган архиdjьякон. – Ҳатто кичкина нозик қанотчаларинг билан бу хатарли жойдан ёриб ўтганинда ҳам, наҳотки, нурга, ёруғликка чиқаман деб ўйласанг?

¹ Stryga vel masca! (лот.) – Афсунгарми ё фолбин!

Афсус! Минг афсус! Бу файласуфни ҳақиқатдан адамантдек¹ ажратиб турган мана бу мусаффо, аммо олмосдек қаттиқ биллур девордан ўтишга қурбинг етармикан? О, илмга интилишнинг азоб-укубатлари бунчалик машаққатли бўлмаса! Узоқ йўл босиб, нурга, зиёга талпинган не-не до-нишманд зотларнинг умри зое кетди! Қанча-қанча илмий тизимлар ана шу машъум деразача олдида тўқнашиб, пашшадек визиллаб ётибди!

Ниҳоят у жимиб қолди.

Шу пайт кутилмаганда ўчоқ тагидан чапиллаётган товуш эшитилди; кулоқлари динг Шармолу турган жойида қотиб қолди.

– Бу нима? – деб сўради у ҳадиксираб.

Англаган бўлсангиз, яшириниб ўтирган жойида ўлгудек зерикиб чарчаган талаба қотиб қолган бир бўлак нон ва моғорлаб кетган озгина пишлок топиб уларни кемираётган эди. Қорни очиқиб кетган йигитча зоғора ва пишлокни иштаҳа билан чапиллатиб туширар экан, бу билан прокурорнинг кўнглига ғулғула солаётганини қаёқдан билсин.

– Мушугим сичқон тутиб еяётган бўлса керак, – деди архидьякон.

Шу гапнинг ўзи Шармолу учун етарли бўлди.

Аммо Жеаннинг яна бир қилиқ чиқаришидан кўркқан архидьякон пештоқдаги бир неча тасвирларга аниқлик киритишга келишиб олганларини шогирдига эслатиб, тиззасида иягининг изи қолиб кетишидан чўчиб турган талабанинг бахтига, Жан билан бирга хужрадан чиқиб кетди.

VI. Очиқ ҳавода жаранлаган етти қарғиш оқибати

– Те Deum laudamus!² – дея Жеан ўчоқ тагидан чиқиб келди. – Хайрият, уккилар даф бўлди! Ох! Ох! Гаке! Пакс! Макс!³ Бургалар! Кутурган итлар! Иблис! Бу сафсаталар ҳиқилдоғимга келди! Бошим катта кўнғироқнинг ёнида тургандек ғувиллапти. Бу ҳам етмагандек, моғорлаган пишлокни айтмайсизми! Тезроқ пастга тушиш керак. Акагинамнинг ҳамёнини оламиз-да, ичидаги тангаларни шишаларга алмаштирамиз.

У ҳамённи очиб кўрди, кийимларини тартибга солди, пойабзалини артиб-суртди, енгларига ёпишган кул чангини қоқиб ташлади, қандайдир кўшиқни хиргойи қилди, бир оёғида айланиб сакради, тагин, бирон нима олиш илинжида хужрани яна бир бор кўздан кечирди. Изабо-ла-Гъерига такинчоқлар ўрнига тақдим этиш мумкин бўлган шиша туморни ўчоқ ичидан олди-да, акаси очиқ қолдирган эшикни бир тепиб, қуш сингари сакраб-сакраб бурама зинадан пастга йўл олди.

Ниҳоят майдонга чиқиб, оёғи билан ерни бир тепди.

– О, меҳрибон ва қадрдон тошкўчам! – хитоб қилди у. – Жин урсин бу зиналарни! Иаков зинапоясидан чиқиб тушаётган фаришталар ҳам бу ерда ҳаллослаб қолган бўларди! Осмонга бўй чўзган шу тош пармага чиқиш зарилмиди менга? Моғорлаб кетган пишлокни чайнаш ва туйнукчадан Париж кўнғироқларини томоша қилиш учунми?

Шу пайт орқадан кимнингдир баланд ва чинқирган овозда сўкинаётганини эшитиб қолди.

– Шайтонвачча! Жин ургур! Даф бўл! Вельзевул⁴ киндиги! Папанинг қаҳрига учрагур! Чақмоқ урсин сени!

¹ Адаманти – табиатда учрамайдиган энг қаттиқ хаёлий модда.

² Те Deum laudamus! (лот.) – Худога минг қатла шукур!

³ Гаке! Пакс! Макс! – маънисиз сўзлар йиғиндиси.

⁴ Вельзевул – Янги Аҳдда иблислар бошлиғи.

– Худо хақи, – деди Жеан, – жонажон дўстим капитан Фебгина шундай сўкиниши мумкин!

Худди шу лахзада мана шу исм қирол прокурорига деворий суратда қиролнинг боши чиқиб келаётган бочкага думини туширган аждарнинг маъно-мазмунини тушунтираётган архидьякон қулоғига чалинди. Сесканиб, гапи оғзида қолган Клод овоз келган томонга бурилиб, Гонделорьелар хонадони эшиги олдида турган баланд бўйли зобитнинг ёнига бораётган укаси Жеанни кўриб қолди.

Чиндан ҳам сўкинаётган киши қаллиғининг уйи устунига суяниб турган капитан Феб де Шатопер эди.

– Сўкиниш борасида сизга етадигани йўқ, капитан Феб! – деди Жеан унга қўл узатиб.

– Э, бор, даф бўл! – деди капитан ижирганиб.

– Ўзинг даф бўл! – деди талаба бўш келмасдан. – Айтингчи, марҳаматли капитан, бундай ажойиб нутқ ирод этишга сизни нима мажбур қилди?

– Узр, биродар, – деди Феб талабанинг қўлини сиқиб. – Биласиз, от ҳуркиб кетса, уни ўша заҳоти тўхтатиш амримаҳол. Мен сўкмадим, шунчаки юмшоққина қилиб сийладим, холос. Ҳозиргина анови таннозлардан қочиб қолдим. Ҳар гал уларнинг ҳузуридан чикқанимда томоғимга бир бало тикилади. Қайт қилмасам, бўғилиб қолишим аниқ! Яшин урсин мени!

– Томоқни ҳўллашга қалайсиз? – деб сўради шумтака.

Таклиф капитанга маъқул келди.

– Қарши эмасман, аммо бир чақам ҳам йўқ-да!

– Сизда бўлмаса, бизда бор!

– Йўғ-е! Наҳотки?

Жеан ўзича ғўддайиб, ҳамённи очди. Бу пайтга келиб, серрайиб қолган Шармолюни тарк этган архидьякон, улар томон юриб, бир неча қадам нарида тўхтади-да, икки дўстни кузата бошлади. Ҳамённи титкилашга берилиб кетган йигитлар уни ҳатто сезгани ҳам йўқ.

– Жеан! – деди Феб. – Чўнтагингиздаги ҳамён, бу – сув тўла челақдаги ой дегани. Кўриниб турса ҳам, унда ой йўқ. Фақат унинг акси кўринади, холос! Жин урсин! Гаров боғлашга тайёрман: унинг ичида майда тошчалардан бўлак ҳеч вақо йўқ!

Жеан уни менсимагандай, совуқ оҳангда жавоб берди:

– Мана ўша, чўнтагимни тўлдириб турган тошчалар.

Ортиқ бир оғиз ҳам гапирмасдан, ватан ҳимоясига отланган римлик аскар сингари ғўддайиб, ҳамённи ёнидаги устунчага ағдарди.

– Эй-хе! – деди хайратланган Феб. – Соябон, катта-кичик тангачалар, икки тур чақаси, Париж деньеси, ҳатто ҳақиқий бургутли лиарлар ҳам бор-ку! Ақл бовар қилмайди!

Феб пулни санаб бўлгач, Жеанга бурилиб, тантанавор оҳангда деди:

– Бу ерда йигирма уч Париж суси борлигини тасаввур қила оласизми, дўстим Жеан? Нима бало, ўтган тунда Қирқилган кекирдақлар кўчасида бировни тунадингизми дейман?

Жеан сарғимтир, жингалаксоч бошини кўтарди-да, кўзларини такаб-буруна қисиб, жавоб берди:

– Акамиз – эсипаст архидьякон омон бўлса, тунашга не ҳожат!

– Жин урсин! – деди ажабланган Феб. – Нақадар саховатли инсон!

– Юринг, майхўрлик қилайлик, – дея таклиф қилди Жеан.

– Қаёққа борамиз? – деб сўради Феб. – “Биби Марям олмаси” майхонасига борсакмикан?

– Йўғ-е, у ер ярамайди, капитан. Яхшиси, “Кўхна илм”га борганимиз маъкул.

– “Биби Марям олмаси”да шароб тузукрок. Бундан ташқари, эшик олдидида куёшда чирмашиб турган ток новдаси шароб симираётган одамга завқ бағишлайди.

– Бўпти, “Биби Марям олмаси” бўлақолсин! – дея рози бўлди талаба. Оғайнилар майхонага йўл олишди.

Саросимага тушган ва қовоғи уйилган руҳоний уларнинг ортидан эргашди. Гренгуар билан учрашган пайтда исми архидьяконнинг фикр-ўйларини ағдар-тўнтар қилиб юборган ўша Феб шуми-йўқми, у билмасди; бироқ ана шу сеҳрли сўз тилга олинишининг ўзиёқ архидьяконнинг парвойи палак оғайнилар ортидан қашқирга ўхшаб писиб бориши, диққат билан уларнинг ҳар бир сўзига кулоқ тутиши, барча ҳаракатларини кузатиши учун кифоя эди.

Бир кўчанининг муюлишига етганда, бирдан уларнинг қулоғига чилдирманинг овози эшитилди. Клод зобитнинг талабага айтган гапини эшитиб қолди:

– Оббо! Ишлар чатоқ! Бу ердан тезроқ кетайлик!

– Нима учун?

– Лўли киз мени таниб қоладими, деб кўркаман.

– Қайси лўли қиз?

– Ўша эчкиси бор лўли қиз-да!

– Эсмеральдами?

– Худди ўша. Унинг иблисона исмини ҳеч эслаб қололмайман. Мени таниб қолмасидан, тезроқ кетайлик. У билан кўчада гаплашишни истамас эдим.

– Сиз у билан танишмисиз, Феб?

Шу пайтда архидьякон Фебнинг мийиғида кулиб, талабанинг қулоғига бир нималар деб шивирлагани, кейин кулимсираб, бошини ғолибона силтаб қўйганини кўриб турарди.

– Наҳотки? – деб сўради ажабланган Жеан.

– Қалбимни тикиб қасам ичаман! – деди Феб.

– Бугун кечкурунми?

– Ҳа, бугун кечкурун.

– Унинг келишига ишончингиз комилми?

– Ақлдан озганмисиз, Жеан! Ахир, бунга шубҳа қилиш мумкинми!

– Бахти чопган одамсиз-да, капитан Феб!

Ҳамма гапни эшитиб турган архидьяконнинг тишлари такиллаб, бутун вужудини титроқ босди. У кайфи таранг одамдек бир неча сония устунга суяниб турди-да, яна қувноқ такасалтанларнинг ортидан эргашди.

VII. Руҳоний шарпаси

Машҳур “Биби Марям олмаси” майхонаси Университет мавзесида, Юмалоқ қалқон ва Ҳассакашлар кўчалари чорраҳасидаги бинонинг биринчи каватида жойлашган бўлиб, кенг равоқи ўртадаги сарик рангли ёғоч устунга таянган пастаккина залдан иборат эди.



Қош қорая бошлади. Бироздан кейин чорраха зулматга чўмди. Кўплаб шамчириклар билан ёритилган майхона узокдан тунда темирчининг босқони сингари порлаб тургандек туюларди. Уриб синдирилган дераза ойналари ортидан идишларнинг жаранг-журунги, майхўрларнинг шовқин-сурони, сўқинишлари эшитилиб турарди. Онда-сонда иссиқдан терлаб кетган катта ойнада шарпалар кўзга ташланар, гулдурос кулги овози кулоққа чалинади.

Бу орада қандайдир одам майхонадан кўз узмасдан у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Эғнидаги плашнинг кўтариб қўйилган ёқаси юзининг қуйи қисмини беркитиб турарди. Вақти-вақти билан у дераза панжаралари олдида тўхтаб, кулоқ тутар, разм солар, оёғини ерга уриб-уриб қўярди.

Ниҳоят, майхона эшиги очилиб, икки ширакайф оғайни чиқиб келди. Ичкаридан чиққан нур уларнинг юзини ёритиб юборди. Плаш кийган киши кўчанинг қарама-қарши томонига ўтиб олди-да, эшик ортига яшириниб, уларни кузатишда давом этди.

– Эсим курсин! – деди майхўрлардан бири. – Соат етти бўлай деб қолибди-ку! Ахир, учрашувга боришим керак эди.

– Ишонтириб айтаманки, – дея минғирлади зўрға тили айланаётган иккинчиси, – мен Беҳаёлар кўчасида яшамайман. *Indignus qui inter mala verba habitat!* Кулбам Юмшоқ нон кўчасида жойлашган. Аксини айтаётган бўлсангиз, шохларингиз нарвалникидан² ҳам узунроқ экан! Бир гал айикни бўйсундирган одам ҳеч нимадан тап тортмаслигини ҳамма билади! Қараб турсам, бу борада авлиё Жак Мискинни ҳам ортда қолдириб кетасиз, чоғи.

– Дўстим Жеан, кайфингиз ошиб қолибди, – деди иккинчиси.

Китобхон, шак-шубҳасиз, эски қадрдонларимиз – капитан билан талабани танигандир. Оёқлари чалкашиб кетаётган талаба ичкиликка чидамли бўлгани учун оёғида тик турган капитанни ҳам чайқалиб юришга мажбур қиларди. Уларнинг ғоят мароқли суҳбатига диққат билан кулоқ тутиб бораётган плаш кийган киши бир сўзни ҳам эътиборсиз қолдиргани йўқ.

– Жеан, оғайни! Авлиё Михаил кўприги олдида кизалоқ билан учрашув белгилаганман, уни кўприк устида истиқомат қиладиган суюқоёқ Фалур-делникигагина олиб бормоқчиман. Хона учун ҳақ тўламаса бўлмайди. Қари фоҳиша қарзни кейин тўлайман дейишимга ишонармиди? Жеан, наҳотки, ҳаммасини совурган бўлсак? Наҳотки, биргина су ҳам қолмади-я?

– Вактни беҳуда ўтказмадик, энди дастурхонга иштаҳа билан ўтираимиз.

– Эй, тўймас мечкай! Бўлмағур гапларингни йиғиштирсанг бўларди! Айт-чи менга, эй иблис қўғирчоғи, пулдан қолдими-йўқми? Қани, бу ёққа чўз, акс ҳолда тинтиб кўришимга тўғри келади.

– Жаноб! Билсангиз, Галиаш кўчасининг бир учи Ойначилар кўчасига, иккинчиси – Тўқимачилик кўчасига бориб тақалади.

– Ҳа-ҳа, азизим Жеан, бечора биродаргинам, гапинг мутлақо тўғри! Аммо, худо ҳақи, ўзингга келсанг-чи! Менга еттидаги учрашувга атиги бир Париж суси керак, холос.

– Овозингизни ўчиринг-да, нақоратни эшитинг:

*Мушуклар каламуш қорнига тушса,
Аррасда қирол ҳукмрон бўлса,*

¹ *Indignus qui inter mala verba habitat* (ном.) – Бундай жойда яшаш шармандалик.

² Нарвал (биршоҳ) – нарваллар оиласига мансуб йирик сут эмизувчи.

*Сокин денгиз бирдан тўлғониб,
Иван қунида уни муз қопласа,
Ўшанда одамлар кўрарлар, ахир,
Аррасликлар шаҳарни тарк этганини.*

– Вой ярамас шайтонвачча, онангнинг ичак-чавоғига осилгур! – дея Феб кўполлик билан талабани туртиб юборди. Зўрға оёғида турган шум-така Филипп-Август кўчасининг қоқ ўртасида шалоп этиб ағанаб тушди. Пиёнисталарни ҳеч қачон тарк этмайдиган аллақандай биродарлик ҳисси устун келган бўлса керак, Феб одатда бой-бадавлат кишилар ижирғаниб, “ахлат уюми” деб тамға босадиган Парижнинг барча устунлари олдида ҳозир у нозир “камбағаллар ёстиғи” гача дўстини судраб келди. Капитан Жеаннинг бошини ғарам қолдиқлари устига қўйиши билан у зум ўтмай ваҳимали овоз чиқариб, хуррак ота бошлади. Аммо капитаннинг кўнглидаги алам ҳали буткул сўнмаганди.

– Унда сени иблис аравасига солиб кетишсин! – деди у қотиб ухлаб ётган талабага қараб ва шошиб жўнаб қолди.

Уларнинг ортидан қолмаётган плашли одам хуррак отиб ётган талабага иккиланиб қараб турди-да, оғир хўрсиниб, капитанга эргашди.

Сент-Андре-Дезар кўчасига етиб олган капитан ортидан кимдир кузатаётганини сезиб қолди. Ортига бурилиб, девор бўйлаб писиб келаётган шарпага кўзи тушди. У тўхтаса, шарпа ҳам тўхтарди, юра бошласа, шарпа ҳам ҳаракатга тушарди. Бу ҳол уни унчалик ташвишлантиргани йўқ. “Нимадан кўрқаман! – ўйлади у. – Ахир, чўнтагимда бир су ҳам бўлмаса!”

Кўча кимсасиз эди. Ҳар тарафга кўз ташлаб, ечилиб кетган боғичларини боғлаётган капитан бехосдан шарпанинг ўзига яқинлашиб келаётганини кўриб қолди. Шарпа жуда секин, писиб келаётгани учун капитан унинг эгнидаги плаш ва бошидаги шляпасинигина кўришга улгурди. Яқинлашиб келган шарпа бирдан турган жойида қотиб қолди; у капитанга ҳатто кардинал Бертраннинг ҳайкалидан ҳам жонсиз, ҳаракатсиз бўлиб туюлди. Унинг Фебга қадалган кўзлари тунда мушукнинг кўзларидек чакнаб, галати нур сочиб турарди.

Капитан кўрқоқлардан бўлмагани учун қўлида ханжар тутган босқинчи ҳам уни унчалик ташвишга солмаган бўларди. Аммо бу ҳаракатланаётган ҳайкал, бу тошқотган одамни кўриб қони музлаб қолгандек бўлди. Шу тобда тунлари Париж кўчаларида изғиб юрган аллақандай руҳоний-шарпа ҳақидаги миш-мишлар хотирасида жонлана бошлади. У бирпас серрайиб турди-да, кейин тиржайишга уриниб гапирди:

– Таксир! Агар ўғри бўлсангиз, ёнғоқ пўстлоғига кўз тиккан қарқарани эслатасиз. Мен, азизим, хонавайрон бўлган кишиларнинг фарзандиман. Яхшиси, эътиборингизни ёнимиздаги бинога қаратганингиз маъқул. Ушбу коллеж бутхонасида ашқал-дашқаллар орасида нажотбахш хочдан қолган ёғоч бўлаги сақланади.

Плаш ичидан чиқарилган қўл бургут тирноқларига хос мислсиз куч билан Фебнинг қўлига санчилди. Кутилмаганда шарпа тилга кирди:

– Сиз капитан Феб де Шатопер, шундайми?

– Жин урсин! – деди ҳайратланган Феб. – Исминни қаёқдан биласиз?

– Мен нафақат исмингизни биламан, – деди плашли киши қандайдир сирли оҳангда, – ҳатто кечкурун белгиланган учрашувдан ҳам хабарим бор.

– Ҳа, шундай, – деди Феб унинг гапини тасдиқлаб.
– Адашмасам, соат еттида.
– Ҳа, чорак соатдан кейин.
– Фалурделникада.
– Мутлақо тўғри.
– Сен-Мишель кўпригидаги фоҳишаникида.
– Ибодат чоғида айтилганидек, фаришта Михаилникада.
– Худобехабар! – дея тўнғиллади шарпа. – Аёл билан учрашув, шундайми?

– Confiteor¹.

– Унинг исми...

– Смеральда, – деди Феб бетакаллуфлик билан. У ўзининг азалий бепарволик ҳолатига аста-секин қайтаётган эди.

Бу исмни эшитган шарпа ғазаб билан Фебнинг кўлини қаттиқ қисди.

– Капитан Феб де Шатопер, сен ёлғончисан!

– Исо ва шайтон номи билан қасам ичаман! – дея бақирди капитан. – Шатоперлар бундай гапларни ҳали ҳеч кимдан эшитмаган эди. Қани, яна бир бор қайтар-чи!

– Сен ёлғончисан! – такрорлади шарпа хотиржам оҳангда.

– Шунақа денг! Жуда соз! – деди ғазабдан нафаси бўғзига келган капитан ва қиличини қинидан чиқариб, тутила-тутила бақирди: – Ҳозирок! Шу онда! Қани, тезроқ бўлинг! Қилич билан жанг қиламиз! Қилич билан жанг қиламиз! Майли, кўча қонга бўялсин!

Аммо шарпа қимирламай турарди. У душман қиличини яланғочлаб, ҳамла киришмоқчи бўлганда яна тилга кирди:

– Капитан Феб! – деди у рухий оғриқдан овози титраб. – Учрашувни унутиб қўйган кўринасиз.

Фебга ўхшаган одамларнинг ғазаби ширгуручга ўхшайди: қайнаб кўпириб кетмаслиги учун бир томчи сув солсангиз, кифоя. Шарпанинг ана шу сўзларидан кейин ҳовури босилган капитан қиличини пастга туширди.

– Капитан! – деди нотаниш кимса. – Эрта, индин, бир ой, ўн йилдан кейин кекирдагингизни узиб ташлашга тайёрман, аммо ҳозир учрашувга шошилинг!

– Чиндан ҳам, – деди Феб, ўзини ўзи ишонтиришга уринаётган одамдай, – учрашув чоғида ҳам аёлни, ҳам қилични кўриш ғоят мароқли. Ҳар иккисидан роҳатланиш имкони бўлса, биридан воз кечиб нима қиламан?

У қилични қинига солиб қўйди.

– Учрашувга шошилинг! – яна такрорлади нотаниш одам.

– Таксир! – деди Феб. – Илтифотингиз учун миннатдорман. Одам Ато либосини илма-тешиқ қилиб ташлашга эртага ҳам улгурамыз деган гапингизга қўшиламан. Ҳаётимнинг бир неча соатини мароқ билан ўтказишга имкон берганингиз учун сиздан ғоят миннатдорман. Сирасини айтганда, жасадингизни ариққа жойлаб, гўзал хоним ҳузурига кечикмасдан боришга умид қилган эдим. Аммо жуда жасур одамдек таассурот қолдирганингиз учун бу ишнинг хотимасини эртага қолдирганимиз маъқул. Шундай қилиб, учрашувга кетдим. У соат еттига белгиланганидан хабарингиз бор. Жин урсин! Сал бўлмаса унутаёзбман! Ахир, ўша кулба-

¹ Confiteor (лат.) – Ҳа, тан оламан.

нинг ҳақини тўлаш учун бир чақа ҳам пулим йўқ-ку! Анови қари алвасти эса олдиндан тўлайсан деб туриб олиши, қарзга жой бермаслиги аниқ.

– Мана буни олинг.

Феб нотаниш киши кафтига йирик танга солиб қўйганини ҳис этди. У пулни олишдан ҳам, уни берган қўлни сиқиб қўйишдан ҳам ўзини тия олмади.

– Худо ҳақи, жуда ажойиб инсон экансиз! – деди у боладек қувониб.

– Пулни биргина шарт билан беряпман, – деб минғирлади нотаниш киши. – Янглишаётганимни ва менга рост гапираётганингизни исботлаб беринг. Бу чиндан ҳам сиз исмини тилга олган ўша қизми-йўқми, аниқ билишим учун хонанинг бирон-бир хилват жойига мени яшириб қўйинг.

– Марҳамат! – дея рози бўлди Феб. – Менга барибир! Авлиё Марта кулбасини эгалламоқчиман. Сиз унинг шундоқ ёнидаги ит катагига жойлашиб олсангиз, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

– Қани, кетдик бўлмаса, – деди нотаниш одам.

– Ҳамиша хизматингизга тайёрман, – дея жавоб қилди капитан. – Иблиснинг ўзи бўлсангиз ҳам бу кеч сиз билан дўстмиз. Эртага барча қарзларимни узаман: ҳам ҳамёнимнинг, ҳам қиличимнинг қарзини.

Улар тез-тез қадам ташлаб кетишди. Бир неча дақиқадан кейин дарёнинг шовуллаб оқишидан ўша замонлар уйлар қуриб ташланган Сен-Мишель кўпригига етиб келишгани маълум бўлди.

– Аввал сизни кузатиб қўяман, – деди Феб ҳамроҳига, – кейин эса Пти-Шатле ёнида мени кутиб турган оймчани олиб келиш учун бораман.

Ҳамроҳи сукут сақлаб турарди. Ёнма-ён бу ёққа келаётганларида у бир оғиз ҳам гапиргани йўқ. Феб кичкина эшикча олдида тўхтаб, қаттиқ тақиллатди. Эшик туйнугидан шуъла кўринди.

– Ким у? – ичкаридан шанғиллаган овоз келди.

– Яратган жисми билан қасам ичаман! Боши билан қасам ичаман! Қорни билан қасам ичаман! – деб бақирди капитан.

Ўша заҳоти эшик очилиб, икки эркак қаршисида титраб турган кампир ва эски чироқ намоён бўлди. Бу устига қандайдир латта-путта ўраб олган, кўзлари кичкина, боши чайқалиб турган, қўллари, юзи ва бўйнини ажин босган, лаблари осилган кекса аёл эди.

Кулбанинг ичи кампирнинг ҳолатидан ҳам баттар эди. Деворлари оҳакланган, шифт тўсинлари қорайган, ўчоқ вайрон бўлган, ҳаммаёқни ис босган; хонанинг ўртасида қийшайиб кетган бир неча стол ва скамейка; ўчоқ кулини титкилаётган исқирт бола; бир чеккада шифтдан томга чиқадиغان туйнукка қўйилган нарвон.

– Авлиё Марта хонасини беринг! – деди Феб буйруқнамо оҳангда.

Фебга “монсеньор” дея мурожаат этган кампир эюни унинг қўлидан юлиб олди-да, столнинг тортмасига яшириб қўйди. Бу боя плашли киши Фебга берган ўша танга пул эди. Сочлари хурпайган, кул титкилаб ўтирган болакай кампирнинг нимагадир чалғиб қолганини кўриб, эпчиллик билан стол тортмасига яқинлашди ва эюни олиб, ўрнига супургидан узиб олган қуриган барғни солиб қўйди.

Кампир кавалерларни ишора билан ортидан юришга таклиф этди-да, ўзи биринчи бўлиб нарвонга чиқа бошлади. Юқори қаватга кўтарилгач, чироқни сандиқ устига қўйди. Феб бу ерга тез-тез келиб кетадиган одамдек, қоп-қоронғи қазноққа олиб борадиган эшикни итарди.

– Мархамат кининг, мухтарам зот, – деди у хамроҳига.

Плаш кийган кимса индамай бўйсунди. Ортидан эшик ёпилди; Феб эшик зулфагини тушириб, кампир билан бирга пастга тушиб кетаётганини эшитди. Хонанинг ичи зим-зиё эди.

VIII. Дарё томонга қараган деразанинг қулайлиги

Клод Фролло (Фебга қараганда зийракроқ китобхон аллақачон архидьяконни таниган бўлса керак), ҳа-ҳа, Клод Фролло капитан қамаб кетган каталакнинг ичида бир неча сония пайпасланиб юрди. Бу айрим меъморлар уй томи билан асосий девор туташадиган жойда қолдириб кетадиган бурчаклардан бири эди. Феб “ит катаги” деб атаган бу ерда дераза ҳам, туйнук ҳам йўқ, томнинг эниши эса бўй баравар туришга имкон бермасди. Клод оёқларининг остида шитирлаётган чанг ва ахлат уюми ёнига тиззалаб ўтирди. Боши оловдек ёнарди. Атрофни пайпаслаб ерда ётган бир парча шиша бўлагини топиб олди-да, пешонасига босди; муздек шиша оғриқни бироз босгандек бўлди.

Шу кезларда архидьяконнинг кўнглидан нималар кечаётгани худога ва унинг ўзигагина аён эди.

Орадан атиги чорак соат ўтган бўлса-да, унинг назарида, ўн йилга қаригандек бўлди. Бир пайт ёғоч нарвоннинг ғичирлагани қулоғига чалинди: кимдир юқорида кўтарилаётган эди. Шифт эшикчаси очилиб, хона ёришди. Рухоний учбурчак каталакнинг қурт-қумурсқалар илма-тешик қилиб юборган эшигидаги каттагина туйнукка яқинлашди. Шу тарика кўшни хонада юз бераётган ҳамма нарсадан воқиф бўлиши мумкин. Биринчи бўлиб қўлида чироқ ушлаб олган мушуктумшук кампир, унинг ортидан мўйлабини силаб-бураётган Феб кириб келди, ниҳоят, бўсағада рухонийнинг кўзларини ёрқин юлдуздек қамаштириб юборган жозибали, хипчабел Эсмеральда кўринди. Клоднинг бутун вужудини титроқ босди, кўз ўнги қоронғилашди, қони қайнаб, теварагидаги ҳамма нарса гир-гир айлана бошлади. У энди ҳеч нимани кўрмас, ҳеч нимани эшитмасди.

Клод ўзига келганда Феб билан Эсмеральда ёлғиз қолган эди; севишганлар темир сандикнинг устида, уларнинг навқирон қиёфаси ва хона бурчагидаги юмшоқ тўшакни ёритиб турган чироқ ёнида ўтиришарди.

Тўшак ёнидаги ойналари синган деразадан осмон, узоқда эса момиқ булутлар устига жойлашиб олган ой хира нур сочиб турарди.

Қиз уялганидан бошини қуйи солиб, титраб ўтирарди. Унинг узун-узун миждалари ҳаяжондан қизариб кетган юзига соя солиб турар, лўли қизнинг юзига қарашга ботинолмаётган зобитнинг эса бетидан нур ёғиларди. У қандайдир нозик ҳаракатлар билан сандиқ устига ўзича тартибсиз чизиқлар тортиб, бармоғига тикилиб ўтирарди. Эчкича унинг пинжигига тикилиб олгани учун йигитнинг оёқлари кўринмасди.

Капитаннинг уст-боши бежирим, кўйлагининг ёқаси ва енглари ғоят жимжимадор эди.

Клоднинг боши қаттиқ оғриётганидан уларнинг гапини аранг эшитарди.

Севишганлар суҳбати – одатий ҳол. “Азизим, мен сизни севаман” деган гап, албатта, қандайдир баландпарвоз фиоритуралар¹ билан безатилмаган бўлса, парвойи палак тингловчи учун у жуда ёқимсиз, мутлақо кераксиз

¹ Фиоритура – асосан вокал санъатида кўшиқ оҳангининг қисқа-қисқа товушлар билан безатилиши.

мусиқадек жаранглайди. Албатта, Клод бундай тингловчилар сирасига кирмасди.

– О, мендан нафратланманг, монсьенор Феб! – деди қиз бошини кўтармасдан. – Ёмон иш қилаётганимни биламан.

– Сиздан нафратланиш? Нималар деяпсиз, азизам? – деди капитан хайрихоҳлик билан. – Жин урсин, нима учун сиздан нафратланишим керак?

– Бу ерга келганим учун.

– Бу масалада, гўзалим, мен бошқа фикрдаман. Нафратланиш эмас, сизни ёмон кўриш керак.

Лўли қиз ҳадиксираб, унинг юзига тикилди.

– Ёмон кўриш? Нима учун, ахир?

– Узоқ вақт мени ёнингизга йўлатмаганингиз учун.

– Қасамимни бузишга кўрқаман! – дея жавоб қилди лўли қиз. – Аммо ота-онамни топишга умид қолмади, шунинг учун тумор ўз кучини йўкотди. Менга энди ундан фойда йўқ. Менга энди ота-она не керак?

У қувонч ва меҳр ёшларидан намланган чарос кўзлари билан капитанга тикилиб турарди.

– Жин урсин мени, агар гапингизни тушунаётган бўлсам! – деди ажабланган капитан.

Эсмеральда жим бўлиб қолди, кейин миждасидан бир томчи ёш оқиб тушди-да, нафасини ичига ютиб, шивирлади:

– О монсьенор, мен сизни севаман!

Қизнинг вужудида уфуриб турган соф ва покиза туйғулардан эсанкираб қолган капитан ўзини ноқулай ҳис этарди. Шундай бўлишига қарамай, бу дил изҳори унга қандайдир дадиллик бахш этди.

– Наҳотки, мени севсангиз? – деди капитан қизнинг белидан кучоқлаб. Бу лаззатли онларни у сабрсизлик билан кутиб турган эди-да.

Руҳоний кўкрагига яшириб қўйган ханжар тиғини пайпаслаб ушлаб кўрди.

– Феб! – деди лўли қиз майин ҳаракатлар билан капитаннинг исканжасидан чиқишга уриниб. – Сиз юмшоққўнгил, марҳаматли, кўркам инсонсиз. Мендек шўрпешона, кимсасиз бир лўли қизнинг ҳаётини сақлаб қолдингиз. Кўп вақтлардан буён сиздек нажоткорим бўлишини орзу қилиб юрардим.

Қулай имкониятдан фойдаланган Феб қизнинг жозибали бўйнидан бўса олиб, пишган гилосга ўхшаб қизариб кетган қизни сесканиб, ортага тисарилишга мажбур қилди. Шу кезларда ғазаб ўтида ёнаётган руҳонийнинг тишлари ғичирлаб кетди.

– Феб! – деди лўли қиз. – Қўйинг, халақит берманг, сиз билан гаплашиб олмақчиман. Ўрнингиздан туриб бироз юрсангиз, бўй-бастингизни томоша қилардим, этигингиз, тепкиларингиз жарангига кулоқ тутган бўлардим. Нақадар келишган, хушбичимсиз!

Капитан қизнинг илтимосини ерда қолдирмай, ўрнидан турди, кейин мағрурона илжайиб, койигандек бўлди:

– Ахир, одам дегани ҳам шунчалик ёш бола бўладими? Дарвоқе, жонгинам, бирон марта мени ҳарбийларнинг байрам кийимида кўрганмисиз?

– Афсуски, кўрмаганман! – дея жавоб қилди лўли қиз.

– Ана ўша чиндан ҳам гўзал!

Феб яна унинг ёнига, бу гал яқинроқ келиб ўтирди.

– Менга қаранг, азизам...

Лўли қиз болаларга хос аллақандай шўх, ўйноқи ҳаракат қилиб, бир неча бор нозиккина қўлчалари билан унинг лабларига оҳиста уриб кўйди.

– Йўк, йўк, гапингизни эшитишни хоҳламайман. Сиз мени севасизми? Мени севишингизни айтишингизни истайман.

– Севасизми дейсанми, фариштам! – деди тиззалаб ўтириб олган капитан. – Жисми-жоним, қоним, рухим – бари-бари сеники. Мен сени севаман ва ҳеч қачон сендан бошқани севамаганман!

Бу эҳтиросли дил изҳорини эшитган лўли қиз жаннатий роҳат-фароғатга тўла нигоҳларини шифтга тикди.

– Оҳ! – дея шивирлади у. – Қани эди, шу онда жоним узилса!

Шўрлик архидьяконни қандай азоб-уқубаларга дучор этаётганини сезмаётган Феб яна қиздан бўса олишга қарор қилди.

– Ўлиш! – дея хитоб қилди капитан. – Нималар деяпсиз, фариштагинам? Юпитер номи билан қасам ичаман, аксинча, айнан ҳозир яшаш, яшаш керак! Хузур-ҳаловат онлари бошланди деганда ўлиш нимаси?! Иблис шохи билан қасам ичаман, бу ғирт бемаънилик! Гап бунда эмас! Сўзларимга қулоқ солинг, азизим Симиляр... Эсменарда... Кечирасиз, исмингиз шу қадар ғалатики, уни талаффуз этишга тил ожиз. У мен ҳар гал ўралашиб қоладиган қалин бутага ўхшайди.

– Эй худойим! – деди шўрлик қиз. – Мен бўлсам ғаройиблиги учун исминни чиройли деб юрибман-а! У сизга ёқмаётган бўлса, мени оддийгина қилиб, Готон¹ деб қақираверинг.

– Келинг, жонгинам, бундай арзимас майда-чуйда гапларни кўяйлик! Ахир, аста-секин унга ҳам кўникиш мумкин, шундай эмасми. Мен исмингизни ёд оламан ва ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Қулоқ солинг, азизам Симиляр, сизни жонимдан ҳам ортиқ севаман. Сизни қанчалар яхши кўришимни тасаввур ҳам қила олмайсиз. Буни эшитиб, ғазабдан ёрилиб кетадиган бир хонимни биламан...

Рашк ўтида ёнаётган лўли қиз унинг гапини бўлди:

– У ким, ўзи?

– У билан нима ишимиз бор? – деди Феб. – Сиз мени севсангиз, бас?

– О!.. – дея шивирлади лўли қиз.

– Жуда соз! Муҳими шу! Сизни қанчалар севишимга ҳали ишонч ҳосил қиласиз. Сизни дунёдаги энг бахтли аёл қилмасам, иблис Нептун қаҳрига дучор бўлай.

Лўли қиз капитан айтган гапларнинг мазмунини илғашга уринмас, унинг ёқимли овозига маҳлиё бўлиб, хаёл суриб ўтирарди.

– О! Сизни қандай бахт кутаётганини билсангиз эди! – дея давом этди капитан ва секингина лўли қизнинг камарини еча бошлади.

– Бу нима қилганингиз?! – деди ғазабланган қиз. Капитаннинг “бемаъни қилиғи” унинг орзу-умидларини чилпарчин қилган эди.

– Ҳеч нима, – дея жавоб қилди Феб. – Фақат шуни айтмоқчиманки, мен билан бўлган чоғингизда мана бу ғалати либосингизни ечишингизга тўғри келади.

– Биз қачон бирга бўламиз, о, менинг Фебим! – дея шивирлади қиз эҳтиросга берилиб.

Сўнг бирдан ўйга чўмиб, жим бўлиб қолди.

¹ Готон – Маргаританинг қисқартирилган шакли.

Бу гапдан рухланган капитан қизни яна белидан кучоқлади. Лўли қиз қаршилиқ кўрсатмагач, корсажининг¹ ипларини еча бошлади; бўйинбоғининг бир учи очилиб кетганда, нафаси бўғилаёзган архидьяконнинг кўз ўнгида қизнинг узоқ-узоқлардаги туман ортидан кўтарилиб келаётган ой сингари чиройли буғдойранг елкаси намоён бўлди.

Қиз Фебга қаршилиқ кўрсатмасди. У гўё ҳеч нима сезмаётгандек туюларди. Шу тобда эпчил капитаннинг кўзлари эса чакнаб турарди.

Бирдан лўли қиз унга юзини бурди.

– Феб! – деди у нозланиб. Лўли қизнинг кўзларида чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси акс этарди. – Сенинг динингга ўтсам дегандим.

– Динимга? – деди капитан кулимсираб. – Жин урсин! Динимни бошингга урасанми?

– Никоҳдан ўтишимиз учун, – деди лўли қиз.

Шу онларда капитаннинг қиёфасида бир вақтнинг ўзида ҳайрат, илтифотсизлик, лоқайдлик ва шахвоний ҳис-туйғулар мужассамлашган эди.

– Шундай денг? – дея минғирлади у. – Биз никоҳдан ўтмоқчимизми?

Бирдан ранги оқариб кетган лўли қиз маъюсланиб, бошини қуйи солди.

– Жонгинам! – сўзини давом эттирди Феб илтифот билан. – Буларнинг бари бўлмағур гаплар! Кимга керак бундай никоҳ! Рухонийлар хузурида бошига лотинча сўзлар ёғдирилганлар бир-бирини кўпроқ севармиди?

Юмшоқроқ оҳангда гапиришга уринаётган капитан қизга яқинлашиб, унинг нозик белидан тутди. Дақиқа сайин кўзлари ёниб бораётгани Феб учун ҳатто Юпитернинг ўзи ҳам бемаъни ишларга қўл урадиган ва бундай кезларда юмшоққўнгил Ҳомер булутни ёрдамга чорлайдиган онлар етиб келганидан далолат берарди.

Клод ота ҳаммасини кўриб турарди. Унинг йиртқич кушникидек чакнаб турган нигоҳлари чириб битган бочка ёғочларидан нари-бери ясалган эшик туйнугига қадалган эди. Шу чоққача умри роҳибона покизалик, сабр-тоқатда кечган рухоний бу тунги муҳаббат ва фароғат саҳнасини титраб, ёниб-қуйиб кузатиб турарди. Эҳтиросли навқирон йигитнинг исканжасига тушиб қолган жозибали, яримьяланғоч лўли қизни кўриб турган рухонийнинг томирларига эритилган қўрғошин қўйилаётгандек эди. У илгари бундай ҳис-туйғуларни бошидан кечирмаган, шахвоний рашк оловида ёнаётган кўзлари ҳар бир узилган тўғноғич намоён этаётган нарсаларга қадалиб турарди. Чириб адо бўлган тахта тешигига ёпишиб турган бу бахтиқаронинг юзини кўрган одам уни қафас ортидан кийикни тилка-пора қилаётган шоқолни кузатиб турган арслонга қиёслаган бўларди. Унинг кўзлари эшик туйнугида шамдек ёниб турар эди.

Бехосдан Феб кўз илғамас ҳаракат билан лўли қизнинг бўйинбоғини ечиб ташлади. Шу вақтгача хомуш хаёл суриб ўтирган қиз ҳозиргина уйқудан уйғонган одамдек сесканиб кетди. Эпчил капитандан узоқлашган лўли қиз яланғоч елкалари ва кўкрагига кўзи тушди-да, уялганидан қизариб-бўзариб, нима қилишни билмай, қўллари билан кўкракларини беркитишга уринди. Юзларига қизил югуриб турмаганда уни тилсиз, жонсиз бокиралик ҳайкалига ўхшатиш мумкин эди. У ҳамон кўзларини ердан узмасди.

Айни шу пайтда лўли қизнинг бўйинбоғини ечиб ташлаган капитан унинг кўкрагига яшириб қўйилган туморга кўзи тушди.

¹ Корсаж – аёллар қўйлагининг белдан юқори қисми.

– Бу нима? – деб сўради у кизга яқинлашиш учун баҳона топилганидан шодланиб.

– Тегманг! – деди лўли киз аччиқланиб. – У менинг нажоткорим. Агарда мен шунга лойиқ бўлсам, у ота-онамни топишимга ёрдам беради. Тинч қўйинг мени, жаноб капитан! Онажон! Муштипар онажоним! Онажон! Қаердасиз? Менга ёрдам беринг! Мен бечорага раҳмингиз келсин, жаноб Феб! Бўйинбоғимни беринг!

Феб ортга тисарилиб, совуқ оҳангда гапирди:

– Хоним! Ниҳоят, мени севмаслигингизга ишонч ҳосил қилдим!

– Мен севмас эканманми! – дея шўрлик киз капитаннинг қўлидан тугиб, ёнига ўтиришга мажбур қилди. – Бундай дейишга қандай тилинг борди? О, тошбағир! Юрагимни тилка-пора қилмоқчимисан? Жуда соз! Бор будимни, ҳаммасини ол! Мен сеникиман. Туморни бошимга урамани! Онамни қаёқдан топаман? Сен менинг онамсан, чунки сени севман! Севгилим Феб, мен ёнингдаман! Бу мен, яхшилаб қара! Бу мен, сендан воз кечишни истамайдиган, аксинча, ўзи сенга талпинаётган ўша қизалокман! Рухим, ҳаётим, жисми-жоним – барини сенга бахш этаман! Майли, хоҳламасанг, никоҳ ўқитмаймиз. Мен ўзи кимман? Бир нотавон, дарбадар лўли кизман, сен эса, севгилим – асилзодасан. Кулгили-ку, шундай эмасми? Раққоса зобит билан никоҳланса-я! Ақлдан озибман, шекилли! Йўқ-йўқ, Феб, мен сенинг хушторинг, кўғирчоғинг, ўйинчоғинг бўлишга – барча-барчасига розиман! Мен шунинг учун яралганман. Шарманда бўлсам, номимга доғ тушса, ҳақоратлансам, нима бўпти? Лекин сенинг севиқли ёринг бўламан! Марҳаматингни мендан дариф тутма, азизим Феб! Энди мен сенинг ихтиёрингдаман. Мен сеникиман, Феб, фақат севсанг бўлгани! Биз, лўлиларга кўп нарса керак эмас – эркин ҳаёт ва муҳаббат бўлса, бас.

Капитаннинг бўйнидан кучоқлаб, унинг юзига илтижоли тикилиб турган лўли кизнинг лабида табассум, кўзларидан қатра-қатра ёш оқарди; унинг бўртиб турган нозик кўкраклари йигитнинг дағал матодан тикилган куртқасига қадалганди. Қизнинг яримьяланғоч гавдаси капитаннинг тиззаларида илондек тўлғонарди. Боши айланиб қолган капитан ёнаётган лабларини лўли кизнинг жозибали буғдойранг елкаларига босди. Бошини орқага ташлаган киз титраб, қотиб қолган эди.

Шу пайт кутилмаганда у Фебнинг боши узра яна бир бошни, изтиробдан бужмайиб кетган туссиз нигоҳларни, ханжар тутган қўлни кўриб қолди. Бу руҳонийнинг юзи ва қўли эди. У эшикни бузиб, севишганларнинг олдига келиб турарди. Феб уни кўра олмасди. Бехосдан инига бургут бош суққан мусичадек, бу даҳшатли манзарани кўрган лўли киз тош қотди, бутун вужудини муз қоплаб, анграйиб қолди, ҳатто бақирришга ҳам куч топа олмади. Ханжарнинг Фебга санчилганини кўришга улгурди, холос.

– Лаънатлар бўлсин! – дея бақирган капитан ерга ағанаб тушди.

Лўли киз хушдан кетди.

Кўзлари юмилиб, барча ҳислари сўна бошлаган онларда у лабларида жаллоднинг қиздирилган темирдан-да иссиқроқ бўсани ҳис этди.

Ўзига келганда уни тунда қоровуллик қилувчи аскарлар тўдаси қуршаб олганди; лўли киз қонга бўялган капитанни қаёққадир олиб кетишаётганини, хонанинг дарёга қараган деразаси очик турганини, капитаннинг

плашини ердан олишганини кўзи илғади. У теварагида турганларнинг гап-пини базўр эшитди:

– Жодугар лўли қиз капитаннинг кўксига ханжар урибди.

САККИЗИНЧИ КИТОБ

I. Қуриган баргга айланган экио

Гренгуар ва Мўъжизалар ҳовлисидагиларнинг барини ваҳима босган эди. Эсмеральда билан нима қор-қол юз бергани, эчкича қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким билмасди. Ҳарчанд излашмасин, натижа бўлмади. Бир неча такасалтанг ўша тунда лўли қизни Сен-Мишель кўприги олдида қандайдир зобит билан кўришганини айтиб, Гренгуарнинг жиғига тегарди; бироқ лўлилар таомилига биноан никоҳланган йигит хотинининг бокиралигини ҳаммадан кўра яхшироқ билгани учун бу гапларга парво қилмасди. Туморнинг ва қизга хос фазилатларнинг таъсирида унинг ҳаддан ташқари тортинчоқлиги ва уятчанлигини ўз тажрибасида синаб кўрган Гренгуар ана шу мислсиз бокираликнинг қаршилигини ўта аниқлик билан ҳисоблаб чиққан эди. Шунинг учун бу жиҳатдан унинг кўнгли тўқ эди.

Кунларнинг бирида у жинойи ишлар бўйича суд маҳкамаси жойлашган минора ёнидан тушкун кайфиятда ўтаётди, Одил судлов саройининг эшиги олдида тўпланиб турган бир гуруҳ одамга кўзи тушди.

– Бу ерда нима бўлаяпти? – деб сўради у ичкаридан чиқиб келган йигитчадан.

– Билмадим, тақсир, – дея жавоб қилди йигит. – Айтишларича, ҳарбийни ўлдирган қандайдир аёлни суд қилишаётган эмиш. Бу ерда епископ ва руҳонийлар суди вакиллари ҳамда акам – жозаслик архидьякон ҳозир бўлгани бу ишга сеҳр-жоду аралашганидан далолат беради. Акам билан гаплашаман десам, оломоннинг кўплигидан унинг олдида ўта олмадим. Чакки бўлди, шу тобда пулга жуда зориқиб турган эдим-да.

– Афсус, – деди Гренгуар, – жоним билан сизга қарз берган бўлардим-у, аммо чўнтақларим бўм-бўш.

Гренгуар йигитчанинг акаси билан таниш бўлгани ва ибодатхонадаги учрашувдан кейин бирон марта ундан хабар олмаганидан хижолат тортиб юрганини айтишга ҳадди сиғмади.

Талаба ўз йўлига равона бўлди, Гренгуар эса зинапоядан кўтарилиб, суд залига ошиқаётган оломон ортидан эргашди. Кўҳна бинонинг ичакка ўхшаб чўзилиб кетган узун нимқоронғи йўлагидан юриб, у бошқаларга қараганда анча бўйдор бўлгани учун узоқдан кўзига ташланган ва суд залига олиб борадиган кичкина эшикча олдида етиб келди.

– Тақсир! – дея Гренгуар ёнида турган кишига юзланди. – Бош черков йиғинидаги прелатларга¹ ўхшаб ўтирган мана бу жаноблар ким бўлди?

– Ўнг томонда – суд маҳкамаси маслаҳатчилари, – дея жавоб қилди у, – чап тарафда эса тергов камераси маслаҳатчилари; қуйи лавозимдагилар – қора, олий лавозимдаги мулозимлар қизил либосда.

– Анови терга ботиб, ҳаммадан юқорида ўтирган семиз киши ким?

– Бу раиснинг ўзи.

¹Прелат – католик ва англикан черковида олий мартабали руҳоний зот.

– Унинг орқасида ўтирган кўйлар-чи? – дея тўхтамасдан савол берарди суд қавмини у қадар хушламайдиган Гренгуар. Эҳтимол, бундай ёвқараш асари муваффақиятсизликка учраган пайтдан бошлаб Одил судлов саройига нисбатан туғилган нафрат ҳисси билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.

– Уларнинг бари қирол палатаси маърузачилари.

– Раиснинг ёнидаги тўнғиз-чи?

– Бу қирол суди котиби.

– Ўнг тарафдаги тимсоҳ-чи?

– Бу фавкулудда ишлар бўйича қирол прокурори Филипп Лелье.

– Чап тарафда ўтирган қоп-қора семиз мушук ва унинг ёнидагилар ким бўлди?

– Руҳонийлар суди ишлари бўйича қирол прокурори Жак Шармолю ва ушбу суд аъзолари.

– Яна бир савол, тақсир, – деди Гренгуар. – Ана шу ҳурматли зотларнинг бари бу ерда нима билан машғул?

– Суд қилишмоқда.

– Суд қилишмоқда? Кимни? Судланувчи қани?

– Тақсир, у аёл киши. Бу ердан сиз уни кўра олмайсиз. У бизга орқасини ўгириб ўтирибди, устига-устак, уни оломон тўсиб олган. Яхшилаб қаранг, у ойболта кўтариб олган қоровуллар ёнида ўтирибди.

– Ким экан бу аёл? Исмини билмайсизми?

– Йўқ, тақсир, билмайман. Мен ўзим ҳозиргина келдим. Судда руҳонийлар суди аъзолари иштирок этаётган экан, демак, жодугарлик билан боғлиқ иш кўрилатган бўлса керак.

– Шундай қилиб, – деди файласуфимиз, – ҳозир биз судья либосидаги мана бу зотларнинг инсон гўштини бурдалаб ейишини кўрар эканмиз-да? Нима ҳам дердик, бу ҳам зўр томоша!

– Тақсир, – деди Гренгуарнинг қўшниси, – сизга Жак Шармолюнинг қиёфаси жуда беозор туюлмаётими?

– Ҳм! Очиғини айтганда, бурун тешиклари ичига ботиб кетган ва лаблари ингичка бу зотнинг беозорлигига ишонини қийин, – деди Гренгуар.

Муҳим гувоҳ сўроқ қилинаётгани ва атрофдагилар дакки бергани учун суҳбатдошлар гапдан тийилишга мажбур бўлишди.

– Давлатпаноҳларим! – дея сўз бошлади йиртиқ-ямоқ кийимдаги кампир. – Давлатпаноҳларим! Исминим Фалурдель экани, қирқ йилдан буён Сен-Мишель кўпригидаги уйда яшаётганим, бож, ўлпон ва солиқларни ўз вақтида тўлаб бораётганим қанчалик рост бўлса, бу ерда айтмоқчи бўлган гапларим ҳам шунчалик чин. Хуллас, бир гал кечки пайт ип йиғириб ўтирган эдим, эшигим тақиллаб қолди. “Ким бу?” – деб сўрасам, сўқинишди. Эшикни очдим. Икки киши кириб келди. Бири қоп-қора либосда, иккинчиси – келишган зобит. Қора либос кийган кимсанинг кўзларигина чўғдек ёниб турар, бошқа жойлари плаш ва шляпа билан беркитилганди. Улар мендан “Авлиё Мартанинг хонасини берасиз”, деб сўрашди. Бу, давлатпаноҳларим, юқори қаватда жойлашган энг тоза хона. Менга экю узатишди. Уни тортмага яшириб, “Эртага Глориет кушхонасидан ичак-чавоқ сотиб оламан”, деб ўйладим. Юқорига кўтарилдик. Хонага кириб келгач, юзимни бир сония четга буриб, қайрилиб қарасам, қора либос кийган киши ғойиб бўлибди. Ҳайрон бўлдим. Хушсураат зобит эса, кўринишидан асилзодалардан бўлса керак, мен билан пастга тушиб, уйдан чиқиб кетди. Чорак ўрам ип

Йигирмасимданок у кўғирчоқдай ёкимтой, тузукроқ кийинганида куёшдан ҳам чиройли бўлиб кетадиган қандайдир қиз билан қайтиб келди. Унинг каттакон, оқмиди ё қора – эсимда йўқ, эчкиси бор эди. Ана ўша эчкини кўришим билан кўнглимда шубҳа пайдо бўлди. Қиз билан ишим йўқ, аммо эчкини соқоли ва шохлари учун ёқтирмайман! Эракнинг худди ўзгинаси. Бундан ташқари, ундан ичкиликнинг ҳиди анқиб турарди. Бироқ ортикча гапириб ўтирмадим. Ахир, ижара ҳақини олган эдим-да. Гапим тўғрими, жаноб судья? Зобит билан қизни тепагача кузатиб, уларни ёлғиз, аниқроғи, эчки билан бирга қолдириб, пастга тушдим-да, яна ип йиғиришга киришдим. Уйим икки қаватли, кўприкдаги барча уйлар сингари унинг орқа томони, шунингдек, биринчи ва иккинчи қаватдаги деразалари дарё томонга қараган. Хуллас, йиғириб ўтирибман денг. Нима сабабдан, билмадим, эчки менга уни эслатдими ёки қизнинг ғалати кийинганими, руҳоний-шарпа ҳаёлимдан кетмай қолди. Бир пайт юқорида бақир-чақир, ниманингдир гум-бурлаб ерга тушгани, даразанинг очилгани эшитилди. Пастки қаватдаги дераза ёнига келиб қарадим: қандайдир қоп-қора шарпа ёнимдан югуриб ўтди-да, шалоп этиб сувга бориб тушди. У руҳоний либосидаги шарпага ўхшаб кўринди. Шарпа Сите томонга сузиб кетди. Кўрққанимдан бутун вужудимни титроқ босган бўлса ҳам тунги қоровулларни чақирдим. Кириб келган қоровуллар, ичиб олган бўлса керак, нима рўй берганини суриштириб ўтирмай, дастлаб мени калтаклашди. Содир бўлган воқеани уларга гапириб бердим. Ҳаммамиз юқорига кўтарилиб, нималарни кўрганимизни билсангиз эди! Хонада ҳаммаёғи қон-қусга бўялган, томоғига ханжар санчилган капитаннинг жасади, нарироқда эса бояги қиз ўликка ўхшаб чўзилиб ётарди, кўркувдан дир-дир титраётган эчки тўхтовсиз маъраб турарди. “Ана холос, – дедим ўзимга ўзим, – хонани камида икки ҳафта ювиб-тозалашим керак бўлади энди! Бу ҳам етмагандек, полни қиришга тўғри келади!” Зобитни – бечора ёш йигитни, яримяланғоч қизни ҳам олиб кетишди. Аммо бу ҳам ҳаммаси эмас, энг ёмони – ҳали олдинда. Эртаси куни ичак-чавоқ олиб келаман деб яшириб қўйганим – экюни тортмадан олмоқчи бўлиб, нима топдим денг? Қуриб қолган барг!

Кампир жим бўлиб қолди. Ҳайратланган оломон орасида шивир-шивир бошланди.

– Шарпа, эчки – бунинг бари жодугарлик аломати, – деди Гренгуарнинг ёнида турганлардан бири.

– Қуриган барг-чи? – деб сўради бошқаси.

– Фикримча, – деди учинчиси, – ҳарбийларни тунамоқчи бўлган жодугар руҳоний-шарпа билан тўқнаш келган.

Ҳатто Гренгуарга ҳам бу тахмин ҳақиқатга яқин туюлди.

Гренгуарга тимсоҳни эслатган суд амалдори ўрnidан турди.

– Етар! – деди у кескин оҳангда. – Жаноб судьялардан айбланувчининг ёнидан ханжар топилганини эътибордан соқит қилмасликларини илтимос қилмоқчиман. Фалурдель исмли аёл! Иблис берган экюни, аниқроғи, қуриган баргни олиб келдингизми?

– Ҳа, давлатпаноҳим, – дея жавоб қилди аёл, – мен уни излаб топдим. Мана у.

Суд ижрочиси хазонни “тимсоҳ”га берди. У бошини чайқаб, баргни раисга, раис эса – руҳонийлар судидаги қирол прокурорига узатди. Шундай қилиб, барг бутун зални айланиб чиқди.

– Бу кайин барги, – деди Жак Шармолю. – Сехр-жоду белгиси.

Маслаҳатчилардан бири сўз беришларини сўради.

– Гувоҳ! Уйингизга икки киши: дастлаб кўз ўнгингизда ғойиб бўлган, сўнг руҳоний либосида дарёдан сузиб ўтган, қора либос кийган кимса ва зобит борган. Экюни қай бири берди?

Кампир бир муддат ўйланиб турди-да, кейин жавоб берди:

– Зобит.

“Наҳотки? – деб ўйлади Гренгуар. – Демак, бояги гапларнинг бари ёлғон экан-да!”

Лекин фавқулудда ишлар бўйича қирол прокурори Филипп Лелье гапга аралашди.

– Яна бир бор судьяларга эслатмоқчиман: оғир яраланган ва ўлим тўшагида ётган зобитдан сўрашганда, у ёнимга қора либос кийган киши келиши билан бу ўша руҳоний-шарпа эмасмикан, деган фикр хаёлимдан ўтди деб айтган; унинг гувоҳлик беришича, шарпа уни айбланувчи билан жинсий алоқа қилишга ундаган ва Фалурделга ижара ҳақи сифатида тўланган экюни берган. Демак, экю – иблис тангаси.

Бундай ишончли далиллар Гренгуар ва бошқаларнинг шубҳа-гумонларини тарқатиб юборди.

– Жаноблар! Барча хужжатлар кўлингизда, – дея кўшиб кўйди қиролнинг фавқулудда прокурори жойини эгаллаб, – Феб де Шатопернинг гувоҳлик кўрсатмаларини муҳокама этишингиз мумкин.

Бу исмни эшитган айбланувчи ўрнидан турди. Оломон устидан унинг боши кўринди. Кўзларига ишонмаётган Гренгуар Эсмеральдани кўриб турарди.

Унинг юзлари сўлгин, бир вақтлар бежирим турмакланиб, товланиб турган сочлари елкаларига осилиб тушган, лаблари кўкариб кетган, ичига ботган кўзларида кўрқув акс этганди.

– Феб! – деди у паришонхотирлик билан. – Қани у? Давлатпаноҳларим! Раҳмингиз келсин, жонимни олишдан олдин жавоб беринг: тирикми у?

– Овозингни ўчир, бадбахт! – деб тўнғиллади раис. – Унинг бу ишга дахли йўқ.

– Шафқат қилинг! Жавоб беринг: тирикми у? – дея қайтарди шўрлик қиз нозиккина қўлларини кўксига босиб; шу пайт кўйлагига тегиб кетган занжирлардан жаранглаган овоз чиқди.

– Яхши, – деди қирол прокурори куруқ оҳангда. – У ўлим тўшагида ётибди. Муродинга етдингми?

Кўзлари мунгли, ҳайкалдек оқарган шўрлик лўли қиз пастгина ёғоч ўриндикқа йиқилди.

Раис оёқ томонидаги бошига зарҳал қалпоқ, эгнига қора либос кийган, бўйнига занжир осиб олган ва бир қўлида асо ушлаб ўтирган кишига эгилди.

– Миршаб! Иккинчи айбланувчини олиб кириб.

Ҳамманинг нигоҳи эшикка қадалди; эшик очилиб, ичкарига туёқчалари ва шохлари тилларанг ёқимтой эчкичани олиб киришганда Грегуарнинг юраги қинидан чиқиб кетай деди. Жонивор қоянинг чеккасида тургандек, бирпас бўсағада бўйнини чўзиб, теварак-атрофга қараб турди. Лўли қизни кўриши билан стол ва мирзанинг боши устидан икки сакраб, эгасининг ёнига учиб келди; аммо у харчанд эркаланиб суйкалмасин, айбланувчи унга қиё ҳам боқмади.

- Ана холос! – деди Фалурдель кампир. – Бу ўша ярамас махлуқ-ку! Танидим, икковини ҳам танидим!
- Сўзлаш навбати Шармолюга келди.
- Жаноб судьялар ижозати билан эчкини сўроқ қилишга ўтамиз.
- Иккинчи айбланувчи шу эди.
- Рухонийлар суди прокурори гап бошлади:
- Агарда эчкининг ичига кириб олган иблис ярамас хатти-ҳаракатлари билан судни кўркитишда давом этадиган бўлса, биз унинг дорга осилиши ёки гулханда ёқирилишини талаб қилишга мажбур бўламиз.
- Гренгуарни совуқ тер босди. Шармолю столнинг устидан лўли қизнинг чилдирмасини кўлида ўйнатиб, эчкичага яқинлаштириб сўради:
- Соат неча бўлди?
- Прокурорга ақлли кўзлари билан қараб турган эчкича, тилларанг туёқчасини кўтарди-да, чилдирмага етти марта урди. Чиндан ҳам соат етти бўлган эди. Оломон даҳшатга тушди.
- Гренгуар чидаб тура олмади.
- У ўзини-ўзи хароб қилмоқда! – деди у овозини кўтариб. – Наҳотки, нима қилаётганини ўзи ҳам тушунмаётганини кўрмаётган бўлсангиз?
- Эй қишлоқи, овозингни ўчир! – дея бақирди миршаб.
- Жак Шармолю ўша чилдирма ёрдамида эчкичани кун ва ойни кўрсатиб беришга мажбур қилди. Суд жараёнига хос қандайдир алдамчи вазият туфайли Жалининг бу томошаларини шаҳарнинг турли чорраҳаларида олқишлаб қарши олган оломон бу ерда – Одил судлов саройи гумбазлари остида ҳайрат ва даҳшат ичида кузатиб турарди. Шак-шубҳасиз, уларнинг назарида, эчки иблиснинг ўзи эди.
- Бу пайтда лўли қизнинг ўзи ўликка ўхшаб, котиб ўтирарди. На эчкичанинг нозик ҳаракатлари, на судьяларнинг таҳдиди, на тингловчиларнинг лаънат-дашномлари унга етиб борарди.
- Ўзига келтириш учун сержант кўполлик билан уни силкитишга, раис эса овозини кўтариб гапиришга мажбур бўлди:
- Ҳой қиз! Ўзини сеҳр-жодуга бағишлаган лўлилар қавмидансиз. Ушбу ишга жалб этилган сеҳрланган эчки билан тил бириктириб, сиз ўтган ойнанинг йигирма тўққизинчисига ўтар кечаси сеҳр-жоду воситасида қирол ўқчилари капитани Феб де Шатоперни ханжар санчиб ўлдиргансиз. Сиз қилмишингизни тан оласизми?
- Нақадар даҳшат! – дея хитоб қилди қиз кўллари билан юзини беркиртиб. – О, менинг Фебим! Бу дўзахнинг ўзи-ку!
- Айбингизни тан олишдан бош тортаяпсизми? – дея такрорлади прокурор совуқ оҳангда.
- Ҳа, бош тортаман! – деди ўрнидан туриб кетган қиз қатъят билан. Раис масалани кўндаланг қўйди.
- У ҳолда, барча далиллар сизга қарши эканини қандай изоҳлайсиз? Унинг овози узилиб-узилиб чиқди:
- Мен билганларимни айтдим. Қолганидан бехабарман. Ҳаммасига рухоний айбдор. Мени доимо таъқиб этиб юрадиган ярамас рухоний!
- Тўғри, – деди раис, – рухоний-шарпа.
- О жаноб! Раҳм қилинг! Мен бир бечора қиз...
- Лўли қиз, – дея унинг гапини тўғрилади судья.
- Жак Шармолю ҳам шумлик билан жилмайиб гап қўшди:



– Айбланувчи айбини бўйнига олмаётгани учун кийноқ усулларини қўллашни таклиф этаман.

– Таклиф қабул қилинади, – деди раис.

Шўрлик қизнинг бутун вужудини титроқ босди. Аммо ойболта тутган соқчиларнинг буйруғи билан ўрнидан турди-да, Жак Шармолю ва руҳонийлар суди аъзоларининг ортидан икки тарафга тизилган аскарлар ўртасидан юриб эшикча томон йўл олди.

Лўли қизни олиб кетишганидан кейин залда мунгли маъраш эшитилди. Бу ўзича йиғлаб-сиқтаётган эчкича эди.

– Қайсар, жирканч лўливачча! – дея минғирлади кекса бир судья. – Биз ҳали овқатланишга ҳам улгурмаган бир пайтда ўзини кийнашларига мажбур қилади-я!

II. Қуруқ баргга айланган экию ҳақидаги бобнинг давоми

Зим-зиё бўлгани учун ҳатто кундуз кунлари ҳам шам ёкиб қўйилган йўлакларга олиб борадиган бир неча зиналардан кўтарилиб ва тушиб, соқчилар Эсмеральдани жуда ваҳимали хужрага етаклаб келишди. Бу доира шаклидаги хона бугунги кунда янги Париж иншоотлари ортидан кўриниб, эски шаҳарни тўсиб турган улкан миноралардан бирининг қуйи қаватида жойлашган эди. Бу сағанада пастқам, қалин темир эшикдан бошқа на дераза, на бирон туйнук бор эди. Деворда печка бўлгани учун ёруғлик етарлидек туюлар, унда хонани ёритаётган қизғиш рангдаги олов гуркураб турарди. Печка устидаги темир панжара кўтариб қўйилган. Унинг оралатиб ўрнатилган тиш сингари қоп-қора, ўткир чивиклари эртақлардаги олов пуркаётган аждархога ўхшаб кетарди. Ёруғлик шуъласида лўли қиз қандай мақсадда қўлланилиши тушунарсиз бўлган даҳшатли кийноқ қуролларига кўзи тушди. Хонанинг ўртасида чарм тўшак, унинг устида эса пучуқ бурунли таскара ҳайкал мис ҳалқасига қотирилган тўқали камар осилиб турарди. Печканинг ичини тўлдириб, бир-бирига қалашиб кетган гиралар, омбурлар, учбурчак кенг пичоқлар оловда қизиб ётарди. Печканинг қонли шуъласи қаёққа тушмасин, у сағанадаги ваҳимали кийноқ қуролларининг барини ёритиб турарди.

Бу дўзах оддийгина қилиб “кийноқ хонаси” деб аталар эди.

Тўшакда жаллод Пьер Тортерю ўтирар, унинг ёрдамчилари – юзлари тўртбурчак, чарм фартук ва бўз иштон кийган икки пакана чўғда қизиб ётган темирни у ёқ-бу ёққа ағдариб туришарди.

Шўрлик лўли қиз ҳарчанд ўзини дадил кўрсатишга уринмасин, хонага кириши билан даҳшатга тушди.

Сарой судьяси соқчилари бир томонга, руҳоний суд вакиллари бошқа томонга ўтиб туришди. Мирза, сиёҳдон ва стол бурчакда эди.

Жак Шармолю хунук ишшайиб, лўли қизга яқинлашди.

– Қизалоғим! – деди у. – Шундай қилиб, айбингизни тан олишдан бош тортасиз, шундайми?

– Ҳа, – дея жавоб қилди қизгина тушкун оҳангда.

– Ундай бўлса, – давом этди Шармолю, – қанчалик ачинарли бўлмасин, ўзимиз хоҳламасак ҳам, қаттиқроқ сўроқ усулларини қўллашга мажбурмиз. Марҳамат қилиб, мана бу тўшакка ўтирсангиз. Мэтр Пьер! Мадемуазелга жойни бўшатишга, эшикни ёпинг.

Пьер истар-истамас ўрнидан кўзгалди.

– Эшикни ёпсам, олов ўчиб қолади, – дея минғирлади у.

– Майли, биродар, эшик очиқ тураверсин, – рози бўлди Шармолю.

Эсмеральда эса ҳамон тик турарди. Қийноқлардан азоб чеккан канчадан-қанча жабрдийдалар буришиб ётган мана шу тўшак унинг кўнглига ғулгула солди, кўркув ва таҳлика қонини музлатиб юборди. Лўли қиз серрайиб, қотиб тураверди. Шармолю ишораси билан икки ёрдамчи қизни тўшакка ўтказишди. Улар қизнинг кўлидан тутиб, заррача оғриқ етказмаган бўлса ҳам, чарм тўшакни ҳис этган лўли қизнинг юраги қонга тўлди. Бежо кўзлари билан хонага разм солди. Бу ердаги даҳшатли қийноқ қуролларининг бари ҳаракатга келиб, ўзига ҳамла қилаётгандек туюлди. Қурт-кумурсқа ва қушлар учун кўршапалак, мингоёқ ва ўргимчаклар қанчалик хатарли бўлса, бу қуролларнинг бари лўли қиз учун шунчалик кўркинчли эди. Ҳозир улар баданига ёпишиб, тишлайдигандек, чимдиб узадигандек туюларди.

– Табиб қани? – деб сўради Шармолю.

– Шу ердаман, – деди шу чокқача Эсмеральда пайқамаган қора либосли киши.

Лўли қизнинг этлари жимирлаб кетди.

– Мадемуазель! – деди руҳонийлар суди прокурори. – Учинчи марта сўраяпман: сизга кўйилган айбларни инкор этасизми?

Бу гал қизнинг кучи бош силкиб кўйишгагина етди. Овози чикмай қолганди.

– Сиз ўжарлик қиляпсиз! – деди Жак Шармолю. – У ҳолда, қанчалик қайғули бўлмасин, хизмат бурчимни бажаришимга тўғри келади.

– Жаноб қирол прокурори! – деди Пьер кескин оҳангда. – Нимадан бошлаймиз?

Шармолю, шеър учун мос сўзни топишга уринаётган шоирга ўхшаб, бир дақиқа иккиланиб қолди.

– Испан этигидан, – деди у бир қарорга келгач.

Шўрлик лўли қиз ўзини худо ҳам, одамлар ҳам унутганини ҳис этди; боши жонсиз буюмдек шилқ этиб кўкрагига тушди.

Жаллод ва табиб бир вақтда унинг ёнига келишди. Жаллоднинг ёрдамчилари эса жирканч омборни титкилай бошлади.

Даҳшатли қийноқ қуроллари жарангини эшитган лўли қиз гальваник ток урган ўлик қурбақадек бир сесканиб ўзига келди.

– О, менинг Фебим! – дея шивирлади-да, сўнг мрамор ҳайкалдек қотиб қолди.

Бу манзара судьядан бошқа ҳар қандай одамнинг қалбини ларзага соларди. Лўли қизни гўё иблиснинг ўзи сўроқ қилаётгандек туюлар эди. Ана шу беозор, покиза, нозиккина қизнинг баданига арралар, ғилдираклар, жаллод ва исканжанинг кўпол кўллари ёпишиб, бурдалашга шай бўлиб турарди. Одил судлов томонидан қийноқ тегирмон тошига эзиб-янчиб ташлаш учун солинган кичкина тариқ уруғи!

Бу пайтда Пьер Тортерю ёрдамчиларининг қабарган кўллари илгарилари Париж чорраҳаларида эпчиллиги ва гўзаллиги билан ром этган қизнинг оёқчаларини яланғочлаган эди.

– Афсус, афсус! – деб тўнғиллади лўли қизнинг оёқчасидан кўз узолмаётган жаллод.

Бу ерда архидьякон ҳозир бўлганда, шак-шубҳасиз, пашша ва ўргимчак тимсолини эсга олган бўларди.

Бироздан кейин кўз олди қоронғилашган лўли қиз “испан этиги”нинг яқинлашгани ва темир билан қопланган икки ёғоч ўртасига солинган оёқчаси даҳшатли ускуна ичида йўқ бўлиб кетганини ҳис этди. Қўркув унга куч бағишлади.

– Ечинг буни! – дея бақирди у ва тўзғиб кетган сочларини силкитиб, ялинди: – Шафқат қилинг!

У прокурорнинг оёғига ташланаман деб ҳарчанд уринмасин, фойдаси бўлмади: оёқчаси тунука қопланган дуб ёғоч билан қаттиқ сиқилган эди. Қанотларига қўрғошин боғлаб қўйилган асалари сингари у ҳолсизланиб, ускунанинг устига ағнаб тушди.

Шармолю ишораси билан ёрдамчилари уни яна тўшакка ётқизишди-да, гумбаздан осилиб турган камарга оёқларини боғлашди.

– Сўнги бор сўраяпман: жиноий ҳаракатларингизни тан оласизми? – деди Шармолю пинагини бузмасдан.

– Менинг айбим йўқ.

– Ундай бўлса, мадемуазель, барча далиллар сизга қарши эканини қадай изоҳлайсиз?

– Афсус, монсеньор, мен буни билмайман!

– Демак, сиз айбингизни инкор этасиз, шундайми?

– Ҳаммасини инкор этаман!

– Қани, киришаверинг! – дея бақирди Шармолю.

Пьер ускуна тутқичини бураши билан испан этиги кичрайиб, лўли қизнинг оёғини шу қадар қаттиқ қисдики, шўрликнинг дод-фарёдини ифодалашга тил ожиз эди.

– Етар, – деди Шармолю. – Айбингизни тан оласизми?

– Ҳаммасини тан оламан!.. – деб ингради бахтиқаро қиз. – Тан оламан!.. Фақат шафқат қилинг!..

Қийноққа бораётганда ҳаммасига дош бераман деб ўйлагани сароб бўлиб чиқди. Бечора қизалок! Шу чоққача унинг ҳаёти ғам-ташвишдан холи, ёқимли ва лаззатли кечган эди! Илк синов унинг руҳини синдириб қўйди.

– Инсонпарварлик нуқтаи назаридан сизни огоҳлантирмоқчиман: айбингизни тан олганингиз ўлим билан баробардир, – деди қирол прокурори.

– Умид қиламан! – дея лўли қиз чарм тўшакка ўликдай йиқилди.

Жак Шармолю овозини кўтариб буюрди:

– Мирза, ёзинг! Лўли қиз! Ёвуз руҳлар, тасқара ва қонхўрлар билан биргаликда иблиснинг базмларида иштирок этганингизни тан оласизми? Жавоб беринг!

– Ҳа, – деди лўли қиз эшитилар-эшитилмас.

– Фақат жодугарларгагина кўринадиган иблис базмини уюштириш учун булутлар орасидан Вельзевул тазйиқи билан пайдо бўладиган қўйни кўрганингизни тан оласизми?

– Ҳа.

– Сиз худобехабарлар санами – Бофометнинг бошига сиғинганингизни тан оласизми?

– Ҳа.

– Қўлга ўргатилган эчкичага айланган иблис билан доимо мулоқот қилганингизни тан оласизми?

– Ҳа.

– Ниҳоят, иблис ва халқ орасида “руҳоний-шарпа” деб юритиладиган роҳиб ёрдами билан март ойининг йигирма тўққизинчисига ўтар кечаси капитан Феб де Шатоперни ўлдирганингизни тан оласизми?

У сўниққан катта-катта кўзлари билан судьяга қаради-да, титрамасдан ва тутилмасдан жавоб берди:

– Ҳа.

Унинг руҳи бутунлай синдирилгани аён эди.

– Мирза, ёзиб қўйинг, – деди Шармолу ва жаллоднинг ёрдамчиларига мурожаат этди: – Айбланувчининг оёғини испан этигидан ечиб, суд за-лига кузатиб қўйинг.

Айбланувчининг оёғини бўшатишганда руҳоний суд прокурори лўли қизнинг оғриқдан жонсизланиб қолган оёғини кўздан кечирди.

– Ҳечқиси йўқ! – деди у. – Буни даволаса бўлади. Жуда вақтида қичқирдингиз-да. Сиз ҳали яна рақсга тушишингиз мумкин, гўзал қиз!

Кейин у касбдошлари – руҳонийлар суди аъзоларига мурожаат этди:

– Ниҳоят, одил судлов учун ҳаммаси аён бўлди! Бу барчамизга мам-нунлик бағишлайди, жаноблар! Адолат юзасидан айтмоқчиманки, маде-муазелга имкон борича юмшоқ муомала қилишга уриндик.

III. Қуруқ баргга айланган экию ҳақидаги бобнинг охири

Томошабинлар бироз оқсоқланиб, залга кириб келган лўли қизни хайрихоҳлик билан қарши олишди. Бу билан улар театрда парда очи-либ, хотима сахнаси бошланганда одамнинг кўнглидан ўтадиган ҳис-туйғуларни ифода этган эди. Судьяларда ҳам кечки овқатга умид пайдо бўлди. Эчкича ҳам хурсандлигини яшира олмасдан, маърай бошлади. Лўли қиз томон югурмоқчи бўлганда уни ёғоч курсига боғлаб қўйишди.

Ҳаммаёқ зим-зиё. Қўшимча шам ёқишмади; ёниб турган шамларнинг ғира-шира нурида зал деворлари аниқ-тиник кўринмасди. Худди ҳаммаёқ зулмат қаърида қолгандек. Фақат у ер-бу ерда судьяларнинг беғам қиёфаси кўринарди. Узун залнинг пойгагида, ғира-ширада оппоқ бир шарпа кўзга ташланиб турарди. Бу айбланувчи эди. У судралиб, зўрға курсига етиб ўтирди.

Дабдаба билан кириб келган Шармолу жойига ўтди, бироқ шу заҳоти ўрнидан турди-да, қўлга киритилган ютуқ билан боғлиқ ҳис-туйғуларини босишга уриниб, эълон қилди:

– Айбланувчи ҳаммасини бўйнига олди.

– Лўли қиз! – деб сўради раис. – Жодугарлик, фоҳишалик билан шуғулланганингиз ва Феб де Шатоперни ўлдирганингизни тан олдингиз-ми?

Лўли қизнинг юрагига оғриқ кирди. Унинг зулмат қаърида йиғлаётгани эшитилиб турарди.

– Ҳаммасини тан оламан, фақат тезроқ жонимни олсангиз бас! – деди у хазин овозда.

– Жаноб руҳонийлар судининг қирол прокурори! – деди раис. – Марҳамат қилиб, судга хулосангизни баён этсангиз.

Шармолу калингина дафтарни чиқариб, судьялар қавмига хос эхтирос ва ифода билан лотинча матнни ўқишга киришди. Кириш қисмини ўқиб улгурмасиданок, пешонасида тер пайдо бўлди, кўзлари эса қинидан чиқиб кетаёзгандек эди. Нутқ жуда чўзилиб кетган бўлса ҳам, у эътиборга лойиқ шундай сўзлар билан яқунланди:

– Муҳтарам жаноблар! Бу аёлнинг жодугарлик билан шуғуллангани ва жинойи мақсадлари исботланган экан, Сите ороли доирасида олий суд ҳуқуқига эга Париж Биби Марям ибодатхонаси номидан, биринчидан, унга жарима солишни, иккинчидан, ибодатхона пештоқи олдида тавба-тазарру қилишини, учинчидан, халқ орасида “Грев” деб юритиладиган жойда ёки Сена дарёси оролидаги қирол боғлари яқинида ушбу жодугарни эчкиси билан бирга қатл этишга ҳукм чиқаришингизни талаб қиламан.

Нутқни яқунлаб, у қалпоғини кийиб олди-да, жойига бориб ўтирди.

– Eheu! Bassa latinitas!¹ – хўрсиниб деди тарвузи кўлтиғидан тушган Гренгуар.

– Овозга қўйилсин! – дея таклиф киритди маслаҳатчилардан бири. – Жиноят исботланди, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди.

Суд аъзолари залдан чиқмасдан овоз беришга киришди.

Мирза бир нималарни ёзиб, сўнг узун қоғоз ўрамини раисга узатди.

Шундагина оломоннинг вағир-вуғури, бир-бирига тегиб кетган найзаларнинг жаранги ва кимнингдир совук овози бахтиқаро қизнинг кулоғига чалинди:

– Айбланувчи! Марҳаматли қиролимиз белгиланган кунда сизни рўдапода, оёқяланг, бўйнингизга сиртмоқ солган ҳолда Биби Марям ибодатхонасининг бош пештоқи олдида аравада олиб боришади ва бу ерда қўлингизга икки фунтли шам тутиб, оломон қаршисида тавба-тазарру қиласиз; сўнг Грев майдонига олиб боришади ва эчкингиз билан бирга дорга осишади; бундан ташқари, ўзингиз иқрор бўлган жиноятлар: жодугарлик, фоҳишаллик ва қотиллик учун руҳоний судга уч лиондор жарима тўлайсиз. Яратган руҳингизни шод этсин!

– О, бу туш бўлса керак! – дея шивирлаган лўли қиз кимнингдир дағал кўллари ўзини кўтариб кетаётганини ҳис этди.

IV. *Lasciate ogni speranza*²

Ўрта асрларда қуриб битказилган ҳар бир бино ер устида қанча жой эгаллаган бўлса, ер остида ҳам шунча жой эгаллаган. Париж Биби Марям ибодатхонаси сингари қозикоёқлар устига қурилмаган ҳар бир сарой, қалъа, ва черковнинг ертўласи бўлган. Ҳар бир ибодатхонанинг кеча-ю кундуз ёруғлик тушадиган, орган ва қўнғироқларнинг овози жаранглаб турадиган юқори нефининг тагида сирли, пасткам, қоронғи ва тилсиз яна бир ўзига хос ертўла-ибодатхонаси бўлган. Баъзан бу ертўлалар даҳма сифатида хизмат қилган. Саройлар ва қалъаларда ҳибсхона ёки ўзига хос қабристон, баъзан ҳар иккиси ҳам мавжуд бўлган. Таъбир жоиз бўлса, саройлар, қалъалар ва черковлар белигача ерга кириб кетган эди. Соҳил бўйидаги дарахт ва тепаликлар дарё сувида акс этиб турганидек, ушбу бинолар ертўлалари ҳам ер устидаги қаватлар билан туташиб кетганди.

¹ Eheu! Bassa latinitas! (лот.) – Эҳ, ярамас лотин тили!

² Lasciate ogni speranza (итал.) – Буткул умидингни уз! (Дантенинг “Илоҳий комедия”сидан).

Сент-Антуан қалъасида, Париждаги Одил судлов саройида ва Луврда бу ертўлалардан зиндон сифатида фойдаланилган. Уларнинг ер остига кириб бораётган қаватлари борган сари тиғиз ва қоронғилашаверган. Улар тобора кучайиб бораётган даҳшат ҳудудлари эди. Данте ўзининг дўзахига мос келадиган бундан бошқа муносиб жой топа олмаган бўларди. Одатда ўлимга маҳкум этилганлар ҳар томондан ёпилган, тепа қисмидагина кичкина туйнукчаси бўлган мана шу дўзахга – ўзига хос тошқопларга ташланган. Бу дўзахга тушиб қолган шўрлик ёруғлик, ҳаво, ҳаёт билан видолашишига тўғри келарди. Бу ердан у фақат дорга осиб ёки ўтга ташлашлари учун чиқиши мумкин эди, холос. Кўпгина ҳолларда одамлар бу ерда тириклайин чириб-ириб кетган.

Афтидан, қочиб кетишидан хавфсираб, ўлимга маҳкум этилган Эсмеральда Авлиё Людовик фармони билан Турнель ерости ҳибсхонасида қазилган ана шундай чуқур тошқоплардан бирига ташланди. Улкан Одил судлов саройи бутун оғирлиги билан унинг устидан босаётгандек эди. Саройнинг ҳатто энг кичкина тошини ўрнидан қўзғатишга ожиз бўлган шўрлик кумурсқа!

Тақдир ҳам, жамият ҳам унга нисбатан адолатли йўл тутмади: инсоф билан айтганда, бундай нозик, мусичадек беозор мавжудотнинг руҳини синдириш учун унга шунча азоб бериш шарт эмасди.

Мана энди у бу ерда зулматга кўмилиб ўтирибди. Албатта, уни жиламайиб, ёрқин қуёш нурлари остида рақсга тушаётган вазиятда кўрган ҳар қандай одам ларзага тушган бўларди. Энди унинг вужуди музлаб кетган; сочлари шамолда ҳилпирамас, қулоғига инсон овози етиб келмас, кўзларида нур акс этмас эди. Кружкада сув ва бир бўлак нон қўйилган, похол устида, зиндоннинг захлаб кетган деворларидан оқиб тушаётган кўлмак олдида кишанларнинг оғирлигидан букчайиб, жонсиз одамдек қотиб ўтирган шўрлик лўли қиз энди азоб-уқубатга парво қилмасди.

Бу ерга келганидан буён у уйқу ва уйқусизлик нималигини билмасди. Зиндонга ташланган, ғам-ғуссага ботган лўли қиз уйқуни уйқусизликдан, хаёлни воқеликдан, кунни тундан ажратишга қодир эмасди. Унинг миясида ҳамма нарса аралашиб, парчаланиб, тумандек ёйилиб-тарқалиб кетган эди. У ҳеч нимани ҳис этмас, тушунмас, ўйламасди, фақат хаёлга чўмиб ўтирарди. Ҳали биронта ҳам тирик мавжудот воқеликдан бу қадар узок бўлмаган эди.

Шу тариха музлаб, тош қотиб ўтирган лўли қиз кунига икки-уч марта тошқоп шифтидаги туйнукнинг заррача нур ўтказмасдан, ғижирлаб очилишини деярли эшитмасди; ана шу туйнук орқали аллақандай қўл бир бўлак қора нон ташлаб кетарди. Аслида ҳибсхона назоратчиси уни ташқаридаги одамлар билан боғлаб турган якка-ю ягона ришта эди.

Фақат биргина нарса онгсиз равишда диққат билан эшитишга мажбур қиларди. Тепадан зах босиб кетган тошлар орасида намлик тўпланиб, сув томчилари бир маромда ерга келиб тушарди. Маҳкума олдидаги кўлмакка томаётган ана шу томчиларнинг товушига қулоқ тутарди.

Ана шу томчилар ҳаётдан дарак бераётган ягона белги, вақтни кўрсатаётган ягона соат, қулоғига чалинаётган ягона товуш эди.

Маҳкума томчиларга қулоқ тутиб, ғамгин дақиқаларни санашга уриниб кўрар, аммо миясининг бу ожизона уринишлари ўз-ўзидан узилиб, у яна мурдадек серрайиб қоларди.

Бир гал – кунмиди ё тунмиди аниқлай олмади – турма назоратчиси сув ва нон келтирганида эшитиладиган одатдаги шовқиндан баландроқ ғала-ғовур қулоғига чалинди. Бошини кўтариб, тошқопнинг гумбазидаги туйнук эшигидан тушиб турган қизғиш нурни кўрди.

Ўша дақиқада оғир зулфин гумбураб, занглаган илмак ғижирлаб, туйнук эшикчаси очилиб, шамчиروқ ва икки кишининг қўл-оёғи кўринди. Туйнукча ўрнатилган гумбаз ҳаддан ташқари паст бўлгани учун уларнинг бошини кўриб бўлмасди. Лўли қиз ёруғликдан қамашиб, қаттиқ оғриётган кўзларини ёпиб олишга мажбур бўлди.

Кўзларини очганда, туйнук эшиги ёпилган, шамчироқ нарвон зинасига қўйилган, рўпарасида эса бир киши турарди. Унинг қора либоси товонигача, худди шу рангдаги ёпинчиғи юзига туширилган, на юзини, на қўлларини кўриб бўларди. Худди узун қора кафан ичида тирик жон бордек туюларди. Маҳкума бир неча сония бу шарпанамо кимсага тикилиб қараб турди. Иккови ҳам сукутда, худди бир-бири билан тўкнашиб қолган жонсиз ҳайкалларга ўхшарди. Бу даҳмада захдан қисирлаётган шамчироқ пилиги-ю бир хил ингичка товуш чиқариб, шамчироқ нурларини титрашга мажбур қилаётган, тепадан оқиб тушаётган сув томчиларигина тирикка ўхшарди.

Ниҳоят, маҳкума сукунатни бузишга қарор қилди:

– Кимсиз?

– Руҳоний.

Бу сўз ва уни айтган овоздан қиз сесканиб кетди.

Руҳоний бўғиқ овозда гапини давом эттирди:

– Тайёрмисиз?

– Нимага?

– Ўлимга.

– Бу қачон бўлар экан? – деб сўради лўли қиз.

– Эртага.

– О, бунча чўзишмаса! – деди у шивирлаб. – Хукми бугун ижро этишса бўлмасмиди?

– Демак, ўзингизни ёмон ҳис этаяпсиз экан-да? – деб сўради руҳоний.

– Музлаб кетаяпман! – деди лўли қиз эти жимирлаб.

Руҳоний капюшонининг тагидан даҳмага разм солди.

– На чироқ! На олов! Ҳаммаёқ сув! Бу даҳшат-ку!

– Ҳа, – деди руҳонийнинг бу хитобидан ҳайратланган лўли қиз. – Кун, ёруғлик ҳамма учун яратилган. Нима учун менга фақат зулмат берилган?

– Нима учун, – деди бироз сукунатдан кейин гапга тушган руҳоний, – бу ерга келиб қолганингизни биласизми?

– Илгари билардим, – деди лўли қиз. У хотирасига кўмаклашмоқчи бўлгандек, ориқлаб кетган бармоғи билан пешонасини силаб қўйди, – аммо ҳозир ҳеч нимани эслай олмайман.

Бирдан у боладек йиғлаб юборди.

– Бу ердан тезроқ кетишни қанчалик хоҳлашимни билсангиз эди! Совуқ ва кўркувдан бутун вужудимни титроқ босади. Қандайдир махлуқлар жисми-жонимни тилка-пора қилаётгандек.

– Ундай бўлса, ортимдан юринг.

Руҳоний унинг қўлидан тутди. Совуқ шўрликнинг суяк-суягигача ўтиб кетган бўлса ҳам руҳонийнинг қўли муздек ботди.

– О! – дея шивирлади у. – Бу ўлим панжаси! Кимсиз, ўзи?

Рухоний ёпинчиғини ечди. Лўли қизнинг рўпарасида кўпдан буён уни таъкиб этиб келаётган шарпа, Фалурдель кампирникида севгилисиди Фебнинг боши узра пайдо бўлган иблис, сўнгги бор илғаб қолгани – Фебга ханжар санчиб, унга оловдек қадалиб турган кўзлар намоён бўлди.

– Оҳ! – деди у титроқ овозда юзини беркитишга уриниб. – Яна ўша рухоний!

Ҳолсизланган, бутун вужудини титроқ босган лўли қиз бошини эгиб, ерга тикилиб қолди.

Рухоний лўли қизга буғдойзор ичига яшириниб олган бечора тўрғай атрофида узоқ вақт айланиб, ҳалқани тобора кичрайтириб, сўнг чакмоқдек ўлжасига ташланган ва бўғилаёзган шўрликни чангалида ушлаб турган калхат нигоҳлари билан термилиб турарди.

Лўли қиз эшитилар-эшитилмас шивирлади:

– Ўлдириб кўяқолинг! Янчиб ташланг! – деди-да, қассобнинг болтаси тагида ётган кўзичоқдек титраб-титраб бошини елкалари ичига тортиди.

– Наҳотки мен шунчалик кўрқинчли бўлсам? – деди рухоний.

Лўли қиздан садо чиқмади.

– Наҳотки, мен шунчалик кўрқинчли бўлсам? – такрорлади рухоний.

Лўли қиз худди кулишга уринаётгандек, лабларини бужмайтирди.

– Ҳа, – деди у важоҳат билан, – жаллод ҳамиша маҳкумни хўрлайди. Неча ойлардан буён у мени таъкиб этади, пўписа қилади, кўрқитади. Эй худойим! У бўлмаган пайтларда нақадар бахтли эдим! Мени тубсиз жарликка улоқтирган шу! О само, қотил шу... Менинг Фебимни ўлдирган шу! – дея зорланиб йиғларди шўрлик лўли қиз рухонийнинг юзига нафрат билан тикилиб. – О разил! Кимсиз, ўзи? Сизга нима ёмонлик қилдим? Нима учун мендан нафратланасиз? Нима учун, ахир?

– Мен сени севаман! – дея бақирди рухоний.

Бирдан кўзёшлари тўхтаган лўли қиз анграйиб, маънисиз кўзлари билан унга қараб қолди. Кўзлари оловдек ёнаётган рухоний лўли қизнинг оёқларига йиқилди.

– Эшитаяпсанми? Мен сени севаман! – деб қайтарди.

– Эй худойим, бу қандай севги бўлди! – деди вужудини титроқ босган шўрлик лўли қиз.

– Бир бахтиқаро севгиси, – деди рухоний.

Кечинмаларнинг оғир юки босганидан бир муддат иккови ҳам жим бўлиб қолди: бири эси оғаёзганидан, иккинчиси – гангиб қолганидан.

– Қулоқ сол, – деди ниҳоят тилга кирган рухоний аллақандай хотиржамлик билан. – Сен ҳаммасини билиб оласан. Мен зулматли тунда, афтидан, ҳатто худо ҳам бизни кўрмайдиган пайтларда виждонимга ҳавола этишга, ўзим тан олишга ҳаддим сиғмаган гапни сенга айтаман. Қулоқ сол! Сен билан учрашгунимча қанчалар бахтли эканимни билсанг эди, қизалок!..

– Мен ҳам! – деди шивирлаб лўли қиз.

– Гапимни бўлмасдан эшит! Ҳа, мен чиндан ҳам бахтли эдим, ҳар холда, ўзимни шундай ҳис этардим. Қалбим покиза, руҳим соф, хотиржам эди. Бошим баланд, пешонам ҳамиша ярқираб турар эди! Рухонийлар мендан ахлоқий покизалиқдан, алломалар илмдан таҳсил олганлар. Дарҳақиқат, илм ҳаётимнинг мазмуни эди. У менинг синглим бўлган, би-

нобарин, бошқа нарсаларга эҳтиёж сезмаганман. Йиллар ўтиши билан хаёлимни ўзга фикрлар чулғаб олди. Ҳар гал ёнимдан аёл ўтиб кетаётганда эҳтиросларим жунбишга келарди. Бундай кезларда менга ўхшаш эсипаст йигитча аллақачон бўйсундирилган деб ўйлаб юрган шахват, қон ҳукмронлиги жисми-жонимни, меҳробнинг совуқ тошларига занжирбанд этган кишанларни парчалаб ташлагандек бўларди. Бироқ кеча-ю кундуз тоат-ибодат, илмий машғулотлар, шахвоний ҳис-туйғуларни тийишга интилишларим зое кетмади: руҳим жисмимни бўйсундиргандек эди. Аёл зотидан узоқроқ юришга ҳаракат қилардим. Қолаверса, китобни кўлга олишим билан барча ҳой-ҳавасларим тумандек тарқалиб кетарди. Вақт ўтган сайин дунёвий, шахвоний майллар ортга чекинаётганини ҳис этардим ва ҳаётим яна абадий ҳақиқатнинг ёрқин нурлари қаршисида тинч-осойишта, пок-покиза ва хотиржам кечиб борарди. Баъзида ичимга кириб олган шайтон гоҳ кўча-кўйда, гоҳ ибодатхонада, гоҳ яйловларда йўлдан оздиришга уринган пайтларда заррача қийналмасдан унинг ҳамласига дош берардим. Эвоҳ, бугун мен мавҳ этилган бўлсам, бунга инсон билан шайтонни яратиб, уларга бир хил куч-қудрат ато этмаган худо айбдор деб биламан. Қулоқ сол. Кунларнинг бирида...

Лўли қиз бирдан жимиб қолган руҳонийнинг оғир-оғир нафас олаётганини эшитди.

Анчадан кейин ўзига келган Клод гапини давом эттирди:

– ...кунларнинг бирида ҳужрамдаги дераза-тоқчага суяниб турар эдим... Ўшанда қайси китобни ўқиётган эдим-а? Хуллас, китоб ўқиётган эдим. Ҳужрам деразаси майдонга қараган. Бирдан қулоғимга чилдирманинг овози эшитилди. Ўй-хаёлларимдан чалғитганларидан ранжиб, майдонга разм солдим. Мен кўрган манзарани бошқалар ҳам кўрган бўлса-да, назаримда, бу томоша инсон кўзлари учун мўлжалланмаган эди. Пешин маҳали, қуёш тик турган пайтда майдоннинг марказида аллақандай қиз рақсга тушарди. У шу қадар гўзал ва латофатли эдики, назаримда, агар Масих уни таниганда Муқаддас Она ўрнига шу хилқатни танлаб, инсон қиёфасига кирган пайтда унинг фарзанди сифатида дунёга келишни истаган бўларди! Қизнинг қоп-қора кўзлари порлаб турар, соч толалари қуёш нурида олтиндек товланарди. Рақсга тушаётган пайтда ғилдирак кегайи сингари шиддат билан айланаётган оёқчаларини илғаб бўлмасди. Унинг икки тарам қоп-қора сочларида, пешонасига юлдузли тож кийгизиб кўйилгандек, темир қадама безакчалар қуёшда ярқираб турарди. Тангачалар билан безатилган мовийранг кўйлаги минг-минглаб тилла нуқталарга ўхшаб тизилган ёз тунини эслатарди. Бугдойранг эгилювчан кўллари эса нозик қомаги атрофида иккита шарф сингари эшилиб-тўлғонарди. Қадди-қомаги бениҳоя гўзал хилқат! Чиройи ҳатто қуёш нурларида ҳам сўнмайдиған порлоқ сиймо! Ўша қиз сен эдинг! Ўшанда ҳайратланиб, мафтун бўлиб сендан кўз узолмай қолдим. Сеҳрланиб қолганимни англаб, даҳшатга тушдим. – Нафаси бўғилаётган руҳоний бироз тин олиб, сўнг яна гапини давом эттирди: – Деярли сеҳрлангач, тубанлик ўпқонига тушиб қолмаслик учун таянч излай бошладим. Бир вақтлар иблис мен учун мўлжаллаб яратган кишанлар ёдимга тушди. Кўз ўнгимда намоён бўлган хилқат шу қадар латофатли ва гўзал эдики, назаримда, у менга худонинг жаҳаннамдан юборилган аллақандай тухфаси эди. У тупроқдан яралган ва ички дунёси аёл қалбининг милтиллаб турган нури билан ёритилган

оддий бир қиз эмасди. У фариштанинг ўзи эди! Ёруғликдан эмас, оловдан бунёд бўлган зулмат фариштаси! Шу хаёллар кўнглимдан ўтаётган кезларда ёнингда эчкини – юзимга гўё тиржайиб қараб турган иблисни кўрдим. Қуёш чарақлаб турган паллада унинг шоҳлари ярқираётгандек туюларди. Ўшанда иблис тузоғига тушганимни, жонимни олиш учун дўзахдан юборилганимни англадим. Ҳар ҳолда, мен шундай фикрга борган эдим... – У бироз нафас ростлаб, яна гапини давом эттирди: – Ҳа-ҳа, шу кундан эътиборан мен ўзим билмаган, танимаган одамга айланиб қолдим. Мен барча нажот чоралари: тоат-ибодат, меҳроб, илмий машғулот, мутолаани кўллаб кўрдим. Барча интилишларим беҳуда кетди. О тентак! Шаҳвоний эҳтирослар қулига айланган мендек ночор-нотавон банда илмдан нажот кутиши мумкинми? Мен билан китобларим ўртасидаги ришталарни узган ким, биласанми? Бу сен, сенинг шарпанг, бир куни майдонда кўз ўнгимда намоён бўлган ёрқин тимсолинг. Аммо у бугун бунинг аксига – қоп-қора кўланка сингари ваҳимали, даҳшатли, аянчли тимсолга айланди. Эҳтиётсизлик қилиб қуёшга диққат билан тикилган одамнинг нигоҳлари ана шундай қамашиб кетади.

Мен ўзимдан, ўзлимдан айрилиб қолган эдим. Чунки шайтон менинг қанотларимга боғлаб қўйган ипнинг бир учини сенинг оёқчаларингга илинтирган эди. Шундай қилиб, сенинг ортингдан кўчама-кўча изғиб, тентираб юришга мажбур бўлдим. Сени уйлар йўлақларида кутдим, кўчалар муволишларида пойладим, миноранинг тепасидан кузатдим. Ҳар куни кечқурун аввалгидан ҳам кўпроқ сеҳрланган, умидсизликка тушган, эс-ҳушимдан айрилган ҳолда ҳужрамга қайтиб келардим!

Майдонга келмасанг, сени унутаман деган умид билан Бош майдонга бормай қўйдим. Аммо сен қулоқ солмадинг, яна майдонга қайтиб келдинг. Кейин сени ўғирлаб кетиш фикри туғилди. Тунларнинг бирида бу режани амалга оширомоқчи бўлдим. Биз икки киши эдик. Сени ушлаб олдик деганда ўша ярамас зобит пайдо бўлди. У сени озод этиб, сенинг ҳам, менинг ҳам бахтсизлигимизга сабаб бўлди. Ниҳоят, нима қилиш, қандай йўл тутишни билмай, сени руҳонийлар судига чақишга қарор қилдим.

Қолаверса, юрагимнинг туб-тубида суд ҳукми билан қўлимга тушасан, ўшанда мақсадимга эришаман, энди мендан қочиб қутула олмайсан, деб умид қилгандим. Ёвузликка қўл урдингми – охиригача бор, ярим йўлда тўхтаб қолиш – ғирт аҳмоқлик!

Шундай қилиб, сени чақишга қарор қилдим. Ўшанда ҳар гал учрашганимизда сени кўрқитардим. Сенга қарши уюштирилган фитнес, бошингга солинган азоб-уқубатлар натижа бера бошлади. Аммо мен сусткашлик қилардим. Мен тузган даҳшатли режа шунга мажбур қиларди.

Эҳтимол, ундан воз кечишим, балки даҳшатли режаларим амалга ошмай, миямда қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Суд ишини чўзиш ёки тўхтатиш менгагина боғлиқ, деб ўйлардим. Бироқ ҳар қандай бемаъни фикр эртами-кечми, барибир, амалга ошар экан. Мен ўзимни ҳамма нарсага кодир деб ўйлаб юрардим, аммо, минг афсуски, тақдиру азал, қисмат мендан устун келди. У сени исканжасига олиб, мен маккорлик билан тайёрлаган араванинг аёвсиз ғилдираги тагига улоқтирди! Қулоқ сол. Гапим охирига етай деб қолди.

Офтобли кунларнинг бирида ёнимдан ўтаётиб, қулимсираб исмингни тилга олган одамнинг кўзларида шаҳвоний ҳис-туйғулар ифодалан-

ган эди. Лаънатлар бўлсин! Мен унинг ортидан эргашидим. Кейин нима бўлганидан хабардорсан.

У жим бўлиб қолди.

Навқирон қиз шивирлаб гапиришгагина куч топа олди:

– О менинг Фебим!

– Бу исмни тилингга ола кўрма! – дея бақирди руҳоний лўли қизнинг қўлини сиқиб. – О бахтиқаролар! Бу исм ҳаммамизнинг бошимизга етди! Ёки тақдирнинг тушунарсиз ўйини оқибатида бир-биримизни хароб қилдик! Изтироб чекаяпсан, шундай эмасми! Совуқ ич-этингни музлатаяптими, зулмат кўзларингни ўйиб оляптими, сени хибсхона деворлари қуршаб турибдими? Эҳтимол, юрагингни ўйнатган ўша енгилтабиат кимсага нисбатан қалбингнинг туб-тубида биргина шуъла, ҳечқурса, болаларча муҳаббат ҳисси бордир. Менинг қалбим – зиндон. Уни изғирин, муз, умидсизлик қуршаб олган! Қалбим зулматга тўла!

Қанчалик азоб-уқубат чекканимни биласанми? Мен судда иштирок этдим. Руҳоний судьялар билан ўтирардим. Ҳа-ҳа, капюшонларини туширган роҳиблар орасида бир гуноҳкор банда ҳам бор эди. Сени олиб келишганида ҳам, сўроқ қилишганида ҳам мен ўша ерда эдим. О, бу қашқирлар уяси! Бу мен содир этган жиноят, менга тайёрлаб қўйилган дор. Ҳар бир гувоҳ пайдо бўлганда, ҳар бир далил келтирилганда, ҳимоячи сўз олганда ўша ерда эдим; мен азобли йўлингдаги ҳам бир қадамнинг санаб беришим мумкин; анови йиртқич ҳайвон қийноқни тилга олганда ҳам ўша ерда эдим. Бироқ сени қийноққа солишлари ҳаёлимга ҳам келгани йўқ! Қулоқ сол. Мен ортингдан юриб, қийноқ хонасига бордим. Сени ечинтириб, яримяланғоч ҳолда жаллод қўллари сийпалаганини кўрдим. Мен сенинг оёқчангни – ундан бўса олиб, ўша ондаёқ жон таслим қилиш учун бир дунё бойликни ҳада этган бўлардим – ҳатто бошимни қўйиб эзгилаб ташлаганда ҳам менга чексиз ҳузур-ҳаловат бахш этиши мумкин бўлган ана шу оёқчангни – тирик мавжудот тўқималарини бир бўлак гўштга айлантирадиган “испан этиги” исканжага олганини кўриб турардим. О бахтиқаро! Бу аянчли сахнани кўриб, кийимим тагига яшириб қўйилган ханжар билан кўкрагимни тилим-тилим қилиб кесиб ташладим! Додфарёд солишинг билан ханжарни биқинимга санчдим; яна бир бор қичқирсанг, ханжар юрагимга санчилган бўларди! Мана, қара! Яралар ҳамон қонаб турибди.

У либосини очди. Чиндан ҳам кўкраги арслоннинг тирноқлари санчилгандек тилка-пора бўлиб кетгани, биқинида эса мадалаб турган яра кўриниб турарди.

Даҳшатга тушган маҳкума орқага тисарилди.

– О қизалок, менга раҳминг келсин! – давом этди руҳоний. – Сен ўзингни бахтиқаро деб биласан! Эвоҳ! Бахтсизлик нималигини биласанми, ўзи! Руҳоний бўла туриб, аёлни севиш! Нафратга дучор бўлиш! Бутун борлиғи билан севиш, биргина табассуми учун қонини, руҳини, покиза номини, нажотни, абадий ҳаётни, ердаги ва чин дунёни бахшида этишга тайёр бўлиш; қуллардан энг буюгининг оёқлари тагига ўзини ташлаш учун қирол, даҳо, император, фаришта бўлмаганидан афсусланиш; кеча-ю кундуз ширин орзулар оғушида яшаш ва унинг аскар либосини севишини кўриб туриш – қанчалар азоб! Унда кўркув ва нафрат уйғотадиган кўримсиз руҳоний либосидан бошқа баридан бебаҳра қолиш! Рашк ва

Ғазаб ўтида ёниб, унинг бемаъни, эсипаст мактанчоқ зобитга муҳаббат ва гўзаллик хазинасидан ошириб-тошириб ҳадя этаётганига гувоҳ бўлиш! Бу ёндириб-қуйдирадиган нозик бадан, бу гўзал кўкраклар, бегонанинг бўсалари остида титраб, бўзариб турган бу қадди-коматни кўриш! Эй худойим! Унинг нозиккина оёқчалари, қўлчалари, жозибали елкаларини силаб-сийпалаш; хужранинг тош ерида туни билан унинг мовийранг томирлари, буғдойранг териси ҳақида хаёл суриш ва суйиб-эркалатмоқчи бўлганим қийноққа солингани, уни фақат чарм тасмали тўшаккагина ётқизишга эришганимни кўриш – қизитилган исканжанинг ўзгинаси! Иккига ёки тўртга бўлиб ташланаётганлар нақадар бахтли! Ҳижрон деб аталувчи шавқатсиз жаллод гўё қизиган панжара устига ўтқазиб, туну кун ишқий хаёллар, рашк ва умидсизлик билан қийноққа солганда қони қайнаб, юраги қинидан чиқиб, боши тарс ёрилиб, тишлари қўлига ботиб кетган одам қандай азоб-уқубатни бошдан кечиришини биласанми! О қизалоқ, раҳм қил! Нафас ростлашга имкон бер! Ёниб турган чўққа озгина кул ташла! Илтижо қиламан, пешонамдан сел бўлиб оқаётган терни артиб қўй! Бир қўлинг билан тилка-пора қил, иккинчиси билан эркала! Менга раҳминг келсин!

Лўли қиз бирдан телбаларча кулиб, унинг гапини бўлди:

– Отагинам, тирноғингиз остида қон қоғиб қолибди!

Рухоний анча вақт тош қотгандек, қўлларига тикилиб турди.

– Майли, сен айтганингдек бўлсин! – деди у кутилмаган итоаткорлик билан. – Майли, устимдан кул, масхара қил, аммо кетмасак, шошилмасак бўлмайди! Қатл эртага белгиланган. Грев дорини билсанг керак? У ҳамиша ҳозир у нозир. Сени аравада олиб кетишаётганларини кўриш нақадар даҳшат! Мен шўрликка раҳминг келсин! Сени қанчалар севишимни энди ҳис этдим. Мен билан юр! Сени қутқарганимдан кейин мени севиб қолишга ҳали улгурасан. Мендан истаганча нафратланишинг мумкин! Лекин қочмасак бўлмайди! Қатл эртага белгиланган! Ўзингни ўзинг қутқар! Менга шафқат қил!

Жазавага тушган рухоний лўли қизнинг қўлидан ушлаб олиб кетмоқчи бўлди.

Лўли қиз мижжа қоқмай унга тикилди:

– Февимнинг тақдири нима бўлди?

– А! – дея ҳайқирди рухоний лўли қиздан узоқлашиб. – Сен раҳм-шафқат нималигини билмас экансан!

– Февнинг тақдири нима бўлди? – такрорлади қиз совуқ оҳангда.

– У ўлди! Ўлди! – дея бақирди рухоний.

– Ўлди?.. – деди лўли қиз бўшашиб. – Ундай бўлса, ҳаёт ҳақида гапириб нима қиласиз?

Рухонийнинг хаёли қочди.

– Ҳа-ҳа! – деб минғирлади рухоний ўзи билан гаплашаётгандек бўлиб. – У ўлган бўлса керак. Ханжар чуқур санчилган эди. Унинг учи юрагига теккан бўлса керак. Ўзим ҳам ана шу ханжарнинг учида яшаганимни билсанг эди!

Бехосдан унга ташланган лўли қиз ғазабланган урғочи арслон сингари бор кучи билан рухонийни нарвон зинасига улоқтирди.

– Йўқол, махлуқ! Йўқол, котил! Ўлишимга имкон бер! Менинг қоним абадулабад пешонангга тамға бўлиб қолсин! Сеники бўлиш? Ҳеч қачон!

Ҳеч қачон! Ҳеч нима, ҳатто дўзах ҳам бизни бирлаштира олмайди! Ҳеч қачон, эшитяпсанми! Даф бўл, лаънати!

Рухоний зинага суруниб кетди. У ортиқ гапирмасдан, кийимига чувалашиб қолган оёқларини бўшатди-да, шамчирокни олиб, зинадан туйнукка қараб чиқа бошлади. Туйнук эшигини очиб, ташқарига чиқди.

Бирдан лўли қиз унинг боши туйнук эшигида пайдо бўлганини кўриб қолди. Юзи кўркинчли бўлиб кетган эди; рухоний ғазаб ва умидсизликдан бўғилиб қолган одамдек бакирди:

– У ўлди деяпман сенга!

Лўли қиз ерга шилқ этиб йиқилди; яна зулмат ичида қолган ҳибсхонада кўлмакка бир маромда томаётган томчидан бўлак ҳеч қандай сас эшитилмасди.

V. Онаизор

Назаримда, бу дунёда боласининг кичкина бошмоқчасига назар солганда она қалбида уйғонадиган ҳис-туйғулардан ёқимлироқ ҳеч нима бўлмаса керак. Теварак-атрофида ҳамма нарса боланинг ўзидек кулиб-қувнайди, ҳатто енгил шабада ва куёш нурлари бир-бири билан ўйнашиб, унинг жингалак сочларига чувалашиб кетгандек туюлади. Буларнинг бари пойабзалга тикилиб турган онанинг кўз ўнгида юз беради ва табиийки, унинг юраги олов устидаги мум сингари эриб кетади.

Бироқ боласидан жудо бўлган она учун пойабзал билан боғлиқ бу қувноқ, жозибали ва кўнгилга яқин тимсоллар мислсиз изтироб, азоб-уқубат манбаи. Меҳр билан қўлда тикилган пойабзал унинг қалбини кеча-ю кундуз тилка-пора қилаётган қийноқ қуролига айланади. Бу юракда ҳамон ўша яширин, нозик ва таъсирчан торлар жарангласа ҳам, аммо энди уни оҳиста ўйнатаётган фаришта эмас, иблис тирнаётган бўлади.

Бир кун эрталаб баҳор куёши кўм-кўк осмонда порлаб турган паллада Роланд минораси роҳибаси қулоқларига Грев майдонидан келаётган ғилдирак товуши, от туёқларининг тапир-тупури, темирнинг ғижирлаши эшитилди. Бу ҳол уни ҳайратга солгани йўқ; кўчадан келаётган овозларни эшитмаслик учун у сочлари билан қулоқларини беркитиб, ўн беш йилдан буён сажда қилиб келаётган жонсиз нарсага тикилиб турарди. Мана шу пуштиранг шойидан тикилган пойабзални қўлга олиб, Яратганга қанча таъна-ю дашномлар ёғдиргани, қанча илтижолар, ибодатлар қилгани, қанча кўзёш тўққани Роланд минорасининг нимқоронғи хужрасигагина аён. Ҳеч қачон ва ҳеч ким бундай бежирим нарсага бу қадар топинмаган, илтижо ва дард-аламларини бу қадар тўкиб солмаган.

Ўша куни эрталаб роҳибанинг қайғуси аввалгидан ҳам чексиз, дардли туюларди ва унинг хужра ичидан эшитилаётган айтиб йиғлашлари юракларни ларзага соларди.

– О қизалоғим! – деб инграрди у. – Менинг шўрпешона қизалоғим! Наҳотки, сени бошқа кўрмасам! Ҳаммаси тамом бўлди! Менга бу гўё кеча юз бергандек туюлади. Яратган эгам! Уни бунчалик тез қайтиб олар экансан, нима қилардинг менга бериб! Наҳотки, бола жисми-жонимизга айланишини ва боласидан айрилиб қолган она худога ишонмай қўйишини билмасанг? Бу қандай кулфат бўлди! Бошмоқча бағримда, лекин оёқчалар қани? Унинг танаси-чи? Болагинамни, қизалоғимни қайтариб бер! Улар

сени не кўйга солишди? Эй худо, болагинамни қайтар! Кеча-ю кундуз тоат-ибодат ва илтижоларда ўтказган ўн беш йил ичида тиззаларимни қора қўтир босиб кетди! Шунча азоб-уқубат етмайдими? Ҳеч қурса бир кунга, бир соатга, бир дақиқага, атиги бир дақиқага қайтариб бер, эй худо! Кейин умрбод дўзах азобига дучор этсанг ҳам розиман! Мана шу кичкина бошмоқчага бир қара! Наҳотки, унга раҳминг келмаса, эй худо? Қандай қилиб шўрлик онаизорни ўн беш йиллик азоб-уқубатга дучор этдинг? Эй нажоткорим Биби Марям! Мендан тортиб олинган, ўғирлаб кетилган, ўт босган яйловда тилка-пора қилинган, қони ичилган, суяклари кемирилган жигарбандимни қайтариб бер! Парвардигор, агар боламни қайтариб бермасанг, бошимни тошларга уриб ёраман, қалбимни тилка-пора қилиб ташлайман, сенга лаънатлар ёғдираман! Наҳотки, қўлларим тишлаб ташланганини кўрмаётган бўлсанг? Ахир, марҳамати кенг худо бераҳм бўлиши мумкинми? Менга туз ва бир бўлак қора нон ташласанг ҳам розиман, фақат қизалоғим ёнимда бўлса, юрак тафти билан куёшдек иситса, бас! Минг афсуски, пуштипаноҳим, мен ожиз гуноҳкор бандангман, аммо қизалоғим туфайли имоним, эътиқодим бутун бўлган. Бир мартагина мана шу бошмоқчани кичкина пуштиранг оёқчасига кийгизсам, армоним қолмасди, эй марҳамати кенг Биби Марям! Ўн беш йил-а! Бугун у вояга етган бўларди! О, бахтиқаро қизалоғим! Наҳотки, уни ҳатто чин дунёда ҳам кўриш менга насиб этмаса? О, бу қандай жазо! Ундан қолган ёлғизгина ёдгорлик – бошмоқчани кўриб туришдан ортиқ азоб-уқубат борми дунёда!

Шўрлик она шунча йилдан буён ўзи учун ҳам ўтинч, ҳам умидсизлик манбаи бўлган бошмоқчани кўксига босиб, қизалоғини йўқотган кундагидек ўксиб-ўксиб йиғлади. Чунки боласидан жудо бўлган она учун бу кун абадий давом этади. Бундай ғам-андух эскирмайди. Мотам либоси эскириб-ситилади, аммо қалбдаги мотам абадийдир.

VI. Турлича бино бўлган уч эркак қалби

Феб ўлмаган эди. Бундай одамларнинг жони қаттиқ бўлади. Фебнинг яраси оғир бўлса ҳам, архидьякон умид қилган даражада хавфли эмасди. Кекса табибнинг ёнига зудлик билан олиб келинган Фебнинг ҳаёти саккиз кун хавф остида бўлди. Аммо ёшлик устун келди; табибнинг ҳар қандай нохуш гумону ташхисларига қарамасдан, бемор тез орада соғайиб кетди. Филипп Лелье ва руҳонийлар суди судьяси табибникида тўшақда ётган пайтда уни сўроқ қилавериш жонига тегиб кетганди. Кунларнинг бирида сахар чоғи ўзини анча тетик ҳис этган капитан дори-дармон учун табибга тилла тепкисини қолдириб, қочиб қолди. Аммо бу ҳол тергов жараёнига заррача таъсир қилгани йўқ. Ўша замонларда маҳкамани суд ишини олиб боришда аниқлик ва тартиб у қадар ташвишга солмаган. Судни айбланувчининг осилишидан бошқа ҳеч қандай далил-исбот қизиқтирмасди. Қолаверса, судьяларнинг қўлида Эсмеральдага қарши анчагина далил тўпланган эди. Фебнинг ўлган деб ҳисоблангани улар учун етарли эди.

Шундай қилиб, Феб тез орада жозибали Эсмеральда, ёки унинг таъбирича, Симиляр, лўли қиз ёки руҳоний томонидан санчилган ханжар зарби ва суд ишининг натижаси ҳақида ўйламай қўйди. Юраги озод бўлиши билан уни яна Флер-де-Лис тимсоли эгаллаб олди. Ўша давр физикасида бўлганидек, капитаннинг юраги бўшлиққа дош бера олмасди.

Унинг сўнги хуштори – Флер-де-Лис сепи мўл-кўл латофатли қиз. Шундай қилиб, жароҳатдан бутунлай фориг бўлган ва икки ой мобайнида лўли қизнинг иши унутилган бўлса керак, деган тўхтамга келган ошиқ йигит Гонделорьелар хонадони эшиги олдига отини чоптириб келди.

У Биби Марям ибодатхонаси олдидаги майдонда тўпланган оломонга эътибор қилмади. Май ойи бўлгани учун бу қандайдир диний маросим бўлса керак деган хаёлга борди-да, отини эшик олдидаги ҳалқага боғлаб, ичкарига – гўзал қаллиғи истикболига югурди.

Қиз онаси билан ўтирарди.

Жодугар, эчки ва унинг бемаъни алифбоси билан боғлиқ хотиралар Флер-де-Лиснинг қалбини тирнар, Фебнинг икки ой йўқ бўлиб кетиши эса қаттиқ ташвишга соларди. Аммо капитанга кўзи тушиши билан унинг чиройли юзлари, башанг курткази, ялтироқ камарбанди, нигоҳлари шу қадар эҳтиросли кўриндики, хузур-ҳаловатдан энтикиб, қизариб кетди. Асилзода қизнинг ўзи ҳам капитанга одатдагидан латофатли кўринди. Унинг жозибали сарғиш сочлари иккита қилиб ўралган, мовийранг кўйлаги ўзига ярашган, эҳтиросга тўла кўзлари чиройига чирой кўшиб турарди.

Ке-ан-Бридаги енгилтабиат жувонлардан бошқа гўзал қизларни анчадан буён кўрмаган Флер-де-Лиснинг латофатига махлиё бўлиб қолган Фебнинг қулфи-дили очилиб, ўша захоти тинчлик “сулҳ”и тузилди.

Қиз аввалгидек дераза олдида кашта тикиб ўтирарди. Капитан қиз ўтирган курсининг суянчиғига тирсаги билан таяниб, унинг енгил-елпи қойишларини тингларди:

– Узоқ икки ой мобайнида нима кор-ҳол юз берди, нобакор?

– Қасам ичиб айтаманки, – деди Феб хижолатомуз оҳангда, – бу чиройингиз билан ҳатто архиепископнинг бошини айлантириб қўйишингиз ҳеч гап эмас.

Қизнинг лабига табассум югурди.

– Бўпти, бўпти, чиройимни қўятуринг-да, саволимга жавоб беринг.

– Жоним билан, азизам! Мени гарнизонга чақириб олишди.

– Қаёққа чақириб олишди? Нима учун хайрлашиб кетмадингиз?

– Ке-ан-Брига.

Феб биринчи савол иккинчи саволга жавоб қайтармасликка шароит яратганидан мамнун бўлди.

– Ахир, бу жуда яқин-ку! Наҳотки, бир марта мени келиб кўришга имкон топмаган бўлсангиз?

Феб нима дейишини билмай, талмовсираб қолди.

– Гап шундаки... хизмат... Бундан ташқари, жонгинам, хаста эдим.

– Хаста? – дея қайтарди қиз ваҳимали оҳангда.

– Ҳа... ярадор бўлдим.

– Ярадор?

Қиз ларзага тушган эди.

– О, хавотирланманг! – деди Феб совуққонлик билан. – Арзимаган яра. Жанжал, қилич зарби. Сизга бунинг нима қизиғи бор!

– Нима қизиғи бор дейсизми? – деди Флер-де-Лис ёшга тўлган кўзларини йигитга қадаб. – Нима деяётганингизни ўзингиз ҳам тушунмайсиз. Қандай қилич зарби? Мен ҳаммасини билишим керак.

– Азизам, билмоқчи бўлсангиз... Сен-Жермен-ан-Ледаги лейтенант

Маэ Феде билан ғижиллашиб, теримиз бироз шилинди, холос. Бор гап шу.

Ёлғончи капитан ўз шаъни-ғурурини ҳимоя қилган одам аёлларни ҳамиша ром этишини жуда яхши биларди. Чиндан ҳам Флер-де-Лис унга кўркув, бахт ва ҳайратдан титраб қараб турарди. Аммо қизнинг кўнглини қандайдир хавотир чулғаб олган эди.

– Ишқилиб, ҳаммамиз соғ-саломат бўлсак, бас! – деди у. – Ўша Маэ Феде деганингиз жуда бўлмағур одам экан. Жанжал нимадан чиқди, ўзи?

Тасаввур ва хаёлот олами у қадар бой бўлмаган Феб чигал вазиятдан чиқиб кетиш чорасини тополмасдан, талмовсираб қолди.

– Очиғи, нима дейишни ҳам билмайман!.. Айтишга ҳам арзимайди... Шунчаки ножўя гап!.. Жонгинам! – деди у суҳбат ўзанини бошқа томонга буришга уриниб. – Майдонда нима шовкин-сурон?

У деразага яқинлашди.

– Эй худо, одамнинг кўплигини! Жонгинам, қарасангиз-чи!

– Билмадим, – дея жавоб қилди Флер-де-Лис. – Айтишларича, бугун аллақандай жодугарни ибодатхона олдида тавба-тазарру қилдириб, сўнг дорга осишар экан.

Бу хабар Эсмеральда билан боғлиқ саргузаштлари буткул унутилганига ишончи комил бўлган капитанни заррача ташвишга солгани йўқ. Шунга қарамасдан, у қизга икки-уч савол билан мурожаат этди:

– Жодугарнинг исмини биласизми?

– Билмайман, – дея жавоб қилди Флер-де-Лис.

– Уни нимада айблашяпти?

– Бундан ҳам беҳабарман, – деди қиз оппоқ елкаларини қисиб.

Қаллиғининг стулига суяниб олган Фебнинг кўзлари Флер-де-Лис кўйлагининг барча туйнукчаларига тушиб турарди. Айниқса, қизнинг бўйинбоғи бехосдан очилганда, ипакдек майин терисини кўриб, кўзлари қамашиб кетган ошиқ йигитнинг кўнглидан: “Наҳотки, шундай хуриликони севмаслик мумкин бўлса?” деган гап ўтди.

Улар жим турарди. Баъзи-баъзида қиз Фебга ҳайрат ва меҳр-муҳаббатга тўла кўзлари билан назар солиб, бошини кўтарганда уларнинг қуёш нурларида ярқираб турган сочлари бир-бирига туташиб кетарди.

– Феб! – деди Флер-де-Лис шивирлаб. – Уч ойдан кейин никоҳ ўқитамиз. Сендан бошқа ҳеч кимни севмайман, деб онт ичинг.

– Онт ичаман, фариштам! – дея жавоб қилди Феб; эҳтиросли нигоҳи гаплари рост эканидан далолат берарди, гўё. Эҳтимол, шу дақиқада бу гапга унинг ўзи ҳам ишонган бўлса, не ажаб.

– Эй худо, қизиб кетяпман! – деди Флер-де-Лис ташвишли оҳангда.

– Ҳақиқатан ҳам, – деди Феб, – чошгоҳ пайти қуёш аёвсиз қиздирадида. Пардаларни тушириб қўйсакмикан?

– Йўқ! Йўқ! – деди қиз ҳадиксираб. – Аксинча, ташқарига чиқиб, тоза ҳаводан нафас олмоқчиман!

Тозиларнинг яқинлашиб келаётганини сезган кийик сингари у ўрнидан туриб, ойнаванд эшик олдига югуриб келди-да, уни очиб, айвонга чиқди.

Тарвузи кўлтиғидан тушган Феб унинг ортидан эргашишга мажбур бўлди.

Айни дақиқада нозикойим Флер-де-Лиснинг юрагига ғулғула солган Биби Марям ибодатхонаси олдидаги майдон ўта ваҳимали ва ғаройиб манзара касб этган эди.



Майдон ва унга туташ кўчалар оломон билан тўлиб-тошган. Ибодатхона эшигининг одам бўйининг ярмигача келадиган пастгина панжараси олдида шаҳар қоровулхонаси сержантлари ва узун милтиқ кўтариб олган ўқчилар икки қатор бўлиб тизилиб турмаганда, тўсиқ оломоннинг босимига дош бера олмасди. Айнан шу туфайли ибодатхонага олиб борадиган йўлак бўш эди.

Биби Марям ибодатхонаси соат миллари ўн иккига яқинлашганда, оломон ўртасида ғала-ғовур бошланди. Сўнгги бонг овози тиниши билан бошлар кимираб, майдонда, деразаларда, томларнинг устида ўтирган одамлар “Ана у!” дея бақира бошлашди.

Норман зотли бақувват от кўшилган ва кўкрагида оқ рангли хоч акс эттирилган қизил либосли чавандозлар қуршаб олган арава Сен-Пьер-о-Беф кўчасидан майдонга кириб келди. Тунги қоровуллар таёқ билан оломонни савалаб, унга йўл очарди. Арава ёнида Жан Шармолу етакчилигида қора либоси ва бесўнақайлиги билан ажралиб турган суд аъзолари ва полициячилар келарди.

Машъум аравада эса қўллари орқасига боғланган лўли қиз ўтирарди. Эгнида биргина кўйлак, узун сочлари яримьяланғоч елкалари ва кўкракларига тушиб турарди.

Қарғанинг қанотларига ўхшаб кетадиган қоп-қора, ялтироқ сочлари орасида гулни қуршаб турган курт сингари нозиккина ўмровига ишқаланаётган, шўрлик қизнинг жозибали бўйнига ўралган қалин кулранг дағал арқон кўриниб турарди. Арқоннинг тагида эса майда яшил мунчоқлар билан безатилган туморча яркирарди. Деразадан қараб турган томошабинлар лўли қизнинг гўё хижолат тортгандек яширишга уринаётган яланғоч оёқларини бемалол кўриши мумкин эди. Унинг ёнида оёқлари боғлаб қўйилган эчкича ётарди. Лўли қиз тишлари билан елкасидан тушиб кетаётган кўйлагини ушлаб туришга уринар, яримьяланғоч ҳолда оломонга кўз-кўз қилинганидан яна ҳам кўпроқ изтироб чекаётганга ўхшарди. Маъсумалик бундай синовларга дош бериши қийин.

– Парвардигор! – деди ҳайратланган Флер-де-Лис. – Қаранг, ахир, бу ўша ярамас лўли қиз ва унинг эчкиси-ку!

У Фебга бурилди. Зобитнинг кўзлари аравага қадалган, юзи оқариб кетган эди.

– Қандай лўли қиз, қандай эчки? – сўради у талмовсираб.

– Наҳотки? – деди Флер-де-Лис. – Наҳотки, эсингизда бўлмаса?

Феб қизнинг гапини бўлди:

– Нима ҳақда гапираётганингизни тушунмаяпман.

У хонага кириб кетишга чоғланди. Аммо яқиндагина ана шу лўли қиз туфайли пайдо бўлган рашк ўти қайтадан аланга олган Флер-де-Лис шубҳаланиб, капитаннинг кўзларига тикилди. Жодугар устидан суд жараёнида қандайдир капитан тилга олингани эсига тушди.

– Нима бўлди сизга? – деб сўради ажабланган қиз. – Сизга разм солган одам беихтиёр анави қизнинг қиёфасидан довдираб қолдимикан, деган хаёлга бориши мумкин.

Феб ҳазил-хузул билан чигал вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлди:

– Меними? Асло! Нега унақа дейсиз?

– Унда шу ерда коласиз, – деди қиз кескин оҳангда. – Охиригача кўрамыз.

Омади чопмаган капитан кўнишга мажбур бўлди. Бахтиқаро киз бошини эгиб ўтиргани уни бироз тинчлантиргандек бўлди. Бу шак-шубҳасиз Эсмеральда эди. У шундай аянчли ҳолатда ҳам ҳамон гўзал эди. Унинг қоп-қора чарос кўзлари озиб кетган юзида янада каттароқ кўринар, сўлгин кийёфасида қандайдир соф ва ёрқин нур жилваланиб турарди.

Ниҳоят, арава майдонга кириб келди.

У ибодатхонанинг марказий пештоқи олдига келиб тўхтади. Соқчилар икки тарафга тизилди. Ғала-ғовур босилгач, ўртага чўмган ваҳимали сукунатни бузиб, илмоқлар ғижирлаб, асосий эшикнинг икки тавақаси бирданига очилди. Шу заҳоти ичкаридан бир маъромдаги диний муножот жаранглаб, шўрлик маҳкуманинг бошига қўрқинчли дуо сўзлари ёғилди:

– ... Non timebo mil Ua populi circumdantis me. Exsurge, Domine; salvum me fac, Deus!

..Salvum me fac, Deus, quomam mtraverunt aquae usque ad anirnan meam.

...Injixus sum in Umo profundi, el non est substantla¹.

Оломон жимгина кулоқ солиб турарди.

Қўрқувдан дир-дир титраётган шўрлик лўли қизнинг нигоҳи ва фикр-ўйлари ибодатхона ичига кўмилиб, сингиб кетган эди. Унинг қонсиз лаблари ибодат қилаётгандек кимираб турарди. Жаллод ёрдамчиси аравадан тушишига ёрдамлашиш учун лўли қизга яқинлашганда унинг “Феб” деган сўзни шивирлаб айтаётгани кулоғига чалинди.

Лўли қизнинг қўлларини ечиб, аравадан туширишди-да, тошлар устидан ялангоёқ юрғизиб, пештоқнинг қуйи зинасигача олиб боришди. Озод этилган эчкича маъраб, унинг ортидан югурди. Эсмеральданинг бўйнини ўраб олган арқон илон каби орқадан судралиб борарди.

Шу пайт ибодатхонадан келаётган муножот овози тинди. Зулмат ичида катта кумушранг хоч ва турнақатор шамлар ҳилпирай бошлади. Ранг-баранг либос кийиб олган черков соқчилари ойболталарининг товуши эшитилди ва бир неча сония ўтгач, улар маҳкума ва оломоннинг кўз ўнгида тантанали кўшиқ айтиб, тўғри лўли қиз томон юра бошлади. Аммо лўли қизнинг нигоҳлари хоч кўтариб олган роҳибдан кейин келаётган кишига қадалган эди.

– Бу ўша, – шивирлади титраб-қақшаётган лўли қиз, – яна ўша руҳоний!

Бу чиндан ҳам архидьякон эди. Унинг чап тарафида ибодатхона регентининг ёрдамчиси, ўнг тарафида – таёқча билан курулланган регентнинг² ўзи борарди. Бошини орқага ташлаган, кўзлари катта-катта очилган архидьякон баланд овозда муножот қиларди:

– De venire inferi clamavi, et exaudisti vocem meam, et projecisti me in profundum in corde marts, et flumen circumdedit me³.

Куёш порлаб турган айни шу лаҳзаларда қора хоч тасвири туширилган кумушранг парча либос кийган архидьякон баланд узунчоқ пештоқ остида пайдо бўлганда унинг оқариб кетган юзини кўрганлар, хойнаҳой, ўлимга бораётган маҳкумани қарши олиш учун қарбош тагида ётган епископлардан бири тирилиб келмадимикан, деган хаёлга борган бўлса, не ажаб.

¹ ... Мени қуршаб олган ёвдан кўрқмайман! Илтижоларимни эшит, нажот бер, эй худойим!

... Ҳаққириб, руҳимгача босган сув балосидан қутқар, эй худойим!

... Чуқур ботқоққа ботдим, нажот бер, эй худойим!

² Регент – ибодатхона руҳонийлари етакчиси.

³ Жаҳаннам тубидан қилган илтижоларим бўлди ижобат; еру денгиз қаърига улоқтирдинг сен мени, тўлқинларда қолиб кетди вужудим.

Худди шундай юзлари оқариб, ҳайкалга ўхшаб қолган Эсмеральда ёниб турган сариқ мумли оғир шамни қўлига тутқазишганини деярли ҳис этгани йўқ; у мирзанинг тавба-тазарру сўзларини чинқириб ўқиётганига эътибор қилмас, “омин” денг, деб буюришганда, бу якуний дуо сўзи ўзи билмаган ҳолда оғзидан чиқиб кетарди. Лўли қиз соқчиларга нарироқ туришга ишора қилиб, ўзига яқинлашиб келаётган руҳонийга кўзи тушиб, вужудида аллақандай куч пайдо бўлганини ҳис этди.

Қони қайнаб кетди. Бу заиф, тош қотган руҳ ғазаб-нафратининг сўнгги учқуни эди.

Архидьякон шошмасдан унга яқинлашди. Шу ҳолатда ҳам лўли қизнинг яримянғоч танасига бошдан-оёқ разм солган нигоҳларида рашк ва шахвоний майл ёниб тургани сезиларди. Руҳоний баланд овозда унга мурожаат этди:

– Эй қиз! Гуноҳларингни кечиршини сўраб, худога илтижо қилдингми?

Қизнинг қулоғига яқинлашиб эса шивирлаб деди:

– Меники бўлишни хоҳлайсанми? Мен сени қутқаришим мумкин!

Лўли қиз нафрат билан унинг кўзларига тикилди.

– Йўқол иблис, акс ҳолда кирдикорларингни фош қиламан!

Руҳоний телбаларча тиржайди.

– Сенинг гапларингга ким ҳам ишонарди. Жинойт қилганинг етмагандек, тагин шарманда-ю шармисор бўласан. Тезроқ жавоб бер! Меники бўлишни хоҳлайсанми?

– Фебимни не кўйларга солдинг, ярамас?

– У ўлди, – деди руҳоний.

Шу дақиқада беҳосдан бошини кўтарган архидьякон майдоннинг қарама-қарши томонидаги Гонделорьелар уйи айвонида Флер-де-Лис билан турган капитанга кўзи тушиб қолди. У гандираклаб, қўли билан кўзларини ишқаб, ўша томонга яна бир қаради-да, қарғашга тушди.

– Унда ўлганинг яхши! – деди у тишларини ғижирлатиб. – Сен ҳеч кимники бўлмайдсан!

Лўли қизнинг устига қўлларини ёзиб, мотамсаро оҳангда тиловат қилди:

– I nunc, anima anceps, et sit tibi Deus misericors!¹

Бу каби ғамгин маросимлар одатда ана шундай даҳшатли сўзлар билан якунланарди. Шунингдек, бу руҳонийнинг жаллодга “ишга киришинг” деган ишораси эди.

Оломон тиз чўқди.

– Kyrie eleison!² – дея муножот қиларди пештоқ тагида турган руҳонийлар.

– Ўзинг кечир, худойим! – такрорлади оломон.

– Омин! – деди архидьякон.

У лўли қизга орқа ўгириб, бошини кўксига туширди-да, қўлларини қовуштириб, руҳонийлар галасига бориб кўшилди. Бир неча сониядан кейин унинг ўзи ҳам, хоч ҳам, шамлар ҳам, либослар ҳам ибодатхонанинг нимқоронғи деворлари ортида ғойиб бўлди. Унинг оҳангдор овози ва хорнинг ғамгин муножоти тобора узоқлашиб борарди.

Черков соқчилари ойболталарининг тобора пасайиб бораётган

¹ I nunc, anima anceps, et sit tibi Deus misericors! – Борақол, эй бадкирдор банда, худонинг ўзи гуноҳларингни кечирсин!

² Kyrie eleison! (юнон.) – Ўзинг кечир, худойим!

такиллаган овози маҳкумнинг ўлим онлари яқинлашганини кўрсатаётган минора соатларининг бонгини эслатарди.

Тақдирга тан берган лўли қиз жимгина кутиб турарди. Соқчилардан бири айна пайтда ибодатхонанинг асосий пештоқдаги, баъзиларнинг таъбирича, Иброҳим пайғамбарнинг қурбонлик келтириши, бошқаларнинг фикрича, фаришта – қуёш, бир боғ ўтин – олов, Иброҳим қиёфасида эса – уста тимсоли акс этирилган барельефни синчиклаб кўздан кечираётган Жак Шармолюнинг эътиборини лўли қизга жалб этишга уринарди.

Шармолюни бу ишдан чалғитиш анча қийин бўлди. Ниҳоят, у маҳкум томон бурилиб, сариқ либос кийган икки кишига ишора қилди: жаллоднинг ёрдамчилари лўли қизнинг қўлларини яна боғлаш учун унга яқинлашишди.

Сариқ либосли кимса қўлини орқасига бураб тортаётган пайтда қиз бирдан юзи ёришиб, хайкириб юборди. У майдон бурчагидаги уйнинг айвонида севгилиси, қадрдон дўсти, ҳукмдори, бахтли онлари тимсоли – Фебни кўриб турарди!

Судья алдаган экан! Бу ўша зобит эканига заррача шубҳа йўқ. Чиндан ҳам келишган, тирик, дабдабали ҳарбий либос кийган, шляпасига паркестириб олган, қилличини ўйнатиб турган киши Феб де Шатопер эди!

– Феб! – дея бақирди лўли қиз. – Менинг Фебим!

Муҳаббат ва ҳайратдан қалби тўлиб-тошган лўли қиз ҳаяжондан титраб турган қўлларини унга узатмоқчи бўлди, аммо улар аллақачон боғлаб ташланган эди.

Шунда у капитаннинг қовоғи уйилганини, йигитга суяниб турган гўзал хоним эса ғазаб ва нафрат билан ўзига тикилганини, сўнг Фебга бир нималар деб, иккиси ҳам айвоннинг ойнаванд эшигидан ичкарига кириб кетганини кўрди.

– Феб! – дея бақирди ўзини йўқотаёзган лўли қиз. – Наҳотки, бу гапларга ишонган бўлсанг?

Бирдан миясига даҳшатли фикр келди. Феб де Шатопернинг жонига қасд қилгани учун ўлимга маҳкум этилгани эсига тушди.

Шу вақтгача барча азоб-уқубатларга дош берган эди. Лекин мана шу сўнгги зарба ҳаддан ташқари шафқатсиз бўлди. У хушини йўқотиб, тош йўлга ағанаб тушди.

– Уни тезроқ аравага олиб боринг, ҳукми ижро этиш фурсати етди! – деди Шармолю.

Шу дақиқагача асосий пештоқнинг ёйсимон арки устига ўрнатилган кироллар ҳайкалларининг ёнида майдонда юз бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб турган ғалати томошабинга ҳеч ким эътибор қилгани йўқ; у шу қадар ҳаракатсиз, бўйни шу қадар чўзилган, шу қадар хунук эдики, агарда эгнида тўқ кизил рангли либос бўлмаганда уни қарийб олти юз йилдан буён ибодатхонанинг узун қувурлари орқали сув пуркаб турган тош махлуқлардан бирига ўхшатиш мумкин бўларди. Бу томошабин Биби Марям ибодатхонаси пештоқи олдида юз берган воқеаларнинг бирон-бир тафсилотини ҳам эътибордан қочирмай турарди. У биринчи дақиқадаёқ, ҳеч кимга сездирмасдан, галерея устунларнинг бирига қалин арконни маҳкам боғлади-да, унинг иккинчи учини эшик олдида осилтириб қўйди. Шундан кейин, вақти-вақти билан хуштак чалиб, хотиржам майдонни кузатишда давом этди.

Жаллоднинг ёрдамчилари Шармолонинг бепарволик билан берган буйруғини бажаришга киришаман деб турганда бехосдан бояги одам галерея балюстрадасидан бир сакраб ўтди-да, оёғи, тиззалари, қўллари билан арконга чирмашиб олди ва ойнадан сизаётган ёмғир томчиси сингари ибодатхона фасадидан сирғалиб пастга тушди; у томнинг устидан тушаётган мушук тезлигида зум ўтмасдан жаллод ёрдамчилари ёнига югуриб келди ва баҳайбат муштлари билан зарба бериб, уларни ерга думалатиб ташлади. Сўнг бир қўли билан қушдай енгил лўли қизни боши узра қўтариб, “Бошпана!”, “Бошпана!” дея бақирганча ибодатхона эшиги томон ташланди.

Бу воқеа шу қадар тез содир бўлган эдики, агарда тунда юз берганда уни кўриш учун бир чакмоқ учқуни кифоя қиларди.

– Бошпана! Бошпана! – дея унга жўр бўлаётган оломоннинг ҳайқириғи ва олқишлари Квазимодонинг биргина кўзида бахт ва фахр-ифтихор учқунлари порлашига сабаб бўлди.

Шармолу, жаллодлар, соқчилар – барчаси турган жойида қотиб қолган эди. Дарҳақиқат, Биби Марям ибодатхонаси деворлари ортида маҳкума дахлсиз эди, бу чиндан ҳам мустаҳкам бошпана эди. Унинг бўсағасида ҳар қандай дунёвий судловнинг йўли беркиларди.

Квазимодо асосий пештоқ гумбазининг остига келиб тўхтади. Унинг кенг товонлари оғир романча устунлар сингари тош плиталарга сингиб кетгандек туюларди. Сочлари хурпайган улкан боши юнги остида кўринмай қолган шер калласи сингари елкаларига кириб кетганди. У дағал қўлларида оқ мато сингари титраб осилиб турган лўли қизга шикаст етказишдан қўркиб, уни авайлаб қўтариб турарди. Бу нимжон, жозибали, қимматбаҳо хилқат ўзининг дағал қўллари учун яралмаганини ҳис этаётгандек эди, гўё. Анча вақт у ҳатто нафас олишга ҳам жазм этмади. Кейин бирдан ана шу мулки, бебаҳо бойлигини чорпахил бағрига босди. Одатда она ўз жигаргўшасини ана шундай суйиб эркалайди.

Бир неча сония ўтгач, ғалаба нашидасини сураётган Квазимодо лўли қиз билан бирга ибодатхона ичига кириб, ғойиб бўлди.

Бу ҳолдан жунбишга келган халойиқнинг “Яшасин! Яшасин!” деган ҳайқириғи майдонни тутиб кетди. Унинг қудратли акс садоси Грев майдонида тўпланган одамларни ҳам, дордан кўз узмай турган роҳиба аёлни ҳам ларзага солди.

(Давоми келгуси сонда)



ЗАМОНАВИЙ АҚШ ШОИРАЛАРИ ИЖОДИДАН

Рашида Исмоилий АБУБАКР

(1941 йилда туғилган)

*Инглиз тилидан
Аъзам ОБИД
таржимаси*

Шоира, драматург ва ҳикоянавис. Ғарбий Африкада жойлашган мамлакат Бенинда туғилган. Ўтган асрнинг 60-йилларида Нью-Йоркка кўчиб ўтган. Африка санъати ва маданиятини кенг тарғиб қилиш баробарида Рашида Исмоилий бадиий ижод соҳасида ҳам сезиларли ишлар қилган, тўртта шеърий тўплами, америкалик адиб Ленгстон Хьюз ва сенегаллик ёзувчи Марияма Ба тўғрисидаги очерклари нашр этилган. Шоира шеърларини мусиқий асбобларга жўр оҳангда ифодали ўқишни йўлга қўйиб, санъат даргоҳларида мунтазам равишда ёшларга ижод сирларидан сабоқ бериб келмоқда.

ЧИТТАК

*Ҳар ёнда сукунат,
йўқ қилт этган шабада,
кескинлик
тилсимланган симлар
кенгликда чўзилар
дайди итлар изғир,
мушуклар ўгринча кезинар
шоҳ-шабба-ю улов остида
хурпайганча таталайди ер.
Бош устида
сарғимтир қушлар
туссиз осмон
тинчини бузар
чинқириб.
Чил-чил бўлар пиёла
полга урилиб.
Мари-Флора хоним
букар тиззасин,
совуқ чимчиларкан кетини
қунишиб олар.*

*Таиқарига чиқмоқчи бўлиб
тойилиб кетар чуқур ичига.
Тепада ҳануз
сарғимтир қушлар
талпинади хира самога
эсанкираб
қулаётган дарахтни олади қуришаб.
Жимжит-жимжит
насимдан ном йўқ
ҳаво қотиб қолган
бўғиқ қичқириқ
оғриқларга чирмаб ташланган.
Замин силкинади
одамзод не қиларин билмай
кўтариб уради ўзини.
Қушлар дарбадар.
Шамолсиз
чайқалиб-чайқалиб
қулайди пастга.*

* Шеърлар муаллифларнинг "Facebook" ижтимоий тармоғидаги саҳифасидан олинди. – Тарж.

Ивон ДЕЙВИС

(1965 йилда туғилган)

Шоира, жамоат арбоби. Брюссель, Ҳарвард ва Италиянинг Сорренто шаҳарларида таҳсил олган. Журналистика ва тадбиркорликка оид бир неча мукофотлар соҳиби. Сиёсий ва ижтимоий мавзудаги мақолалари тез-тез чоп этилади. Ивон Дейвис шарқона рақсни ёқтиради, ўзи ҳам Шарқ рақсларини севиб ўрганади.

“СЕВАМАН” ДЕБ АЙТ

Лорензо,
Яна бир бор “севаман” дегин.
Севишингни айт, такрор ва такрор.
Тил учуда эрувчи, лекин
Ширин бодом мисол сўзинг бор.
Келтирганинг тоза ҳавода
Уни ичга ютарканман бот.
“Сени суйгум” дея сабода
Пок каломинг ёзмишидир қанот.
Менга неки қилгансан тортиқ,
Бари ажиб ҳам ўзига хос.
Кўз илгамас уларни ортиқ,
Қалбим билан ҳис этгум, холос.
Туйғуларинг ҳақиқати-ю
Каломларинг қудрати ила,
Кўнглимда йўқ заррача гулу,

Тиргак бўлдинг қилиб ҳафсала.
Яна бир бор “севаман” деб айт...
Қайтарканмиз, яқин орада
Ўшал сирли муҳаббат тўни
Бошимдаги ҳар ҳужайрада
Акс садосин эшитсам унинг.
Хаёлимда шивирлар бир сас,
“Севаман” деб такрор айтсанг, бас.
Қайноққина хотираларнинг
Оқ тонгида очарканман кўз
Уйғотгувчим бўлсайди шу сўз.
“Севаман” деб айт, яна бир бор...
Тунлар тинчлик бермайди бирпас,
Сен томонга тортқилар хаёл
Шу сўз ҳақи – шундай муқаддас –
Ҳаётимга етмагай завол.
“Сени севгум” дея айтақол...

СЕВГИ ДАРДИ

Севгим – бир дард, ёпишиб олган,
Толиқтириб, ҳар кўйга солган.
Хаёлимда мен севган инсон,
Қуволмайин бўламан сарсон.
Таъқиб этар севги ўйлари,
Кўз ўнгимда рангу рўйлари,
Ул қуёшга боққанда ҳар он
Ёр кулгиси бўлар намоён.
Атиргулда туйгум нафасин,
Таомимда унинг мазаси.
Ҳар ишимга солади соя,
Ҳисларимга йўқдир ниҳоя.

Қувонч, қайғу, нафрат, алам, ғам,
Ҳаяжон... эҳ, бари мужассам.
Бул хасталик тортару хира,
Одат бўлиб қолар охири.
Назоратдан чиқиб кетар бот,
Ҳеч қутулиб бўлмайди, ҳайҳот.
Севги хавфи бўлмай қолди сир,
Лек таваккал қилмоққа арзир.
Телба севги, оҳ, қилди адо,
Қайта-қайта қилай жон фидо.
Тириклигим – сенинг борлигинг,
Озорлигинг, безуборлигинг.

ЁЛФИЗЛИК

Сенинг уммонингман, ўзинг соҳилим,
Танангга урилар тўлқин-кокилим.
Бағрингни емириб бораётирман,
Гоҳ сувга, гоҳ лойга қораётирман.
Лек қуёш нурида доим кўк, тиниқ,
Қизисанг, тўлқинлар совитар аниқ.
Шунчалик кўпсанки, йўқ ҳеч саноги,
Мўлдирман, ҳеч кимса билмас адогин.

Биргина ястаниб ётган шу соҳил
Бағримдаги барча асрорга дохил.
Мулоийм, тинчгина эсади насим,
Бизнинг овозимиз – шамол нафаси,
Уммону соҳилга сўйлайди гоҳо,
Пичирлаб нелар дер, куйлайди гоҳо,
Тўлганиб-тўлганиб бир куй чалади,
Фақат икки юрак тинглай олади.

ИШҚ ОЛОВИДА

Данте “Дўзах” номли асарда айтган
Ҳеч сўнмас
Қайноқ бир лава мисолман.
Оловли ҳисларим бемаъними, ё
Туйғуларим телбага хосми?
Ёхуд ҳисларингнинг гирдоби ичра
Чўкиб бораётган ўзим холосми?
Жимгина, гарибдай сени кутаман.
Танамга тегинса эди кўлларинг.
Бир-бир ўйларимни юпатсанг, қани,
Интиққина руҳим силасайдинг бот.
Оловли қалбимга беролсанг маъни.
Шаддодман, ҳеч нарса қониқтиролмас,
Истагим, орзум, қувончим қайда.
Мени истаб, атай, келсанг ёнимга,
Ҳузуримга келсанг кўпроқ ва қайта.
Қайдан пайдо бўлмиш буларнинг бари –
Балки биз учрашган мазмунсиз вақтдир?
Оғриқдан ва ёки эҳтиёжданми,
Ёинки асли бу шунчаки тақдир?
Чанқоғимни қондир, совит оловим,
Намчил ёмғирларинг устимдан қуйгил.
Дудоғингдан ичай ишқ шаробини,
Лабларинг таъмини тотсин-да кўнгил.
Изн бер, дунёвий мўъжизаларнинг

Тўққизинчисидай кўрай сени, бас.
Саккизинчиси ҳеч қалбга боғлиқмас.
Келажагинг оқар томиларимда,
Кўҳна бешигимга ботади чуқур.
Сен учун кечалар дилдираб чиққум,
Биламан, қалбим ҳам томчилар нуқул.

Азизим, бу қадар қилмагин интиқ,
Юрагим, маъшуқим, сени суяман.
Тана суст, оғирлик қилаётир қалб,
Сен учун,
сен учун
ёниб қуяман!



Уша АКЕЛЛА

(1967 йилда туғилган)

Уша Акелланинг шеърлари АҚШ ва Ҳиндистоннинг кўплаб газета-журналларида чоп этилган. Биринчи китоби “Кали рақслари” деб номланиб, Ҳиндистонда нашрдан чиққан. Ушбу асар ўқув қўлланма сифатида Смит коллежининг Осиё-Америка адабиёти курсларида ўқитилган. Уша Акелла ижодида тасаввуфна оҳанглар етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, шоира таниқли муסיқачи Стив Гон билан доимий ҳамкорликда ишлайди. Бу ижодий яқинлик натижасида “Мулоқот” деб номланган CD-альбом юзага келган.

КЎЛГА САДОҚАТ

*Қарайман, Охрид кўлин митти мавжлари унга садоқатин этар намоён
тасдиқлайман шоир каби демасман ёлгон, ҳақиқатни айтгум*

*бу тош йўлу кўк гумбазни келинчакнинг хиносидай
чаплаштирган қуёш, кафтим излари –
яширин иероглиф ҳақида, бори ҳақиқатни айтгумдир*

*ким мен орқали нафас олаётгани, ушбу япроқ,
хитой атиргулин жасорати ва унинг қироличалардай*

*қандай тахтга ўтириши бу коинотда, келиб чиқишиму
юррак дупури, муносабатларим ҳақда бор гапни айтгум,*

*одам борки, бир пайтда ҳам кўзгу, ҳам соя,
шеърят – маъшуқа, худолиги-ю*

*азобкаш эканин, мен эса бир қул, қўлда патқалам,
бир нуқтадан наригиси томон,*

*қаяқдандир онамникига сўнгра уйдан
уйсизликкача ўтишимга оид ҳақиқату*

*галтакдаги ип мисоли ўзини менга ўраётган
коинотни нимагаям севишим ҳақда борини айтгум...*

Буларнинг баридан ҳеч хабарим йўқ.

БАҲОР

*Бу баҳордир. Япроқлар сўлгин.
У баҳордир. Тўкилади барг.
Осмон мовий рангда. Ул баҳор.
Заминнинг қўллари чўзилган. Гулбаҳор.
Бу баҳордир. У эмин-эркин.
Шу баҳордир. Қабул қилмас хотираларни.
Дўсту ёрга дўн. Бул баҳор.
Сенга айланади ёру дўст. Гулбаҳор.
Бир из қолдирмасдан учгил, қуш. БАҲОР.*

ҚУРОЛЛАРИНГ ҚАЁҚДА, ИРОҚ?

1.

*Дунё унинг хаёлида ўргимчак уясининг толаси мисол,
унутмиш ул воқеликнинг пучмоқларида
асл ёшини, аммо севги ўжар – милтиллар чўғи,
пингвин ёхуд тошбақанинг калта-култа қаричидек
етим қондошларин қамчи ила йўналтирар у.*

*Бу барча нур зойиб бўлур зимистон макон,
гуноҳларимизни ювиш учун сувга шўнғир гўдаклар,
улар буни туширолмас қозозга – бирикмалар муз қотмиш,
масхарабозлар байрамидаги ниқоблар каби;*

*на ҳукм, на тушунча ичра,
кўнгиллари сўлди – гулбарглар қозозга қарар мўлтираб,
пайғамбарга ҳеч товуш эшитилмас бу чўлда.*

2.

*Нари ё берида юрган эркин зот, эркин учяпсанми?
Кўёш қизир қўлларингда, қайноқдир кул, куйган жиши хотира.*

*Чалинётган кўнгироқми бомбаларнинг ўрнида?
Кийганингиз Худо терисининг рангими?
Тунги юлдузлардай кўкни қоплар митти қўлчалар,*

*Барча туғларнинг ранги, бизга рангли қозоз тангачалар от,
Онага ухлаш-чун кўмаклаш, биз унутилгунга қадар қўшиқ айт бизга.*

ТАШЛАНМАГАН ПЎСТ

*Гоҳо овоз қайтарар товуш,
Шеърдан нурли сўзлар берар акс,
Ота-онасини даволар гўдак,
Янги уйқу чиқар рўёдан,
Дунё пўст ташлайди, чуваланар у.*

*Шу дунё оғзидан чиқар қиргинлар,
Бўлинган бошлардан янги ўлкалар,
гуллар янги яра, учар қузгунлар,
паст худолар, Эрос қолдиради из.*

*Дунёнинг бу қалтироқ қўли,
Бир пул қилиб қайтарар қалбни,
Махлуқ берар одам ўрнига,
Ҳаёт учун мурда, каптарга калхат,
Ягона тил, минг битта забон.*

Ким нимани қайтарар кимга?



Исай КАЛАШНИКОВ

(1931–1980)

ҚАТТОЛ АСР

Тарихий роман

Иккинчи китоб

ҚУВГУВЧИЛАР

8¹

Темучин киши Бурхон-Холдун тоғи этакларида, ўзи улғайган кадрдон ерлар яқинида ўтказди. На укалари, на дўстлари, на қариндошлари ва на оддий жангчиларига бекор қолишга имкон берди. Катта қуршов ови кетидан яна бошқасини бошларди. Жуда кўп гўшт, мўйналар ўлжа олар, аёллар Темучинни тинмай дуо қиларди. Унинг асосий мақсади халқини тўйдириш эмас, қўшинни доимий ҳаракатда ушлаш, қорни тўқ жангчилар қалбини мудроқ дангасалик балосидан сақлаш эди. Қуршов овлари жангчиларни хоннинг фармойишларини сўзсиз, ўз вақтида бажариш кўникмасини уйғотди. Темучин уруш пайтида бирлашган мингта жангчи уюшмаган, бўшашган ўн минг кишилик қўшиндан устун бўлишига ишонч ҳосил қилган.

Темучин улусини кенгайтириш масаласини ҳам эсдан чиқармас, гурхон Жамухадан ажралган қабилалар нўёнларига одам жўнатиб, турли-туман ваъдалар берарди. У кўпчиликни қўл остига олган бўларди, лекин укаси Хасар ишнинг белига тепди. У ҳеч кимдан сўрамасдан кўнғирот ўрамларига ҳужум қилиб, одамлару подаларни ҳайдаб келибди. Ҳатто Темучиннинг кекса қайнотаси Дой-Чечан ҳам таланганлар қаторида экан. Шундан кейин Темучиннинг ваъдаларига ҳеч қайси нўён ишонмай қўйди. Укаси Хасарни энг номаъқул сўзлар билан уришиб ташлади. Унинг бўлса парвойи фалак! Бошқа укалари унинг ишларига аралашмас, халакит ҳам беришмас, аммо Хасар ҳамма вақт ўзининг хон акасидан кам жойи йўқлигини исботлашга ҳаракат қиларди.

Баҳорда Темучин татарлар устига юриш қилишга тайёргарлик кўра бошлади. Хасарни юришга қўшилиш таклифи билан Ван-хоннинг ҳузурига жўнатди. Укаси ўша ерда ҳам қовун туширибди. Ван-хоннинг нўёнлари ва

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

укаси Жағамбу билан менсимай гаплашибди. Нукул ўзини баланд олиб, хатто Ван-хонга ҳам хурмат кўрсатмабди. Хон-отасининг нўёнлари шундоқ ҳам Темучинни ёқтиришмас, энди бўлса унинг укаси зулм ўтказмоқчи... Жағамбу, Хулабри, Элхутур, Арин-тойжи ва Алтун-ашуқ хуфёна келишиб, Ван-хонни йикитиб, ўрнига Нилха-Сангунни ўтказмоқчи бўлишибди. Уларнинг бу кирдикорларини Алтун-ашуқ Ван-хонга айтиб берибди. Жағамбу найманлик Таян-хон томонга қочибди, Хулабри, Элхутур, Арин-тойжиларни эса тутиб олишибди. Жаҳолатдан қутуриб кетган қари хон уларнинг юзларига уриб, тупурибди. Ўша пайтда хоннинг ўтовида бўлганларнинг ҳаммаси фитначилар юзига тупуришибди. Тунда эса кимдир уларни қочириб юборибди. Улар ҳам Жағамбунинг ортидан Таян-хон хузурига кетибди.

Ўз улусида талотўплар юз бериб турганда бегона қабилалар билан уришиш кўнглига сиғмаган хон татарлар устига юришга розилик бермабди.

Дарғазаб бўлган Темучин укасига пўписа қилди:

– Менга яна бир марта шунақа “мурувват” кўрсатадиган бўлсанг, эчки бокишга мажбур қиламан!

Хасар бир сўз демай, бошини мағрур тутганча ўтовдан чиқиб кетди.

– Унга бунақа ишларни буюрмасанг, ўзинг тинчроқ бўласан, – деди Бўрта.

Хотинининг укасини кўрарга кўзи йўқ. Бўрта Темучинга бирор қор-хол бўлса, ўғиллари эмас, укаси улусни қўлга олади деб шубҳаланар ва имкон топилди дегунча Хасарни ёмонлашга тушарди. Буни билган Темучин гап Хасар ҳақида борганда Бўртага ишонмасди. Унинг гапига кирсанг, ўз уканг ашаддий душманга айланади. Душман эса Хасарсиз ҳам етарли. Яхшилаб ўйлаб қаралса, Хасар унчалик айбдор эмас. Усиз ҳам ҳаммаси етилиб, пишиб турган экану ёнишга тайёр турган қаловга учқун сачратиб юборибди.

Татарлар устига юриш қилишдан бош тортиб бўлмасди. Миш-мишларга қараганда, улар катта кўшин тўплаб, Темучин устига хужум қилмоқчи эмиш. Шунинг учун Темучиннинг ўзи ёз бошида йўлга тушди. Татарлар Долон-намурға деган жойда кутиб туришар, кўшин худди қанот ёзган қуш шаклида сафланганди. Ўнг қанот Халха дарёси бўйигача чўзилган, чап томони эса дўнгликлардан иборат текисликка жойлашганди. “Қуш”нинг гавдасини кетма-кет тизилган мингталиқ бўлимлар ташкил қилган. Темучин эгар устида букчайиб ўтирганча ўзи учун ҳам, татар нўёнлари учун ҳам бош қотирарди. Уларнинг фикрини уқишга ҳаракат қиларди. Темучиннинг кўшини “қуш”нинг “гавдаси”га урилса, “қанотлар” икки тарафидан ўраб олади-да, ҳалокатли қуршовга олиб, эзиб ташлайди.

У эгар устида ортига ўгирилди-да, нигоҳини Жарчиўдай билан Хулдорда тўхтатди.

– Ўзларинг уруд ва манғитларингиз билан тикка борасизлар. Шунақанги калтаклангки, кўзларидан учқун отилсин. Асосий кучимизни шу ерда деб ўйлашсин. Бу вақтда Ўлтон, Хучар, амаки, ўз жангчиларингиз билан душманнинг ўнг қанотини синдириб, қирғоқ бўйлаб бориб, татарларнинг орқасига ўтасизлар. Қолган кўшин билан мен уларнинг чап қанотига хужум қилиб, ёриб ўтаман-да, татарларнинг бу биқинидан чиқаман. Ҳаммаси тушунарлими?

– Ёриб ўтолмасак-чи? – сўради Доритой-ўтчигин.

– Агар режа уддаланмаса, кўркувга тушмасдан, тартибни бузмасдан орқага қайтинглар ва ҳозирги жойингизни эгалланглар. Бу ердан бир қадам ҳам силжиманглар. Ким қочса – ўлим.



– Туролмасак-чи?

– Амаки, қочишга етган куч жанг қилишга ҳам етади. Эслаб қолинг: агар душман қочса, уни охирги жангчисигача қириб ташланг. Ўлжаларга ўралашманг. Отларингиз туёқлари остида олтин ёмбилар ярақлаб ётса ҳам тўхтаманг. Душманни енгсак, ҳаммаси бизники бўлади.

Татар кўшинидан қора от минган бир чавандоз ажралиб чиқиб, текисликда от кўйиб келди-да, бир ўк масофада тўхтаб, кўлларини оғзига карнай қилди:

– Ҳов, малла кўппак, бу ёққа чиқ! Қиличим билан сенинг қизил соқолингни қириб кўяман!

Татар турган жойида отини ниқтар, ярақлаган қиличини сермаб кўярди. Кимдир ўк узди, лекин нишонга етмай ерга санчилди-да, чанг кўтарилди. Темучиннинг ёнига Хасар от чоптириб келди. Унинг кўзлари ёнар, бурун катаклари бир кенгайиб-бир тораярди.

– Унинг бошини олишга ижозат бер!

– Бемаъни ишларга вақт йўқ.

– Ҳа, машак шоқол, кўрқяпанми? – татар ботир томоқ қирди. – Биз сенинг отангни ҳам, бир талай уруғ-аймоғингни ҳам осмонга кузатгандик. Энди навбат сенга, кўрқоқлар хони!

– Хулдор, Жарчиўдай, бошланглар!

Урутлар ва манғитлар шувиллаб олдинга отилиб чиқди. Темучин татарларнинг чап қанотига қараб отилди. Жалма унга етиб олиб, оппоқ тишларини ярақлатиб кулиб кўйди. Унинг ортидан найнов Субутой-баходир, пакана ва чаққон Мухали, қувноқ ва сергап Хорчи келарди... Темучин от жиловини тортиб жангчиларни ўтказиб юборди-да, бир тепаликни мўлжаллаб, унга кўтарилди. Ёнига жангнинг ловуллаган еригача кириб боришдан тоймайдиган товачилари келди. Бовурчи билан Жалма, ўғли Жўжи ва онаси асраб олган Шихи-Хутак ҳозир бўлди. У болаларни биринчи марта сафарга олиши эди. Улар кўзларини катта-катта очганча жангни кузатар, осмонга ўрлаётган шовқиндан бошларини елкаларига қисиб олардилар.

Кўркув билмас уруд ва манғитлар “қуш”нинг “гавдаси”га чиппа ёпишиб олгач, рақиб сал чекингандай бўлди. Шу тобда “қанот”лар ҳаракатга келиб, гавдага ҳужум қилганларни билинтирмай қучоғига олишга шайланди. Темучин кутди. Майли, душманлар ғалаба яқин деб ўйласин, хурсанд бўлсин...

Вақт бўлди.

Унинг ишораси билан ўнг қанотга қариндош нўёнлар ҳужум қилди, татарларнинг ичак-чавоқларини ёриб, ҳар ёнга путратиб, орқа томонга ўта бошлади. Асосий кучлар бу вақтда чап қанотни пароканда қилиб, бутун татар кўшинини қирғоққа сиқди. Ҳозир қариндошлари душманнинг орқасидан зарба беради-да, татарлар қўй сурувига ўхшаб тарвақайлашга тушади. Лекин қариндошлари нима учун имилляпти? Улар қаёққа ғойиб бўлди?

У товачиларини жўнатди, ўзи узангида тик туриб кузатар экан, кўнглига татарлар алдамаганмикан, деган таҳлика тушди.

Йўқ, татарлар қоча бошлади. Отлиқлар дарёга тушиб, саҳро томонга йўл олди. Бошқалари бўлса, қуролларини ташлаб, таслим бўлди. Темучин қирғоқ томонга кетди. Майсалари топталган ер қон ҳалқоблари билан безалган, ҳамма ерда қуроллар, дубулғалар, отлар ва жангчилар жасади сочилиб ётар, ярадорларнинг ноалари эшитиларди. Ўлимнинг кўнгилини айнитадиган жирканч иси бутун борлиқни қуршаб олгандай. Темучин болаларга қаради.

Жўжи таъқиб қилинган жонивордай атрофга аланглар, ранги оқариб кетган, эгар қошини қаттиқ сиқиб олган бармоқларининг тирноғи кўкариб кетганди. Шихи-Хутак бўлса, кўзларини юмганча, қурукшаган лабларини қимирлатиб бир нималарни пичирларди.

– Э-э, жангчилармиш! Какликваччалар...

Татарларни тун ярмигача қувишди. Қариндош нўёнлардан ҳам хабар келди. Татарларнинг сафларини ёриб ўтиб, дуч келган аравани талашга тушибди. Бу ҳам камлик қилгандек, мудофаасиз қолган ўрамларга хужум қилиб мол-ҳол йиға бошлашибди. Жаҳлдан Темучиннинг нафаси сиқа бошлади: “Оч бўрилар! Менинг сўзим улар учун хуштакчалик ҳам эмас! Шошмай турларинг!”

Эргалаб унинг сафар чодирига татар нўёнларини бошлаб келишди.

– Ҳаммасини чоғиб ташланглар! – буюрди Темучин.

Уларни қатл қилиб бўлгач, қатта кенгаш чақиртирди. Кун тартибида татар халқини бир ёқли қилиш масаласи турарди.

– Уларнинг устига ўз нўёнимизни қўямиз, – деди Хасар. – Агар рухсат этсанг, мен шу ерда қолишим мумкин. Улар менинг қўлимда худди янги туғилган кўзичокдай бўлиб қолади.

Темучин заҳарханда кулгисини яширмади. Кўнглингни кўчасидан ўргилдим! Татарлар сингари жангчиларга эга бўлса, Хасар тез кунда нотинч кўшнига айланади. Илгариги нўён жанчиларининг энг қатта хатоси ҳам шу эди: улар қабилаларни енггач, мол-дунёсини аравага ортиб ўз нутуғларига кетишган. Орадан йиллар ўтиб, таланган қабилла яна оёққа туриб жанг қилган. Энди бундай бўлмайди!

Унинг жим ўтиришидан Хасарнинг таклифи маъқул келмаганини нўёнлар тушунишди. Бовурчи таклиф киритди:

– Татарларни ўз ўрамларимизга аралаштириб юборамиз. Бизга хизмат қилсин. Ҳар бир мўғул қулли бўлади.

Бу ҳам Темучинга ёқмади. Қуллар кўпайиб кетади. Бунинг устига татарни кул қилиб асраш хавфли. Сафарга кетишганда улар ўрамларни қўлга олиб, хотинлар ва болаларни ўлдириб, подага эғалик қилиши мумкин. Кейин уларни тутиб кўр-чи...

– Татарлар ота-боболаримизни ҳам уриб, талаб, сўйиб, ёвуз Олтин-хонга тутиб берган. Улар қабихларча отамнинг ҳам бошига етган, оиламдаги барча бахтсизликлар ўшандан бошланган! Эсларингдан чиқдимми? Шунча ёвузликларидан кейин ҳам биз уларга раҳм қилишимиз керакми? – Темучин гапларидан ўзи тутаб кетди. – Амримга кулоқ тутинг: бизнинг азалий душманларимиз бўлган татарларни қириб ташлаймиз. Ҳаммасини! Ожиз чоллардан тортиб, эси йўқ эмизикли гўдаккача.

Ҳамма лол бўлганча котиб қолди. У бошқалардан қанчалар юксакда турганини, унинг иродаси одамлар қалбига қанчалар даҳшат ва ҳаяжон солишини аниқ ҳис қилди. Биринчи бўлиб шомон Теб-тангри ўзига келди. Темучинга қарамасдан текис, равон овозда гапираркан, гўё осмонга ибодат қилаётгандай эди:

– Ҳамма нарсанинг аввали ва охири, ўлчами бўлади. Қабилаларимиз орасига бу адоватни ким солганини билмаймиз. Лекин одамларнинг ишончи комилки, сен бу душманликка чек қўясан! – У тунд юзини Темучинга ўгирди. – Шунинг учун ҳам кўпгина қабилаларнинг жасур ўғлонлари сенга эргашган. Бироқ сен осмон белгилаб қўйган йўлдан оғиб кетяпсан. Сендан сўнг саҳрода

одам қолмайди ва бу ерлар ёввойи ҳайвонлар маконига айланади. Аждодлар қони учун қасос олиш ҳақида гапирдинг. Лекин бундай қасос ҳеч қандай ўлчамга тўғри келмайди ва инсон қалбига кириб бормайди.

Темучин шомоннинг гапини бўлмоқчи бўлди-ю, ўзини тийди. Камон ёйи қаттиқ тортилса, узилиши мумкин. Унда қўлингда мададкор қурол эмас, яроқсиз синиқлар қолади. Темучин зўриқиб жавоб берди:

– Сўзларинг доно, Теб-тангри. Ақлли нарсалардан фақат аҳмоқ ўжарлар юз буриши мумкин. Майли, арава гупчагига бўйи етмаган болалар тирик қолсин.

– Аёлларни-чи? – сўради Хасар. – Бу ерда шунақа гўзаллар борки...

– Гўзалларга ишқибозлигинг ҳаммага маълум. Биронтасини кўз остингга олиб улгурдингми?

Кимдир кулиб юборди.

– Нимага куласизлар? – хафа бўлди Хасар. – Бу ернинг гўзаллари қанақалигини сизларга кўрсатишим мумкин. Уларни чошиб ташлаш увол.

У чаққонлик билан ўрнидан сакраб турди-да, зум ўтмай ўтовга қизил чопон кийган бир қизни судраб кирди. Қиз қўлларини қаерга қўйишни билмас, ёноқлари хижолатдан қизариб, кўзларида ёш ялтирарди. Унда тонг шудринглари ювган гул сингари қандайдир бир софлик, покизалик бор эди.

– Исминг нима? – сўради Темучин.

– Есуген.

– Хотиним бўлишни хоҳлайсанми, Есуген?

Қиз унга тезгина қаради-да, сесканиб тушди. Бу кўрқувдан у яна ҳам очилиб кетди. Уни чинданам хотин қилса нима бўлибди? У – хон. Олтин-хон ерлари чегарасидан то найманлар ва қарайитлар ерларигача унинг улуси. Чегараларни айланиб чиқиш учун бир неча кун керак. Оддий жангчиларга ўхшаб битта хотин билан ўтиш унга ярашмайди.

– Нега индамайсан, Есуген?

– Мен сенинг қўлингданам, ўзга қабила ҳукмдори. Аммо опам Есуй сенга мендан ҳам муносиб.

– Опанг сенданам чиройлими?

– Чиройлироқ.

– Сен унга ўз ўрнингни бериб қўясанми?

– Ҳа, ҳукмдор. У яқинда унаштирилганди, лекин куёв тирик қолмаган бўлса керак.

Темучин унинг опасини топиб келтиришни буюрди. Есуй синглисидан икки ёшлар чамаси катта ва чинданам жуда чиройли эди. Лекин унинг чиройи етук, она бўлишга тайёр аёл гўзаллиги эди. Темучин Есуйдан розилик сўраб ўтирмади.

– Икковингни ҳам оламан. Бундан буён менинг хон ўтовим – сизларнинг уйингиз.

Хасар ҳасад билан бир опа-сингилларга, бир акасига қарарди.

Нўёнлар жим. Бу жимликда норозилик бор эди. Сукунат худди момақалдироқ кутилаётган тун сингари оғирлашиб борарди. Жанг сафари тугамасдан хотин олиш таомилда йўқ эди. Бирдан ўтов остонасида баланд овоз эшитилди. Кимдир Билгутайдан Есуй билан Есугенни сўради.

– Нима ишинг бор? – менсимай жавоб берди Билгутой.

– Улар менинг қизларим.

– Хурсанд бўлавер. Улар акам – Темучин хоннинг хотини бўлишади.

– Бахтини берсин, лекин бизнинг ҳолимиз нима кечади?

– Осмонга кўтарилишга тайёрланавер. Сизларнинг манфур уруғингизни илдизидан юлиб ташлаймиз.

Темучин елкаларини ростлаб, нўёнларга нафрат билан қаради.

– Теб-тангри, бу аёлларни менинг хотинларим қаторига олиш маросимини бугуноқ ўтказамиз. Бутун татар халқини, келишганимиздек, қириб ташланглар.

Ташқаридан бақир-чақирлар эшитилди, бу овоз борган сари яқинлашмоқда эди. Гўё бутун қароргоҳ ҳаракатга тушгандек. Душман бостириб келдимикан? Нўёнлар ўринларидан туриб, туртила-суртила эшикка тиқилдилар. Темучин уларнинг ортидан чиқди. Шу чоққача ҳукми кутиб ўтирган татар асирлари кўзғалиб, бир тўда бўлиб шу ёққа келишаётган эди. Темучиннинг ёнига ҳар тарафдан жангчилар чопиб келиб, татарларни қиличдан ўтказар, найзалар билан жароҳатлар, аммо татарлар баттар жазавага тушиб, курук қўл билан олишишарди. Олишувда Темучиннинг жангчилари татарларни қуршовга олиб, ҳаммасини чопиб ташлади.

Темучиннинг олдига оқариб кетган Жўжи чопиб келди. Унинг лаблари титрар, бир оғиз ҳам сўз айтолмасди.

– Сенга нима бўлди, тентаквой?

– Қон... – зўрға гапирди Жўжи.

– Ҳечкиси йўқ, кўникиб кетасан, – деди у.

Шу пайтда ўтов ёнига қариндошлари – Ўлтон, Хучар ва амакиси етиб келди. Ҳаммаси татарлардан тортиб олинган кумуш тугмали янги чопонлар кийиб олибди...

Темучин уларга карамади, гапирмади ҳам. Бовурчига бу кутилмаган олишувда қанча жангчи ўлганини санашни буюрди. Нечталигини билгач, ғазабдан тутаган кўзлари Билгутойни қидира бошлади. Қўли билан имлаб чақирди-да, найза дастаси билан укасининг бошига шундай туширдик, найза қоқ иккига бўлиниб кетди. Билгутой кўзларини ола-кула қилиб, икки қўли билан бошини ушлаб олди.

– Маҳмадона, аҳмоқ! Бундан буён кенгаш бўлаётган пайтда менинг ўтовимда қорангни кўрмай. Қоровулларга бошчилик қиласан. Яна бир марта шунга ўхшаш иш қилсанг, аҳмоқ каллангни тугмадек узиб оламан! – Темучин кескин бурилди-да, қариндош нўёнларига ўгирилди. – Хўш, қанча ўлжа олдиларинг?

– Бу ерда нарса кўп экан, – хотиржам жавоб берди Ўлтон. – Ярамаслар бадавлат яшашаркан!

– Учаловингни ҳам кенгашда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қиламан. Жалма, ҳамма ўлжани, бир қарич ипигача олиб қўй. Мана бу ипак чопонларини ечиб олишни ҳам унутма.

Амакиси гўё хурсанд бўлгандек ҳиринглади-ю, аммо кўзларида нафрат учкунлари кўринди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Эргалабки салқин ҳаво чивинларнинг визиллаши билан тўлган. Ўрамнинг у ер-бу ерида гулхан ёнар, ер узра кўкимтир тутун тўшалганди. Елкасига



чопон ташлаб, оёғига чорик кийган Темучин Есуйнинг ўтовидан чикқач, бир нимани кутгандай бироз тўхтаб турди. Балки у Есуйнинг чакиришини кутгандир, лекин ўтов ичидан товуш чикмади. Ўрамнинг жимжитлиги Темучиннинг асабига тегар, ўзини худди масхараланаётгандек ҳис этарди. Ҳар сафар у Есуйни ўзига тамоман бўйсундириш ниятида келар ва ҳар гал юраги тубига чўккан алам билан қайтиб кетарди.

Темучиннинг ўтови олдидаги қоровул ўтов устунларига суянганча мудрар, ҳар замонда қўл силтаб юзидаги чивинларни ҳафсаласиз хайдарди. Учлари кенг калтагина найзаси эса ерда ётарди. Темучин найзани олиб, тигсиз тарафи билан қоровулнинг биқинига туртди. Қоровул кашиниб, мудроқ аралаш ёўлдиради:

– Нарӣ бор...

Темучин кескин энгашиб, қоровулнинг чарм дубулғасини ечиб олди-да, юзига бир солди.

– Тур!

Қоровул сакраб ўрнидан туриб, довдираганча кўзларини ола-кула қилди.

– Мени шундай кўриқлайсанми? Ҳозироқ Бовурчига бориб айт, орқангга йигирма таёқ урсин.

Ичкарасига шоҳи мато тортилган ўтов кимсасизлигидан ҳаддан ташқари кенг ва совуқ туюлди. Ўчган ўчоқ олдида келиб ўтирди-да, бир уюм кулни тита бошлади. Биронта ҳам чўғ кўринмади. Темучин жаҳл билан нотавон татар йигитга юрагида садоқат сақлаган Есуйни, эшик олдида бемалол ухлаб ётган қоровулни ўйларди. “Менинг олдимда ёвкур ҳукмдорлар ҳам ғимирлаб қолади-ю, булар бўлса...”

Алами арзимасдек туюлди-да, ўрнидан туриб Бўртанинг ўтовига қараб кетди. Кенг, калта номроғ кийгани учун Бўрта пакана ва семиз кўринарди. У эрининг ташрифидан хайрон бўлди, аммо сиртига чиқармай, ўчоқ ёнига чўккалаб, оловга арғал ташлади. Катта қозонда қўй гўшти қайнарди. Бўрта чарм қопчадан бир сиқим қуритилган ёввойи саримсоқпиёз олиб, қозонга ташлади. Ўтов ичи болаликни эслатувчи мазали хидга тўлди.

– Хизматкорларинг йўқми? – сўради Темучин.

– Болаларимнинг қорнини ўзим тўйғазсам дейман.

Унинг жаҳли чиқаётгани сезиларди. Темучин татар қизларга уйлангандан бери Бўрта ўзгариб қолган. Рашк қилиш беадаблик ҳисоблангани учун ҳам ўзини тутишга ҳаракат қилар, одамлар олдида опа-сингиллар билан катта хотинларга хос вазмин гаплашарди, аммо уларни бир марта ҳам ўтовига меҳмонга чақиргани йўқ ва уларникига ҳам оёқ босмаганди.

– Менинг ҳам қорнимни тўйғазасанми? – кулимсираб сўради Темучин.

Бўрта индамайгина қозондан бир бўлак гўшт олиб, ёғоч товоққа солди-да, хонтахта устига қўйди. Яна бир кичикроқ товоқчага шўрва сузиб келтирди. Ўзи идишларни артишга тушди: қўллари чаққон-чаққон ҳаракатланар, бир ўрим қалин сочи кураклари орасида тебранарди. Темучин юзида сарғимтир мой сузаётган шўрвани пуфлаб хўшлади.

– Мазали. Анчадан бери бунақа шўрва ичмаган эдим.

– Ким бермаяпти? – жавобан сўради Бўрта. – Бизникига буткул кадам босмай қўйдинг, болаларимиз бегона ўтдек ўз ҳолича катта бўлаяпти.

– Уларнинг қўлларидан етаклаб юришга вақтим йўқ.

– Вақтинг йўқлиги учун ҳам болаларим отасиз етимга ўхшайдилар.

– Эрталабдан кечгача ишдан бўшамайман...

– Кечасидан эрталабгача опа-сингиллар қўйворишмайди... – Бўрта ўзини тутиб тура олмай узиб олди.

– Сендан бошқа яна атиги иккита хотиним бор, холос, йигирмата бўлса, нима қиласан?

– Ҳеч нима. Хоҳласанг икки юзта ол. Менга барибир, лекин болаларни эсингдан чиқарма.

– Адолатли бўлишни эсингдан чиқарибсан. Улусим – менинг болаларим. Улар ҳақида, айникса, ўғилларим ҳақида кўпроқ ўйлайман. Бу – ҳар бир отанинг елкасига осмон юклаган бурч.

– Жўжи улғайиб қолди, лекин ҳалигача қайлиғи йўқ. Сен бўлсанг, ўзингга хотин олиш билан оворасан.

У ўтовдан чиқиб болаларини овқатга чақирди.

Ўғиллари ўтовга шовқин солиб киришди-да оталарини кўриб тўхташди. Катта ўғли Жўжи укаларининг орқасига яширинмоқчи бўлди. “Қайликмиш... Бунинг юзлари думалок, кўзлари мулойим. Менга ҳечам ўхшамайди... Ўхшамайди!”

Ўғил болаларни итариб, Темучиннинг олдига қизи келди. Худди онасига ўхшаб калтабўй, пишиққина. У қизини ўзига тортиб, боши, ёноқларидан хидлади, гўштнинг ёғли жойидан кесиб, қўлига тутқазди.

– Е, эркатойим. Ея қол, Хожинбека.

– Ўтиринглар, болалар! – Бўрта ўғилларини хонтахта атрофига ўтқазди. – Кўряпсизларми, бугун бизникига отамиз келибдилар. Бундан зўр хурсандчилик борми?..

Темучин шўрвасини хўпларкан, болаларини кузатиб ўтирарди. Чакакдор, бурунлари кенг, қувноқ, кўзлари қисик Ўқтой чаққонлик билан қўлларига гўштнинг энг яхши бўлақларини олди. Тоғайларини карсиллатиб ер, хўриллатиб шўрвасидан хўплар – иштаҳа билан овқатланарди. Қорачадан келган, чапдаст, чайир гавдали (Хасар болалигида шунақа эди), кенг қошлари уйилган, камгап Чиғатой эса қўлига нима илинса, ўшани кавшаб ўтирарди. Бу ўзбилармон ва қайсар бола бўлади. Отаси келганига ҳаммадан олдин кўниккан Тули тинмай бидирлар, орада гўшт ейишни ҳам унутмасди. Темучин нигоҳини Жўжигга қаратди. У хонтахта олдида бегоналардай ўтирар, қўлини ортиқча қимирлатишга ҳам чўчирди. Наҳотки, бегона бўлса?

– Жўжи...

Ўғли бир сесканиб тушди-да, бошини кўтариб отасига қаради.

– Жўжи, онанг айтяптики, энди сени уйлантираверсак бўларкан.

Жўжи хижолат ичида йўталиб ерга қаради.

– Хоҳишинг, ота. Мен учун сенинг ироданг – осмоннинг иродаси.

Жўжининг сидкидилдан айтган жавобидан Темучиннинг кўнгли тўлди. Отасидан кўркса ҳам унга тиргак бўлишни, фойдаси тегишини хоҳлайди. Жўжи унинг ўғлими-йўқми, буни билишнинг иложи йўқ. Одамлар қалбини забт этмоқчи бўлсанг, ўтмишни ҳадеб эслайвермай, баъзи нарсаларни тамоман унутишни ҳам ўрган.

Темучиннинг ичи ҳеч ёришмасди. Унинг шухрати ортгандан-ортиб кетди, аммо бу курук ўтнинг ёнишига ўхшайди. Осмонга интилиб ловуллаб, шитоб билан ёнади-ю, дарёга дуч келса, зумда сўниб ўчиб қолади. Улуси буюк, лекин ўзи бир уюм қум. Бўрон турса, асар ҳам қолмайди.

Болалари кетгач, у ҳам туришга чоғланди.

– Бўрта, мен шомонга айтаман, рухлардан сўрасин-чи, Жўжигга аталган қиз қаерда экан?

– Келинни менинг қабилам қўнғиротлардан ёки онангнинг уруғи олхонутлардан олиш керак.

– Сен учун ҳаммаси осон-а?

– Мен фақат болаларимга яхши бўлсин дейман.

– Мен ҳам, Бўрта... Шунинг учун тортишмайлик. Менга сен ва онамдан бошқа биронта севимли аёл йўқ ва бўлмайди.

Ўтовининг олдида одамлар тўпланиб, унинг чиқишини пойлаб туришарди. Темучин яна уларнинг арзларини эшитиши, яраштириши, жазолаши, мукофотлаши керак, бу иш ҳеч тамом бўлмайди. Хотиржам ўтириб, ўйлашнинг иложи йўқ. Йўқ, улусни бу тариқа бошқариб бўлмайди. Майда жанжалларга ўралашмай, найманлар, меркитлар томонга хушёр қараш керак. Гурхон Жамуха яна куч тўплайпти, кекса Ван-хоннинг пинжигга суқияпти...

Ўтовда уни яқин дўстлари, нўёнлари ва укалари кутиб ўтиришарди. Негадир Доритой-ўтчигин ҳам шу ерда. Қисик кўзлари атрофидаги ажинлари йилтирар, мулойим табассум билан қаддини итоаткорона эгиб турарди. Темучин рангдор шоҳи кўрпачага ўтирди.

– Бу ерга нимага тўпландиларинг?

Хоннинг баланд, жаҳлдор овози бирдан ҳаммани жим қилди ва улар ҳайрон бўлиб Темучинга ўгирилишди.

– Кетинглар демокчимисан? – сўради Темучиннинг жаҳли сабабини тушунолмаган Бовурчи. – Биз ҳар кунгидек...

– ...гап сотгани келдик, дегин! – илиб кетди Темучин. – Мен бу ерда ким-ким билан ёқалашгани, кимнинг қўйи ўғирланганини суриштириб ўтираман-да, сенлар гап сотасан! Бугундан бошлаб бунақаси кетмайди. Бовурчи, Жалма, бир вақтлар менинг ҳамма ишларимни сенлар бошқарасан, деб буюрган эдим. Нима, ўша сўзимни бекор қилганмидим?

Бовурчи хафа бўлгандай бошини эгди.

– Буйруғингни сенга тобе одамлар бекор қилди. Сен бизни от, чорва, кўчманчи аравалар устидан жавобгар қилиб тайинлаган эдинг... Кимнинг нимаси бўлса, ҳисобга олиш керак эди, лекин асилзода нўёнлар сендан бошқа ҳеч кимни тан олмаяпти.

– Соддасан, Бовурчи дўстим. Ҳар доим шундай бўл, лекин менинг фармойишларимни бажараётганингда қаттиққўл, талабчан ҳам бўлгин-да. Шу тобдан бошлаб, сен, Бовурчи, ўнг қўлимсан, сен, Жалма, чап қўлим. Барча қабилалар нўёнлари сизларга бўйсунди. Мен барча нўёнлардан талаб қиламан, улар қўл остидагилардан талаб қилади. Жалма, бор, менинг ўрнимга одамларнинг арзини эшит. Нўёнлар, сизлар ҳаммасини тушундингизми?

Улар истамайгина бош силкишди. Уларнинг ташвиши – сафар ва жанг пайтида кўпроқ ўлжа олиб, тинчлик пайтида эса маишат қилиш экани хонга аён.

– Хонлигимда қанча от борлигини ким айтади? Эртага нечта жангчи от миниши мумкин?

– Отларингнинг саноғи йўқ, кучинг ҳам мислсиз! – кичқирди Доритой-ўтчигин.

Амакисининг очик-ойдин тилёғламалиги Темучинни ранжитди. Унга қайрилиб ҳам боқмай, овозини баландлатиб яна сўради:

– Қанча? Ҳеч ким билмайди. Мен ҳам билмайман. Ўтган йиллар ичида кимда қанча мол борлигини билишга уриндим. Билолмадим. Урушлар халал берди. Бугун ихтиёримда нима бор ва эртага қанча бўлишини билмасам, қандай хон бўлдим? Ўзларинг хон қилиб сайлаган бўлсангиз-у, мен тайинлаган одамларнинг гапларига қулоқ солмасангиз, хонлигим қаерда қолади? Амакимнинг тилёғламалигини қаранг: ҳисоби йўқ, адоси йўқ... Дарёдаги сувнинг ҳисоби бўлмайди, қумларнинг адоғи йўқ, аммо одам қўлидаги ҳамма нарсанинг ҳисоби бор. Ҳайвонлар, подачилар, жангчиларни рўйхатга олинг ва барини Бовурчи билан Жалмага етказинг. Ҳар бир жангчининг куроли соз, оти яхши ва тўрвасида захира егулиги бўлишини таъминланг. Ким айтганимни қилмаса, боридан маҳрум бўлади, ким алдаса, калласидан айрилади. Билиб қўйинг, менинг сўзларим муқаддас ва муҳокама қилинмайди!

Нўёнлар жим. Улар энди тушунди. Чамаси, қанча нарсани уриб, усталик билан яшириб қўйишни ўйлашаётган бўлса керак. Бунақаси кетмайди. Темучин уларга яхшигина хўрак тайёрлаб қўйган...

– Нўёнлар, бундан кейин ўлжани жангчилар сонига қараб тақсимлаймиз. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳатто суяк тугмача ҳам ололмайди. Жангга юз киши билан чиққан – юз кишилиқ ўлжа олади, иккита навқар билан чиққан бўлсанг, ўлжа ҳам икки кишилиқ бўлади.

Ўтовга шомон Теб-тангри кириб келиб, Темучиннинг ёнига ўтирди. Ҳеч ким унга жой кўрсатмаса ҳам, ўз-ўзидан хоннинг ёнидаги жойни ўзиники қилиб олди. Теб-тангри ўзи хоҳлаган пайтда ўтовга кириб келар ва истаганда чиқиб кетар эди. Сухбатларга кам аралашар, аксар вақтини холи ўтказар, аммо Темучин бирон сония ҳам унинг борлигини эсидан чиқармасди. Ўзининг мана шу қарамлигидан ғазаби қайнар, фикрлари тизгинини йўқотиб, сухбат мавзусини ўзгартирарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Нўёнларига берадиган буйруқлари чала қолди. Бирдан Жўжи эсига тушиб, шомонга олақараш қилди.

– Катта ўғлимни уйлантирмоқчиман. Фол очиб кўр-чи, келин кидириш учун от бошини қаёққа буриш керак?

У шомон дарҳол ўрнидан туриб, буйруқни бажаради, деб ўйлади. Аммо Теб-тангри юмшоқ наमतга яхшилаб ўрнашиб олди.

– Ўғлингга аталган келин ва қизингга муносиб куёв қаердалигини мен биламан.

– Хожинбека ҳали кичкина.

– Хон, қизчалар тез етилади.

– Шунақа... – Темучин ўйчанлик билан мўйловларини силади. – Хўш, сенингча, ўғлимнинг қайлиғи билан қизимнинг куёви қаерда яшар экан?

– Нилха-Сангуннинг Човурбека исмли қизи бор. Ўғлингга муносиб эмасми? Унинг Тусаху исмли ўғли ҳам бор. У қизингга мос.

– Менинг ота-боболарим қарайитлар орасидан келин кидирмаган.

– Хон, – Теб-тангри у томон энгашиб шивирлади. – Сенинг ота-боболаринг қарайитлар улусига умид ҳам боғламаган-да.

– Нималар деяпсан?

– Ўша ҳақда... Ван-хон қариб қолди, яқинда осмон уни чақириб олади. Нилха-Сангун эса отасининг фазилатларидан мосуво.

Шомоннинг чувак юзи маъносиз, аммо лабларида айёрона табассум ўйнади. Унинг мададкорлари ёвуз руҳларми ёки яхшилик фаришталарими, билиш қийин. Бироқ ундаги ўткир ақл ҳеч кимда йўқ. Теб-тангри

нигоҳларини узоққа тикади ва кўп нарсаларни кўра олади. Хон-отасининг ерларига ҳам у нигоҳини анча олдин қаратган.

– Ўйлашимча, Теб-тангри, Човурбека менинг ўғлимга муносиб хотин бўлади...

Амакиси Доритой-ўтчигин уларга яқинроқ сурилиб, қулоқларини динг қилиб эшита бошлади.

– Нима керак, амаки?

– Майда гаплигим учун кечирасан. Отангинг ака-укаларидан фақат мен қолдим. Шунақа... Татарлар билан бўлган жангдан сўнг бошқаларнинг аравалари ўлжалардан эгилиб қолди. Мен, Ўлтон ва Хучарга ҳатто хотинларимизни хурсанд қиларлик ҳеч нарса тегмади. Жангчиларни мукофотлашни-ку, айтмаса ҳам бўлади.

Доритой-ўтчигин бошини эгганча гапирар, сийраклашиб қолган сочлари оқариб кетганди. Уларнинг гапларига бошқа нўёнлар ҳам қизиқсиниб қулоқ солишди. Темучин норози оҳангда “ҳм”лаб қўйганди, амакиси шошилиб, тез гапира кетди:

– Ўшанда сен тўғри қилдинг, лекин олов ҳам ўчади, муз ҳам эрийди. Биздан марҳаматингни аяма. Бошқалар подалари-ю қулларини қаерга қўйишни билмай юришибди... Биз, сенинг қариндошларинг, камбағалмиз. Удумларимизга тўғри келмайдиган ишлар!

– Тўхта, амаки... Айтганингдек, ўшанда жаҳл билан сизларни ўлжадан бенасиб қолдириб тўғри қилганман, шундайми?

– Шунақа, хон, шунақа, – тасдиқлади Доритой-ўтчигин.

– Унда нима хоҳлайсан? Адолатни адолатсизлик билан алмаштирайми?

– Бизларга кўпам ғазаб қилма, демоқчиман. Қариндошларни хўрлаш гуноҳ...

– Оғзингдан шу гап тушмайди. Мен одамларни қариндошим бўлгани учун эмас, ақли, садоқати ва жасорати учун қадрлайман. Эшитяпсанми, ташқарида менинг номимдан гапираётган одам – темирчининг ўғли Жалма. Нима учун унинг ўрнида сен, Ўлтон ёки Хучар эмас? Эҳ, амаки... Қариндошларимдан биронтаси матонати билан ажралиб турса, ҳаммадан кўпроқ мен хурсанд бўламан ва мукофотлайман. Ножўя иш қилса ҳам энг кўп қуядиган ўзим.

– Сўзларинг ақлли, бу гапларингни эшитган отанг, менинг акам қандай хурсанд бўларди! Ғазабингни мурувватга алмаштиру биз, нобакорларга тортиб олган нарсаларингдан бир қисмини қайтаргин.

– Эрталаб гапирган гапини кечкурун бекор қилиш ҳукмдорларнинг иши эмас. Мурувватга кўз ёши, шикоятлар билан эмас, садоқат ва иштиёқ билан эришиш керак.

Доритой-ўтчигиннинг туксиз ияги титраб, юзи буришди.

– Мени хафа қилдинг, жиян, – секингина гапирди у. – Хафа қилдинг!

2

Кекса Ван-хон оғирлашиб қолди. Ёзги чодирининг ярми очилган, юмшоқ наमतлардан баланд қилиб солинган ўринга куёш нурлари тушиб турса ҳам хон олмахон терисидан қилинган кўрпасига ўранганича титрар, хириллаб йўталарди. Ҳар йўталганда бир тутам оппоқ соқоли титрар, бужур башарасидаги ажинлари кўпайиб, чуқурлашиб кетарди... Уни кўргани нўёнлар келиб-кетиб турар, қоровуллар ҳам пичирлаб гаплашарди.

Ван-хонни нафақат касали, балки улусининг келажяги ҳақидаги оғир ўйлар ҳам эзиб ташлаганди. Жамуха келиб Темучин унинг хонлигини ҳам қўл остига олмоқчи эканига шама қилиб кетди. Жамуха Темучинни ёқтирмаслигини билган Ван-хон унинг маккорлигига ишонмади, лекин хотиржамлиги йўқолди. Тўғри, Темучин қарайитлар билан жанжаллашадиган даражада аҳмоқ эмас. Улар билан душманлик эмас, дўстлик фойдали эканини ҳам билади. Бироқ улус Нилха-Сангуннинг қўлига ўтгандан кейин нима бўлади? Ўғли Темучинни кўрарга кўзи йўқ, Темучин ҳам шундай. Уларни бир аравага кўшиб бўлмайди. Эртами-кеч бирови ҳокими мутлақ бўлишни истаб қолади.

Эски жароҳатлар юракни зирқиратади. Нилха-Сангун – авлодининг давомчиси, ягона ўғли, умри давомида унутолмаган севимли аёли дунёга келтирган зурриёт эди. Андаси Есугейнинг ўғли Темучин ҳам ўғли Нилха-Сангун сингари севимли, хоннинг чинакам дўсти. Ван-хон Темучиннинг оёққа туриб олишига ёрдам берди, у ҳам ўз навбатида Ван-хоннинг оғир кунларида қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Ван-хон ўғли ва тутинган ўғилларига кўп яхшиликлар кўрсатди-ю, уларни бир-бирига чин дўст ва оға-ини қилишни уддалай олмади. Лекин Нилха-Сангун Жамуха билан иноқ, кейинги пайтларда улар жуда кўп учрашадиган бўлиб қолган. Жамуха калтакланганидан кейин ақли кирган кўринади...

Чодирдан мавжланиб турган Тўла дарёси ярақлаб кўринади. Баланд ўтлар устида оппоқ капалаклар пирпираб учади. Нариги қирғоқда қўйлар ўтлаб юрибди. Ўрам сув қуйгандек жимжит. Беозор ўтлаб юрган пода – кўчманчиларнинг хурсандчилиги, тинчлик – ифодаси. Лекин саҳродаги тинчлик ёз тунлари каби қисқа. У на ёшлигида, на улғайган пайтларида тинчлик нималигини билган. Ҳозирги қариган чоғида ҳам хотиржамлик йўқ. Умри эгарда, жангда ўтди.

Чодирга Нилха-Сангун кириб келди. Семиз юзи иссиқдан бўғриққан, сочлари тердан намланган. У ўрин ёнига чўкиб, отасини соғлигини сўради. Ван-хон ўтириб, олмахон кўрпасини томоғигача тортиди.

– Ҳеч нарса қилмайди. Яқинда тураман.

Ўғли калта, сийрак соқолларини тинимсиз сийпалар, хаёли бошқа жойда эди.

– Ўзинг яхшимисан?

– А? Ҳа, яхшиман. – Нилха-Сангун қоровулларни чақириб, чодирга ҳеч кимни яқинлаштирмасликни буюрди. – Гаплашиб олишимиз керак, ота.

Бу эҳтиёткорлик хонни безовта қилди. У куён терисидан тикилган пайпоқ кийган оёқларини ўриндан тушириб, ўғлига энгашиб сўради:

– Нима гап?

– Сени безовта қилмоқчи эмасдим, ота, лекин ўзим бир дуруст фикрга келолмаяпман. Жамуха қаердандир Темучин хон Човурбекани келин, Тусахуни эса куёв қилмоқчи эканини эшитибди, – Нилха-Сангун оғир хўрсиниб, бошини ҳам қилди-да, тан олди: – Мен кўрқяпман, ота. Бу...

– Тўхта, мен бир ўйлаб олай.

Ван-хон ўринга ётиб, силқиган кўзларини кафти билан ёпди. Қарайитлар ўз қизларини бутпараст қабилаларга кўпам узатавермасди, аммо бу галги бутпараст Жўжи – Темучиннинг ўғли. Балки икки улус қариндош бўлса, келажякда қабилалар бирлашар, уларни бир мақсад сари боғлар. Болаларни унаштиришга қарор қилган Темучин шуларни ўйлаганмикан? Агар шундай бўлса, Эгам, ўзинг унинг номини улуғ қил.

Ван-хон кўзини очиб, ёнбошига ўгирилди. Ўғли ўрин олдида бесаранжом юрар, терлаб кетганидан яшил чопонининг ёқалари хўл бўлган эди.

– Нимадан кўрқдинг, ўғлим? Сен ва Темучиннинг куда-андалиги ҳар иккала улусга ҳам яхшилик олиб келади.

– Аввалига мен ҳам худди сен каби ўйлагандим. Темучинни манманлиги учун ёмон кўраман...

– Қайси биринг кўпроқ манмансираганини бир қарашда билиш қийин.

Нилха-Сангун отасига ачингандек қаради-ю, лекин койишига парво қилмади.

– Темучинни ёмон кўраман-у, бироқ у билан нари-бери бўлгим йўқ. Аммо Жамуха кўзимни очди, уни бекорга “сечен” дейишмайди. У менга: “То отанг тирик экан, улусларни бирлаштириб туради”, деди.

– Жамуха тўғри айтибди. Тирик эканман, ҳаммаси яхши бўлади, ўғлим. Тирик бўлсам... – Ван-хон хўрсинди.

– Аммо у ҳозирданок сендан ўзиб кетишга ҳаракат қиляпти. Кейинроқ менга ўз нўёнлари каби фармойиш бергиси келади. Мен ҳеч қачон унга бўйсунмайман.

Бу гаплар Ван-хон учун янгилик эмасди, аммо Жамуханинг фикри ўзиники билан бир хил чиққани, улуси, ўғли ва набираларининг келажаги мавҳум ва таҳликали эканидан далолат берарди.

Нилха-Сангун чодир пардасининг бир учи билан юз ва бўйинларидаги терни артди.

– Ота, Темучин сендан кейинги кунларга тайёргарлик кўряпти. У мени суриб ташлашга ҳаракат қилади. Ўғлим Тусаху ҳали ёш, уни эгиб олса бўлади. У улғайганда Темучиннинг жиловида бўлишни маъқул кўрадим, йўқми? Шунинг учун ҳам Темучин ҳозирданок унинг қўл-оёқларини боғлаб ташламоқчи. Мабодо Тусаху бу тугунларни ечмоқчи бўлса – уни ҳам йўқ қилади. Улусимиз кимнинг қўлига ўтади? Тусахунинг хотини ва Темучиннинг қизига. Унақасига ҳам, бунақасига ҳам улус Темучиннинг қўлида... Мен билан Тусахуни йўлдан олиб ташлаш учун кўп вақт кетадимиз? Бир жуфт чакқон қўл ва бир неча томчи заҳар бўлса, бас!

– Бунга ишонмайман. Темучин бундай ўйламайди! Булар айёр Жамуханинг уйдирмалари! – ўғлининг даҳшатли гапларидан иссиғи кўтарилиб кетди. У чопонини ечди-да, бақирди: – Булар уйдирма! Жамуха тухмат қиляпти, сен соддани алдаяпти. Темучинни ёмон кўрганинг учун унга қарши ҳамма гап сенга хуш ёқади. Аммо чангни қанча тепага отсанг, у барибир ерга тушади. Чирокни қанча пастлатсанг, нури шунча тепага кўтарилади.

– Эҳ, ота-а, – хафа бўлиб чўзилди Нилха-Сангун. – Сен ўйлаганчалик содда, баёв эмасман. Энди ёш бола ҳам эмасман ва дарахт соясини душман деб билмайман.

– Аммо қирғийни каккудан ажрата олмайсанам.

– Ажрата оламан. Бошида мен ҳам Жамухага ишонмадим. Кейин текшириб кўрдим.

– Қанақа қилиб текширдинг?

– Темучиннинг ҳузурига одам жўнатиб, сенинг оғир ётганини етказдим.

– Менинг касалимга нима бўлибди? – Ван-хон борган сари қизишарди.

– Сен доим: “Темучин мени ўз отасидай яхши кўради”, деб айтасан. Мен билан тенглаштирасан, – алаמידан Нилха-Сангуннинг овози титраб кетди.

– Бетоб эканини эшитганимда, мен учиб келган бўлардим. Темучин ҳам

учиб келяпти-ю, аммо бир ўзи эмас, ўғли ва қизини ҳам олиб келяпти. Сени кўргани эмас, тириклигингда ўз мақсадини амалга ошириб қолиш учун келяпти. Мен билан келиша олмаслигини билади-да. Сен билан иш битирмоқчи. Уни шунчалик юрагингга яқин олсанг, ёрдам бериб юборгин, ота. Мен ҳам, болаларим ҳам сенинг иродангга бўйсунамиз...

– Ўғли билан қизини олиб келаётгани ростми?

– Эртага улар шу ерда бўлади. Бағрингга босиб кутиб олишинг мумкин.

Хонни титроқ тута бошлади. Чопони ёқасини томоғигача тортиб, Нилха-Сангунга “кетавер” ишорасини берди. У кетмади. Отасининг чопони устидан кўрпани тортиб, қайноқ сут ичирди, кейин анча пайт индамасдан отасининг оёқ томонида ўтирди. Унинг кўзлари маъюс эди.

Ван-хоннинг чаккалари оғрир, ўйлаш мушкул эди.

Темучин эрталаб етиб келди. Йўлдан келди-ю, дам олмай, кийимларини ҳам алмаштирмасдан хон чодирига кирди. Кенг елкаларини букчайтирганча шошмасдан яқинлашиб хон ўрни олдида тўхтади, аста тиз чўкиб, қайноқ пешонасини хон-отасининг озғин, қон қочган қўлига босди. Ван-хон унинг кўзларидаги самимий дардкашликни кўргач, шубхали ўйлари тарқаб кетди.

– Ёвуз руҳлар танангни эзмасин. Сенинг дардларинг менга ўтсин, – деди Темучин секингина.

Ван-хон базўр жилмайди.

– Менинг дардларимни олмай қўя қол, ўғлим. Менинг ёшимга кирсанг, касаллик ҳам ортиқчалик қилади. Яшаб ўтилган йиллар одамларга ожизликдан бошқа ҳеч нарса олиб келмайди.

– Хон-ота, йиллар одамга донишмандлик ҳам олиб келади.

– Кучсиз одамнинг ақли нима бўлди? Отсиз жангчининг ўзи.

– Хон-ота, сенинг донишмандлигинг мен учун от ҳам, қилич ҳам, қалқон ҳам бўлди...

Темучин мулоҳаза билан ўтган кунларини кўз олдида келтириб гапирарди. Мана шу мулоҳазалилиги унинг сўзларига алоҳида салмоқ бағишлар, улар Ван-хоннинг юрагида акс садо берарди. Жамуха билан Нилха-Сангун Темучин ҳақида нималар демасин, барибир уни яхши кўради.

Нилха-Сангун бир чеккада тунд аҳволда, бошини сал энгаштирганча, қовоғи остидан Темучинга қараб турарди. Бўйнидаги кўкимтир томири уриб тургани аниқ кўринарди. Ван-хон ундан юзини ўгириб, хўрсиниғини босди.

– Хон-ота, тузалиб кетасан. Отинг туёқлари ҳали қанча майсаларни топтаб ўтади.

– Оёғимнинг томири тортишди.

Темучин кўрпани очди.

– Қайсиниси?

– Мана буниси.

Темучин куён терисидан қилинган пайпоқни ечиб, хон-отасининг оёғини силай кетди. Балки Жамуха ҳаммасини тўкиб чиқаргандир, Темучиннинг нияти ёмон эмасдир, лекин барибир Нилха-Сангун ундан узоқроқ юргани яхши.

– Болаларинг анча катта бўлиб қолгандир? – сўради хон барибир очилиши керак бўлган гапни тезлаштириб.

– Мен катта ўғлим ва энг яхши кўрган қизимни сенга кўрсатгани олиб келдим.

Уятчан, кўзлари мулойим ва меҳрибон Жўжи ҳам, кичкина ва дадил Хожинбека ҳам Ван-хонга ёқди. Набираларига булардан ортиқ куёв ва келинни топиш қийин...

– Хон-ота, менинг болаларим, сенинг набираларинг бор... – Темучин ўриннинг бир четига ўтирди ва хоннинг қўлларини кафтига олди. – Улар сен ва отам бошлаган ишларни давом эттиришлари керак...

У фикрини хон-отаси давом эттиради, деб кутдими, бироз жим қолди. Аммо Ван-хондан садо чикмади.

– Хон-ота, шамоллар ўт уруғларини учирганидек, одам ҳам болаларини учирма қилади. Насл-насабининг тайини йўқ одамлар худди ёввойи ўт уруғларига ўхшаб, қаерга тушса, ўша ерда илдиз отаверади. Бироқ қавм-қариндошли одамнинг иши бўлакча. Ҳаёт бўронлари қаёққа учирма қилмасин, барибир киндик қони тўкилган жойга қайтиб келади. Шуларни ўйлаб, хон-ота, сен билан қариндошлик ришталарини боғлашни ният қилдим.

– Бундан кимга фойга? – Нилха-Сангун очик-ойдин душманлик билан сўради.

– Нима бўлмасин, болаларимиз бирга, улусларимиз ёнма-ён бўларди...

– Сен эса шу улуслар жиловини қўлга олардинг, – қўшиб қўйди Нилха-Сангун.

Темучиннинг кўзларидан яшил учкунлар отилиб кетди, бармоқлари бирин-кетин кафтига букилиб, салмоқдор муштга тўпланди-да, кейин секингина яна бўшаши.

– Нилха-Сангун, эртага менга ёки сенга нима бўлишини ким айтиб бера олади? Бизнинг ёшимизда одамлар ўзлари эмас, фарзандларининг келажаги ҳақида қайғурадилар. Ёки мен нотўғри гапиряпманми, хон-ота?

– Отамга хиралик қилаверма! – бақирди Нилха-Сангун. – Болалар меники, лекин сен мен билан гаплашишни ҳам хоҳламаяпсан. Тилёғлама сўзларинг билан касал ва бемажол отамнинг бошини айлантириб оламан, деб ўйлаяпсанми? Уялсанг бўларди!

– Сен билан кейин гаплашамиз...

Ван-хоннинг назарида Темучиннинг овозида яширин пўписа бордек туюлди. Йўқ, буларни бирлаштириб бўлмайди. Бўлмайди. Ҳар қанақанги қариндошлик Нилха-Сангун билан Темучинни дўстлаштира олмайди.

– Хон-ота, сенинг донолигингдан умидворман. Сенинг гапинг мен учун ҳар доим сахро бўрониди адашган йўловчига йўл кўрсатувчи машъала кабидир.

– Темучин, мен ростдан ҳам касалман, мадорим йўқ. Бу гапни бемаврид бошладинг-да.

Темучин секингина қаддини ростлади. Машак мўйловлари титраб, кўзлари қисилди. У тушунди: бу рад жавоби эди.

– Кейинроқ гаплашайлик, пича туриб... – шошилиб қўшиб қўйди Ван-хон.

Лекин унинг сўзлари Темучиннинг қулоғига кирмади.

Милодий 1203 йил. Тўнғиз йили барча қабила нутуғларига қатта балолар олиб келди. Кутилмаганда баҳор эрта бошланиб, кунлар исиб кетди, лекин

ортдан яна каттиқ совук туриб, сахро муз ойнаси тагида қолди. Музлар хайвон туёқлари остида синиб, ўткир тикқа айланар, чорванинг оёқларини кесиб юборганидан пода ортидан қонли излар қоларди.

Чорва ва уюрлар камайиб, бўри-ю қузғунлар семира бошлади.

Ялама изғирин сингари сахро бўйлаб миш-мишлар тарқалди: одамларнинг оғир гуноҳлари сабаб осмон ўч олмоқда, қадим тартиботлар бузилган, боболар ўғитлари топталмоқда. Буюк очарчилик яқинлашиб келаётган эмиш. Қабилаларнинг чорва подалари ва от уюрлари битта қолмай қирилиб кетармиш, одамлар йиртқичларга ўхшаб бир-бирларини еб жон сақлар эмиш...

Миш-миш тарқатаётган одамларни Темучиннинг навкарлари қамчи билан савалар, калтакларди. Шомон Теб-тангри ўрамларда юриб қўй куракларида фол очар, одамларга яқин орада фаровон замонлар келишини башорат қиларди. Бироқ на навкарларнинг қамчиси, на шомоннинг башоратлари одамлар кўнглидаги қўрқувни ўчира оларди. Фақат сахродаги муз қатламини эрита бошлаган баҳорнинг илиқ шабадалари одамларга сал-пал хотиржамлик олиб келди.

Аммо миш-мишлар ўз ишини қилганди. Бу гўё кичкина қум зарраси ўрндан силжиб, ортидан катта-катта харсангларни етаклаб тушишига ўхшарди.

Баҳорги кўчиш олдидан Темучиндан олтига ўрам ажралиб кетди. Улар орасида қариндошлари – Ўлтон, Хучар ва Доритой-ўтчигинларнинг ўрамлари ҳам бор эди.

Улар Жамуханинг хузурига келишди, лекин нўёнларни анчадан бери ўзига оғдирмоқчи бўлган Жамуха уларни қўрқиб қаршилади. Аслида бу қўрқув ясама бўлиб, ичида шодликдан яйрарди. Худди буни Темучин билиб қолишидан қўрққандек Жамуха атрофга аланглаганча нўёнларга деди:

– Менинг кўп чорвам нобуд бўлди. Одамларим оч. Андам сизларни олиб кетгани келса, ҳолим нима кечади?

– Бизни алдадинг! – бақирди Ўлтон.

– Ўзингиз бемаҳал келдингиз, лекин сизларга қўмақлашаман. Нилха-Сангуннинг ёнига боринглар.

Нўёнларнинг бошқа чораси йўқ эди – кетишди.

Темучин янги жойга кўчиб келишганда нўёнларининг қочиб кетгани ҳақидаги хабардан воқиф бўлди. Одамлар йўл юриб чарчаган. Ҳамма араваларини бўшатиб, наमतларни қоқа-суқа ўтов тикаётган пайт. Атрофни чанг, одамларнинг ғала-ғовури босган. Осмонда тўрғай парвоз қилар, яшил либосга бурканаётган тепаликларга подалар ёйилган. Улусга совук музламалар олиб келган талафот шу топда унчалик қўрқинчли туюлмасди. Ҳаммасини эпласа, ўрнини тўлдирса бўлади. Токқа кўтарилаётган одам унинг чўққисига ҳам етади.

Темучиннинг олдига бир отлиқ келиб тиз чўқди-да, беўхшов овозда деди:

– Қочишибди!

Гап нимадалигини дарров пайқаган Темучин чопарнинг ёқасидан олиб:

– Кимлар? – деб сўради.

Чопарнинг чопони тириллаб чокидан сўкилди. Қўрқувдан чопарнинг тили айланмай, кўзларининг оқи катталашиб, бўғилиб хирилларди. Хон қутурганча уни итариб юборди-да, бор овози билан бўқирди:

– Бу ёққа!

Навкарлар йўл-йўлакай қиличларини яланғочлаб, найзаларини ўкталиб чопиб келишди-да, сал нарироқда қотиб қолишди. Ҳеч ким ҳеч нарса тушунмади. Бовурчи чопарнинг устига энгашиб, ўзига келтиргач, сўроққа тутди.

Хон чопарнинг гапларини эшитмас, ғазабдан кўкрагини сиқаётган чопони ёқаларини ғижимлаб тортқиларди. У шу лаҳзада хиёнатчиларни тутиб келтирган одамга ярим хонлигини бериб юборишга тайёр эди.

– Ван-хоннинг орқасига беркиниб олишибди, – деди хайрону лол оҳангда Бовурчи.

Темучин унинг олдига келиб елкасидан тортди-да, бақирди:

– Агар Олтин-хоннинг этагига яширинган бўлса ҳам, тутиб келиб жигарини суғураман-да, итларга едираман!

Бовурчи хондан аста узоқлашар экан, ишонқирамай ғўнғирлади:

– Менинг бувим сасиган жигарни ит ҳам емайди, деб айтарди. Тоғнинг орқасидаги бўрига пўписа қилма, томоғингни йиртганинг қолади. Ақлингни йиғиб ол, хон.

– Ақлим жойида! Мен бу сигир таппиларини топтириб, ер билан яксон қиламан!

– Баъзида тулпор ҳам сигир тапписидан сирпаниб кетади, – Бовурчи жангчилар тарафга ўтирилди. – Нимага оғизларингни очиб турибсанлар? Бор, ишларингни қил.

Хон ерга ўтириб, титраётган қўллари билан тиззаларини қучиб олди. Ўрам ҳали ҳам суронли, одамлар аравалари атрофида ўралашарди. Ерда қоплар, халталар, мешлару эгарлар тўп-тўп бўлиб ётар, суяги чиқиб, юнглири қатирма кир бўлиб кетган хўкизлар, отлар майсага талпинарди. Темучинга ғўёки улуси таланган, мағлуб этилгандай туюлди... Ғазабидан чаккалари лўқиллар, тош қотган чакақларини қаттиқ босганча Бовурчига отини келтиришни буюрди.

Темучин Мухали, Субутой-баходир ва Жалма ҳамроҳлигида жуд¹ оқибатида талафот кўрган ва хиёнатчилардан кучсизланиб қолган улусининг ўрамларини айланиб чиқди. От устида букчайиб ўтирар экан, рўпарасидан чиққан нўёнларининг кўзларига тикиларди: эртага қайси бири сотаркан? Улар жуда хушмуомала, мақтовларга тўла юроллар² айтар, хиёнатчиларни эҳтиёткорлик билан (чунки қочоқларнинг учтаси хоннинг қариндошлари эди-да) қоралашарди. Лекин у на юролларга, на қоралашларга ишонарди. Бошқалари ҳам ҳеч иккиланмай сотилиши мумкинлигини биларди. Нима учун улар Темучиннинг улусига жон-жаҳдлари билан бирлашиб кетмайди? Нимага оч қолган ит сингари олдиларига ташланган суякни ғажиб бўлиб, бошқасига ташланади?

Ҳамма ерда ҳам одамларга қийин эди. Темучин ердан илдиз қовлаб еяётган қулларни, камқувват, юзлари сарғайган қарияларни, кўзлари очликдан олайиб кетган болаларни кўрди. Шунда қочоқлар ташвиши ғазабини сиқиб чиқарди. Агар шу топда меркитлар ёки Нилха-Сангун бостириб келса нима бўлади? Очқаган чорвага сувли майса, одамларга егулик зарур бўлганидек, хонга ҳозир тинчлик керак. Айни пайтда шубҳа ва ҳасаддан қутураётган Нилха-Сангун бостириб келса, тиз чўкиб раҳм қилишини сўрашга тўғри келади. Балки ўша кунни кутмасдан Ван-хонга одам жўнатсинми? У нима деркан? Қариндошларини сўраттирмаса, қўрққани билиниб қолади, сўраттирса-ю, рад жавобини олса, бу ҳам мағлубият.

¹ Жуд – очарчилик.

² Юрол – кўшиқ тури ёки ўлан.

Очарчилик ҳаммага бирдай талафот етказгани ҳақ гап. У шундан фойдаланиб, қийинчилик даврини жимгина ўтказишга қарор қилди. Аммо бу умид ҳам омонат. Анови олти ўрам кетиб қолмаганда эди!.. Бу лаънати сотқинларнинг топган вақтларини қара!

Кутилмаганда Нилха-Сангундан чопар келганида у Хулдорнинг ўрамида эди. Чопар келтирган хабар томдан тараша тушгандай эди: ўз халқига ғамхўрлик билан қайғураётган, кўп сонли душманлардан хавфсираб, Темучиннинг қарайитлар билан азалий боғлиқлигига умид қилган Нилха-Сангун бу икки улуснинг дўстлигини абадий мустаҳкамлаш мақсадида Жўжини куёв, Хожинбекани эса келин қилишни истаётган эмиш. Маслаҳат базмига ҳамма нарса тайёр. Темучин хон ва унинг ўғил-қизига қимматбаҳо совғалар муҳайё қилинган. Нилха-Сангун биродари Темучиннинг таклифига ўйламасдан рад жавоби берганидан чуқур афсусда. Ўшанда жонидан азиз кўрган отасининг бетоблиги туфайли ақлини зулмат қоплабди... Нилха-Сангун уни беш кун кутади. Агар шу беш кун ичида Темучин хон унинг олдига келмаса, адои тамом бўлади.

Темучин элчининг оҳангжамадор сўзларини уч бора қайтартирди. Ҳар бир сўзни диққат билан эшитар, уларнинг тагига яширинган маъноларни уқишга уринарди. Ҳаммаси очик, ҳеч пинҳоний ери йўқ. Элчининг сўзларида фақат бир нарса: бағирларидаги хиёнатчи қариндошлари ҳақида ҳеч гап йўқ эди. Балки уларни бу гапга аралаштиришнинг кераги йўқдир, эҳтимол, бу яхшилиқкадир... Ишқилиб тўйни ўтказиб, ўзаро дўстликни мустаҳкамлаб олса бўлди, Нилха-Сангуннинг орқасига яширинган қариндошларини кейин тортиб олар... Лекин нима учун Нилха-Сангун шошиляпти? Беш кун... Ҳатто тузукрок ўйлаб кўришга ҳам вақт бермаяпти. Бунинг орқасида нима бор экан? Агар қарайитларга яна найманлар таҳдид солаётган бўлса-чи? Лекин бу ҳам охири гумони эмас-да. Нима учун элчи хон-отасининг эмас, Нилха-Сангуннинг номидан гапирди? Ёки у хон бўлдимикан?

Ўрамига қайтиб яқинлари билан маслаҳатлашиш керак, аммо вақт зик. Элчига жавоб берди.

– Нилха-Сангун кутсин. Мен вақтида етиб бораман.

Субутой-баҳодирни Жўжи билан Хожинбекани олиб келишга жўнатди. Ўзи эса Хулдордан юз нафар навқар олиб, уларга чиройли отлар танлаб берди-да, қарайитлар нутуғларига қараб йўл олди. Ўз ерларидаги энг сўнгги манзил Теб-тангрининг отаси Мунликнинг ўрами эди. У бу ерда Мунлик ва шомонниқига меҳмонга келган тиниб-тинчимас онасини кўриб қувониб кетди. Субутой-баҳодир ҳам Жўжи билан Хожинбекани шу ерга олиб келди.

Онаси ҳам, Мунлик ҳам Нилха-Сангуннинг кутилмаган таклифидан хайрон бўлишди.

Тўрговлон – онаси, Мунлик, Теб-тангри ва Темучин шойи матолар билан ўралган бадавлат ўтовда ўтиришар, Мунлик ёқаларига кумушранг иплар билан гул солинган қорамтир чопонда, ингичка соқолини бармоғига ўраб, хаёлга ботганди.

– Ҳа-а... Ҳа-а... – деди у тусмолланиб.

– У ерга борма, ўғлим, керакмас, – ялинди онаси ўғлининг қўлини маҳкам ушлаб, гўё шундай қилиб ўғлини олдида олиб қоладигандай.

Онасининг меҳри Темучинга бошидан кечирган оғир кунларини, изтиробларини эсига туширди. У бугун ҳам ўша машаққатли кунлардагидай хавотирда. Онасига меҳрибонларча кулди-да, сўради:

– Нега бормаслигим керак, она? Улусимизга тинчлик керак...

– Бу ишдан яхшилик чиқмайдиган кўринади, ўғлим. Юрагим сезиб турибди – бу ерда бир хосиятсиз нарса бор. Нилха-Сангун азалдан сенга ҳасад қилади. Ер юзидаги барча балолар ҳасаддан келиб чиқади.

– Эҳ, она-ей, шу кунимга ҳеч кимнинг ҳасади келмаса керак.

– Ҳа-а... Шуниси тушунарсиз-да, – деди Мунлик. – Сен кучга тўлган пайтингда Нилха-Сангун рад қилганди. Улусинг кучсизланганда эса ўзи чақиряпти. Ўйлун-хотун, сен тўғри гапирдинг, бу ерда бир нопоклик бор, – Мунлик Теб-тангрига ола қараш қилди.

Шомон қўлларининг учида ушлаб турган товоқчасидан мириқиб қимиз ичиш билан банд эди: оғзини тўлдириб, ичимликни тишларининг орасидан ўтказди, ҳаётбахш ичимлик томоғидан ўтишини эшитаётгандай кўзларини юмиб олади. Темучинга шомоннинг қилиқлари аён. Агар унга бирон нарса маълум бўлса, ҳаммани гапини жим эшитади-да, кейин бир гап билан тузилган режани барбод қилиб юборади.

– Нимага индамайсан, Теб-тангри? – сабрсизлик билан сўради Темучин. – Бу ришталарни боғлашни ўзинг айтган эдинг, энди уларни ечишнинг ҳам чорасини кўр.

Шомон кўзларини очмай яна бир қултум қимиз ичгач, товоқчасининг четини чертди. Ундан чиққан жаранг анчагача тинмай, ҳамманинг диққатини жамлади. Шомоннинг ишораси билан баковул товоқчага яна қимиз куйди. Тагин унинг четларига уриб қўйди. Бу гал овоз бўғиқ ва калта чиқди.

– Мана... битта товоқча ҳар хил овоз чиқаряпти. Сангун ҳам худди шундай... У илгари бошқача гапирган эди, энди бўлакча гап қиляпти. Аммо у ўшанда ҳам сен билан қариндош тутинмоқчи эмасди, ҳозир ҳам.

Темучиннинг улусга тинчлик бахш этиш умиди кафтига қўнган қор сингари эрий бошлади. Бироқ хон бу умиди чиппака чиқишини истамади. У тўнғиллаб:

– Буни сенга Нилха-Сангуннинг ўзи айтмадим, мабодо?

Онаси ўғлининг кўнглидагини уқиб, шомонга юзланди:

– Осмондан сенга бирон-бир каромат бўлдимми? Рухлар билан гаплашдингми? Интизор қилма!

Шомон кулимсиради. Бундан Темучиннинг жони чиқиб, бир кунмас-бир кун шомонни ўз қўлларим билан бўғиб ташлайман, деб ўйлади.

– Билиш унча қийин бўлмаган нарсаларни Нилха-Сангун ёки осмондан сўраб ўтираманми? Мен биламан: унаштирув базмида Ван-хон бўлмайди, лекин сенинг қариндошларингун анданг Жамуха ўша ерда бўлади. Улар сени яхшилаб кутиб олади!

Шомон тентакларча пишқириб, товоқчани кўтарди-да яна оғзида ичимликни айлантира бошлади.

– Бормайсан-а, ўғлим? – онаси Темучинга ялингансимон тикилди.

– Йўқ, – деди Темучин базўр.

Қанақа қилиб борсин! Пашша ўтирган ерда курт болалайди, андаси бор жойда – макр, алдов ва айёрлик тайёр. Ҳамма ишда Нилха-Сангун бош, Жамуха – бўйин. Бўйин бошни ўзи хоҳлаган томонга айлантираверади... Сал бўлмаса, тузоққа тушаркан! Ташлаган хўрақларига оғзини очиб турганида яна бир нафасдан кейин қармоққа илиниб типирчиларди. Яна шомон унинг ақлини киргазиб қўйди.

Вақти чоғ Мунлик эрталаб Темучинни ўрамида айлантирди – ўрам одамлар билан гавжум, бир текис қурилган катта-катта ўтовлар. Бу ерда бошқа

нўёнларники сингари озгин болалар ва тук ташлаган қариялар кам, қорачалар ҳам ўтовдан-ўтовга чопиб егулик тиланиб юрмайди. Ҳаммаси иш билан банд. Устахоналарда темир жаранглар, аравачи усталар ўткир болталари билан шотилар ясар, наматчилари эса жун титарди...

– Буларнинг ҳаммаси кимники? – маънодор қилиб сўради Темучин.

– Меники, хон, – гурурланиб жавоб берди Мунлик.

“Меники”... Яқинда Тўрғутой-Қирилдукнинг кўлидаги биттагина ўтовда яшаб юрганди. На зарли чопон, на итоаткор куллару навкарлари бор эди. Буларнинг барини уларга Темучин берди... Нўёнларнинг кўлига нима тушса – “меники”...

– Шунчалик бойиб кетибсанки, қочиб кетсанг ҳам бўлаверади...

Мунлик тўхтади. Унинг ингичка соқоли титраб кетди.

– Нимага бундай деясан? Энг қора кунларда ҳам сизлардан қочган эмасман.

– Биламан, эсимда. Ҳазиллашдим. Сенга худди онамга ишонгандай ишонаман.

Отасининг дўсти бўлган Мунлик уларни очликдан сақлаб қолган, унга қандай ишонмаслик мумкин?! Лекин Темучин дўст-душманлари нима ўйда, қандай ташвишда эканини билмас экан, сахрода ёлғиз тентираб юрган кўрга ўхшайди. Кўзи очиқ одам қоқилмайдиган жойда кўр пешонасини ёриб олиши мумкин. Темучин кўп нарсани кўролмасди. Ҳаттоки хитойлик буюк ҳукмдорлар ҳам “қулоқлар” хизматидан фойдаланишганини ёдидан чиқарибди. Шу ишнинг тепасида шомоннинг ўзи турса-чи? Ақлли, уддабурон, зийрак – бундан яхшисини топиш қийин.

Бу ҳақда гап очганида, шомон кутилмаганда рад қилди.

– Хон Темучин, яхши ўйлабсан, лекин мен сенинг кўз-қулоқларинг бўлмаман...

– Нимага? Менга хизмат қилиш ҳар бир одам учун шараф эмасми?

– Мен сенинг хизматингда эмасман, Темучин хон.

Темучин ҳайронлигидан нима дейишни ҳам билмай қолди.

– Унда кимга хизмат қиласан?

Шомон бармоғини тепага кўтарди.

– Осмонга, хон Темучин. Ердаги ҳукмдорлар эмас, осмон менинг йўлбошчим.

Темучин ғазабли кулимсиради, машак мўйловлари тебраниди.

– Фақат осмонгами?

– Фақатгина мангу мовий осмонга. Сен осмонга маъқул келаркансан, мен ҳам сен биланман.

– Бошқача гапирсанг ҳам бўларди. Сенинг отанг ва акаларингнинг чорвалари ва молларини кўпайтургунимча мен билан бўласан.

– Бу ўз-ўзидан маълум-ку, – Шомон хоннинг юзига масхараомуз тикилди.

Бу суҳбатдан кейин хон анчагача ўзини босолмади. Шомоннинг гаплари ва уларни қай ҳолатда гапиргани эсига тушса, ичини ғазаб ўти куйдирар, фикрлари алангаланиб кетарди. Аввалига уялмасдан ўз манфаатларини тан олгани ва ҳеч кимга бўйсунмай, ўз ҳолича яшашга интилиши хонни кутуртирарди. Кейин эса бу захарли ўсимликнинг устки қисми эканини, илдизлари анча чуқур кетганини тушуниб қолди. Шомон ундан кўркмайди, аммо бунақа бўлиши керак эмас. Одамларни бир-бирига боғлаб турадиган нарса нима? Айтишадикки, қариндошлик ришталаридан ҳам мустаҳкамроқ

нарса йўқ, лекин бу алоқалар баъзан қуриган ўргимчак тўридек узилиб кетиши мумкин. Темучин қачонлардир дўстликни қариндошликдан баландроқ қўйган эди. Қачонки сен кимнингдир истақларини қувватлаб турсанг, дўст тутинади, аммо қарши чиқсанг – душманга айланади. Одамларни қўл остингда ушлашнинг ягона йўли – қўрқув. Кимнинг юрагига қўрқув жойласанг, у сенинг қулинг бўлади. Фақат қўрқувгина жиловлаши, итоатда сақлаши мумкин. Ким сендан қўркмас экан, у сенинг душманингга айланади.

4

Темучин ўрамига тун қайтганда кириб келди-да, ҳеч нарса емай ўрнига кирди. Бовурчи унинг ўтови атрофига икки қатор кептевул – тунги кўрикчилар қўйдирди. Демак, у ҳам бир нарсадан хавотирда.

Уйкуга кетишдан олдин Темучин ёнига калта найза ва яланғочланган қиличини қўйди. Чуқур уйкуга кетолмай, тез-тез уйғонар, кептевулларнинг шивирлашига кулоқ соларди. Эрталабга яқин ўтови олдида шошилинч қадам товушларини эшитиб, қиличи дастасини пайпаслади.

– Ким у?

– Мен, Темучин хон, – жавоб берди Жалма ва шу заҳоти қоровулга қараб: – Чирокни ёқ! – деб буюрди.

Темучин сакраб туриб, кийина бошлади. Шошилганидан гутулини топа олмай, Жалмага бақирди:

– Чирокни олиб кел, тезроқ!

Жалма чироқ алангасини қўли билан пана қилиб кириб келди. Темучин гутулини топиб, оёғини тикди-да, ўрнидан турди.

– Қочоқлар, Темучин хон.

– Янами?!

– Йўқ. У ёқдан қочиб ўтишибди.

– Бу ёққа олиб кел!

Қочоқ сифатида нўёнлар кириб келишини кутган Темучин авишқаси чиқиб кетган иккита қорачани кўриб, ўзини алданган ҳис қилди.

– Сенингча, мана шунақалар қочиб ўтганига ҳам хурсанд бўлишим керакми? – жаҳли чиқиб сўради у Жалмадан.

Жалма машғалаларни баланд кўтариб турар, бароқ қошли башараси тунд ва ташвишли эди.

– Уларнинг гапини эшитиб кўр, хон Темучин.

– Мен – Кишликман, бу эса ўртоғим Бадай... – қорачаларнинг бири руҳсат этилишини кутиб ўтирмай гап бошлади. – Биз амакиннинг чўпонларимиз.

– Хўш, хўш, бу ерга марҳамат кутиб келдиларингми? – Темучиннинг борган сари жаҳли чиқарди. – Ўз нўёнларингизни сотиб, мендан мукофот кутяпсизми? Хиёнат қилгани учун тагипаст қорачалар ҳам, нўёнлар ҳам ўлимга маҳкум!

Кўрқиб кетган Бадай довираб қолди, Кишликнинг ранги оқариб, тиз чўкди.

– Темучин хон, бизни қатл қилдиришинг мумкин эмас. Биз Доритой-ўтчигинга тегишлимиз, у эса бутун мол-ҳоли билан сенга тегишли. Биз қандай қилиб сотқин бўлайлик? Биз мукофот кутиб ҳам келганимиз йўқ, балки одамларни муқаррар ўлимдан қутқаргани келдик. – Кишлик ўртоғини олдинга итарди. – Гапир, Бадай, нима кўрганингни ва эшитганингни айт.

Чўпон Нилха-Сангун бостириб келаётгани хабарини етказди. Агар унинг гаплари рост бўлса, улусга дахшатли кулфат ёпирилади. Қоровулни чақиртириб, гап ойдинлашмагунча кўриклашни буюрди. Бошини қўлларига тираб, ўтириб қолди.

– Балки ёлғондир-а, Жалма? – деди-ю, аммо шу заҳотиёқ шубҳаларини нари улоқтирди. – Йўқ, тўғри. Шунақа бўлиши керак эди. Жалма, чопарларга буюр, отларини миниб, ўрам ва овулларни оёққа турғазишсин.

– Отлар аллақачон эгарланган, Темучин хон.

– Баракалла, Жалма. Нўёнларни чақир.

– Улар ҳам шу ерда. Остонада туришибди.

– Ҳозирча фақат Бовурчини чақир.

Бовурчи қурол-яроғларини кийиб улгурган эди. Машъала нуридан унинг темир совутлари ярақлаб кетди. Елкасига ёпинчиқ ташлаган, қиличи гутулининг қўнжигга тегиб турарди.

– Ўтир. Жалма, сен ҳам ўтир. Иккалангиз ҳам менинг энг яқин дўстларимсиз. Қўрқувдан юрагим музлаб қолаётганини фақат сизларга айтишим мумкин. Қанча жангчимиз бор?

– Агар ҳаммани йиға олсак, саккиз мингга яқин, – деди Бовурчи.

– Нима деб ўйлайсизлар, Нилха-Сангунда қанча бўларкан?

– Биздан кетиб қолган нўёнлар, Жамуханинг одамлари билан... – Жалма миясида ҳисоблаб деди: – Ўттиз мингга яқин. Энг ками – йигирма, йигирма беш минг.

– Роса юпатдинг... Жанг қила оламизми?

– Жанг қилоламиз-у, – Бовурчи афтини бужмайтириб, оғир совутини тўғрилаб қўйди. – Кичкиналимизда бувим менга айтарди: улоқча эчкини сузиб ташлаши мумкин, бунинг учун улоқча эчки бўлиши керак...

– Кетишимиз керак, хон, – деди Жалма.

– Кетиш керак... – такрорлади Темучин. – Кетадиган бўлсак, яна қанча ўрамдан ажраламиз? Буни сенлар ҳам, мен ҳам билмайман, лекин бу ерда қолиб ҳам бўлмайди...

– Уларга рўпара чиқсак-чи? – Бовурчи қизишиб кетди. – Эсингдами, Темучин хон, биз уч киши эдик, қарши кучлар эса юзлаб эди. Ўшанда ўлимдан кўрқибни билмагандик, шунинг учун ҳам ғалаба қилганмиз. Нима, энди эркак бўлмай қолдикми?

– Бовурчи, мен эркакман. Жангда ўлишдан кўрқмайман, лекин мен хонман-ку. Менинг тентакларча ўлиб кетишим яна минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлади... Биз чекинамиз, дўстим Бовурчи, лекин қаерга? Тунёққа юрсак, меркитлар қўлига тушамиз. Чошгоҳга қараб юрсак, сувсиз Гоби бизни Нилха-Сангуннинг қўшинидан аввалроқ қириб юборади. Биргина йўл – кунчиқар томон, қачонлардир татарлар яшаган ерларга кетамиз. Кўчманчи аравалар, оилаларимиз, чорва ва подаларни олдинга ўтказиб, қўшин орқада кетади, маъқулми?

Хар доимгидек хавф-хатар олдида унинг фикрлари тиниқ ва асосли эди. Майда-чуйда нарсалар ўз-ўзидан четга чиқиб қоларди. У тўғри йўлни танлаганини билса ҳам, сўраб қўйди:

– Менинг гапларимга розимисизлар? Агар рози бўлсанглар, нўёнларни чақиринглар.

Бирин-кетин ўтовга Мухали, Субутой-баходир, Хасар, Жаба, ажралмас дўстлар – Хулдор билан Жарчи кириб келди. Ўтов деворига яқин ярим айлана бўлиб туришди.



– Хўш, кўркмас баҳодирлар, бир жойда анча ўтириб, дангасалашиб қолдик-а... Этимизни чиниктириб, суякларни шақиллатадиган вақт келди, шекилли... – Афтидан, нўёнларга ҳазили ёкмагани кўриниб турарди. – Ўрамларингизга Нилха-Сангун юриш қилиб келяпти. У жуда мартабали меҳмон, ўртоқлари ҳам кўп. Меҳмонни муносиб кутиб олишга эса ҳеч нарсамиз йўқ. Зиёфатга кўлимиз калта. Шунинг учун ҳам энг кечи билан пешингача ҳамма ўрамлар Керулен оқими бўйлаб йўлга тушиши керак... Ўн кунлик қурутларини захира қилган жангчилар мана шу ерга тўплансин. Имиллаш ва итоатсизлик кечирилмайди. Ҳаммага шуни етказиб қўйинглар!

Шу билан Керуленнинг икки қирғоғи бўйлаб қозикқа тортилган тери сингари теп-текис ялангликлар, туя ўрқачларини эслатувчи тепаликлар ора-лаб оғир аравалар, подалар ва отарлар йўлга тушди. Деярли дам олишмади. Тун қоронғисида тўхташар, осмон бўзариши билан яна йўлга тушишарди.

Татарларнинг ерлари бўм-бўш, уларнинг йўлига ҳеч ким тўсиқ бўлмас эди. У ўз вақтида шафқатсизларча бу хавфли қабилани қириб ташлагани учун осмонга миннатдорлик билдирарди.

Хосуна деган жойдан Бўйирнур кўли томон бурилишди-да, Халха дарёси бўйига чиқишди. Ёз жазирамаси бошланаётган паллалар, ўнг қирғоқдаги яланғоч тепаликларда ўтлар қуриб қолган, чап қирғоқдаги текислик эса ҳали яшил эди. Жазирама иссиқ Нилха-Сангунни орқасига қайтишга мажбур қилади, деб умидланди Темучин. Мау-Ундур тоғларининг дарахтзорлар билан қопланган шимолий ёнбағирларида у Жалма бошчилигидаги бир бўлимни қолдирди. Ўзи Хара-халжин-элат деган жойда тўхтади. Бир кун ўтиб, Жалмадан чопар келди – қарайитлар яқинлашаётган эмиш.

Ичкарироқ чекиниш хавфли эди, чунки душман изма-из бориб, кўшинни сиқиб қўйиши, пода ва чорвани кўлга киритиши мумкин. Унақада ҳеч қандай жанг ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Нима қилиш керак? Кўрксанг – жанг қилма, жанг қилиясанми – кўркма!

У яланғоч ёнбағирликни танлади. Чап, ўнг ва пастда саҳрони қум барханлари тўсиб тизилиб турар, уни ён тарафдан айланиб ўтиш қийин эди.

Тунда одамлари билан Жалма етиб келди. Қарайитлар изма-из келаётган эмиш. Жалма бир асирни кўлга ҳам олибди. Унинг айтишича, Ван-хоннинг ўзи ҳам кўшин билан бирга экан. Қочоқ нўёнлар ҳам, Жамуха ҳам шу ерда.

Қарайитлар эрталабга яқин кўринди. Дарҳол жангга сафланишди. Саф олдига қочоқ нўёнларнинг одамлари, улардан эллик қадамча орқароқда Жамуханинг жўжиротлари ва ундан кейин қарайитлар ўрнашишди. Қум барханларининг бошидан охиригача кўшин қаторлари сафланди. Уларнинг орқасида ям-яшил майса орасидаги гулга ўхшаб, Ван-хоннинг мовийранг чодирини, унинг баланд ёғочларга ўрнатилган учта жанговар туғи кўриниб турарди.

Тилларанг жанговар яроғлар такқан, устидан алвон ранг ёпинчиқ ёпиб олган Хасар Темучиннинг олдига яқинлашди.

– Ака, қара, улар мудофаа учун сафланишди. Кўркишяпти!

Темучиннинг ўзи ҳам буни кўриб турарди: душман мудофаага саф тортганини кўриб, менадан кўркяпти, деб ўйлади-ю, ғурурга йўл қўймади. Балки хон-отаси ишни урушгача олиб бормас, балки ҳозир қалпоғини найзасига илиб, чопар келиб қолар...

– Ака, илғорларга менинг бош бўлишимга рухсат бер! – Хасарнинг бурун катаклари катгалашиб, кўллари жиловни тинимсиз тортқиларди.

“Мақтанчоқ! Ўзини кўрсатгиси келяпти!” Темучин унга совуққонлик билан қараб қўйди.

– Сени ҳамма ишлардан четлатганман. Ҳозирча кечиримимга лойик бўлганингча йўк.

Хасарнинг жазоланишига тўсатдан Жалманинг қатлини талаб қилгани сабаб бўлди. Гапнинг тагига етган ака қайсар укасини қамчилашдан ўзини зўрға тийди.

Хасар от чоптириб нари кетди.

Қуёш Мау-Ундур тоғидан кўринар-кўринмас ҳаво исиб кетди. Отлар пишқирар, бош узра сўналар ғувиллар, Темучиннинг оти бир ерда турмай, думини биқинларига урарди. Ван-хондан ҳеч қандай чопар келмади. Келмайди ҳам. Агар тинчлик истаганида бу ерда бўлмасди.

Нўёнлари элма шохчалари билан хира сўналарни ҳайдашар, жангчилари дўнгликнинг орқасида тургани учун фақат дубулғалари кўзга ташланарди.

– Нўёнлар, қаранг, менинг битта жангчимга қарши уларда учтаси турибди. Жанг шафқатсиз бўлади. Жангга тайёрмисиз?

Жангчилар бир овоздан “Тайёрмиз!” деб жавоб беришди.

– Унда борлиқни яратган мангу осмонга илтижо қилайлик-да, душманларимизнинг бир-бир жағларини эзиб қўяйлик.

Темучин отдан тушиб, тиз чўқди-да, кўзларини юмди. У деярли эришиб бўлмас ғалабани кутар, эски дўстлари, қариндошларининг шармандасини чиқаришни истарди. Дуолари ақлдан эмас, ўч олишга ташна қалбдан чиқарди. У эгарига минар экан, хотиржам ҳолда душман кўшини сафларига кўз югуртирди. Улар қимир этишмас, бошлари узра кун ловулар, фақат хон чодирни ажралиб турарди.

– Хулдор!

Нўён унинг олдида келиб, отини тўхтатди. Кенг юзи ёғ суртилгандай ялтирар, калта яланғоч бўйнидан тер қуйилади. Дубулғаси орқасига сурилган, елкасига таққан совутида кун ярақлайди.

– Нима учун кўкрагинга совут киймадинг?

– Жуда иссиқ, Темучин хон. Бунинг устига семизман, менга тиғ кириши осонмас.

– Биз ҳозир қарайитларга зарба берамиз. Сен, Хулдор, ўз жангчиларинг билан ҳеч ёққа алангламай, ҳеч ерда тўхтамай, сариеққа тикилган пичоқдай сафни ёриб, чодирга қараб борасан. Тушунарлими?

– Тушунарли, Темучин хон, лекин мен ҳар доим Жарчи билан биргаман. Жарчи, бир-биримизни кўриб турмасак, жанг қила оламизми?

– Хулдор тўғри айтяпти, Темучин хон.

– Бўпти, икковингиз борақолинглар. Мен сизларга ишонаман.

– Хон Темучин, – Хулдор дубулғасини тўғрилаб қўйди, – биз қарайитлар чодирни олдида турган туғни чопиб ташлаб, сенинг туғингни ўрнатамиз.

– Қани, баҳодирлар, жангга!

Ортиқча кийкириқлар ва ур-ҳосиз жангчилар пастга оқиб кетди. Дўнглик устидан юмалаб ошиб, юз кишилиқ бўлинмалар Темучиннинг ёнидан ўтиб борарди. Туёқлар остидан кўтарилаётган чанг юз-кўзларига кўнгани учун отини четга буриб, чопони билан шошилиб юзини артди. Найза шаклидаги жангчилари қарайитларга шитоб билан яқинлашиб борарди. У аниқ кўрмаса ҳам, Хулдор билан Жарчи “найза”нинг қоқ учи эканига ишонди. Душман сафларининг олдинги қатори – қариндошларининг аскарлари ҳаракатга

келишди. “Найза”нинг учи сафнинг ўртасига келиб санчилди-да, ичкарига анчагина кириб борди. Ёриб ўтадим ёки тўхтаб қолармикан? Чамаси ёриб ўтишди, шекилли... Ҳа, олдинги сафни қоқ иккига бўлиб, энди Жамуханинг жангчиларига яқин боришди. Бу сафни ҳам бўлаклаб ташлашди. Азаматлар! Қойил!

Хулдор билан Жарчи очган ёриқдан бошқа жангчилар ҳам ёпирилиб кирар, “найза” йўғонлашиб, учи ўткир пона шаклига айланарди. Қочок нўёнларнинг жангчилари бўшашиб қаршилиқ кўрсатганидан уларни қум барханлари тарафга улоқтириб ташлашди. Қизиган қум от туёқларини куйдирар, жангчилар қурол-яроғларини ҳам ташлаб, қарайитларнинг орқасига яширинишга уринарди.

Хулдор билан Жарчи қайсарлик билан чодирга қараб интилар, у ерда ўрама ҳосил бўлганидан душманни ажратиб бўлмасди. Бирдан Темучиннинг кўзи Хулдор хон чодирга тикмоқчи бўлган жанговар қора туғ – ўзининг байроғига тушди. Туғ жанг майдони узра чайқалиб-чайқалиб лапанглар, қўшин жуда секинлик билан ҳаракат қилар, баъзан тўхтаб ҳам қоларди. Йўқ, бу кетишда ғалабадан умид қилмаса ҳам бўлади. Душман ҳаддан ташқари кўп.

Темучин отидан тушгач, қоровулдаги навкарлар эҳтиром билан элма соясига намат тўшаб, қимиз тўла меш олиб келишди. У қимизни ичиб бўлгач, дарахтнинг қабариқ танасига суянди.

– Жалма, захирада қанча жангчимиз бор?

– Саккиз юзга, хон.

– Бугун калтак еймиз, шекилли.

– Бу ҳали номаълум, хон.

– Маълум. Ҳаммани жангга ташла. Ёнимда ўнтача одам қолса бўлди. Ўзинг ўрамимни ол-да, тоққа чиқиб кет. Агар тирик қолсак, ўша ерда кўришамиз.

Жалма отга сакраб ўтирди-да, жангни кузатиб, юзи титраб кетди.

– Ғалаба улар томонда бўлса, нима учун охирги одамларни ҳам ташлаяпсан?

– Барибир жангдан сўнг улар оёқларини кўтаролмайдилар. Имиллама, Жалма.

Саккиз юзга жангчи олишувни ўзгартира олмади-ю, аммо душманга қақшатқич зарба берди. Қуёш аллақачон чошгоҳга кўтарилган, жазирамадан ер ҳам, осмон ҳам ловуларди. Аммо одамлар иссиқни ҳам, чарчоқни ҳам сезмас, бир сония ҳам жанг шовқини тинмасди.

Хон чодир яқинидаги туғ бир кўриниб, бир кўринмас, кимдир уни бор кучи билан ушлаб тургандек эди, гўё.

Кун ботишидан олдин, худди ҳаммаёқни кул қилган олов каби, жанг ўз-ўзидан тўхтади. Темучиннинг жангчилари орқага тисарила бошлади, уларни ҳеч ким таъқиб қилмади. Иккита навкар Хулдорни қўлда кўтариб олиб келди. Жасур нўён оғир ярадор бўлган эди. Оғрик зўридан унинг кўзлари ич-ичига кириб кетган, тол ёғочига ўхшаб оқариб кетган юзидаги қонтомирлари бўртиб турарди. Темучин қўлини Хулдорнинг пешонасига қўйди.

– Бизнинг ерларимиз ҳали сендек баҳодирни кўрмаган.

– Мен туғни чодирга тиколмадим...

– Сен ҳаммадан ортиқ иш қилдинг.

– Хон, биз енгдикми?

– Йўқ, Хулдор, лекин яшаймиз.

Хулдор кўзларини юмиб, жим бўлди.

– Хон, мени осмон чорляпти... Болаларимни эсингдан чиқарма.

– Қасам ичаман, Хулдор, уларни эсимдан чиқармайман!

Жарчи от елдириб келди-да, Хулдорнинг олдида тиз чўкди.

– Сени ҳимоя қилолмадим, дўстим!..

Кўпириб кетган отларда терлаган, кир, қонга ботган жангчилар тепага кўтарилиб, Темучиннинг ёнидан ўтиб борарди. Хасар акаси томонга қайрилиб қарамай ўтиб кетди. Алвон ранг ёпинчиғи титилиб кетган, тилларанг дубулғаси ялтираб одамнинг ғашини келтирарди. Нўёнлар Темучиннинг олдида тўпланишди.

– Бовурчини кўрмайман. Қани у?

Қоровулдаги навкарлар Бовурчини қидириб кетди. У ҳеч ерда йўқ эди. Темучин анча вақт бўшаб қолган жанг майдонига қараб турди. О, Бовурчи, Бовурчи! Темучин ўрнидан оғир кўзғалиб, оёғини узангига тикди. Навкарлари унинг эгарга ўтиришига ёрдамлашишди.

– Нўёнлар, биз ишнинг ярмини уддаладик. Энди кетиш керак.

Улар оғир хўрсиниш билан бош силкишди.

– Биламан, одамлар оёқда зўрға турибди, отларимиз ҳам қоқилиб кетяпти, лекин кетиш керак.

Тун бўйи тоғ тепасига қараб юришди. Тонготарда Темучин одамларига қисқагина дам олишга рухсат берди. Ким қаерда турган бўлса, ўша ерга ағанади. Юзлаб одамларнинг хуррагидан дарахтларнинг барглари титради. Темучин ухлолмади.

Эрталабдан ҳаво яна исиб кетди, бироқ тоғ тепасидаги қарағай, элма ва қайрағочлар яқинида шабада эсиб турарди.

Ухлаб ётган жангчилар орасидан эгарсиз от минган бир отлик келар, от паканалигидан унинг оёқлари деярли ерга тегиб турарди. Темучин отликнинг кўқарган юзига қараб турди-да, унга қараб юра бошлади.

– Дўстим Бовурчи, тирикмисан?

– Тирикман, Темучин хон! – Бовурчи отдан тушди. – Ҳатто ўлжа ҳам олдим.

Улар қарағай остига ўтиришди. Бовурчининг ярим юзи шишиб кетганидан ўнг кўзи қисилиб қолганди.

– Қаерда эдинг?

– Дам олдим. Жанг пайтида битта жинни мени қиличи билан чопмоқчи бўлди. Унинг қиличи ён тарафи билан мана шу еримга келиб урилди-ку, – Бовурчи кўқарган жойни ушлаб қўйди. – Отдан юмаладим. Кўзларимдан олов отилиб кетди. Ҳозир ёниб кетаман-ов, деб ўйладим... Ўзимга келиб қарасам, ҳаммаёқда қарайитлар. Менинг бўлса на қиличим, на отим бор. Фақат пичоқ. Ўзимизникиларнинг келишини кутиб кечгача ётдим. Қоронғи тушиши билан эмақлаб кетдим. Юк боғланган бир отнинг олдида чикдим. Юкини ташлаб миндим-у, бу ёққа қараб келавердим.

– Бовурчи, дўстим, сени тирик кўрганимдан хурсандман. Қанча жангчиларни қурбон берганимизни ўйласам, юрагим ёниб кетяпти. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Жалмага ўрамимни олиб тоғ тепасига чиқиб кетишни буюрдим. Хотин, болаларимизни отга миндириб, бошқа ҳамма нарсадан кечишга тўғри келади. Қолган ўрамлар-чи? Одамлар, ўтовлар, чорва, отлар – шунча йил тўплаган ҳамма нарсамиз Ван-хонга ўлжа бўлади. Дўстим Бовурчи, биз яна оч ва юпун, қувғинди бўламиз...

У шу топда ўзини бир умр тик қояга ўрмалаб чиқиш билан оворадек ҳис қилди. Баъзида “энди тўхтаб, нафас ростласа ҳам бўлар”, деб ўйлаган пайтида оёғи остидаги тош силжиб, шилинганча пастга сирпаниб тушар, сўнг яна бетўхтов тепага тирмашарди.

– Темучин хон, сен барча йўқотишларимизни айтмадинг, – Бовурчи битта барғни узиб обдан эзгилади-да, кўкарган ерига босди. – Энди ҳамма нўёнларингниям тополмайсан. Уларнинг кўпи жангдан сўнг ўз ўрамларига кетиб қолди. Бугун Ван-хоннинг чодирига таъзим қилиб боришади. Баъзиларини йўлдан қайтармоқчи бўлдим. Кўнишмади.

Бу гапдан Темучин ҳайрон бўлмади. Шунақа бўлиши ҳам керак эди. Шухратинг қанотларини кенг ёзганида унинг остига ҳамма киргиси келади. У синганида эса орқаларига қарамай қочишади. Қочишади...

– Сен-чи, Бовурчи, ҳеч қачон қочиб кетмайсанми?

– Йўқ, Темучин хон.

– Нима учун?

– Мен сенинг дўстингман.

– Шунчаки Бовурчи нўён бўлганигда-чи?

– Қанақа нўёнлигимга ҳам боғлиқ-да, Темучин хон. Агар қабила бошлиғи бўлганимда, балки кетиб ҳам қолардим. Енгилган одамга эргашиб нима қиламан? Бугун Ван-хон устун – маза қилиб унинг ҳимоясида яшайман. Эртага сен оёққа туриб олсанг – сенинг олдинга келаман. Мен нима йўқотаман? Қабилам ҳар доим ўзим билан, мен уларнинг хўжайиниман.

– Дўстим Бовурчи, булар янгилик эмас... Мана сен, мингта жангчимга нўёнсан, йиқилган пайтим нима учун кетиб қолмайсан?

– Уларни олиб кетвордим ҳам дейлик. Жангчилар орасида тойчиютлар ҳам, кўнғиротлар ҳам, дорбенлар ҳам бор. Уларнинг қариндошлари, дўстлари сенинг ҳукмингда қолишган. Ўн кундан кейин мингта жангчимдан ким ҳам қоларди, ҳаммаси ортига қайтиб кетади.

– Лекин сен уларнинг оилаларини ҳам, яқинларини ҳам олиб кетишинг мумкин-ку! – Темучин Бовурчига синовчан қаради.

– Барибир қочиб кетади. Мени уларга сен бошлиқ қилгансан. Сенсиз уларга ҳукмим ўтмайди.

Дўстининг мулоҳазалари ўзиники билан бир хил эди. Илгари сахро саробидек хира кўринган нарсалар энди аниқ-равшан намоён бўла бошлади. Фақат бу ердан эсон-омон кутулиб чиқиб, қолган кучларини йўқотмаса бўлди.

– Қани, дўстим Бовурчи, одамларни кўтарамиз.

Саргардонликнинг оғир кунлари бошланди. Ярадорлар ўлиб, отлар тамоман ҳолдан тойди. Ҳеч қандай егулик йўқ. Бироқ Темучин бир кун ҳам тўхтамади. Аввалига жангчиларини ўтиш жуда ҳам машаққатли ўрмонзор тоғлардан олиб ўтди. Ҳамма бутунлай кучдан қолгач, йўлни шимолга, сахро текисликларига бурди. Одамлар ҳам енгил тортиб, отларнинг қадамлари тезлашди.

Темучин Балжуна кўли бўйида тўхташни буюрди. Одамлар ўзларини сувга урдилар. Туёқлар сувни лойқалатиб юборса-да, ҳамма ундан ҳовучлаб ичар, юзларини ювишарди.

Темучин отидан тушгач, атрофига нўёнлари тўплана бошлади. Эски қадрдонлари Бовурчи ва Жалма, қийшиқоёқ, эпчил Мухали, найнов Субутой-баходир, чарчоқ билмас Жаба. Қолганлари кўринмади, ташлаб кетибди. Жасоратли Хулдор ўлди. Укаси Хасар қаердадир юрибди.

Темучин бир жангчининг қўлидаги ёғоч товоқчани олиб, бўтана сувдан тўлдирди.

– Содиқ дўстларим! Бошимизга оғир кунлар тушди. Ракибларимиз ва хиёнатчилар бир бўлиб, бизни боримиздан айиришди. Аммо биз тирикмиз ва кураш давом этади. Бугун мағлубиятимиздан шод бўлаётганлар ҳали пушаймон бўлади! Осмон менга ҳақ йўлни кўрсатди. Хиёнат ва соткинлик илдизи билан йўқ қилинади, улусим юксалиб, ҳар бирингиз бугун йўқотганингиздан ўн баробар кўпроқ нарсага эришасиз. Қасам ичман! Агар қасамимни бузсам, осмон мени мана бу ифлос сувга айлантириб юборсин. Бир-биримизга содиқ бўлайлик!

У қўлидаги бўтана сувдан ичиб, товоқчани Бовурчига узатди. У ҳам ичиб, Жалмага узатди. Товоқча давра бўйлаб айланиб, ҳамма ундан сув ичди.

Темучин абжағи чиқиб кетган нўёнлари ва жангчиларига қараб, ҳар қандай ғам чўт эмас, деб ўйлади. Қолганларнинг бари унинг одамлари. Тагипаст Кишликнинг гапларини эслади: “Биз Доритой-ўтчигинга тегишлимиз, у эса бутун молу мулки билан сенга тегишли”. Бундай бўлмади-ку. Ҳар доим ёнида юрувчи мингта жангчи қани? Бирларини қариндошлари олиб кетди, бошқалари нўёнларига эргашди. Унинг улуси ямоқли пўстинга ўхшарди. Бир бўлаги маҳкам тикилган, бошқаси эса базўр илиниб туради. Энди ҳаммаси бошқача бўлади.

– Жалма, анави иккита чўпон тирикми? Тирик бўлса, олдимга олиб кел.

Чўпонлар тирик эди, фақат оёқда зўрға туришарди. Улар қўшин ортидан пиёда юриб келганидан гутуллари аллақачон титилиб кетган, яланг оёқлари қонга ботган, чопонининг тешикларидан яланғоч таналари кўриниб турарди.

– Жалма, уларнинг қорнини тўйғаз, кийим-бош, от ва қурол бер. Сизлар энди кул эмас, озодсизлар. Бу – кимники эканингизни унутмаганингиз учун мукофот. Сизлар улусимга хиёнаткорона бостириб келаётган душмандан огоҳлантирдингиз. Бунинг учун ҳар бирингизга дархон унвонини берман. Бугундан эътиборан қуршов овида отган ҳар бир ҳайвонингиз ўзингизники, сафарларда қўлга киритган ўлжаларингиз ҳам ўзингизники. Ҳеч ким ўлжаларингизни бўлишишга мажбур қилолмайди.

Чамаси, чўпонлар бошларига бахт куши қўнганини яхши англашмади. Аммо хоннинг гапини эшитиб турган жангчилар “Хонимиз адолатли ва сахий!”, “Яхшилик қилганга яхшилик қайтади!” дея жар солишди.

– Осмон умрингни узоқ қилсин, хон! – деди ниҳоят Кишлик.

Ван-хондан дарак йўқлиги учун Темучин ҳаммага икки кун дам берди. Кейин чидамлироқ жангчиларни танлаб, Субутой-баходир бошчилигида Жаба ва Мухалини овга жўнатди. Ҳар куни овланган жайронлар билан қорин тўйғазган аскарлар тез оёққа турди, тоғ ўтлоқларида отлар ҳам кучга кирди.

Унинг қўл остида тўрт ярим минг жангчи қолибди. Кўп эмас-у, барибир, жангчи-да! Биттаси учтага бас келади. Қўрқмас, чидамли, жангда пишган ва асосийси – садоқатли.

Балжунадан унча узоқ бўлмаган ерда қўнғиротлар кўчманчилик қиларди. У Жарчини ўша ерга жўнатиб, ўзига бўйсуниларини сўради. У хотинининг қабиладошларини ёқтирмас, бир пайтлар Бўртага совчи бўлиб борганда устидан кулганларини эсидан чиқаролмасди. Кейинчалик ҳам улардан

яхшилик чикмади. Улар Темучинга бўйсунушни хоҳламай, Жамуха билан тил бириктириб юришди.

Темучин кўнғиротлар ўзини хон деб тан олишларига умид қилмасди, лекин улар билан уришадиган вақт ҳам эмас. Шунда кутилмаган ҳол рўй берди: кўнғиротлар унинг шартига осонгина рози бўлишибди. Дой-Чечан билан ўғли Олжу уларни бунга кўндирибди. Нима бўлганидан қатъи назар, битта ҳам қурбон бермай, Темучин хоҳлаган нарсасига эга бўлди. Бу жангсиз ғалабадан кўриниб турибдики, қабилалар уни янчилган деб ҳисобламаётган эди. Ван-хон унинг шухратини синдирилмабди. Шундай экан, у яна янги жангчилар топиши мумкин, лекин бунга вақт керак. Ниҳоят узоқ иккиланишлар ва мулоҳазалардан сўнг Ван-хондан сулҳ сўради.

Иккита жангчини элчи қилиб, хон-отаси, Нилха-Сангун, Жамуха ва қариндошларига айтадиган гапларини сўзма-сўз ёдлашни буюрди...

5

Барча нўёнлар Темучин хон элчиларини кутиб олиш учун Ван-хоннинг чодирига йиғилишди. Улар бақириб гаплашар, қувноқ овозлари-ю ёрқин ипак либослари Ван-хоннинг ғашини келтирарди... Байрам қилишяпти. У бўлса ўзини кўярга жой тополмаяпти. Ўғли ва Жамуханинг хоҳишига кўнганидан бери хотиржамлиги йўқолган.

Мудофаага сафланган кўшиндан усталик билан фойдаланган Темучиндан фахрланиб кетди, тутинган бўлса ҳам ўғли-да. Темучиннинг жангчилари унинг чодирига деярли етиб келишганда Нилха-Сангуннинг ўзи жонҳолатда жангга кириб кетди. Чакагига кирган ўқ тўртта тишини синдириб туширибди. “Ким бировга чоҳ қазиса, унга ўзи йиқилади!” деб ўйлади, аммо ўғлининг яраланиши хоннинг юрагини зирқиратиб юборди.

Жангдан сўнг нўёнлар Темучинни изма-из таъқиб қилиш кераклигини айтишди. У: “Нилха-Сангун соғайишини кутамиз”, – деб кўнмади. Хон Темучинга дам бериш мумкин эмаслигини тушуниб турса ҳам, фикрида қатъий эди.

Жангдан сўнг Темучиндан ажралиб келган нўёнларни хушламай қабул қилди. Аммо асир олинган Хасарнинг оиласига ўтов тикиб, меҳмон каби муомала қилишни буюрди.

Нўёнлар ҳам, ўғли ҳам бундай муносабатдан очикдан-очик норози бўлди. Ван-хон агрофидаги зиддият шиддат билан ўсиб бораётганини сезиб турарди.

Чодирга Нилха-Сангун келиб, отасининг ёнига ўтирди.

– Одамларимиз Темучиннинг элчиларидан унинг қанча одами, мол-ҳоли қолганини сўрашяпти, аммо улар жим.

Нилха-Сангуннинг яраси ҳали битмаган, жароҳатидан тили базўр айланар, гапларини тушуниш қийин эди. Шишиб кетган чакаги боғловдан чиқиб турар, юзи қийшайиб қолган эди.

– Э-э, Темучиннинг ҳеч нарсаси қолмади! – деди энсаси қотган Доритой-ўтчигин. – Ҳамма ўрамларини қўлга олдик.

– Ўрамларини-ку қўлга олдик... – Жамуха Ван-хонга қараб гапирарди. – Аммо ҳали жангчилари бор. Мен асирларни сўроқ қилдим, санаб, чамалаб кўрдим. Балки бугун камроқдир, аммо эртага яна кўпаяди. У ҳозир аччиқ-аччиқ йиғлар, лекин эртага кимнингдир ичагини ағдариши аниқ.

– Сен ёвузлашиб кетяпсан, Жамуха, – деди Ван-хон.

– Баъзиларнинг меҳрибонлиги туфайли мен шундай кўриняпман.

Жамуха Ван-хоннинг ўзига ўқ отаётганди. Нўёнлардан ҳам уялмади.

– Бир матал эшитгандим: улоқчанинг шохи чиқса, онасини сузар экан.

Бу сен ҳақингда айтилган, Жамуха.

– Йўқ, хон, бу Темучин ҳақида. У энди улоқча эмас, шохи билан кўпчиликнинг қорнини ёриб улгурган.

Хон қоровуллари бошлиғи чодирга кириб, баланд овозда деди:

– Буюк хон, Темучин хоннинг элчилари остонада турибди. Уларнинг арзини эшитишни хоҳлайсанми?

– Кирсин.

Темучин хоннинг элчилари – икки нафар ёш жангчи – хон олдида тиз чўкмай, эгилибгина таъзим қилишди-да, қоматларини тиклади. Мағлуб бўлганларнинг элчиси бундай таъзим қилмайди. Нилха-Сангун беодобларча отасининг биқинига туртиб, шалвираган оғзи билан бир нималар деди. Ван-хон элчиларга қўл силтаб, “гапиравер” дея ишора қилди.

– Хон-ота, нима учун мендан жаҳлинг чиқди, нега тинчимни буздинг? Бир пайтлар сенинг нўёнларинг менинг нўёнларим каби хиёнат қилганида, юзта одам билан зўрға қочиб жон сақлаган эдинг. Асилзода отам Есугей баҳодир сени ўз бағрига олиб меҳр кўрсатган, сен билан ака-ука тутинган эди. Унинг жангчилари билан қўлдан чиққан улусингни қайтариб олгандинг. Шунинг учун мендан жаҳлинг чиқдимми?

Темучиннинг элчиси гапирар экан, Ван-хоннинг кўзига гина ва ўпкалаш билан тикилар, хоннинг кўз ўнгида элчи эмас, Есугей турарди...

– Хон-ота, нутуғингга найманларни эргаштириб уканг Эрхэ-Хара келган кунларни эсла. Сен тангутлардан мадад истаб, қадринг бир пул бўлди. Қорахитой гурхонидан рад жавоби олдинг. Саргардонлик ва очликдан силланг қуриб ҳузуримга келдинг. Мен меркитлар устига юриш қилиб, ҳамма ўлжамни сенга бердим. Балки шунинг учун бугун мени таъқиб қилаётгандирсан?

Ван-хон букчайиб қолди. Тўғри, ҳаммаси тўғри... Ўшанда Темучин ёрдам бермаганида у ҳам, Нилха-Сангун ҳам аллақачон ўлиб кетган бўларди.

– Хон-ота, сенга ҳеч қачон ёмонлик тиламаганман. Тили заҳар одамларнинг тўхматларига ишониб, мени Коксу-Сабракка емиш қилиб ташлаб кетганингни эсла. Лекин мени ўшанда осмон ҳимоясига олди. Коксу-Сабрак ўрамларинг, чорва ва подаларингни талай бошлаганда одамларимни ёрдамга жўнатмадимми? Шунинг эвазига бугун менинг овулларим ва чорвамни тортиб олаётгандирсан?

Сўзлар Ван-хоннинг бошига худди болға ураётгандек айтилар, ҳеч кимни эшитгиси, кўргиси келмасди.

– Хон-ота, мен ҳар доим биринчи чақириғинг билан ҳузурингга шошилардим. Шунинг учун мени отинг туёқлари остига ташламоқчимисан?

Элчи тўхтаб, орқага икки қадам ташлагач, ўрнига бошқаси чиқди-да, Нилха-Сангунга қараб гапирди.

– Биродарим Нилха-Сангун, биз хон-отамиз аравасининг икки шотиси эдик. Бу сенга камлик қилди, шекилли. Отанг тирик бўлатуриб, хон бўлишни истадинг. Кўп нарсани уддаладинг, хурсанд бўл, яйра. Лекин эсингдан чиқмасин: битта шотиси синган арава тўхтайдди. – Элчи Ўлтон билан Хучарга ўгирилди. – Ерни ёмғир эмас, одамлар кони лой қилганда, кичиклар катталарни менсимаган, катталар эса кичикларнинг ғамини емаган

кунларда хаммаларинг бир овоздан: “Темучин, хонимиз бўл!” дедингиз. Мен кўниб улусимизни душманлардан ҳимоя қилишга қасам ичдим. Бир жангдан иккинчисига отланардим. Қилич билан узоқ қутилган тинчликни қўлга киритдик. Барча ўлжаларни сизлар билан бўлишдим. Сизлар учун ов қилдим, сизлар учун тоғ ошиб ўлжа қувдим. Ичган қасамларингизни бузиб, бегона улуслардан нима изладиларинг?

Ўлтоннинг юзи қизариб, Хучарнинг кўзлари олайиб кетди. Доритой-ўттигин елкасини сиқиб, ўтлар орасидаги беданага ўхшаб сўради:

– Жияним менга нималар деб юборди?

– Сенга ҳеч нарса айтмади.

– Бу қанақаси? Нимага энди?

Элчи кўзлари билан Жамухани излаб топди.

– Гапларимни эшит, андам. Болалигимизда онам Ўйлууннинг ўтовида “Ҳар ерда ва ҳар қачон бирга бўламиз”, деб қасамёд қилгандик. Катта бўлгач, узоқ айрилиқдан сўнг қасамларимизни яна янгиладик. Лекин сен мени ташлаб кетдинг ва ўшандан бери ҳеч чарчамасдан менга ёмонлик тилаб келасан. Наҳотки мангу осмон ғзабидан кўркмасанг? Ахир, унинг гувоҳлигида қасам ичгансан-ку! Наҳотки ёлғон ҳақиқатдан кучли, деб ўйласанг? Эҳтиёт бўл, анда, узр айтиш вақти келганда мангу осмон олдида ўзингни оқлайдиган гап тополмай қоласан. – Элчи яна Ван-хонга таъзим қилди. – Хон-ота, сенинг донолигингга ишонаман. Ўз жигарингни ҳаром билан булғама, яхшилаб ўйласанг, тушунасан: душманинг мен эмасман. Бўйирнур кўлига элчиларингни юбор, мен ҳам одамларимни жўнатаман. Улар шовқин-суронсиз, тўполон-жанжалсиз улусларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини бузмаслик йўлларини ҳал қилишади.

Элчилар ҳурмат билан таъзим қилиб, чодирни тарк этди. Нўёнлар Ван-хоннинг гапини кутишар, у эса бирор сўз айтишга қийналарди. Хон ҳозир машаққатга тўла бутун умрини кўз ўнгида ўтказганди. Энг аччиқ пайтларда Темучин ёки отаси унинг жонига оро кирарди. Ўзи эса яхшиликларни унутди, шармандали ишга қўл урди. Нилха-Сангун билан Жамуханинг гапига қулоқ солмаслиги керак эди. Темучин унинг улусини тортиб олмоқчи бўлгани рост бўлганда-чи? Шу улусни деб не-не жангларга кирмади, сафарларга отланмади. У буларнинг биронтасини ҳам нўёнларига айтолмасди.

– Бўйирнурга кимнидир юбориш керак...

– Нима учун, хон-ота? Сен андам билан музокаралар олиб бормасанг керак? – сўради Жамуха қаттиқ таажжубда кўзларини катта-катта очиб. – Темучиннинг кучи қирқилган, кўшини ҳам кам. У энди кимга ҳам хавф соларди?

Ўғли тилини зўрға айлантириб деди:

– Заҳарли илоннинг ингичка ёки йўғонлигида фарқ йўқ.

Ўлтон унинг фикрини маъқуллади.

– Тўғри айтдинг, буюк хоннинг шавкатли ўғли! У ер билан бир бўлди-ку, энди эса пўписа қилипти! Темучин билан нимани гаплашиш мумкин? Буюк хон, биз олдинга ҳимоя излаб келсак, сен Темучинни қутқаряпсанми?

– Сени чақирганим йўқ! – силтаб ташлади Ван-хон.

Ўлтоннинг юзи қизариб, жим қолди-ю, қайтиб оғиз очмади.

– Хон-ота, отни минмас экансан, узангига оёқ қўйиб нима қилардинг? – сўради Жамуха. – Биз сени деб Темучинга қарши чиқдик, уни деб жангчи-

ларимиз қони тўқилди. Охирги зарбага чўзилган қўл билан унинг бошини силаяпсан. Хон-ота, ўзингни ҳам, бизни ҳам балога рўпара қияпсан!

– Бўғиб ўлдирилиши керак бўлган одам чўкиб ўлмайди. – Ван-хон унинг гапини қайтарди.

Баҳс борган сари қизир, хон мадакдор изларди-ю, у бу ерда йўқ эди. Ван-хон таслим бўлди:

– Майли, Бўйирнурга одам жўнатмайман, лекин унинг ортидан ҳам қувмайман. Яхши-ёмон ишлар бўлиб ўтди, аммо менинг номусим бу ишни осмон ҳукмига ҳавола қилишимни буюряпти. Бу сўнгги сўзим!

Нўёнлар, Жамуха, Нилха-Сангун унинг ҳузуридан норози бўлиб чиқиб кетдилар.

6

Хасар бир неча кундан сўнг Балжуна қирғоғига етиб келди. Уни тирик кўрган онаси йиғлаб юборди. У Темучин билан кўришишни истамас, лекин келганини билдириши керак. Хон ўтови ёнидаги қозикларга кўплаб отлар боғланган, қуролланган навкарлар тўпланиб турарди.

– Хон олдида нўёнлар тўпланганми? – деб сўради у қоровулдан.

– Амакинғиз қайтди. Ҳозиргина кириб келди.

Бу қутилмаган воқеа эди. Хасар ўтовга кирганида акаси мўйловини дик-кайтириб ўтирар, оёқлари остида Доритой-ўтчигин наматга тиз чўкканича таъзим қилиб нималарнидир ёлдиларди.

Хасарни кўриб, Темучиннинг қоши ўйнади.

– Сен қаердан келдинг? Ўтир, кейин гаплашамиз. Амаки, кўз ёшларинг билан гутулларимни ювма. Ўрнингдан туриб, кўзимга қара, нима учун қайтдинг?

– Қадрдон жиянгинам, осмонни гувоҳ қилиб айтаманки, сенинг ўлимингни хохламаганман! – Доритой-ўтчигиннинг ингичка елкалари силкиниб кетди.

– Унда нега Ван-хоннинг олдига кетдинг?

– Фақат сени деб, жиян! Ҳаммасини билиб, ўрганиб келаман, деб ўйлагандим...

– Сочинг оқлари ҳаққи, ёлғон гапирма! Бошингни баланд кўтариб ўл.

– Нима учун ўлишим керак? Кечир мени, раҳм қил, хон! Қариганимдан ақлим камайиб, Ўлтон, Хучар ва анданг Жамуханинг фирибларига учдим. Улар мени алдаб илинтиришди. Нахотки, мендек қари, ақли калта одамни қатл қилдирсанг? Укам Есугейнинг ўғли, суюкли жиянимсан!

Темучиннинг дўстлари бир-бирларига қаради. Хасарнинг қовоғи солинган. Нима учун Темучин ўз наслини мана бу зоти пастлар олдида ерга ураётганини тушунмайди?

– Амаки, кўзимдан йўқол! Ташқарида кут.

Доритой-ўтчигин кетма-кет таъзим қилганча, “қатл қилдирма, афв эт!” дея бетиним ўтиниб, ўтов эшиги томон эмаклади. Темучин эса кутурганча мушти билан тиззасига урарди.

– Сотқин! Умуртқангни синдираман!

– Бундай қилма, Темучин хон, – эҳтиёткорлик билан илтимос қилди Бовурчи. – Минг қилса ҳам амакинғ.

– Амаким... – деди истехзо билан Темучин. – Бири амаким, бири укам, яна бошқаси дўстим. Бирини кечир, иккинчисини сийла, учинчисига раҳм

қил. Нима учун? Ахир, қоидага оддий қорачадан то хонга қадар барча итоат қилиши лозим эмасми?

– Худди шундай, хон, – тасдиқлади Бовурчи.

– Ундай бўлса, мендан нима истайсан?

– Юмшоқкўнгилликни, хон. Амакинг ўзи қайтиб келиб ярим гуноҳини ювди. Айбини кечириш билан кўп душманларимизни дўст қилишимиз мумкин. Бундан ташқари, амакинг – Ўтчигин бобонг Бортон-баходир ёкиб кетган ўчоқ ҳимоячисидир. Ота-боболаримиз ёққан ўчоқларни ўчириш ақлдан бўлармикан?

Темучин ўрнидан турди-да, қўлларини орқага қилиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кейин бирдан тўхтади-да, буюрди:

– Онамни чақириб келинглар.

Онаси келганда ўрнига ўтириб, тарвақайлаган соқолини силаб текислади.

– Она, кўргандирсан, амаким ҳайдалган итдек суйкалиб қайтиб келибди. Унинг айбини кечириб бўлмайди. У энг қийин пайтларда сени ёлғиз ташлаб кетган, мол-мулкни ҳимоя қилиш учун бизни қувғин қилган Тўрғутой-Қирилдукнинг товонини ялади. Майли, бу айбини кечирдим. У мен – хонга садоқатли бўлиш ҳақида қасамёд қилганди, уни ҳам бузди. Уни хон сифатида қатл қилдиришим, амаким сифатида афв этишим керак. Доно онам, сендан сўрайман: қариндошимизга қандай муомала қилай, хон бўлибми ёки жиян бўлибми?

– Уни қийнама, ўғлим. У бўштоб одам, осмон унга на жисмоний, на руҳоний куч берган. Иродасиз амакингнинг йўлини қисқартирма, ўғлим, осмоннинг қаҳрини келтирма.

Онасининг сокин, маъсум овози, изтиробли боқиши Темучиннинг кўнглини юмшатди. У навқарига бақирди:

– Амакимни чақир!

Доритой-ўтчигин кўрққанидан гавдасини эплай олмай, остонадан ҳатлар-ҳатламас ўзини ерга ташлади. Аммо Ўйлун ва Темучиннинг юзидаги ифодадан омон қолганини тушуниб, эпчиллик билан эмақлаб келди-да, қўлларини ёйганча хитоб қилди:

– Мен ҳали сенга кўп хизмат қиламан, хоним ва жияним!

– Сенинг хизматингга муҳтож эмасман. Одамларинг ва подаларингни олиб қўяман. Фақат ўтовинг ва хизматингни қиладиган бир нечта қулинг бўлади, холос.

– Хон, нима учун бунчалик қаттиқ жазо?

– Бу сенга шафқатим, амаки. Ўзинг нолияпсан-ку, қариб қолдим, деб. Елкангдаги оғир ишларни ўз зиммамга оламан. Жалма, унинг навқарларини юзта-юзта қилиб бўлгин-да, ҳаммасига юзбоши тайинла. Амаки, сен бориб ибодатингни қил. Хўш, Хасар, энди сен гапир! – Темучиннинг қараши ғазабнок эди. – Хон-отамнинг меҳмони бўлиб келмадингми?

– Меҳмон бўлдим! – онаси шу ердалиги учун кўрқмасдан гапирди укаси. – Қабул қилиндим ва сийландим. Фақат бу ерга пиёда қайтишга тўғри келди-да.

– Балким унинг олдига яна боришни хоҳларсан?

– Нимага ундай дейсан, ўғлим? – ўпкаланди онаси. – Укангнинг эзилиб кетганини кўриб турибсан-ку.

– Кўриб турибман, она. Шундай бўлса ҳам, у яна йўлга тушишига тўғри келади. Нўёнларим, сўзларимни тингланг. Ван-хоннинг ҳузурига кўп жангчилар кетиб қолди. У ҳали ҳам кучли, шу сабабли очиқ жангда

енгишимиз қийин. Фақат чакмоқ тезлигидаги кутилмаган хужум билан ғалаба қилишимиз мумкин. Энди қарайитлар биздан қўрқишмайди, уларга сездирмай яқинлашиш қийин. Сафарга чиққач, фақат тунда йўл юрамиз. Хон-отамизнинг қароргоҳига яқинлашганда Субутой-баходир билан Мухали Хасар номидан хоннинг олдига боради. Улар сенинг бутун саҳрони айланиб ҳам мени тополмаганини, навкарларинг оч, отларинг ҳориган, қалбинг хотин-болаларинг ҳажридан изтиробда эканини айтишади. Ўзинг эса ҳимоянга ол, деб илтимос қиласан. Шунда Ван-хон билан ўғли Темучин қўрққанидан қочиб кетибди, деб ўйлайди. Улар сенинг ҳолдан тойган навкарларингни кутади. Ўшанда биз етиб борамиз. Субутой-баходир билан Мухали қаерга қандай зарба бериш мумкинлигини режалаб олади.

– Бу хавфли, хон, – деди Бовурчи.

– Хавфли бўлиши мумкин. Лекин Ван-хонни бошқача енгиб бўлмайди. Жанг қиляпсанми – қўркма, қўрксанг – жанг қилма. Ҳеч нарса қилмасдан ўтиролмаймиз. Ҳамонки адоват бошланган экан, кимдир йиқилиши керак – улар ёки биз.

Хасар акасидан хафа бўлмади. Афтидан, Темучин уни кечирганди, акс ҳолда уни Ван-хонни қўлга тушириш учун жўнатмаган бўларди. Бир пайтнинг ўзида ҳам ҳасад, ҳам ҳурмат билан кўнглидан ўтказди: “Устомонлигинга қойилман, ака...”

7

Хасарнинг илтимоси Ван-хонга ҳам, ўғлига ҳам ёкиб тушди. Ортиқча гап сўзсиз уни ўз ҳимояларига олишга қарор қилишди. Ван-хон бу иши билан андаси Есугейнинг оиласи олдидаги айбини бироз ювишни ўйлаган бўлса, Нилха-Сангуннинг фикри бошқача эди. У Хасарга акаси Темучиннинг ўрнига хон бўлиши мумкинлигига шама қилиб, акасига қарши қўшин тўплашига ёрдам беришни кўзларди. Ана ўшанда бу қайсар ва шуҳратпараст Хасар ўлади ёки сариқ машак акасини йиқитади.

Унинг бу борада кўнгли тўқ эди. Хасар, Субутой-баходир ва Мухали олдида Итурғон нўённи жўнатмоқчи бўлди.

– Бизнинг унга ишончимиз ва хайрихоҳлигимизни етказ.

– Бошқа бировни жўнатгин, – илтимос қилди Итурғон. – Мен унинг оиласини қўлга олгандим.

– Нима бўлибди?

Хижолат чеккан Итурғон кулоғи орқасини қашлаганича тан олди:

– Биз Хасарни сал-пал калтаклаган эдик-да. Мана бу тилла аслаҳаларни ҳам ундан олиб қўйгандим.

– Қайтанга яхши бўлади. Унинг аслаҳаларини кийиб айнан сен боришинг керак. Бу билан унинг ким эканини эслатиб қўясан. Юраги эзилсин. Бу ерга етиб келгач, кўнглини кўтариб, қалбига умид уруғини экамиз. Тилла аслаҳаларига қимматбаҳо совғалар қўшиб, ўзинг қайтарасан.

Итурғон бошида куёшдек чараклаб турган дубулғани ечиб, кўкрагидаги ялтироқ совутларни силаб қўйди: уларни ҳеч қайтаргиси йўқ. У оёғи чопмайгина Хасарнинг ҳузурига жўнади. Бароққош Субутой-баходир билан тиними йўқ Мухали унинг икки ёнида от суриб борарди. Мухали отқозиқ устидаги олақарғага ўхшаб, эгар устида тинч ўтиролмас, тинимсиз атрофга алангларди:



- Намунча катга ўрам, одамлари ҳам кўп?!
– Бизда бунақа ўрамлар кўп, одамларнинг қанчалигини эса ҳеч ким билмайди. Сизлардан асир олинган қуллар, хотин ва болаларнинг ўзи мингдан ошиқ.
– Лекин жангчилар жуда кам-ку...
– Уларни бу ерда ушлаб нима қиламиз? Собиқ ҳукмдорингиз Темучин ғойиб бўлди, татарлар қириб ташланган. Ҳеч қайси тарафдан хавф йўқ, шунинг учун ҳам кўшин кам.
– Яқин атрофда ҳам ўрамлар борми?
– Сен нимага ҳамма нарсани суриштиряпсан? – ҳушёр тортди Итурғон.
– Қанчалиги билан нима ишинг бор?
– Ниманидир гаплашиб кетиш керак-ку! Хоҳламасанг – жим кетамиз. Лекин иссиқда қолган сут ачигандай, жим кетсам мен ҳам айнийман. Кел, унда отлар ёки аёллар ҳақида гаплашамиз – хоҳлайсанми? Ўрамлару жангчилар ҳақида гапирмай кўя қол, тагин ҳаммасини билиб олиб, бостириб келмайлик, – Мухали яйраб кулди.
Йўл давомида Мухали Итурғоннинг жиғига тегиб кетди.
– Хўш, қани, Хасарларинг? – деб икки-уч сўради. – Яқинда дегандиларинг, лекин икки кундан бери ундан дарак йўқ.
– Шошма, ҳадемай кўрасан. Хасар роса хурсанд бўлиб кетади-да!
Иккинчи куни ҳам чарчаган отларини пасттекисликдаги ялангликдан йўрғалатиб боришди. Бир тепалик устига кўтариларкан, Итурғон туйқусдан энгашиб, жиловни тортди. Тепалик ортида кўшин келар, унинг сафи илондай чўзилиб кетган, охири кўринмасди.
– Нима бу?! – Итурғон отини тезлатди.
Чапдан Мухали, ўнгдан Субутой-баҳодир унга ёпишди ва бирпасда қўлларини орқасига қайириб, қайиш билан маҳкам боғлаб ташлашди. Ҳайрати ошган Итурғон қаршилиқ кўрсатишни ҳам ўйламади.
– Бу қанақаси? Сизларга нима бўлди?
– Манзилга етиб келдик, – деди Мухали кулиб.
Уларни кўрибоқ йигирма чоғли жангчи от чоптириб яқинлашди. Равон йўрғалаб келаётган саман от устида дев келбатли, қора наMAT қалпоқли, белига оддий қайиш ўраган жангчи ўтирарди. У отини тўхтатиб, ўткир нигоҳини Итурғонга қадаганда унинг юраги тўхтаб қолаёзди: Темучин хон!
– Хўш, нима гап? – сўради у Мухалидан.
– Ҳаммаси яхши! Ван-хон баҳорги каккуга ўхшаб, беташвиш ўтирибди.
– Бу нима қилиб юрибди?
– У Хасарнинг қурол-аслаҳаларини олиб келган, – деди Мухали тишларини яраклатиб.
– Бирон нарсa айта оладими?
– Йўқ, хон. Ҳаммасини йўл-йўлакай сўраб билиб олдим.
Шу пайт отини елдириб келган Хасар тилла аслаҳали Итурғонни кўриб тиржайди.
– Ҳа-а, қўлга тушдингми? Ака, уни менга бер.
– Ола қол, – хон отини жилдиргач, Мухали ва Субутой-баҳодир унга эргашди.
– Ҳозироқ аслаҳаларимни еч! – бақирди Хасар.
Итурғон итоаткорона бошидан дубулғани ечди, елкаларидаги совутни бўшатди. Хасар уларни навкарларига узатди-да, қиличини суғуриб бир зарб билан Итурғонни бошини узиб ташлади.

Ван-хон ўрамидаги қоровул бор овози билан: “Душман!” – деб кичкирганида Нилха-Сангун нафрат билан:

– Кўрқок! Хасарнинг бир тутам навқари кўзингга мил-мил лашкар бўлиб кўриндимми? – деди таънали оҳангда.

– Қанақасига бир тутам бўлсин? Бостириб келаётганлар олти мингдан кам эмас! Ўзинг қара!

Узоқдаги тепаликлар устида катта қора булут пайдо бўлган, ўша тарафдан подаларини ташлаб чўпон ва қоровул жангчилар қочиб келарди. Нилха-Сангун ҳаммани оёққа турғазини буюриб, ўзи отасининг чодирига қараб югурди. Озғин, бўйдор Ван-хон ҳам ўша булутга қараб, оппоқ сочли бошини сарак-сарак қиларди.

– Балога қолдик, ўғлим... Иккимиз алдандик, шундай алдандикки!..

– Наҳотки, Темучин бўлса?

– Бошқа ким бўларди? – Ван-хон жаҳл аралаш елкасини силкитди.

Нўёнлар, навқарлар йўл-йўлакай қурол-аслаҳаларини тақиб, чодир томон югурар, аёллар болалари билан ўтовларига кириб яширинарди. Ўрам аравалар билан тўсилди, хўрлар – ўқчиларни ҳимоя қилиш учун думалоқланган наMAT ва юнг солинган қоплар келтирилди.

Ўрам атрофидаги тепаликлар устида отликлар саф тортди, илғор юзталиклар шошмасдан, секингина ўрамга яқинлаша бошлади. Улар бирданига тезлашиб, ҳар тарафга сочилиб кетди-да, тўсиқ араваларга қараб кела бошлади. Ўқ ёмғири ёға бошлади. Улар яқин келмай, уч-тўрттадан ўқ отиб орқага чекинишди. Нилха-Сангун енгил тортиб, тин олди. Лекин шу пайтда бошқа юзталик бўлим қарама-қарши томондан ҳужумга ташланди. Нилха-Сангун жангчиларини эргаштириб ўша ёққа от чоптирди. Уларни ҳам даф қилишди. Аммо Темучиннинг жангчилари ўрамнинг бошқа томонига ташланди. Бирлари орқага чекинар, шу пайт бошқалари ёпирилар ва кейинги зарба қайси тарафдан бўлишини билиб бўлмасди. Нилха-Сангун ҳам, одамлари ҳам юзларидаги терни артишга қўллари тегмасди. Фақат қоронғи тушиб, озгина дам олишга имкон туғилди.

Барча нўёнлар Ван-хоннинг чодирига тўпланди. Мойчирок ёниб турар, хон гўёки совқотган кишидек унга қўлларини тутарди. Бармоқлари енгилгина титрар, озғин елкасида ҳалпиллабгина чопони осилиб турарди.

– Бошқа ўрамларга ёрдам сўраб одам жўнатдиларингми? – сўради у.

– Қаерга жўнатасан? – Нилха-Сангун чодир этагини силтаб кўтарди.

Ўрам атрофидаги зулматни милтиллаб ёниб турган гулханлар базўр ёритар, Ван-хон бошини кўтармай, киприк қоқмай мойчирокнинг алангасига тикиларди.

– Эҳ, ота, Темучинни охиригача эзиб ташлаш керак, деб айтмаганмидик! Раҳм қилдинг..

– Ўтган йилги қор ҳақида гапиришдан нима фойда, ўғлим... Ўрамни сақлаб қололмаймиз, шекилли. Таслим бўламмизми?

Нилха-Сангун сапчиб кетди.

– Ҳеч қачон! Мен ҳеч қачон бошимни Темучинга эгмайман! Ўлимимни истасанг, ўзинг ўлдир.

– Жим бўл, Нилха-Сангун!.. Мен ҳаммасидан ўлгудай чарчадим...

Чуқур ўйга толган Ван-хон бирдан ўрнидан турди-да, от келтиришларини буюрди.

– Мен Темучиннинг олдига бораман.

Нилха-Сангун уни тўхтатишга уринди-ю, лекин хон индамай отига ўтириб, қоровулларсиз бир ўзи душман тарафга кетди.

Ван-хон Темучин билан нима ҳақида гаплашишни билмас, фақат уни жуда ҳам кўргиси келаётган эди. Темучиннинг қоровуллари уни мажбурлаб отдан тушириб, худди асир каби унинг атрофини зич ўраб, чодирга бошлаб келишди.

Темучин яқин нўёнлари куршовида чордона курганча, қўлларини тиз-засига кўйиб ўтирар, Ван-хонга қадалган кўзларида шафқат асари йўқ эди.

Ван-хон бу ерга келар экан, ўзи оталик меҳрини берган илгариги Темучинни кўришдан умидвор эди. Аммо унинг кўз ўнгида бегона, такаббур, ёнига йўлаб бўлмайдиган одам турарди.

– Ўтир, хон-ота.

Одатдаги “хон-ота” сўзи масхаралашга ўхшаб эшитилди-ю, Ван-хон бу ерга келганидан афсусланди.

– Шафқат сўраб келдингми?

– Йўқ, – Ван-хон бошини секин чайқаб қўйди. – Сўнгги бор юзингга боққани келдим. Мен сени яхши кўрардим, Темучин.

Машак мўйловлар кимирлаб, оппоқ тишлар ярқиради, кўзлар четида ажин пайдо бўлди – Темучин овоз чиқармай куларди.

– Сенинг бу муҳаббатингни тоғларга сиқиб қўйганингда сезгандим.

– Сен яхшиликни унутиб, ёмонликни яхши эслаб қоларкансан.

– Нимани эслаб қолиш керак бўлса, ўшани эслаб қоламан. Шунинг учун, хон-ота, сени ўлдирмайман. Чодир тиктириб, отлар, соғин биялар бераман. Маза қилиб яшайвер, лекин улусингни менга бер.

Ван-хон кечикиб бўлса ҳам ўзининг кўр эканини тушунди. Жамуха вазиятни олдиндан кўра биладиган бўлиб чиқди.

Ван-хон ўрнидан турди.

– Мени ҳозирок ўлдиришинг мумкин, – деди у Темучинга тик боқиб. – Бу дунёни кўришга кўзим йўқ. Умрим бўйи ёмонлик билан курашдим. Ўзим кўп яхшилик қилолмадим-у, аммо қилган озгина хайрли ишим ҳам ёмон бўлиб чиқди. Сен шундай алдадингки, ҳеч ким мени бунчалик алдамаганди. Лаънат сенга!

У чиқиб кетди. Ҳеч ким тўхтатмади. Коронғиликда қоқилиб-суқилганича ўз ўрамига қараб кетди.

Тонгда, осмон ҳали ёришиб улгурмай Темучиннинг жангчилари ўрамни яна ҳар тарафдан эзғилай бошлади. Уларнинг ҳужумлари борган сари қакшатқич тус олар, қарайитларнинг қаршилиги эса сусайиб борарди. Нилха-Сангун ниҳояси яқинлигини билса-да, кўнгиси келмас, нўёнлари-ю жангчиларига ҳайқириб, уларни тетиклантиришга ҳаракат қилар, тинмай ўрамни айланиб юрарди. Фақат Темучиннинг баъзи ботирлари аравалардан ошиб, қилич ва қалқонларини ишга туширгач, у Алтин-ашукқа ўнта отни эгарлаб, отасининг чодирига олиб боришни буюрди. Ўзи бир қорачанинг ўтовига кириб, кийимини йиртиқ чопонга алмаштирди. Отасига деб яна битта жулдур чопон олди. Ўғлига ҳам олиш керак эди-ю, бироқ қидиришга вақт йўқ, жанг шовқини яқинлашиб келарди.

Ван-хон жулдур чопонни кийишдан бош тортди. Нилха-Сангун унинг устидаги кийимни куч билан юлқиб олди-да, ўрнига қорачаларнинг жулдурини кийдириб қўйди. Алтин-ашук уларни эгарланган отлар билан кутиб турарди. Нилха-Сангун чодирни ёнида отидан тушмай бақирди:

– Тезрок!

Ўтовдан хотини кўринди. Аввалига жулдур кийиниб олган эрини танимай турди-ю, кейин тез ўтовга кириб, қўлига илинган нарсаларни Човурбека ва Тусаху қўлига тутказа бошлади. Ниҳоят, уювлари ташқари чиқди, аммо от минишга улгуришмади. Қаердандир пайдо бўлган жангчилар қилич ва найзаларини ўйнатиб, уларни янчиб ташлади. Нилха-Сангун отининг бошини бурар экан, ўгли Тусаху энгашиганича чопганини, лекин аллақайқдан учиб келган найза курагига қадалганини кўриб қолди...

Ўрам Темучиннинг одамлари билан тўлди. Ван-хон ва Нилха-Сангунни ҳеч ким танимади, шу сабабли улар ўрамдан чиқиб, тепаликлар ортига яширинишди. Ван-хон тез-тез орқасига қарар, бужур юзидан кўз ёшлари жилғадай оқарди...

8

Темучин қишни Теме хере – Туя саҳроси деган жойда ўтказди. Изғирину бўронлар аҳён-аҳёнда бўлар, қор ҳам кам ёғди. Чорва беталафот ва тўқ, одамлар хотиржам.

Хон шошмасдан, шубҳа-гумонларсиз ўз улусини ислоҳ қила бошлади. Қарайитлар ва кўнғиротларни кўшиб ҳисоблаб, оилалари билан минг кишилик қилиб бўлди. Мингни юзталиқ, юзтани ўнталиқ қисмларга ажратди. Мингбошилиқка садоқатли, ақлу фаросати ва жасорати билан ном чиқарган одамларни тайинлади. Қабилалар бошлиқлари қаршилиқ кўрсатмади. Саратонда ёққан қордай қутилмаган ҳодиса бўлган Ван-хоннинг синдирилишидан кейин ҳеч ким хонга қаршилиқ кўрсатишга журъат қилмасди. Темучиннинг сиёсати олдидаги кўрқув ҳар қандай ўзбошимчалиққа чек қўйди. Лекин музлаган ерда илдизлар ўлмаслиги каби муз остида сув оқими борлигига унинг ақли етарди. Темучин қутилмаган кўнғилсизликлардан ўзини ҳимоя қилиш учун ҳамма вақт ҳузурда юз эллиқ нафар кешикту¹ сақлашга қарор қилди. У бир юз эллиқ нафар жангчини мингбоши ва юзбоши нўёнларининг бақувват, чидамли, чиниққан йигитлари ичидан танлаб олди. Улар ором олмай хон қароргоҳи – ўрданинг тинчини кўриқлар, туну кун қоровул хизматида турар, биринчи дафъадаёқ от миниб, қилич яланғочлашга тайёр эди.

Темучин асосий қўшин ҳам худди кешикту сингари ўзига итоатда ва жангавор ҳолатда туришини хоҳларди. Қутилмаганда бир у-бир бу мингталиқни оёққа турғазар, аниқ белгиланган кунда ўрдага етиб келишларини талаб қиларди. Отлар, жангчилар кийимлари ва курулларини ўзи кўздан кечирав ва улар билан бирга қуршов овига кетарди. Мингбошиларнинг фармойишларига аралашмас, маслаҳат бермас, ҳеч нарса сўрамас ва ҳеч нима талаб қилмасди. Юпқагина тангут мовути билан қопланган иссиқ пўстин, худди соқоли сингари қизғиш тулки мўйнали қалпоқ кийиб, отини қорли саҳрода йўрғалатганча ҳамма нарсани кўриб, илғаб юрарди.

Бир гал укаси Билгутой акасининг буйруғига кирмай, жангчилари билан етиб келмади. Кичик укаси Тамуға-ўтчигинни унинг ёнига пўписа билан жўнатди. Билгутой хафа бўлиб югуриб келди.

– Нимага уришасан, ака? Олдимга оддий чопарингни юборибсан. Бошқаларга эса навкарларингни жўнатасан...

¹Кешикту, кешиктан – тансоқчи, хос навкар, хоннинг хос қўшини. Улар мўғул давлати ташкил бўлаётган даврда тарафкашлиққа қарши курашда муҳим ўрин тутган.



– Нима фарқи бор?

– Мен сенинг укангман-ку, демак, бошқалардан юқори тураман! Оддий чопар келгач, акам Темучин нимага жаҳли чиқибди экан, деб ўйладим, лекин сабабини тополмадим. Кейин бу чақирингни аҳамиятсиз деб билибман.

Темучин укасини уришиб ўтирмади. Фақат укалари эмас, балки бошқа нўёнлар ҳам Темучиннинг фармонларини оддий чопар эмас, бутун бошли элчилар гуруҳи олиб келишини кутадиган бўлиб қолган.

Темучин Бовурчи ва Жалмани чақиртирди.

– Ҳар бир мингбоши, юзбоши ва ўнбошининг қулоқларига етказиб қўйинглар. Кимда-ким хоннинг оғзаки ёки унинг одамлари томонидан етказилган фармонни бажармаса, муқаррар жазоланади. Агар бу жазо ўлим жазоси бўлса ва уни ижро этиш учун оддий бир аскар юборилса, нўён ёки ўнбоши бўлса ҳам жазо сўзсиз ижро этилиши керак.

Бу гапларни эшитган калтафаҳм Билгутой терга ботди. Бовурчи “ҳм”лаб қўйди.

– Темучин хон, бу жуда ҳам кескин қарор.

– Бошқача йўл тутсак, дўстим Бовурчи, яна бошидан бошлашимизга тўғри келади.

– Розиман. Лекин сен ҳамма тарафини пухта ўйламагансан. Айтайлик, мени сафарга жўнатганинда жаҳлим чиқиб қўл остимдаги Жалмани сенинг номингдан бўғизлатиб юбордим. Кейин сенинг олдинда ўзимни оқлай оламан?

– Нима учун менинг номимдан иш тутасан?

– Мен сенинг сўзинг билан жангга кетаман ва бу урушда мен сенинг соянг, сенинг ироданг ва сенинг ақлингман. Бошқача бўлганида менга ҳеч ким итоат қилмасди. Лекин, хон, узоқ сафарда бировларнинг кўролмаслиги ёки калтафаҳмлиги туфайли сенга яқин бўлган одамларни қириб юборишмайдимми?

Бовурчининг гапларида жон бор. Ростдан ҳам, фойда ўрнига зиён бўлиши турган гап. Унинг яқин одамлари бундай жазодан муҳофазаланган бўлиши керак.

– Бовурчи, урушларда сен чиндан ҳам менинг иродам ва ақлимсан, лекин мен ишга тайинлаган одамларни ҳеч ким, ҳеч қачон жазолашларига йўл қўймайман. Айбдорми – менга юбор, ўзим ҳал қиламан...

Нўёнлари ва жангчиларидан кўп нарсаларни талаб қилар экан, хонлик ишларида жонбозлик кўрсатаётганларга марҳамат билан ҳадея ва мукофотлар улашар, унвонларини кўтарарди; яхши жангчи ўнбоши бўлиши, ўнбоши эса юзбоши, юзбоши – мингбошиликкача кўтарилиши мумкин эди. Мингбошилар ўз навбатида хоннинг яқин аъёнлари қаторига қўшиларди.

Бу киш Темучиннинг ҳаётида жуда самарали кечди. У ўйлаган барча режаларини амалга оширди, улуси қудратли, ўзи эса ҳокими мутлақ бўлди.

Илк майсалар ниш ура бошлаган эрта баҳор кунларида онгутлар ҳукмдори Олокуш-дигит Хурининг элчиси хунук хабар билан келди. Хон кўнгли найманлар билан тўқнашув хавотирида юрарди-ю, лекин бунга эътибор бермасликка уринарди. Энди уларнинг улуслари қўшни бўлиб қолган. “Қўшнинг тинч – сен тинч”, деб бекорга айтишмаган экан-да. Қабилadoшлари билан татарлар қўшничилик қилолмади. Улар энди йўк. Нилха-Сангун у билан чиқишолмади. У ҳам йўк. Энди бўлса Таян-хон уришаман, деб дағдаға қиляпти... Ўз байроғи остига барча кўнгилиларни тўплайпти. Меркитлар,

ойротлар, Жамуха ҳам унга кўшилибди. Қариндошлари Ўлтон, Хучарлар ҳам ўз нўёнлари билан унинг туғи остига келишибди. Яхшиямки, онгутлар ҳукмдори Таян-хонга ёрдам беришдан бош тортибди, аммо у Темучинга ҳам ёрдам беролмайди. Темучинга ҳеч ким ёрдам бермайди. Биргина умид – жангчилари. Бармоқлар йиғилиб, муштга айланган минг-минг аскарлари!

Олакуш-дигит Хури беш юзта сара от ва минг бош кўй бериб юборибди. Хон элчини кузатибок ҳамма нўёнларни курултойга чақиртирди.

– Нима қиламиз? Олдимизда учта йўл турибди. Биринчиси, узоқроққа кўчиб кетиш – Таян-хон ортимиздан қувгач, отлари ҳолдан тояди-да, биз кулай фурсат келиши билан унга ҳужум қиламиз. Иккинчиси, зўр ҳарбий тайёргарлик билан уни ўз нутуғимизда қарши оламиз. Учинчи йўл – кутилмаганда уларга ҳужум қилиш. Танланглар, нўёнлар!

Нўёнлар анчагача индамай ўтиришди, уруш ҳақида ўйлаш улар учун оғир. Тинч ҳаётлари энди изга тушаётган, бўлиб ташланган турли қабила одамлари ҳали бир-бирларига кўниколмаган эди.

Биринчи бўлиб Мунлик гап бошлади:

– Темучин хон, олдимизда учта йўл тургани билан биттаси ҳақ манзилга олиб чиқади. Кўчадиган бўлсак, найманлардан кўрқаётгандек бўлиб, душманга куч берамиз. Душман устига бориш ундан ҳам хавфли. Майсалар ҳали авж олмаган, отларимиз камқувват, узоқ сафарда ҳолдан тояди... Шунинг учун кутиш керак, Таян-хон уришишдан айниб қолар.

Унинг гапини маъқуллаган нўёнлар шивир-шивир қилиб, бошларини силкитишди. Аммо укаси Тамуға-ўтчигин Мунликнинг таклифига кўшилмади.

– Найманлар ўқ-ёйимизни тортиб олмоқчи. Индамай туриш бизга ярашмайди. Жангчимизми ёки тул хотин? Найманлар устига юрамиз!

Тамуға-ўтчигиндан кейин кўпчилик гапирди. Хон ҳамманинг мулоҳазаларини чуқур мулоҳаза қилиб, ўзиники билан таққосларди. Янглишиш мумкин эмас. Нўёнлар ўз кучларига ишонишгани учун қочиб жон сақлагилари йўқ. Бироқ найманларнинг азалий шон-шуҳрати уларга нисбатан эҳтиёткорона йўл тутишга мажбур қиларди.


Сичқон йилининг (милодий 1204 йил) ёзи бошларида шомон Теб-тангри сувга дуо ўқиб, хон туғига пуркади. Жалма, Субутой-баҳодир, Жаба ва Хубилай бошчилигидаги тўрт минг кишидан иборат қўшин йўлга чикди. Хон асосий кучларга укаси Хасарни бошлиқ қилиб тайинлади. Бир ўзини кўрсатсин-чи, нукул хафа бўлиб юради. Қўшин ортидан келаётган аравалар, сафар ўтовлари ва учқур отларга Тамуға-ўтчигинни бош қилди.

Эгар устида кетар экан, хон тақдирнинг ўзгарувчанлиги ҳақида ўйларди. Бор-йўғи бир йил олдин Ван-хондан кўрқиб, орқасига қарамай қочаётган эди. Бу галги уруш нима билан тугагани ким айта олади? О, мангу осмон, ўзинг ғалабага мушарраф қил!..

(Давоми келгуси сонда)



DRAMA



Сотим УЛУФЗОДА

(1922–1996)

РЎДАКИЙ

4 парда, 13 кўринишли драма

Тоҷик тилидан
Натан МАЛЛАЕВ
таржимаси

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИ БИЛИМДОНИ

Замонамиз алломалари орасида шундай инсонлар борки, улар бир умр илму фан соҳасида сабот ва матонат ила изланиб, миллат бадиий тафаккури, маънавий камолоти ривожига беқиёс ҳисса қўшадилар. Бундай закийлар мансабу мартаба, амалу бойликка бефарқ қарайдилар, ҳаёт мазмунини фақат илмда деб биладилар. Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Натан Маллаев ҳам ана шундай шахслар сирасига киради.

Шарқ адабиётининг донишманди, нуктадон мунаққид, мутаржим, забардаст навоийшунос олим Натан Маллаев 1922 йил 22 январда Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди. Ўрта мактабни тамомлагач, дастлаб Педагогика билим юртида, сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олди. Ўқиш давомида Мақсуд Шайхзода, Олим Шарафиддинов, Абдурахмон Алимуҳамедов сингари йирик адабиётшунослар назарига тушди. Институтни тугатгач, аспирантурада ўқишни давом эттирган Натан Маллаев 1948 йили машҳур адиб Мақсуд Шайхзода илмий раҳбарлигида “Мунис Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодий мероси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Шундан сўнг олим Хоразм давлат педагогика институти, Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) ҳамда умрининг охири (1996 йил 20 май)гача Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири сифатида ёш мутахассисларга сабоқ беради, кўплаб тадқиқотчиларнинг илм йўлидаги чинакам устозига айланади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Натан Маллаев бутун диққат-эътиборини Шарқ халқлари мумтоз адабиётини янада чуқур ўрганишга қаратди: адабиёт тарихи бўйича дастур ва мажмуалар тузди. 1953 йили ўрта мактаблар учун “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини битди, “X–XII асрлар адабиёти” (1958) рисоласини яратди. Шундан кейин ўзбек мумтоз адабиётининг кам тадқиқ этилган манбалари бўйича бир қанча мақолалар ёзди, қадимий, бой адабиётимизга оид кўплаб қўлёзма нусхаларни кўздан кечирди, маноқиб ва тазкираларни қунт билан ўрганиб чиқди. Натижада филология йўналишида таҳсил олувчи талабалар

учун “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги (1-китоб) юзага келди. Кўп йиллар мобайнида олий ўқув юр்தларимизда барқарор дарслик сифатида хизмат қилган бу китобнинг шу тизимдаги бошқа дарсликлардан фарқи катта эди. Зеро, дарсликни ёзишда муаллиф бир томондан, ҳамкасбларининг тадқиқотларидаги фикр- мулоҳазаларни бир тизимга солиб, изчил ва оммабоп тарзда баён қилган бўлса, иккинчи жиҳати – “Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, “Мифтоҳ ул-адл”, Навоийнинг насрий асарлари, “Девони Фоний”дан намуналарни илк бор истеъмолга киритиб, кенг ўқувчилар оммасига таҳлилий руҳда тақдим этган эди.

60-йилларнинг ўрталаридан эътиборан Натан Маллаев буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва шу йўлда шогирдлар тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратди: олим Навоий асарларининг 15 жилдли ўзбекча, 10 жилдли русча нашрларини тайёрлаш ва чоп эттиришда фаол қатнашди. Ўзбекистон Давлат адабиёт музейини ташкил қилишда устоз Ҳамид Сулаймонга яқиндан кўмаклашди. Шу йиллар давомида Натан Маллаев “Навоий ижодининг халқчил негизи”, дунё навоийшунослиги тарихи ҳақида “Асрлар эътирофи ва таъзими”, “Навоий ва халқ оғзаки ижоди” (ўзбек ва рус тилларида), “Буюк ўзбек шоири” (ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида) каби рисола ва монографияларини эълон қилди; “Навоий лирикаси” китобини нашрга тайёрлади.

1978 йили олим “Навоий ва халқ оғзаки ижоди” тадқиқоти учун филология фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди. Мазкур кенг қамровли монография, айниқса, икки жиҳати билан ғоят қимматли эди:

биринчидан, олим ушбу фундаментал асари билан ўзбек адабиётшунослигида мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки ижоди деган янги илмий йўналишни бошлаб берди; ёзма адабиётнинг оғзаки ижодга, оғзаки ижоднинг ёзма адабиётга таъсири масаласини назарий кесимда ҳал қилди.

иккинчидан эса, олим халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган беназир санъаткоримиз Алишер Навоий “Хамса”сига кирувчи дostonлар сюжетининг оғзаки ижоддаги илдизларини аниқлашга муваффақ бўлди, асарларнинг кенг халқ оммасига нечоғлик сингиб кетганини илк бор илмий нуқтаи назардан таҳлил қилди. “Хамса” дostonларининг қайта яратилган вариантлари, XVI аср ёзувчиси Умар Боқий томонидан тайёрланган насрий нусхалари анча чуқур, бадиий ва илмий маҳорат билан ўрганилиб, назарий асосда умумлаштирилди. Олим Умар Боқий қиссаларининг Навоий дostonлари сюжетига қай даражада яқинлиги, айни пайтда фарқли жиҳатларини зукколик билан аниқлай олди. Ана шу асарида муаллиф ношир ва адиб Мир Маҳдум томонидан яратилган “Насри Хамсаи беназир” ҳақида қимматли маълумотлар берди. Ўзбекистон фан арбоби Натан Маллаевнинг Алишер Навоий ижодига бағишланган сўнги асари “Сўз санъатининг гултожи” (1992) монографияси бўлиб, ушбу китоб “Хамса”нинг беш дostonи ҳақида яхлит маълумот берувчи асар сифатида ўзига хос қимматга эга.

Профессор Натан Маллаев қардош халқлар адабиётининг толмас тадқиқотчиси ва тарғиботчиларидан бири эди. Унинг Рўдакий, Фузулий, Фирдавсий, Жомий, Махтумқули, Абай каби буюк мутафаккирлар ҳақидаги илмий мақолалари ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ илм аҳли томонидан эътироф этилган. Олимнинг озар, форс-тожик, уйғур адабиётига доир кўплаб мақолалари турли тўпламлар, энциклопедиялардан ўрин олган. Гарчи “X–XII асрлар адабиёти” монографиясида озар ва форс-тожик мумтоз адабиёти намояндalари ижодига анча кенг ўрин берилган бўлса-да, унинг бу соҳадаги дастлабки монографияси “Абулқосим Фирдавсий” (1962) бўлди.

Ўрта мактаб ҳамда олий ўқув юр்தлари учун ёзилган дарсликларида Натан Маллаев Низомий Ганжавий, Фузулий ҳақида фикр юритган. Кейинчалик эса озар адабиётига бўлган бу қизиқиш олимнинг “Низомий ижодининг илмий-маърифий қиммати” рисоласи яратилишига замин ҳозирлади. Мазкур китоб илмий-оммабоп йўналишда битилган бўлиб, олим асосий эътиборни Низомий “Панж

ганж”и таркибидаги дostonларда таълим-тарбия, илм ўрганиш, касб эгаллаш борасидаги қарашларни чуқурроқ шарҳлашга қаратган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Натан Маллаев мумтоз адабиётимиз, шунингдек, қардош халқлар адабиётининг фидойи тарғиботчиси ва таржимони ҳамдир. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида қардош халқлар адабиёти, адабий алоқаларнинг муҳим муаммоларига бағишланган бир неча илмий тўплам чоп эттирилган. У Садриддин Айнийнинг “Қисқача таржимаи ҳолим” асари, тожик ёзувчиси Сотим Улуғзоданинг “Рўдакий” драмасини ўзбекчалаштирган. Тўғри, олим ҳеч қачон таржимонликка даъво қилмаган. Бироқ ушбу таржималарда мутаржим ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳатлари, бадиий тасвирдаги маҳоратларини сақлашга муваффақ бўлган. Шу боис, “Қисқача таржимаи ҳолим” асари бир неча бор унинг таржимасида қайта нашр этилган. Шунингдек, олим улуғ шоир Абдурахмон Жомий “Баҳористон”идан бир неча бобни ҳам ўзбек тилига таржима қилиб, мажмуаларга киритган эди.

Хулоса шуки, Натан Маллаев адабиётимиз тарихининг сермахсул тадқиқотчиси, манбашунос ва назариётчиси, маорифимиз дарғаларидан бири сифатида адабиёт вакиллари, шогирдлари ёдида ҳамон барҳаёт. Чунки у халққа илму маърифат тарқатиб, комил шогирдлар тайёрлаган беназир инсон эди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори, профессор
Озода ТОЖИБОЕВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

Иштирок этувчилар:

Рўдакий – ёш, IV пардада – қари.

Маж – унинг тенгқури, IV пардада – қари.

Бальямий – 48 ёшда.

Нигина – 18 ёшда.

Бону – Бальямийнинг хотини, 43 ёшда.

Амир Наср – ёш.

Устод, сарой шоирлари сардори – 40 ёшда, IV пардада жуда қари.

Саҳл бинни Мансур – сипоҳсолор, 45 ёшда, IV пардада жуда қари.

Суламий – фақиҳ, дин-шариат ақидалари донишманди, 40 ёшда, IV пардада жуда қари.

Шаҳид, Муродий, Фароловий – форсигўй шоирлар.

Шақурий, Орифий – ёш шоирлар.

Акбар – 30 ёшда, IV пардада қари.

Жунайд – високбоши (кичик саркарда), 30 ёшда, IV пардада қари.

Ойтош – кичик саркарда, 30 ёшда, IV пардада қари.

Нух – ёш шахзода.

Нух – сомоний амири, ёш.

Қари дехқон.

Биринчи дехқон.

Иккинчи дехқон.

Учинчи дехқон.

Саркардалар, сарой аҳли, Бухоро шоирлари, асир дехқонлар, хорижий элчилар, куллар (сарбозлар), султон саройининг икки дарвозабони, вазир мулозими, хабаший кул, мулла, амалдор.

* Манба: Улуғзода С. Калтақдорони сурх. – Душанбе: Нашриёти давлатии Тоҷикистон, 1964.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

*Бухородаги Сомонийлар саройи дарвозасининг олд томони.
Муродий, Шаҳид ва Фароловий дарвоза томон яқинлашиб келади.*

Муродий. Аларни Устод хожайи бузургнинг¹ илтимоси билан Самарқанддан сўратиб олдирган эканлар.

Фароловий. Менинг фаразимча, хожайи бузург аларни саройга чакириб олмоқчилар. Шундай эмасми, мавлоно Муродий?

Муродий. Шояд. Сир эмасдурки, хожайи бузург дарий тили ва дарий шеърининг мухлисидурлар.

Фароловий. Қани кошки, алар Бухорода қолсалар. Менинг мулоҳазам бўйича, Устод – саройнинг “малик уш-шуароси” ҳаёт экан, Рўдакийнинг сарой доирасидан маскан олмоғига йўл бермайдилар. Нечукким, “гадо душмани – гадо” дебдурлар. Шундай эмасми, мавлоно Шаҳид?

Муродий. Сарой шоирлари сардорини шуаронинг устоди эмас, бахиллар устоди, ҳасадчилар пири ва арабийпарастлар шайхи десак, тўғри бўлгуси.

Шаҳид. Ҳақ гапни гапирдингиз, мавлоно Муродий. Ҳой, Фароловий жаноблари, бу ярамаслардан сўранг-чи, шуаро мушоираси бўладурму ё йўк?

Фароловий (*дарвозабонларга*). Аҳли шеър ташриф буюрдиларми? Бугун шуаро мушоираси бўладурми?

Дарвозабон. Биз қайдан билайлик!

Муродий. Мана устод ҳам келдилар.

Шаҳид (*қараб қолиб*). Ҳа, ҳар қачонгидек, хужра-ю хонақоҳнинг тупроғ яловчиси Суламий билан ҳамроҳдурлар.

Сарой шоирлари сардори, Суламий ва Балъамий кириб келади.

Устод (*улузворлик билан*). Хўш, азизлар, не хабарлар?

Муродий. Шуаро мажлисига келган эдик.

Устод. Шуаро мушоирасида бугун фақат арабча ашъор ўқилгуси.

Шаҳид. Биз ҳам арабийни биладурмиз.

Суламий (*тасбеҳ ўғириб*). Билмоқ билан билмоқнинг фарқи бордур. Зиндиклар ҳам, кофир қарматийлар ҳам биладурлар они, аммо...

Шаҳид (*даргазаб*). Нима дедилар, хожам? Биз зиндиклар, қарматийлар билан баробар бўлдукми?

Суламий. Оллоҳ сақлагай, камина бу маънода гапирмадим. Айтмоқчи эдимки, араб лисонини билмоқ кофий эмас, бу лисон ихлос ҳам талаб этгусидур. Зеро, бу каломи шариф – Қуръон ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалам лисонидур.

Устод. Сизлар арабий ашъор ўқимайдурсизлар. Форсий-дарий ашъори эрса, навбатдаги мушоирада ўқилгусидур.

Муродий. Биз Рўдакий ҳазратлари ашъорини тингламоқ учун қадам ранжида қилган эдик.

Фароловий. Балли, алар бугун шуаро мажлисига ташриф буюрғуси.

Устод. Келармиш? Рўдакий?

¹ Сомонийлар ва Ғазнавийлар ҳокимиятида вазир унвони хожайи бузург номи билан юритилган.

Муродий. Балли.

Устод. У Самарқандга қайтмоқчи эди-ку!

Шаҳид (*киноя билан*). Начора, у тоғлик қайсар Устоднинг ҳақимона пандига қулоқ осмай, Бухорода қолибдур ва густохлик билан шуаро мажлисида ҳозир бўлиб, хожайи бузург – Балъамий аъло ҳазратлари билан учрашмоқ ниятида эмиш.

Устод. Хожайи бузург билан?.. Сиз қайдан билурсиз?

Муродий. Аларнинг ўзларидин. Камина бугун саҳаргоҳ пайти аларни Мажи хаттот қулбасида зиёрат қилган эдим.

Фароловий. Хожайи бузург! Балъамий!

Балъамий (*Устодга*). Не хабар, хожа? Айтурларки, Рўдакий Бухорода эмиш, сиз они кўрдингизму?

Устод. Ҳа, хожайи бузург, кўрдим, суҳбат қилдим.

Балъамий. Қандай киши экан? Сизнингча, биз они қабул этсак, муносиб бўлурму? Баъзи кишиларнинг қавлига кўра, у йўниб пардозланмаган қишлоқий эмиш, улуғлар мажлиси одобини билмас эмиш.

Устод. Каромат қилдингиз, хожайи бузург. Гапу сўз сўзламоқ, хулқу атворда бир саҳройининг ўзгинаси. Бухоро шуароси мажлисида иштирок этса, бу гўё товуслар даврасига ногаҳон кириб қолган туядек бўлур эрди. Таъби ҳам хом, завқи норасо, алфози дағал. (*Истеҳзо билан қулиб*) Бунга илова шуки, бу шоир ўзини Дабусия аҳолисининг додхоҳи – адолат муборизи деб ҳисоблайдур экан.

Балъамий. Дабусия аҳолисининг?

Устод. Ҳа, унингча, подшоҳимнинг вазирлари бу вилоят аҳолисига жабру зулм қилаётурлар эмиш!

Балъамий андишага тушиб дарвозадан киради, унинг ортидан шоирлар ҳам эргашадилар. Сарой шоирлари бошлиғи қадамини секинлатиб, дарвозабонларга мурожаат қилади.

Ҳў, Яздондод, аҳволу кайфиятинг қалай?

Дарвозабон. Саломат бўлғайлар, Хожам.

Устод. Агар Рўдакий исмли шоир келса, сизлар они киритмагайсизлар.

Биринчи дарвозабон. Рўдакий? Бизга бундай фармон бўлган эмас.

Устод. Хожайи бузург шундоқ фармон қилдилар. Ул шахс Хожайи бузургни ранжитибди. (*Ҳамёнидан бир неча танга олиб, дарвозабонларга улашади*). Ҳайит яқинлашмоқда, бу ҳайитликка хамир учидан патир.

Биринчи дарвозабон. Саломат бўлинг, хожа, асло кам бўлманг. Биз хизматингизга ҳозирмиз.

Устод дарвозага кириб кетади. Рўдакий ва Маж келишади.

Рўдакий. Ахийри у исмини айтди, исми Нигина экан. Нигина – кўз, узукнинг кўзи. Кеча сизнинг болохонангиз айвонидан вазир боғига назар ташлаган эдим, боғда яна ўша қиз пайдо бўлди. Тут дарахтига чиқди. Тут терар эди-ю, ёкимли, аммо ғамгин бир ғазални хиргойи қилиб айтур эрди. Мен шавқу завқ билан тинглаган бўлсам керак, ғазал ўша дамдаёқ ёд бўлиб қолди. Матлаи будур:

*Маро зи ҳасрату гам як дамо чудойи нест,
Нишотро зи азал бо ман ошнойи нест...¹*

¹ Ғаму ҳасратдан бир дам ҳам жудо эмасмен,

Маж: Азалдин айш-шодлик ила ошно эмасмен. Баҳ-баҳ! Бун қайси бир толесиз шоир айтқан экандур?

Ҳар иккиси дарвозадан кирмоқчи бўлишади.

Иккинчи дарвозабон. Тўхтанг! Сизлар ким бўласизлар?

Маж. Мен Мажи хаттот бўламен, бу киши ошнам шоир Рўдакий.

Биринчи дарвозабон. Биз сизларни танитаймиз.

Рўдакий. Мен шоирдурман. Шуаро мушоирасига келибдурман.

Иккинчи дарвозабон. Ҳар пайшанба куни Бухоро шоирлари саройга ташриф буюришади, аммо аларнинг орасида биз сизларни бирор дафъа ҳам кўрмадик.

Биринчи дарвозабон (*шоирнинг оддий либос ва этигига таажжуб билан боқиб*). Шоир эмишлар! Яна шотир-новвой бўлиб чикманг? (*Қаҳ-қаҳлаб кулади*).

Маж (*қизишиб*). Нега куласан, нохалаф?

Рўдакий. Гап бу дарвозабонларда эмасдур, Маж. Мен беиштибох мулоҳаза қилурменким, бу ҳам сарой шуароси сардорининг ўйину ҳийласидур. (*Маъноли қилиб*)

*Дар ба рўям бубаст ногаҳ дасте,
Соҳиби даст нигоҳ буд наси дар¹.*

Келинг, кетдик.

Парда.

Иккинчи кўриниш

Вазирнинг ҳовлиси. Бону эшик олдида Нигина билан бирга сипоҳсолор Саҳл бинни Мансурни кутиб олади. Сипоҳсолорнинг кетидан Жунайд кириб, бир томонда тик туради.

Саҳл. Ассалому алайкум.

Бону. Ваалайкум ассалом, сипоҳсолор. Келингиз.

Саҳл эҳтирос билан Нигинага қарайди.

Борғил, Нигина.

Нигина уйга кириб кетиб зойиб бўлади.

Саҳл. Мени муборакбод этинг, Бону. Амирим юз минг динор эвазига менга Дабусия вилояти хирожини бағишладилар. Ҳозир мен хазинага юз минг динор нақдинани топшириб келдим. Хирож йиғиш эртадан бошланади. Менинг хирож тўпловчи вакилим Жунайддир. Канизакни менга тортиқ килинг. Хирожнинг ярми сизники бўлади. Жунайд эртадан бошлаб халталаб олтину кумуш, хирмонлаб ғалла ва мато олиб келиб, сизнинг омборингизга тўкади.

Азалдин айш-шодлик ила ошно эмасмен.

¹ Ногоҳ эшик дастасига етди бир қўл,

Қўл эгаси боқарди ордан, тўсиб йўл.



Бону. Буюргайлар, ўтирсинлар.

Саҳл (*ўтиради*). Менинг толейимга вазир Балъамий, сизнинг фуқаропарвар эрингиз шаҳарда йўқдирлар. Бўлмаса, албатта, хирожнинг сотилишига монелик қилур эдилар.

Бону. Фақат юз минг? Нақадар арзон?

Саҳл. Қуллари хирожни ундириш йўлини биладур. Агар икки юз минг динордин кам ундирсам, отим Саҳл бинни Мансур бўлмағай. Хўш, манинг шартимга розимидурсиз?

Бону (*четга қараб*). Вилоятнинг ярим хирожи. Аммо хирожнинг ҳаммасини бермагунча осонлик билан рози бўлмайман. (*Саҳлга*) Нигина бир мамлакат хирожига арзийдур. Қаҳат бўлган бир вилоят хирожи нима? Яна хирожнинг ярми эмиш!

Саҳл. Менинг зорим бору зўрим йўқ, меҳрибон Бону. Сиздан нима кетди? Мен ҳам даргоҳингизнинг бир кулимен. Ахир, ўзингиз доимо мени “дўстим, отам давронидан қолган ёдгорлик” деб эъзозлайсиз-ку!

Бону. Дарҳақиқат, сизни кўрсам гўё отамни кўргандек бўладурмен.

Саҳл. Мен ўз вақтида раҳматли отангизнинг фармонлари билан қилич чопиб, вилоятлар олдим. Отангиз каминани Хуросон ҳокими лавозимига тайин этмоқчи эдилар...

Бону. Мен бу муддаони тунов куни амирга арз қилдим. “Хуросон ҳукуматини сипоҳсолорга топширинг”, дедим, қабул этмадилар.

Саҳл. Бизнинг бу ёш амиримиз, сизнинг жияингиз каминанинг қадрини билмайдурлар. Олиймақом эрингиз ҳам менга яхши назар билан боқмайдурлар. Ҳар доим мени амирга қоралаб юрадурлар. Шундай, жилла бўлмаса, сиз менинг қадримга етарсиз, Бону?

Бону. Нигинани бахш этайми?

Саҳл. Бу айни муддао – сизнинг лутфингизу меҳрибончилигингиз бўлур эди.

Ҳабаший қул (*киради*). Шоирлар ташриф этмоқчи.

Бону (*Саҳлга қарата*). Яна сўзлашурмиз. Шитоб қилмоқ, шопилмоққа ҳаракат йўқтур. (*Қулга*) Айт, киришсин.

Рўдакий ва Маж киради.

Бону. Ҳа-а, Мажи хаттот!.. Нечун кўринмайсен? Мен сенга “Калила ва Димна”ни бериб, бир нусха китобат қилмоқни буюрмоқчи эрдим.

Маж. Жон-дилим билан, меҳрибон Бону. Кейинги пайтларда мен иш билан беҳад банд эрдим. Бу шоир дўстимнинг девонини китобат қилмоқ ила машғул эрдим.

Бону. Бу шахс шоирмилар?

Маж. Рўдакийи Самарқандийдурлар.

Бону. Ҳа, эшитганмен. Баъзи шеърларини ўқиганмен ҳам. (*Рўдакийга*) Бизнинг даргоҳимизга шоирлар кўп ташриф буюришади. Ҳузуримизда ашъорларини ўқишади, нега сиз келмайсиз?

Рўдакий. Мен баъзи бегонапарвар бухороликлар каби, Бонунинг латиф таъблари арабий ашъорини ёқтириб, дарий шеърятини хуш кўрмас, деган андиша билан қадам ранжида қилмас эрдим.

Бону. Мен арабийни яхши билмаймен. Шоирлар ҳузуримда дарий тилида шеърхонлик қилурлар. Марҳамат этинг. (*Ўтирмоққа таклиф этади*).

Рўдакий. Меҳрибон Бону, мен сизга ушбу девонимни тухфа қилиб олиб келгандурмен. (*Китобни узатади*).

Маж. Ягона китоб! Беназир! Китобат қилган эса – ушбу қулингиз.

Бону (*шоирга*). Сизнинг марҳаматингиз беҳад зиёддур. Мен девонингизни амир ва вазирга кўргазурмен. (*Саҳлга*) Сипоҳсолор, майлингиз борми, бу девонни бироз ўқисак?

Саҳл (*таъна оҳангида*). Ихтиёрингиз.

Бону (*китобни варақлайди, ичидан қозғоз чиқади*). Бу недур?

Рўдакий. Бу шу бугун битилган янги ғазалдур.

Бону. Менинг кўзим хира бўлибдур, ёзувни равшан кўра олмасмен. (*Қулга*) Нигинани чақир.

Нигина келади.

Кел. Буни ўқиғил! Кўрайлик-чи, шоир бугун қандай ғазал битибдур?

Нигина (*қозғозга қараб*):

*Гирифт хоҳам зулфайин анбарини туро...
Сенинг анбарин икки зулфингни қўлга олайин,
Бўсалар билан чеҳранг бетига нақшлар солайин.*

Рўдакий (*давом этади. Бонуга қараб ўқиса-да, аслида Нигина учун ўқийди*).

*Бир қатла бўлса-да, сен қадам босган ер тупрогин
Сажда этиб, кўзимга сурма қилиб қолайин.
Сенинг мактубинг севинчига минг бўса берайин,
Агар муҳрида онинг узугинг изин билайин.
Қўлим бир лаҳза тутмаса агар этагинг, буюр:*

Уни ҳинд тиги билан кессинлар, рози бўлайин.

Бону. Баҳ-баҳ! Жуда соз, ёқимли. (*Саҳлга*) Қалай? Маъқулингиз бўлдимму?

Саҳл. Мен шеърни хуш кўрмаймен. Шеърдан ҳам, шоирлардан ҳам безормен.

Рўдакий. Ҳа, “хўкиз гул истамас, гул қадрин булбул билур”, деганлар.

*Маж, кейин Нигина ва сўнг Бону ўзларини
тутолмай кулиб юборадилар.*

Саҳл (*хижолатда*). Гарчи одобдин йироқдур, аммо чиройли масал айтдинг, шоир. (*Туради*). Менга ижозат бергайсиз, Бону. Аммо мен билмоқ истар эдим... Умидвор бўлайми ё йўқ? Дабусия хирожининг ярми – сизники!

Рўдакий (*мароқ билан*). Дабусия хирожи?

Бону. Ҳа. Сипоҳсолор у вилоятнинг бу йилги хирожини сотиб олганлар.

Рўдакий. Сотиб олганлар? Қайси хирожни? Ахир, Дабусияда бу йил қурғоқчилик. Оч-яланғоч аҳоли Кўҳак – Зарафшон дарёсидан ариғ очиб, сувсизлик офатидан қутулмоқчи. Мен Бухорога йўл олар эканмен, у навоҳийдан ўтдим ва ўз кўзим билан кўрдимки...

Саҳл. Аҳолининг очу тўқлиги билан менинг ишим йўқтур. Хирожни ундурмоғим даркор. Мен хазинага юз минг динор нақдина топширганмен.

Рўдакий. Халқ хирож тўламоққа қодир эмас, сиз қандай ундирасиз?

Саҳл. Қандай? Ҳа-ҳа!.. Жунайд, сен шоирга айтиб бер, хирожни қандай ундирасен!

Жунайд. “Зам қилу кам қил” усули билан.

Рўдакий. Нима?

Жунайд. Чунончи, сизга ўн дирҳам хирож ёзган бўлсинлар, мен бунинг устига яна ўн дирҳам зам этамен; сиз йиғи-сиғи қиласиз, шунда мен беш дирҳам кам қиламен; кейин сиз ўн беш дирҳам тўлашга кўнасизу устига яна мени дуо қилурсиз.

Саҳл (*хушнудлик билан кулади*). Агар бўйин товласа, нима қиласен?

Жунайд. Қотиб қолган бўйинни пайканд юмшатгай.

Рўдакий. Пайканд?

Жунайд. Балли, қарздорларни ҳайдаб бориб, қалъа куришда ишлатамен.

Рўдакий. Даҳшат, даҳшат! Бухоронинг барча улуғлари арвоҳига касам ичаменки, сиз, сипоҳсолор, худобеҳабар киши экансиз!

Саҳл (*Бонуга*). Айтдим-ку, мен шоирлардан ҳам, уларнинг суҳбатларидан ҳам безормен. (*Кетади*).

Парда

Учинчи кўриниш

Вазир боғининг бир бурчаги. Нигина Рўдакийнинг “Ба тоғи ҳинди” байтини ўқимоқда.

Нигина.

*Кўлим бир лаҳза тутмаса агар этагини буюр:
Уни ҳинд тиги билан кессинлар, рози бўлойин.*

*Айланиб, гулларни искайди. Ариқда бетини
ювади. Рўдакий пайдо бўлади.*

Рўдакий.

*Юзингу зулфингни кўриб қизил гул,
Бой берибди рангу ҳидин буткул.
Сув гулранг бўлади юз ювганинда,
Анбар тарқалади тарасанг кокул¹.*

Нигина (*шошилиб ҳаяжонда қолади*). Кетингиз!.. Яхши эмастур...

Рўдакий. Нигина, мен бу фурсатга кўпдан бери орзуманд эдим.

Нигина. Бу қандай жасорат!

Рўдакий. Бону ҳузурларида ўқиган ғазалим сизнинг шаънингизга айтилган эди, пайқаган бўлсангиз керак?

Нигина. Йўқ, пайқаганим йўқ... кетингиз!

Рўдакий. Бағри тош, мени қувламанг.

*Висолинг бўлмаса бўлмас на сабру на тоқат, на дил,
Ишқингда йўқдир менда на аҳду иродат, на дил.*

¹ Рўдакий. Танланган асарлар. М.Муинзода таржимаси. –Т., 1957. 82-бет.

Нигина. Худоё тавба!

Рўдакий. Куёшим, менга нурингни тарат. Сенсиз на кундузим бору на ҳаётим.

*Бе рўйи ту хуршеди жаҳрисўз мобод...
Сенинг юзинг бўлмаса, хуршиди заҳрисўз бўлмасин,
Сенсизин ул даме чирोगи оламафрўз бўлмасин.
Сенинг васлингга ҳеч ким мендек бадомўз бўлмасин,
Қайси кун сени кўрмасам, ўшал кун ўз бўлмасин.*

Нигина (орқасини ўгириб хомуш қолади-ю, кейин бирданига шеър билан жавоб беради).

*Мендан висол таманно қилма ҳаргиз,
Они қалбингга ошно қилма ҳаргиз.
Висолим тушингда ҳам кўрмагайсен,
Кечгил, бу хаёл бино қилма ҳаргиз.*

Рўдакий (ҳайратда. Унинг орқасидан бориб сочини ушлайди).

*Зулфингни тутсам узун тун бўлғуси ҳосил,
Ечсам ўрамларин яна бўлғуси чигил.
Агар торларин чигилин ечсам бирма-бир,
Тароз мушкини таратгай ҳар тола-ю қил.*

Нигина.

*Кўрмак тилагинг эрди, ушалди тилак,
Мақсаду муродига етгандин юрак.
Яна не тиларсен, густоҳлик қилмагил,
Чеҳрамда не кўрдинг, ондин бергил дарак.*

Рўдакий.

*Латофатда юзинг дарё, лабинг маржон,
Зулфинг анбар, оғзинг садаф, тиш дурсимон.
Қошинг қайиқ, пешонанг ажини мавж,
Бақбақангдир бало қаъри, кўзинг тўфон.*

Нигина. Энди бас қилсак. Сизнинг бадиҳагўйликда маҳоратингиз менга собит бўлди.

Рўдакий. Менга ҳам у ёқимли ғазалнинг яратувчиси энди маълум бўлди: “Маро зи ҳасрату ғам як даме жудойи нест”¹...

Нигина. Сиз энди ғазал битишимни билган биринчи кимсасиз. Мен ғазал ёзишимни ҳаммадан сир тутаман. Ҳа, канизакдан шеър тўқишни эмас, хизмат қилишни талаб этадилар-да, ахир. Шеърни эса сиздан талаб қилишур.

Рўдакий. Эвоҳ, мен фақат энди ким учун шеър битганимни билдим. Менга ғойибдан ким илҳом йўллаганини аниқладим. Мен Маж болохонасидан туриб боғда сизни биринчи дафъа кўрганимда, ғойибдан бир овоз келиб айтур эрди: “Эй шоир, бу паризод сенинг иқболинг, сенинг тақдирингдур”. Менга айтинг-чи, кимнинг фарзандисиз? Қайси бўстоннинг гулисиз?

Нигина. Мен... Нигинаман. Ўзгалар бармоғи узугининг нигини – кўзи. Мен тили бор қўғирчоқмен. Мен буюммен. Мени ўғирлашлари, сотиб олишлари, сотиб юборишлари мумкин.

¹“Ғаму ҳасратдан бир дам ҳам жудо эмасмен”.

Рўдакий. Жаҳон хазиналарини бир жойга тўпласалар ҳам, сизнинг қимматингизга тенг келмайди, баҳо бўлолмайди, сиз бебаҳо хазинасиз.

Нигина. Шояд ушбу боисдандур, Довудхон қароқчи ушбу “хазина”ни ўғирлади. Тўққиз ёшда эканмен, Абеварддан, ота-онам уйдан мени олиб қочди. Билмадим, заргар отам, муштипар онам ҳаёт эканмилар ё... Қизиги шундаки, мен озгина бўлса ҳам билиму донишда фазилат ҳосил қилганим учун ушбу одам қароқчисидан миннатдормен. Чунки у мени устодлар кўлида ўқитди, ҳунар ўргатди. Булар менинг қиммату баҳоимни оширди. Уч йил муқаддам мени Бухорога олиб келиб, Бонуга сотди... Энди борингиз, яна бирор кимса кўриб қолмасин. (*Узоқлашади*).

Рўдакий. Мен сизни яна кўраменми ё йўк?

Нигина. Агар истасангиз, кўрасиз.

Рўдакий. Қачон? Қаерда?

Нигина. Билмадим, ўзингиз топиб олурсиз. (*Кетади*).

Парда

Тўртинчи кўриниш

Сарой. Амир Наср, Балъамий, сарой шоирлари сардори, Суламий.

Балъамий (*Рўдакий девонини ўқимоқда*).

Замона панди озодвор дод маро...

Замона менга жуда қиммат насиҳат этди,

Агар билсанг, замон тўла насиҳат эрур.

Деди: “Ўздан баландроқни кўриб гам ема,

Кўп киши бор, сен бўлишни орзу қилур”.

Наср. Баҳ-баҳ! Жуда соз айтган экан.

Балъамий. Худо ҳақи, бу маънони дарий тилида бундан яхшироқ тушунтирмак ва юксакроқ баён этмак амри маҳолдир.

Суламий. Яхши сўзладилар, хожайи бузургим, аммо банда ҳам унинг ашъорларини мутолаа қилибдурмен ва арз этмоғим лозимки, унинг ашъорида мавжудотнинг фақат ташқи жиҳатлари ҳақида баҳс этилди; бироқ илоҳий қудрат ва расулу набий ҳақида бирон калима сўз юритилмади...

Балъамий. Ҳар сўзнинг ўз ўрни бор. Оллоҳу расулининг номи тасбиҳ эмаски, бўлар-бўлмасга уни ўгираверсанг.

Наср (*сарой шоирлари сардори*га). Сиз нима дейсиз, Устод?

Устод. Бу қулингизнинг назарича, Рўдакий шеърларининг кўпи бир даража силлиқ эмас, пардозланмай қолганга ўхшайди, амирим. Тили дағал, маъноси эса енгил-елпи...

Сўзи шартта кесилади. Чунки шу вақтда Рўдакий, Маҳмуд Муродий, Фароловий ва Маж кириб келадилар. Рўдакий сарой шоирлари сардорининг сўнги сўзларини эшитади.

Балъамий. Сиз Рўдакиймисиз?

Рўдакий ярим таъзим қилади.

Наср. Сиз ёш экансиз! Биз сизни юксакроқ, жаҳонгашта, яхши-ёмонни кўрган киши деб гумон қилар эканмиз.

Рўдакий. Подшоҳим ҳам навкирондурлар. (*Сарой шоирлари сардорига киноя қилиб*). Баъзи кишилар ёши улғайган сари фақат соқолларини ўстириб узайтирадилар, баъзилар ақлни.

Наср ва Балъамий завқ билан куладилар.

Балъамий (*сарой шоирлари сардорига*). Сўзингиз тугалланмай қолди, Устод, нима демоқчи эдингиз?

Устод (*Рўдакийнинг сўзидан мулзам бўлгани учун бир қадар ҳаяжонланиб гапиради*). Подшоҳнинг умрлари узоқ бўлгай, бу ёш шоирнинг шеърлари, ҳарқалай, ёмон эмас, аммо банданинг назарида, ашъори бирмунча равонлик ва равшанликдан холидир. Шоир авом халқ ва қишлоқларнинг сўзу калималарини кўп истеъмол қиладур...

Балъамий. Сиз асабийсиз, Устод. Сиз ҳам, Сулабий.

Устод (*тавозе билан*). Хожайи бузург араб лисони ва араб шеъриятининг балоғат ва фасоҳатига шак билан қарайдилар, деб гумон қилмасин...

Балъамий. Йўқ, мен сизнинг она тилимизни севиш-севмаслигингизга шак билан қараймен!

Рўдакий. Яхши арабий ашъорини мен ҳам севаман; арабларнинг шундай забардаст шоирлари борки, алар, алҳақ, бадий сўзни киритиб ташлаганлар, аммо менга ўз она тилимиз яқинроқ ва дарий сўзлари ёқимлироқдир.

Устод. Ёқимлилик билан ёқимлиликнинг тафовути бордур. Форсий-дарий тилида шеър битувчи шундай шоирлар ҳам борки, аларни олий мартабали ва диди юксак кишилар хуш кўрадилар.

Балъамий. Аммо, азиз Устод, шундай бўлса-да, бизнинг халқимиз бундай ашъорни яхши тушунмайди ва ёқтирмайди ҳам.

Рўдакий. Қайси бири авло: хос кишиларнинг ёқтириши ва омманинг ёқтирмаслигимиз ёки уларнинг ҳар иккисига манзур бўлишми?

Устод. Менга биринчиси маъқулдир.

Балъамий. Ашъор илоҳиёт ва расулу наби мадҳи ва шарафини ифодаламоғи даркор.

Рўдакий. Шу билан бирга гўзаллар ҳусни-латофати, базму разм, қалбнинг шоду хуррамлиги, гулу булбул, баҳор нафосати, май ва об ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим.

Муродий. Буларнинг барчасини мамлакатимиз шоирлари ўз она тилимизда – форсий дарий тилида яхшироқ ва гўзалроқ куйлашлари мумкин.

Устод. Ҳар ҳолда назмда авом алфозини, сахройилар, кўча-кўй, бозор аҳли сўзларини истеъмол этиш мумкин эмас.

Рўдакий. Ҳа, араб дастурхони қолдиғини кутганлар бизнинг беминнат жайдари нонимизни хуш кўрмайдилар-да!

Балъамий. Алҳақ, шундай. Дуруст сўзладингиз.

Наср. Айтурларким, араб шеъриятининг алфози аввалбошида авом халқ алфози эркан; шеъриятда бу сўзу алфоз гўзалроқ ва равонроқ бўлубдур. Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон аҳолиси шоирларимиз

ашъорини ўз она тилида кўпроқ ўқиса ва тингласалар, бу билан аларнинг бизга ва бизнинг давлату салтанатимизга меҳру муҳаббати ортгай. Бизнинг даргоҳимизга ташриф буюрган айрим араб зодагону арбоблари таъна билан айтурларким: “Бизнинг фалон-фалон улуғ шоирларимиз бор, сизлардан ким бор?” Шояд шоирларимиз бизни бу таъналардан халос этсалар. (*Бироз хомушликдан кейин*) Сизнинг устодингиз кимдур?

Рўдакий. Менинг устодим бадихагўй – халқ шоири эди, оти Сурҳак, ўз қишлоғим Панжруднинг чўпони; ундан кейин менинг устодим Хуросон, Эрон ва Мовароуннахрнинг барча забардаст шоирларидурлар.

Наср. Қани, биз учун бирон шеър ўқисангиз.

Рўдакий. Бош устига. Нима хусусда шеър эшитмоқчисиз, амирим?

Наср. Ўзингиз яхши билурсиз. Чунончи, баҳор ҳақида, лолалар, гул фасли ҳақида... бирон нимангиз бор-ку?

Рўдакий.

*Омад баҳори ҳуррам бо рангу бўйи тиб,
Бо сад ҳазорнақҳату оройиши ажиб...
Келди ажойиб, чиройли баҳор,
Қанча гўзаллик десанг унда бор.
Ажабмас қари бундан яшарса,
Жаҳри ўзига топмиш ёш нигор.
Салак ўзига лашкар тузубдур,
Булут аскару шамоли сардор.
Довулчаси раъд, шартловчи яшин,
Бундай ҳайбатли лашкар қайда бор?
Мотамлиларча йиғлайди булут...*

Наср (*шавқ билан такрорлайди*). “Оне абр бин, ки гиряд чун марди сўгвор” – “Мотамлиларча йиғлайди булут”...

Рўдакий.

*Нолишда раъди ошиққа ўхшар,
Қуёш ҳар замон кўриниб қолур.
Гўё қўрғондан мўралар нигор.
Қаҳри неча кун касалманд эди,
Гул ҳиди қилди доруни тайёр.
Сочмоқда ёмғир хушбўй томчилар.
Оқ тўнни ечди ер юзидан қор.
Қор ўрнини гул эгаллаб олди,
Қақраган ариқ бўлди обшор.
Узоқдан лола айлар табассум,
Қип-қизил гўё хина қўйган ёр.*

Наср. “Чун панжайи арўсимба хино шуда хазиб” – “Қип-қизил гўё хино қўйган ёр”.

Рўдакий.

*Галма-гал ҳар дам куй куйлашади,
Гул узра булбул куйлар, ёр-ёр.
Май ичиб энди бўлдинг шодмон,
Олур насиба ўз ёридан, ёр.
Танлаб соқийни, най ичиб куйла,
Куйламоқдадур булбул билан сор.*

Наср. “Каз кишит сор нолаю аз бог андалиб” – “Куйламоқдадур булбул билан сор!”

Соз, жуда соз. Ахсант, офарин!.. Яхши сўз ва яхши шоир биз учун қадрли-қимматлидур. (*Узугини бармогидан олиб, шоирга инъом қилади*). Бу биздан сизга бир ёдгорлик. Бизнинг хизматимизга келинг, сарой шуароси даврасидан ўрин олинг. (*Девонни варақлайди*). Хати чиройли экан. Девоннинг котиби кимдур?

Рўдакий. Мажи хаттот.

Маж (*таъзим бажо келтиради*). Ягона деса арзигулик девон, амирим. Девон эмас, маънолар хазинаси. Сўз эмас, дурру гавҳарлар.

Саҳл бинни Мансур кириб бир жойда кутиб туради.

Наср (*Рўдакийга*). Биздан талаб-истагингиз борми? Айтинг, биз меҳру эҳсонни дариг тутмаймиз.

Рўдакий (*кўзи Саҳлга тушади*). Олий марҳаматингиз мени сўзламоққа даъват этиб, дадиллик бағишлади. Истардимки, подшоҳим лутфу карам қилиб бу йил Дабусия аҳолисини хирождан озод этсалар.

Наср (*ҳайратланади*). Нима? Хирождан озод этайлик?

Рўдакий. Мен ўз кўзим билан кўрдим: курғоқчилик ва қаҳат ул вилоят аҳолисини қаттиқ азоб-укубатга гирифтор этган...

Бальямий (*амирга*). Ҳақ гапирдилар. Бу талабни мен ҳам подшоҳимга арз қилган эдим.

Рўдакий. Аҳоли хирожни тўлашга ожиздур, улар подшоҳимизнинг адолатидан умидвор. У воҳадан ўтиб борарканман, менинг шоирлигим ва Бухорога кетаётганимни билган кишилар, зори-тавалло қилиб, арзи ҳолларини олий даргоҳларига етказишимни ўтиниб илтимос қилиб қолдилар.

Наср (*хушнудсиз*). Яна Дабусия?.. Дабусия масаласи сипоҳсолорнинг ихтиёрида.

Саҳл. Подшоҳим, бу шоир гапирган гаплар сафсата, асли-асоси йўқ. Дабусия аҳли муғомбирдурлар: ўзларини муҳтожу бенаво қилиб кўрсатадилар, бу билан подшоҳлик хирожини ўз зиммаларидан соқит қилмоқчи ёки камайтирмоқчи бўладилар.

Наср (*Рўдакийга*). Сиз уларнинг арзи ҳолини етказиш – додхоҳлик қилишни чакки ўз зиммангизга олгансиз, шоир. Биз бу вилоятдан хирож олиш ихтиёрини сипоҳсолорга топширганмиз. Биз ўз фармонимизни ўзгартира олмаймиз.

Ўрнидан туриб бошқа бир хона эшигига кириб кетади.

Бальямий ҳам унинг ортидан юриб боради.

Саҳл (*Рўдакийга*). Сен шернинг думи билан ўйнама, шоир. Эҳтиёт бўл!.. (*Чиқиб кетади*).

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Бешинчи кўриниш

*Дала. Сув ёқаси. Отларнинг оёқ дупури эшитилади.
Рўдакий ва Маж кириб келадилар.*

Рўдакий. Келинг, Маж, бу ерда бироз дам олайлик.

Маж. Ажиб хушхаво жой экан.

Рўдакий. Мен Бухорога кетаётиб шу ердан ўтган эдим, халқ ушбу арикни қазир эди. Ўша кезларда ташналикдан жонинг ҳалқумингга келса ҳам, бир томчи сув тополмасдинг, киши. Дарҳақиқат, инсоннинг қўли яратувчидир: чўлларни фаровон боғ-бўстонга айлантиради... лекин нега бу ерда одамлар кўринмаётир?..

Бошқа томондан бир неча отнинг дупур-дупури ва турли овозлар эшитилади: “Тезроқ, қадам босинглар!”, “Ҳей, қаерга боряпсан? Йўл бу ерда!”, “Ўғри! Муттаҳам! Шундай урайинки, парча-парча бўлиб кетасан!”, “Висоқбоши! Шу ерда озгина дам олсак-чи, отлар ҳам чарчаб кетди”. Жунайид бир неча қилич яланғочлаган сарбоз билан бир гуруҳ оёқяланг, эгни-боши йиртилиб кетган деҳқонни ҳайдаб киради. Бу бандиларнинг қўли арқон билан орқасига боғланган ва арқоннинг учи сарбознинг қўлида.

Мўйсафид деҳқон. Мана бизнинг ариғимиз! Бизнинг сувимиз. (*Жунайид ва сарбозларга йиғлаб*) Илоҳим, бизнинг меҳнату машаққатимиз уволига қолинглар. Илоҳим, ситамгарлар бир томчи сувга зор бўлиб, юрак-жигари куйиб ўлсин!

Рўдакий. Ватанимдан – Самарқанднинг Панжрўдидан. (*Мўйсафидга*) Уста амаки?.. Мени танидингизми?

Мўйсафид деҳқон (*таъна оҳангида*). Танидим, сен шоир Пўдакийсан. Ўтган йили арик қазийётганда шу ерда сени кўриб арзи ҳол қилган эдик. Сен “арзи холингизни подшога етказаман”, деган эдинг. Энди сен сарой шоирисан, подшонинг маҳрамисан. Албатта, киши амиру вазирлар билан ҳамнишин бўлгандан кейин ваъдаси эсидан чиқади, бечора кишиларнинг арзи-доди қулоғига бориб етмайди.

Рўдакий. Мен сизларнинг арзингизни амирга етказган эдим. (*Жунайидга*) Нима ҳодиса, висоқбоши?

Жунайид. Булар хирож тўлашдан бўйин товлашди.

Деҳқонлар гавго қилишади.

Биринчи деҳқон. Томоша қил. Биз ушбу қўлларимиз билан тоғ-тош кесиб, биёбоннинг сийнасини чок этиб, шу арикни очдик, ўзинг кўрган эдинг!

Иккинчи деҳқон. Бизга ҳеч ким ёрдам бермади!

Учинчи деҳқон. Бир неча бор Бухорога бориб, кўмаклашинг, арик очайлик, қакраб кетдик, деб арз қилдик. Бизга айтишди: “Арикни ўз кучингиз билан очинг, биз сизларни уч йил хирождан озод қиламиз”. Энди эса ариғимиз учун ҳам хирож солишади...

Биринчи деҳқон. Ахир, сув яқиндагина келди, бор-йўғимиз арик қазишга сарф бўлиб кетди, биз хирожни қаердан оламиз?

Мўйсафид дехқон. Сен шоирсан, ҳақпарастсан, агар қўлингдан келса, бизнинг додимизга етгин.

Рўдакий (*Жунайдга*). Буларни қаерга олиб кетаётирсиз?

Жунайд. Пайкандга. Сипоҳсолорнинг фармони билан булар у ерда қалъа куриш ишида қарзларини узгунча ишлашади.

Маж (*қўли боғланган кимсани кўрсатиб*). Бу киши кимдур?

Жунайд. Билмайман. Кимлигини айттайми? Йўлда қаердандир пайдо бўлиб, буларнинг орасига кириб олди, кейин бир маҳал исён кўтариб, бу одамларни қочириб юбормоқчи бўлди, сипоҳсолорнинг икки қўлини уриб конталаш қилди.

Мўйсафид дехқон. Қўркмас, адолатпараст, мард экан!

Рўдакий. Буларни озод этинг! Озод этинг!

Жунайд. Менинг фармонфармойим сипоҳсолордурлар.

Рўдакий. Озод этинг!

Маж. Сен билан сарой шоири гаплашяпти, ярамас ноҳалаф!

Жунайд. Мен шоир-поирни билмаймен. (*Рўдакийга*) Сиз катталигингизни бошқа ерда қилинг, хожа. Менинг бошлиғим – фармонфармойим сипоҳсолор Саҳл бинни Мансурдурлар.

Рўдакий. Менинг ўзим сипоҳсолор билан гаплашамен!

Жунайд. Гаплашсангиз гаплашаверасиз, мен сипоҳсолорнинг ушбу амрларини аллақачон олганман. (*Бандиларга*) Юринглар!

Рўдакий (*Жунайдга*). Сабр қилинг, бироз тўхтанг! Буларнинг қарзи қанча?

Жунайд. Бир минг юз динор.

Рўдакий (*чўнтагига қўл солади, сиқилади; бандиларнинг илтижולי қарашларидан эзилади. Гўё мадад сўраб Мажнинг елкасига қўлини қўяди ва бирдан қўзи бармоғидаги узукка тушади. Узугини олиб Жунайд томон узатади*). Мана! Олинг!

Маж (*қўрқув билан*). Абуабдулло!.. Сиз нима қилаётирсиз? Амирнинг узуги!.. Балоларга қоласиз!..

Рўдакий (*Жунайдга*). Олинг! Узукнинг нархи буларнинг қарзидан зиёдадир. Олинг!

Жунайд (*узукни олиб тикилади*). Ҳазил қилманг, хожа. (*Қайтариб беради*).

Рўдакий. Ҳазилнинг ўрни эмас! Олинг! Ҳаммаларини озод этинг!

Жунайд иккиланади.

Рўдакий (*аламидан фарёд чеккандек*). Гарчи сиз ситамгарсиз, бераҳмсиз, аммо сизни ҳам она тукқан-ку! Агар вужудингизда инсонийликдан бир зарра ҳам қолган бўлса, олингу бу кулфаткашларни озод этинг!

Жунайд (*узукни олади*). Хайр, буни сипоҳсолорга топшираман. (*Дехқонларга*) Ҳаммангиз озодсиз! (*Сарбозга қўли боғлиқ кишини кўрсатиб*) Унинг қўлларини еч! Қўйиб юбор, кетсин!

У кишининг қўлларини ечадилар. Жунайд сарбозлар билан бирга кетади. Дехқонлар Рўдакийни ўртага оладилар.

Мўйсафид дехқон. Илоҳим, юз ёшга киргин! Мурод-мақсадингга етгин! Биз бу яхшилигингни унутмаймиз.

Биринчи деҳқон. Келинг энди, иним, бугун меҳмонимиз бўлинг, бирга нон-туз енг.

Иккинчи деҳқон. Бизнинг қишлоғимиз узоқ эмас, мана шу тепаликнинг ортида.

Рўдакий. Агар фурсатимиз бўлганда, жон-дилимиз билан борардик. Биз тезда Бухорога етиб боришимиз лозим. Сизлар борингиз. Насиб бўлса, яна бир-биримиз билан кўришурмиз.

Мўйсафид деҳқон. Илоҳим, насиб этсин. Саломат бўл, иним, хайр, оқ йўл!

Ҳамма кетади, “исёнчи” кимса қолади.

Рўдакий. Сиз нега кетмайсиз?

Исёнчи кимса хомуш.

Сиз кимсиз?

Кимса. Мен шундай бир кимсаменким, сиздан икки дунё қарздорман.

Рўдакий. Агар қарз демоқдан мақсад ундан озод бўлиш бўлса, мен қарзингиздан кечдим.

Кимса. Фалакнинг гардиши билан сиз мени икки марта ажалдан қутқариб қолдингиз.

Рўдакий (*ҳайрон бўлиб*). Икки марта?

Кимса. Балки... Бу етти йил муқаддам бўлган эди... Ҳаммаси кўз олдимда: Самарқанд жанги, даҳшатли муҳораба, ғоратгарлик Шаҳид бўлган амир амакисини енгиб, унинг қулларини банди қилди. Ҳаммаларини қилич домидан ўтказишга фармон берди. Шоирлар, олимлар амир зиёратига келган эдилар, шунда амир сиздан сўраган эди: “Эй шоир, менга айт-чи, ким марддир ва мардлик нимадир?” Сиз шеър билан жавоб қайтариб айтган эдингиз:

*Гар ба сари нафси худ амири, марди!..
Ўз нафсини мағлуб этолган марддир!
Ғийбатдан узоқ-узоқ кетолган марддир!
Номард тегиб ўтар йиқилганларни,
Ожиз кишилар қўлини тутолган марддир!*

Амир бу шеърни тинглаб, андишага ғарқ бўлди. Кейин ҳожибга буюриб: “Бу бандиларни озод қилгин!” деди. Озод бўлган бандилар қаторида мен ҳам бор эдим.

Рўдакий. Сиз кимсиз? Касбингиз нима?

Кимса. Мен Акбар Марвазиймен...

Маж. Акбар Марвазий!

Кимса. Собиқ сарбоз, зиндондан қочган, уйсиз-кимсасиз, фармонлардан бўйин товлаган саркаш! Мазҳабим исмоилийлик, сизларнинг қавлингиз билан айтганда, қарматий. Қарматийлар пешвоси Муҳаммад Наҳабандий менга ҳодий ва мен унинг пайравимен. Биз ҳақиқат излаймиз! Адолат истаймиз! Ҳозирги кунда ўнлаб кишилар бизнинг томонимизга ўтмоқда, эрта-индин, пичоқ бориб суякка қадалгандан кейин, юзлаб, минглаб кишилар бизнинг томонимизга ўтишади. Сиз бу ерда бир қишлоқнинг асирларини

озод этдингиз. Ваҳоланки, саркардалар, амалдорлар, вазиру амирларнинг навкарлари шаҳару кишлоқларда пилтани тул хотинлар чироғидану луқмани етимлар оғзидан тортиб олмоқдалар. Бу бенаволарни ким қутқаради? Ким?.. Кечиргайсиз, мен сизларни йўлдан тўхташиб қолдим, ўзим ҳам шерикларимдан орқада қолдим, саломат бўлинглар. (*Кетади*).

Рўдакий (*мот бўлгандек ҳайратда*). Пилтани тул хотиннинг чироғидан... Луқмани етимнинг оғзидан...

Парда

Олтинчи кўриниш

Ойдин. Вазир богининг бир чети. Рўдакий интизорликда. Нигина келади.

Рўдакий. Бу сизми, эй олий зеболик? Наҳотки, сиз яна мен билан бирга бўлсангиз? Агар ўнгим бўлса, маълум бўлдики, парвардигор беҳишт саодатини кишига шу дунёда ҳам ато қилар экан ва агар бу туш бўлса, кечиринг, қиёматга қадар мен уйғонмай ухлаб қолайин.

Нигина. Кошки эди, туш бўлса! Зеро, сиз айтган саодатга киши фақат тушида эриша олади, холос.

Рўдакий. Сизни билмадим-у, аммо дийдорингизни кўрмоқ мен учун саодатдур. Нигина, не бўлди, паришон кўринасиз?

Нигина. Шодмен... хусусан, киши маҳбуби дийдорини охирги марта кўришга муяссар бўлса, жуда шодланади, ахир.

Рўдакий. Охирги? Нечук охирги?

Нигина (*сўзлашга тараддудланиб*). Негаки... ҳа, шундай... йўқ-йўқ, ҳеч гап йўқ... Айтгандек, Самарқандга яхши саёҳат қилдингизми?.. қариндош-уруғларингизни кўрдингизми?.. Шод-хушнуд бўлиб қайтдингизми?

Рўдакий. Шод-хушнуд бўлиб қайтдим, сиз томон шитобан интилдим. Нигина, “охирги дийдор” деганингизнинг маъноси нима? Нега гапни яширасиз?

Нигина (*ноилож*). Мен... асира эдим, аммо ор-номусли асира. Энди худойим асирликни ҳам кўп кўрди. Мени орсиз-номуссиз асирага айлантирмоқчилар, сўнгги инсонийлик шарафимни, усиз ҳаёт – ҳаёт эмас, ўлимдир, фано елига совурмоқчилар... Бизнинг уйимиз шифтига қалдирғоч ин кўйиб, болаларини учирма қилган эди... Мен бир куни уларнинг охирги учиши – палапон бўлишини томоша қилардим, бир маҳал қарасам, йиғлаяпман экан. Улар-ку пат-қанот чиқариб, кейин учиб кетдилар, аммо мен... мен лоақал бир марта бўлса ҳам ўз майлим билан парвоз қилолмадим, пат-қанотимни қиркиб қўйдилар... Қаерга қарама, ҳаммасида тузоқ, сайёд, қафасни кўрасен.

Нигина сўзлаётганда, бог билан кўчани ажратиб турувчи деворнинг ортидан от миниб, қўлида қамчин тутган сарой шоирлари сардори кўринади. У ўтиб кетиб зойиб бўлади.

Рўдакий. Нигина, нималар деяпсиз? Сайёд ким? Ким сизга тузоқ қўймоқчи?

Нигина. Олтинпараст, мол-дунёга хирс кўйган Бону мени сипоҳсолорга сотди. (*Йиғлайди*).

Рўдакий. Ё раббий!.. Ҳали кадам ёр висоли кўчасига етмай, ёр дийдори лаззатидан баҳра топмай, фалак бизга айрилиқнинг захар қўшган май қадахини тутиб ичирмоқда...

Нигина. Кимдир биз томонга келаётир. Мен тамом бўлдим!

Айланиб юрган Балъамий буларнинг устига келиб қолади.

Балъамий. Ҳой, Нигина?.. Бу эркак кимдур?.. Рўдакий?

Рўдакий. Балли, бу менмен. Хожайи бузург, мен бу қизнинг ошиғимен, ул ҳам мени севадир.

Балъамий (*тутила-тутила*). Бехуда, бехуда... Бу ишқнинг ҳосили бахтсизлик ва муродсизликдан бўлак нарса эмас.

Рўдакий. Нима?.. Хожайи бузург!

Балъамий. Балли, агар бу қиз наҳангнинг оғзида бўлганда ҳам олиш осонроқ бўларди, аммо у... Бонунинг панжасида. Мана Бонунинг ўзи ҳам шу ерга келаётир, сиз боринг, Рўдакий, тезроқ.

Рўдакий кетади, Бону ҳозир бўлади.

Бону. Нигина? Сенми? Мен сени қачондан бери излаяпман, ҳеч қаерда йўқсен! Нега ҳаяжондасен? Нима воқеа содир бўлди?

Балъамий (*қулиб*). У боғнинг қоронғилигида менга дуч келиб, қўлоёғини йўқотиб қўйди. (*Нигинага*) Ёки сен мени қароқчи Довудхон деб гумон қилдингми?

Нигина (*ўзини тутиб олиб Балъамийга таъзим қилади*). Маъзур тутинг, мен сизни таниёлмадим.

Бону. Бор, уйга бор!

Нигина кетади.

Ухлашдан олдин айлангани чиққанмидингиз?

Балъамий. Балли, Бону, канизагингизнинг хулку атвори ҳақида бирор нима сезганмидингиз?..

Бону. Гумонимча, бу ақлсиз Рўдакийга кўнгили кўйган.

Балъамий. Менинг гумонимча ҳам шундай. Аммо нега ақлсиз дейсиз. Нима, Рўдакий унинг севгисига муносиб эмасми?

Бону. Бу билан сиз нима демоқчи бўласиз?

Балъамий. Рўдакий ҳам унга ошиқдур. Бону, Саҳл бинни Мансур канизакка муҳтож эмас. Агар сиз лутфу марҳамат қилиб, қизни шоирга хотинликка берсангиз, ҳар ҳолда хайрли бир иш қилган бўлур эдингиз.

Бону. “Хайрли”? Мен амирни деярли рози қилган эдим, аммо сиз орага тушиб, ишни буздингиз.

Балъамий. Сипоҳсолор сизга канизакнинг ҳақини бериб тугатдими ё йўқми?

Бону. Ярмини берди. У ҳали Дабусия хирожини ундириб олиб, тамом қилганича йўқ.

Балъамий. У амирнинг фармони билан Абусолиҳ исёнини бостириш учун бир неча кундан кейин лашкар тортиб Нишопурга жўнайди.

Бону. Биламен.

Балъамий. У ердан қачон қайтади, тирик қайтадимиди-йўқми, худо билади.

Бону. У қайтиб келгунча мен Нигинани омонатда сақлаймен. Биз сипоҳсолор билан шунга қарор қилдик.

Балъамий (*истеҳзо билан*). Қиз аллақачон сипоҳсолорники бўлдимиди? Унинг омонат моли бўлдимиди?

Бону (*Балъамийнинг истеҳзоси иззат-нафсига тегиб*). Бўлса-бўлмаса, сизга нима? Нигина ўзим сотиб олган қул – зархарид, уни нима қилсам, ихтиёр ўзимда; яхшиси, сиз менинг ишимга аралашманг. (*Кетади*).

Балъамий. Ҳа, бу мамлакатда хотини “Менинг ишимга аралашманг” дегувчи ягона эр мен бўлсам керак.

Парда

Еттинчи кўриниш

Сарой. Саҳл бинни Мансур ва сарой шоирлари сардори – Устод кириб келадилар.

Устод. Эшитдимки, сиз ишқи мазраига¹ ҳою-ҳавас уруғини сепган экансиз, аммо нега шудгорни кўриқламайсиз, уни топташяпти-ку?

Саҳл. Мен билан рамзу киноясиз гаплашсангиз. Нима бўлибди, ўзи?

Устод. Мен вазирнинг боғида канизак Нигинанинг бир йигит билан ўпишиб-қучоқлашиб турганини ўз кўзим билан кўрдим.

Саҳл. Нигина? Қачон? Ким билан? Абулҳафси Кабир мозорига қасам ичамен, агар ёлғон гапирсангиз, мана шу дудама ханжар билан сизни...

Устод. Мен ҳеч қачон кизбу ёлғон сўзнинг бирор ҳарфи билан тилимни булғаган эмасмен, мен сизнинг дўстингизмен. Кеча кечқурун саройдан қайтаётиб, иттифоқо вазир боғининг девори устидан қарасам, Рўдакий билан кизни кўриб қолдим, иккаласи берилиб суҳбат қилишарди. Ошиқ-маъшуклар одатан ўпишиб-қучоқлашади-да, мен...

Саҳл. Бас, бўлди! Валлоҳу биллоҳ, мана шу ханжар билан ҳар иккисининг қорнини ёриб ташлаймен! Сиз билиб кўринг-чи, Рўдакий амир билан Ҳиротга жўнайдики ёки Бухорода қоладими? Агар қоладиган бўлса, мен ҳам Нишопурга кетмаймен, майли, мени амир дорга осиб юборсин. Мен кўзичокнинг бу бўрига ем бўлишини истамаймен.

Жунайд киради.

Жунайд. Ассалому алайкум. Сипоҳсолор, мен Пайканддан келдим. У ерда уч минг қарздор қалъа қуришда ишламоқда. Аммо мен Дабусия қарздорларини у ерга ҳайдаб олиб кетолмадим: шоир Рўдакий менга монелик қилди. У йўлда бизга дуч келиб қолиб, мана шу узукни бериб, ҳаммаларини озод қилгин, деб амр этди. Мен сарой шоири ва подшоҳ надимининг сўзини рад этолмадим.

Саҳл (*узукка тикилиб қараб*). Буни бирор киши кўрдими-йўқми?

Жунайд. Мен билан бирга бўлган тўрт нафар қулдан бошқа ҳеч ким кўргани йўқ.

Саҳл. Боргин, кейин сўзлашурмиз.

¹ Ишқи мазраи – атроф-муҳит, ҳаёт, дунёга муҳаббат.

Жунайд чиқиб кетади.

Устод. Бу подшоҳим Рўдакийга инъом қилган ўша узук.

Саҳл. Бунинг қиммати беш минг динордан кам эмас. Хожа, сиз биласиз ва Худо. Дамингизни чиқарманг, минг динор сизники.

Устод. Гапирманг! Рақибингизга қарши иш тутмоқ учун буни сизга Оллоҳим юборган. Бу узук сизнинг ханжарингиздан қотилроқдур! Сиздек давлатманд кишига беш минг динорнинг нима қиммати бор?

Саҳл. Яъни... узукни амирга кўрсатайми?

Устод. Албатта! Кўрсатасиз-у кейин Рўдакийнинг ҳол-аҳволини фош қиласиз. Амир унинг қадахига ғазабнинг ҳалок этувчи заҳрини қуяди ва лутфу марҳаматнинг болини сиз татийсиз. Кўзичоқ ҳам бирийўла бўрининг чангалидан халос бўлади.

Даҳлизда қулги ва шовқин-сурон. Ойтош шаҳзода Нух билан ўйинчоқ қиличда қиличбозлик қилиб киришади ва уларнинг ортидан амир ҳамда қўлида тасбеҳ тутган Сулабий кўриниши беради, улар бу манзарани завқу шавқ билан томоша қилади.

Сулабий. Шаҳзода ҳали гўдак бўлсалар ҳам, аларнинг зарбаларидан туғма шижоат ва қувват ҳисси сезилиб турадур. Иншооллоҳ, жаҳонгир бўлгусидурлар!

Наср (*Сулабий ва Ойтошга*). Биз сизларнинг ҳар иккингизни шаҳзодага муаллим қилиб тайинладик. Сен, Ойтош, унга қиличу ўқ-ёй илмини ўргатурсен; сиз, Сулабий, охирату имон илмини. Борингиз, шаҳзода билан машғул бўлингиз.

Ойтош ва Сулабий шаҳзода Нух билан бирга чиқиб кетишади.

Сипоҳсолор! Эртага биз Ҳиротга жўнаймиз, сиз Нишопурга лашкар тортасиз. Абусолиҳ, осий қарматийни мағлуб этиб босганингиздан кейин бизнинг ҳузуримизга – Ҳиротга боргайсиз. Диндан тойган у ярамас, малъун тоифага раҳм-шафқат қилманг. Фитна ва фасод ўтини қилич суви билан ўчириб ташланг!

Саҳл. Фармонбардорингизмен. Бу бошиму таним подшоҳимга фидо, валинеъматим, соҳибдавлатим. Агар бу танимда юз бошу юз жоним бўлганда ҳам ҳаммасини дарифсиз соҳибдавлатимга нисор этур эдим. Бу қулингиз яхшилиқнинг қадр-қимматига етади, бевафолик қилмайди. Баъзи кўрнамакларга ўхшаб оёқяланг, авбош итоатсизларга, тожу тахтга ёмонлик соғинувчи ярамасларга ён босиб, уларни ҳимоя қилмайди.

Наср. Сиз кимдан ва нимадан киноя қилаётирсиз, сипоҳсолор?

Саҳл. Саҳройи қаламкашлардан, шеър битгувчи кулоллардан, зарбоф кийган таъби гадолардан, наслу насабсиз маснаднишин амалдорлардан, подшоҳим. Сиз биттасини саҳродан олиб келиб, сарой шоири қилдингиз, энди у босар-тусарини билмай қолди. Зақоту хирожга ҳам аралашмоқда. Фуқарога амиру вазир тилидан сўзламоқда. Буйрук бериб ҳукм қилмоқда.

Устод. Худонинг сояси бўлмиш подшоҳимизга ва осмонга туташ бу даргоҳга ўзининг нолюйқ сўз ва номуносиб хатти-ҳаракатлари билан иснод келтирмоқда.

Наср. Сизлар Рўдакийни назарда тутаяпсизларми? Очиқроқ гапиринг-чи, у нима иш қилибди, ўзи?

Саҳл. Подшоҳим Пайканд яқинида қалъа қуришни менга амр қилган эдилар, токим у қалъа девор кўчманчилар йўлини тўсиб, уларнинг обод воҳаларига бостириб кириб, талон-торож қилишларига йўл бермагай. Бу олий амрга мувофиқ мен високбоши Жунайдга ўғрилар, безорилар, йўлтўсар-қароқчиларни тутиб олиб, уларни Пайкандга ҳайдаб бориб, у ерда қалъа қуришда ишлатиш вазифасини топширган эдим. Жунайд Дабусиянинг бир гуруҳ ўғри ва безориларини банди қилиб ҳайдаб кетаётганида, йўлида Рўдакий учрабди ва подшоҳнинг номидан фармон бериб: “Ҳаммани озод қил!” депти. У яна: “Қалъанинг ҳожати йўқ, бу хомхаёл ва амиру вазирнинг фуқарога зулмидур. Амир андишасизлик қилиб ушбу фармонни берган эди ва энди у бу аҳду ниятидан қайтди”, депти. Жунайд ўғрилар, безорилар тоифасини қўйиб юборишга мажбур бўлибди.

Сукут.

Наср. Гарчи сизнинг эътиборингиз, сипоҳсолор, биз учун баланд ва юксакдур. Аммо бу айтган гапларингиз эътиборга муносиб кўринмайдур. Яхшилаб текширинг, эҳтимол, Рўдакийга қарши иғво уюштиришгандир. Ҳасадчи ва бахил кишилар кўпдур. Улар бу закий ва моҳир шоирни бирор балога гирифтор қилмоқчи бўлишгандир. Сиз Рўдакийга нисбатан айтган бу сўзлару хатти-ҳаракатлар шундай улкан хиёнат, азим гуноҳдирки, у гуноҳқорни тўппа-тўғри дор остига судраб боради. Рўдакий бундай хатти-ҳаракатларни содир этишига ишонгим келмайди.

Саҳл. Подшоҳим, ундай бўлса, мен ёлғон сўзлабман-да?

Наср. Шоҳид-гувоҳ керак.

Саҳл. Шоҳид Жунайд ва қуллардир.

Наср. Улар сизнинг қулларингиз, сиз нимаики айтсангиз, улар шунга гувоҳлик берадилар.

Устод. Жунайд ҳалигина Пайканддан қайтиб, бу гапларнинг ҳаммасини менинг хузуримда сипоҳсолорга нақл қилиб берди, мен ўз қулоғим билан эшитдим.

Наср. Сиз ҳасадчисиз, Рўдакийни кўрарга кўзингиз йўқ... Худога қасам бўлсин, агар айтганларингиз ёлғон бўлиб чиқса, мен сизларнинг мансабу хизматларингизга ҳам риоя қилмаймен. Бизнинг қаҳру ғазабимиздан ҳазар қилингиз.

Саҳл. Рўдакий хоиндур.

Наср. Далил келтиринг!

Саҳл. Танидингизми? Ушбу далилдир. *(Узукни чиқариб амирга беради).*

Наср. Узук? Биз буни Рўдакийга ҳадя қилган эдик.

Саҳл *(заҳарханда билан).* Подшоҳим, албатта, шоир олий ҳадяни азиз ва табаррук тутғуси деб, унга комил ишонч билан қараганлар. Худо сақласин! Рўдакий Дабусияда бир неча ўғри, безори-ю муттахамни қутқариш учун бу узукни Жунайдга порага берган. Жунайд келтириб менга топширди.

Устод. Куфрони неъмат – неъматга кўрнамаклик. Подшоҳ ҳадяси, олий марҳамат нишонини бу тахлит хор этиш ва хўрлик тупроғига ташлаш – фақат кўрнамак одамларнинг қўлидан келадур.

Наср *(кайфияти ўзгариб).* Нега буни бизга аввалроқ кўрсатмадингиз?

Саҳл. Мен аввал подшоҳимнинг ўзимга нисбатан ишончи, сўзларимга муносабатини билмоқчи эдим.

Наср (*хижолат ва газабда*). Рўдакийга ўғри-ю безориларни қутқаришдан не наф?

Устод. Шоядки, уларнинг орасида ўзининг собиқ дўстларини кўрган бўлса? Ё балки шуҳратпарастлик важхидан шундай қилгандир, токим халқ уни ҳалиму мулойим, сахий десин, Ҳотами Той дея алқасин.

Сарой мулозими (*кириб*). Шоир Рўдакий хизматингизга келибдур.

*Рўдакий киради, таъзим бажо келтиради.
Сўнг Балъамий ҳам кўриниш беради.*

Наср. Не хабарлар бор, шоир?

Рўдакий. Кеча Самарқанддан қайтдим. (*Саҳлни кўриб ўзгаради*). Менинг арзим бор, подшоҳим.

Наср. Нима арз?

Рўдакий. Карам қилингиз, подшоҳим, ситамдийдалар додига етингиз, сипоҳсолор Дабусияда ҳақсиз хирож ундирмоқда. Унинг қуллари тул хотинлар чироғидан пилик ва етимлар оғзидан луқмани тортиб олмоқдалар. Мен талон-торож этилган қишлоқлар ва хонавайрон бўлган фуқарони кўрдим. Оч-яланғоч аҳолини подага ўхшаб Пайкандга ҳайдадилар. Фарқи шундаки, пода яйловга ҳайдалади, бу бенаволар эса золимнинг зулми билан ноҳақ текин меҳнатга ва жаҳаннам ўтидан ҳам кучлироқ бўлган ўтга ҳайдаладилар!

Наср (*мулоҳаза қилиб*). Биз бармоқларингизда узукни кўрмаётирмиз. У қаерда? Ё магар ҳадямизни эҳтиёт қилиб сандикда сақлайсизми?

Рўдакий. Узук... ўзим билан эмас. Подшоҳим, жафокаш халқ...

Наср. Узук қани?

Рўдакий. Узук... ёнимда эмас. Ноҳақ хирож...

Наср. Шундай қилиб... узук! Ҳозирок айтинг, сиз подшоҳлик ҳадясини қайси қиморбозга ютқазиб қўйдингиз? Ё қайси бир ярамасга пора тарзида бердингиз?

Рўдакий. Ҳа, шундай. Нақд пулим йўқ эди, адолатсизлик билан банди қилинган кишиларни озод этсин деб уни сипоҳсолорнинг навқарига бердим.

Саҳл. Бу шоир менга бўхтон қилаётир. Мен шу олий даргоҳда ўттиз йилдан бери хизмат қилурмен; бобокалонларим ва шаҳид кетган оталаримнинг фармони билан қилич чопдим, вилоятлар олдим. Худо ва халойиқ шохид, мен ҳеч қачон эзилганларга ситам қилганим йўқ; хосу омма, сипоҳу фуқаро ҳамиша мандан розидурлар ва дуога қўл очадурлар.

Наср (*Рўдакийни кўрсатиб*). Зиндон қилинг бу тузтепқурни!

Қуллар ҳозир бўлиб Рўдакийни олиб кетмоқчи бўладилар.

Балъамий. Подшоҳим, тааммул. Мен унинг гуноҳини сиздан сўраймен.

Наср (*қулларга*). Олиб кетинг.

Рўдакийни олиб кетадилар.

Балъамий. Каминанинг ёлғиз сизга муҳим бир арзи бор эди.

*Наср Саҳл ва сарой шоирлари сардорига имо
қилади, улар чиқиб кетишади.*

Подшоҳим, шоир пок ният ва раҳм-шафқат юзасидан иш тутган, ё сиз бунга шубҳа қиласизми? Мабодо гуноҳ иш қилган бўлса ҳам, унинг гуноҳи сипоҳсолор гуноҳининг юздан бирига тенг келмайди. Подшоҳим мендан бемаслаҳат Дабусия хирожини Саҳлга топширганлар, мен бўлганимда бунга розилик бермас эдим. Рўдакий фуқаронинг талону торож бўлгани ҳақида айтган бу сўзлар эса ҳақиқатга яқиндур; ахир, мен ҳам бу талабни подшоҳимга арз қилган эдим.

Наср. Нима, сиз истайсизки, биз кечагина саройга келган бир шахснинг инояти билан сипоҳсолорни муттаҳамга чиқарайликми? Ахир, у эртага Нишопурга лашкар тортади, бизнинг маккор душманмизни даф этишга боради.

Балъамий. Мен сизга Саҳлни ҳозироқ жазоланг демокчи эмасман, мен шоир жазо-ю уқубатга лойиқ эмас демокчиман. Бундай адолатсизлик, алалхусус, Ҳирот сафари арафаси ва Абусолиҳга қарши хатарли жанг олдидан андишадан йироқдур. Мамлакатнинг энг яхши шоири зиндонда. Бу қандай бадномлик!

Наср. У бизга нисбатан хиёнат қилди. Биз хиёнатчини ҳеч қачон афв этмаймиз.

Балъамий. Бегоналарнинг таънасини эсланг, подшоҳим. Халифанинг вакиллари, араб шоирлари яна саройга ташриф буюришади. Мен аминмен: Рўдакий сўзамоллик ва шеърғуфторликда улардан мағлуб бўлмагай, у бизнинг обрў ва сарбаландлигимиз боиси ўлғай.

Наср (бўшашиб). Ахир, бу саҳройи халқни исёну дағдағага ташвиқ этади.

Балъамий. Бунинг чораси шуки, бундан сўнг сиз унинг саройдан узоқлашувига йўл берманг ва ўзингизнинг ҳузурингизда олиб қолинг, токим у халқ билан яқинлашсин. Ҳиротга уни ўзингиз билан бирга олиб боринг.

Наср (сукутдан сўнг). Айтинг, уни озод этишсин.

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

Саккизинчи кўриниш

Ҳирот яқинидаги дарё соҳилида жойлашган амирнинг лашкаргоҳи.

Атроф кўм-кўк. Саркардалар ва қуллар (сарбозлар) у ёқдан-буёққа юрадилар. Рўдакий чодирда ўтириб шеър битмоқда.

Рўдакий (ёзган шеърини ўқийди).

*... Дилам чу арзане, ишқи ту кўҳе...
Дилим тариқдек, ишқинг эрур тоғ,
Тоғ остида сой неки, тариқ бўлса,
Келгилу Рўдакий аҳволина боқ,
Жонсизга жон бўл, тани турар тоқ.*

*Балъамий келади, у хаёлу андишага зарқ бўлган.
Рўдакий уни кўриб, чодиридан чиқади.*

Хожайи бузург, биз бу диёрда қачонгача сарсари-дайди бўлиб юрамиз?
Ахир, ватандин йироқ тушганимизга уч йил бўлди.

Балъамий. Бухорони соғингансиз, шундайми?

Рўдакий. Агар қаноту патим бўлганда, учиб борардим. На қилайки, амир рухсат бермаётирлар.

Балъамий. Ҳа, амирнинг ўзи Бухорога азимат қилмаса, на сиз қайта оласиз, на ўзгалар... Бу ерда амирнинг узок қолиши Бухорога катта хавф-хатар туғдиради. Мен Бонудан нома олдим...

Рўдакий. Бонудан? Нигина тўғрисида бирон нарса ёзганмилар ё йўқ?

Балъамий. Нигинадан ҳам минг марта муҳим нарсалар бор. Амирнинг Бухоро зиндонидан ётган иниси бошқа амирзодалар билан алоқа боғлаб, фитнес-ю фасод пайига тушибди. Мамлакат, халқнинг моли-жони хатарда.

Рўдакий (*ҳаяжонланади*). Сиз амирни огоҳлантирдигизми?

Балъамий. Ҳа. Аммо у ишонмаётир... “Аслу асоссиз овоза”, дейди. Амирнинг бошида Ҳирот ҳавоси, қалбида Ҳиротнинг ишқи, у бу гўзал ва хуррам диёрдан кетгиси келмаётир... Етиб келган баъзи хабарларга кўра, кўчманчилар зимдан ҳаракат қилиб, бирдан хуруж ила бутун Мовароуннаҳрни Бухоро билан бирга босиб олишмоқчи экан.

Рўдакий. Шундай бўлгач, нима қилмоқ даркор, хожайи бузург?

Балъамий. Ақлий далиллар амир олдида ожизлик қилмоқда, энди қўлни бошқа чора-ю тадбирга чўзмоқ керак. Сиз амирнинг табиатини биласиз, Рўдакий, у сизни хуш кўради. Сиз бирон чора топинг, ҳунар ва санъатингизни ишга солинг, токи бу заминдан силжиса.

Рўдакий. Модомики, шундай тадбиркор вазир бу ишда ожиз бўлсалар, менинг қўлимдан не ҳам келур?

Балъамий. Шундай бир иш қилингки, амирнинг ватанга қайтиш хоҳишу ҳиссиёти ва бошида Бухоро ҳавоси жўш урсин. Ахир, сиз шоирсиз, созанда ва ҳофизсиз, сиз кишилар қалб торини чертасиз.

Орага сукунат чўкади. Рўдакий ўй-хаёлда.

Эвоҳ, мен қайси бир оқар сувни, қайси бир бўстонни кўрсам, ундан Бухоронинг Мўлиён ариғи ҳиди димоғимга уради.

Рўдакий (*шавқланади*). Бўйи Мўлиён... Бўйи Мўлиён... Ояд ҳаме...

Илҳомланиб, айланиб юриб шеър тўқийди. Чодирига кириб ёза бошлайди. Ов либосида Наср саркардалар (уларнинг қаторида Саҳл бинни Мансур ҳам бор), сарой аҳли ва ўқ-ёйчилар билан бирга кириб келади. Ҳаммалари шаробдан хушкайф.

Наср. Хожайи бузург, шикорга борамиз! Сиз тайёрмисиз?

Балъамий. Подшоҳим, қайтиш маслаҳатини қилиб олсак. Ҳиротда бундан зиёд туриш дуруст бўлмас.

Наср. Бухоро қочиб кетмайди. Ёзда бу ердан кўра яхшироқ мақомгоҳ тополмайсиз.

Балъамий. Сиз ҳар сафар бир фаслни иккинчисига улайсиз: ёз келса, “кузда кетамиз” дейсиз, куз келса, “баҳорда қайтамиз”. Ахир, бухоролик бу уч минг кишининг ватани ва бола-чақаси иштиёқи билан юраги қон бўлди.

*Саркардалар, сарой аҳли, навкарлар вазирнинг
сўзларини қувватлайдилар.*

- Рост айтасиз.
- Бағримиз қон бўлди, ўзга тоқат қолмади.
- Кошки тезроқ ватанга қайтсак.

Наср (*Балъамийга*). Қўйинг, йигитлик давлатидан биров дилимизни хушнуд қилайлик. Нега ташвиш тортасиз? Мамлакат тинч, душманлар забун, саодат ҳамроҳимиз бўлса. Бир маккор душманимиз Абусолих бўлса, сипоҳсолорнинг қон тўқувчи қиличи унинг ишини ҳам саранжомлади. Менга бундан сўнг Бухородан сўз очманг.

Рўдакий ёзган шеърини қўлида тутиб чодирдан чиқади.

Рўдакий. Подшоҳим, мен янги бир шеър тўқидим. Агар олий рухсатлари бўлса...

Наср. Ўқи!

Рўдакий. “Қайтиш қўшиғи”.

Амир атрофидагилар (*ҳаяжонда*). “Қайтиш қўшиғи”?

Рўдакий. *Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме...*

Мўлиённинг ҳиди бу ёнга келур,

Ёр ёдида дил фиғонга келур.

Амир атрофидагилар (*шовқин-сурон қилишади*). Бухоро!.. Бухоро!..
Эй Бухоро, Ҳамиша хуррам бўл, Бухоро!...

Балъамий. Подшоҳим, Бухоро кутмоқда!

Наср (*изтиробда*). Менинг отим қаерда? Отларни эгарла! Бухорога!
Бухорога кетдик...

*Шитоб билан юриб кетади, қолганлар унинг ортидан
эргашади. Отларнинг дупир-дупири баландлашади.*

Парда

Тўққизинчи кўриниш

Вазир чорбоғининг бир чеккаси. Нигина келади.

Нигина. Наҳотки, келмаса? Ахир, Ҳиротдан қайтишганига уч кун бўлди-ку! Эй интизорлик, нақадар оғирсан, жон олгувчисан. Юрагимни тоғ бўлиб сиқасен. Наҳотки, келмаса? Ёки мени унутдими? Ўзгага кўнгилик қўйдими? Йўқ, йўқ. Қалбимдан нари кетинг, эй шубҳа-ю гумонлар: ахир, унинг йўллаган мактуби ёнимда-ку... (*Енгининг ичидан мактубни чиқариб олади*). Узоқ диёрдан туриб мени эслаб, менга бағишлаб шундай ғазал битган киши мени унутиши мумкин эмас. (*Ўқийди*).

*Ҳар бод ки аз сўйи Бухоро ба ман ояд
Бо бўйи гуу кушқу насими суман ояд...*

*Бухородан эсган ҳар сабо бирла чаман келгуси,
Хуш ҳидин таратиб, гулу мушқу суман келгуси.
Ҳар кеча кўз тикамен Яманга, сени кўрай деб,
Зеро, Сухайлий Сухайлга маскан Яман келгуси.
Ким билан сўзлашмайин, мен истаю истамасам,
Аввалги сўзим исмингдур бўлиб гулшан келгуси.*

Рўдакий келади.

Рўдакий. Нигина! Яратувчи сизни кўрмоқ бахтини насиб этди. Бу бахту саодат шукронасини не билан бажо келтирсам экан? Уч йил сизсиз, сиздан йироқда! Фироқ тунининг охири бўлмаса керак деб гумон қилар эдим.

Нигина. Азизим, сиз уч йил дейсиз, аммо бу мен учун бутун умрга тенг мангулик эди. Агар ҳаётим бардавом бўлса, билингки, дийдорингиз менга иккинчи умр бағишлабдур.

Рўдакий. Нозаним, айтинг-чи, фироқ кунларида ҳаётингиз нечук кечди?

Нигина. Сизнинг ёдингиз бирла кечди.

Рўдакий. Менинг ҳам. Тўғри, сизнинг ёдингиз худди елдек ҳижрон ўтини янада ёлқинтиради. Аммо шунга қарамай, у ҳам роҳат, ҳам жон бағишларди, куйиб кул бўлишга қўймас эди.

Нигина. Худди шу вазифани мен учун йўллаган мактубларингиз бажарди. Агар жон бағишловчи мактубларингиз бўлмаса, бешак, ғам мени ҳалок этар эди. Бухородан сиз томон эсган сабо Ҳиротдан менга умид гули ҳидини элтиб қайтарди. (*Маҳзун*). Аммо, азизим, бахтиқоралиқ бўлиб сизлар билан сипоҳсолор ҳам Бухорога қайтибди.

Рўдакий. Ҳа, шундай. Лекин токим мен ҳаёт эканман, у сизни ололмағай.

Нигина. Сиз мени қутқарасиз? Қандай қилиб? Мен, ахир, у сотиб олган буюммен-ку.

Рўдакий. Умидворман, хожайи бузург бизга мадад бергуси. Агар мадад бермасалар ёки бунинг иложини тополмасалар, у тақдирда мен охири чорага қўл узатурман. Мана, хожайи бузургнинг ўзлари ҳам келаётир.

Бальямий кириб келади. У паршонҳол.

Бальямий. Рўдакий! Қасида не бўлди? Битдингизми?

Рўдакий. Қасида, гўрдами, Хожайи бузург. Юрагимга ҳеч нарса сиғмаётир, хожам.

Нигина (*Бальямий қаршисида тиз чўкиб*). Ҳазрат, менга раҳм қилинг, мени қутқаринг.

Бальямий. Тур. Уйга кир. Бону сени излаётган эди.

Нигина йиглаб кетиб қолади.

Афсус. Умидим сиздан эди, Рўдакий. (*Асабий оҳангда*) Амир Нишопурни фатҳ этиш муносабати билан тантанавор зиёфат уюштирмоқчи. Унда халифанинг вакили ва хорижий мамлакатнинг элчилари иштирок этгуси.

Амир янги қасидага мунтазир. Қасида бошдан-охир Сомонийлар давлати, подшоҳимизнинг улуғворлигини тавсиф этади, бунга илова сифатида Бухоронинг Бағдоддан қолишмаслигини ифодалаши лозим. Ўн икки шоирни қалам-қоғоз билан банд этдим, аммо натижа чикмаётир. Рўдакий, сиздан ўтиниб сўраймен, Ҳиротда қилганингиздек, бирор хунар-мўъжиза кўрсатинг.

Рўдакий. Бугун икки инсоннинг, икки севишганнинг, икки бегуноҳнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлади. Сиз бўлсангиз қасида ғамидасиз. Мен лаънат дейман қасидага!

Балъамий. Мен қандай қилиб қасида ғамида бўлмайин, эртага мамлакатимиз шоирларининг шаъни, фузаломиз шарафи имтиҳондан ўтгуси.

Рўдакий. Ёруғ дунё кўзимга қоронғи, қалбим хазинаси талонда, Нигина исмидан ўзга хотирамни барча маънилару хаёллар тарк этган бўлса, не қилайин, сиз мендан яна шеър талаб этурсиз! Хожайи бузург, ахир, Бону Нигинани...

Балъамий. Билурман, айтмоқнинг ҳожати йўқдур.

Рўдакий. Ахир, Бону сизнинг аелингиздур, сизнинг у кишига ҳукмингиз раводур.

Балъамий. Бу мамлакатда ҳукмим икки кишига ўтмайдур: бири – амирга, иккинчиси – Бонуга.

Рўдакий. Хожайи бузург...

Балъамий. Ҳа, мен ҳокиммен ва маҳкум, забардастмен ва итоаткор, эрмен ва қул. Нигина аввал Бонуга тегишли эди, энди Саҳл бинни Мансурга. Мендан ҳар не ишга мадад сўранг, ҳозирмен, аммо бу ишда ожиз.

Рўдакий (*маъюс, аламзада*).

*Лаб тар макун ба об, ки талх аст дар қадаҳ...
Сув-ла ҳўллама дудогинг, аччиқдур қадаҳда,
Қўлинг тортғил кабобдан заҳарга эгиздур ул.
Қуруқ оғзу ўтли жигар билан четлаб ўтғил,
Олам гулистонин шу тарз тарк қил, бўлмағил қул.*

Сизни мардона киши деб тан олурлар, сиз юнону арабу ажам маърифатини эгаллагансиз, бу фалокатли расму қоидалар итоаткори эмассиз. Ўзингиз айтгандек, одамлилик, мурувват ва адолатни касб қилиб олгансиз, аммо энди... ўзингизни “итоаткор”, дейсиз, “қул” дейсиз! Сиз икки гуноҳсиз жафокашга мадад беришга ожизсиз.

Балъамий (*ўйлаиб*). Рўдакий! Сизнинг мушкулингизга мадад берувчи ягона тадбир шулки, Нигина шу бугун тунда қочади. Уни ўзингиз қочириб юборасиз. У кишлоқларнинг бирида, бирон кампирнинг уйида паноҳ топади. Икки-уч ойдан кейин можаро пасайгач, қизнинг ҳузурига борасиз ва никоҳлаб оласиз. Сипоҳсолорнинг канизак эвазига берган олтину молини қайтариб олишдан ўзга чораси қолмайди, вассалом.

Рўдакий. Мен уни қандай қилиб қочирамен?

Балъамий. Бирон довюрак чапани киши керак, токим сизга мадад берсин. Дўстларингиз орасида шундай киши йўқми?

Рўдакий (*ўйлаб қолиб*). Бор, Акбар Марвазий.

Балъамий. Кейинроқ келинг, кизни қандай қочиршиш режасини айтиб берман.

Парда

Ўнинчи кўриниш

Сарой. Тантанали зиёфат. Наср курсида ўтирибди. Бир томонида Бағдод халифаси вакиллари, иккинчи томонида Фарангистон, Хитой, Киев, Кошгар, Ҳиндистон элчилари. Ҳар бир элчи ўз миллий либосида. Сарой аҳли, саркардалар ва шоирлар. Токчалар ва дастурхонлар устига анвойи гуллар билан гулдонлар қўйилган. Созандалар жўр бўлмоқда. Кейин бир араб шоири чанг, руд, барбат ва най чалмоқда, ҳофизлар овози жўр бўлмоқда. Сўнг бир араб шоири араб тилида сўз бошлайди.

Араб шоири (*Наср ва Балъамийга қарата*). Дуруст, сиз ўз шоирингизнинг янги қасидасини ваъда қилган эдингиз, қани у қасида? Тенги йўқ ажам шоири қайдадур?

Балъамий (*ҳаяжонланиб*). У... бироз нохуш эрди, келадур.

Наср (*Балъамийга газаб билан*). Сиз нима қилиб қўйдингиз? Қани Рўдакий? Қани қасида?

Балъамий (*сиқилган ҳолда*). Бўлади... андак сабр қилайлик.

Наср. Қасида борми-йўқми?

Балъамий. Ҳм... Ҳа, бор... хозир, шу дамда...

Рўдакий кириб келади. Балъамий шод бўлиб, унинг олдига боради.

Келдингизми? (*Паст овоз билан*) Нигинанинг иши нима бўлди?

Рўдакий. Кузатиб қўйдим. Нўшдорингиздан кейин сипоҳсолор қотиб ухлаб ётибди. Менинг Нигинам нажот топди. Мен бу яхшилигингизни ҳеч қачон...

Балъамий. Қасидани ёздингизми?

Рўдакий. Маъзур тутгайсиз, хожайи бузург, шу пайтгача бир лаҳза ҳам бўш вақтим бўлгани йўқ.

Балъамий. Ёзмадингизми? Ахир, ваъда бергандингиз-ку! Мен бундай ваъдасиз эканингизни билмаган эканман. Сиз мени шарманда қилдингиз!

Рўдакий. Хожайи бузург, тинчланинг. Қасида... бўлади, бор!

Балъамий. Бор! Қани? Қаерда?

Рўдакий. Мана бу ерда (*кўксига ишора қилиб*). Юринг.

Балъамий ва Рўдакий зиёфат бўлаётган жойга келдилар.

Шоир амир ва меҳмонларга таъзим қилади.

Наср. Шоир, шароб ичингиз (*қадаҳ тутуди*).

Рўдакий. Подшоҳимнинг саломатликлари учун (*ичади*).

Наср. Бағдодлик бу меҳмоннинг сўзларига қараганда (*халифа вакилига ишора қилади*), буюк араб шуароси, чунончи, Жарир, Тойи, Хассон базму зиёфат мавридида бадиҳа билан шеър тўкиб айтишур эрканлар. Қўлга қоғозу қалам олиб халифанинг кўз олдида қасида битар эканлар. Биз

азиз меҳмонга бундай дедик: “Араб шоирларига таҳсин бўлғай! Бизнинг шоирларимиз бу усулда шеър битмаганлар, чунки биз буюрмаганмиз, аммо агар буюрсак – бажаргусидурлар”. Аё, сиз бизнинг айтганимизни ўринлата олурмисиз?

*Қул ўша заҳотиёқ баркашида қозоз, сиёҳдон ва қалам олиб
келади. Рўдакий баркашни оҳиста суриб қўяди. Чуқур ўй
билан бироз айланиб, зиёфатда ўтирганларни кўзда кечиради.
Амир ва барча меҳмонлар унга тикилиб қарашади.*

Рўдакий (бадиҳа йўли билан ёддан шеър тўқиб ўқийди).

*Шундай гўзал мажлис тузди шахриёр,
Унда анвойи гуллар алвони бор.
Жаннатнинг ноз-неъматини муҳайёдир,
Раёҳин анда фаровон, тахт тайёр.*

(созандаларга қарата)

*Исо барбати, Фаводий гилами,
Мадакнир чанги, найчи-ю чобук ёр.*

Саркардалар қаторига Балъамий келиб ўтиради.

*Бир томонда амирлару Балъамий,
Қари деҳқон Солиҳ, гўзаллар-нигор.
Қулбача шоирга қадаҳ тутади.
Май тутади хуштавозе гулом
Сарвқомат гўзаллар бўлиб дастёр.
Биллур қадаҳни қўлида тутиб:
Биллур қадаҳда кўрарман шаробни
Дерсен: илму ҳикматда гар боиласа суҳбат,
Дерсен: илму ҳикматда Луқмонча бор.
Одобга ақду ҳикмат эши бўлгандек,
Ақду ҳикматга эши-одоб даркор.
Илму ҳикматда гўё ул бир тоғдир,
Сайём тоғи тенглашолмай, қилур ор.
Душмани гар аждардур, найзаси
Маҳв этиб бир зумда келтирур тор-мор.
Улуғдир безавол Рустамнинг номи,
Шоҳ ила бўлғуси яна барқарор
Чину ҳинду ажамдан келган меҳмон
Топар иззат-икром, ардоқлар Бухоро.
Бугунги Бухоро гўё Бағдоддур,
Пойтахти нуришавкату улуғвор.
Мадҳ этмоққа аён этдим қудратим
Яна кўп сўз, маъно кутар – умидвор.
Шеърда бўлсам Жарир Тоию Хассон,
Лек шоҳ мадҳига боз урурман қарздор.*

Мажлис аҳли (*ғала-говур кўтарилади. Ўтирганларнинг кўпи оёққа туради*). Таҳсин, офарин! Сўзамоллигу шеър тўқишни котириб юбордингиз!

Ҳинд элчиси. Балли, балли, балли!

Хитой элчиси. Жуда соз, жуда соз!

Киев элчиси. Бухоро ўзининг ушбу шоири билан фахр қилишга ҳақлидур.

Фарангистон элчиси. Даргоҳида шундай шоири, хос вассофи-қасиданависи бўлган подшо улуг ва бахтиёр подшодур.

Наср (*халифа вакилига шоирни кўрсатиб*). Қалай, қандай?

Халифа вакили. Беназир! Мўъжиза! Ҳеч қачон бундай шоирни кўрган эмасман.

Бальямий. Подшоҳим. Бу асрда на арабу ва на ажамда Рўдакий билан тенглаша оладурғон шоир йўқдур.

Устод (*Рўдакийга*). Сўзамоллик майдонида – мушоирада сиз ғолиб чикдингиз, мен сизга тан бердим!

Наср. Бизнинг ҳузуримизда сўз ва сўз устасининг кадр-қиммати юксақдир. Биз шоирга қирқ минг дирҳам ато қилурмиз. Рўдакий, шу бугундан бошлаб сиз сарой шоирлари сардорисиз! Сарпо келтирингиз! Олтин-кумуш сочингиз!

Шовқин-сурон ва мажлис аҳлининг таҳсини офарин садолари остида Рўдакийга хилъат – фахрли чопон кийгизиб, бошидан халтачалаб олтин-кумуш сочишади. Эшикдан Маж кириб келади, ҳаяжон ва паришонлик билан бир четда мунтазир бўлиб туради.

Наср (*курсидан туради*). Хожайи бузург, меҳмонларни сайру томошага даъват этингиз.

Бальямий. Азиз меҳмонлар, лутфан ташриф буюргайсиз, от чопару найзабозликни томоша этингиз.

Ҳамма чиқиб кетади. Маж Рўдакийнинг орқасидан етиб келиб, уни тўхтатади. Саҳнада фақат иккиси қолишади.

Рўдакий (*Мажнинг вазиятидан хавотирга тушиб*). Нима хабар, Маж?

Маж қўли билан юзини бекитади.

Нигина қўлга тушди, шундайми?

Маж тасдиқ аломати билан бошини қимирлатади, гапиришга мажоли етмайди.

Ҳазиллашасиз!... Кейинги вақтларда сиз хийла шўх бўлгансиз. Маж!.. Айтинг, ҳазил қилдим, денг! Эй худойим! Кошки сиз мен билан бир дафъа ҳазил қилсангиз эди?.. Ахир, тезроқ гапиринг! Қачон? Қаерда? Сизга ким айтди?

Маж. Акбар Марвазий айтди. У ҳали-ҳозиргина яширинча менинг уйимга келди. Сипоҳсолорнинг куллари даштда ҳар икковини қўлга туширишибди. Нигина ханжар билан ўзини ҳалок этибдур. Акбарни боғлаб олиб, судраб кетишибди, аммо йўлда у ўзини жарликка ташлаб қочибдур.

Рўдакий. Кошки ер ёрилиб, қаърига тортса, қора тупроқ мени маҳв этса.

*Оҳ бу шум замона жабридин оҳ-уҳ,
Бир шодлик кетидан юз гаму андуҳ.*

Парда

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Ўн биринчи кўриниш

Рўдакийнинг Бухородаги ҳовлиси. Айвон. Хонтахтанинг устида бир нечта китоб, тарқоқ қозоғ варақлари ва сиёҳдон. Нарироқда иккинчи хонтахта. Унда кексайган Маж китобат билан машғул. Кўчадан жарчининг шовқинли овози: “Мусулмонлар, кимда-ким кофир қарматийларни билса-ю уларни маълум қилмаса, ўзи зиндон қилинади, молу мулки подшоҳликка ўтқазилади”.

Маж. Яна бошланди! Бу ур-йиқит қачон тугайди?

Орифий ва Шақурий кириб, салом берадилар.

Шақурий. Устод уйдадилар?

Маж уй томонни кўрсатиб, қўли билан лабини тўсиб, баланд гапирмасликка ишора қилади.

Шақурий. Замонанинг Заҳхоки қарматийлар қонини тўкмоқчи.

Маж. Қарматийларни ўлдириб тугатганлари йўқми?

Шақурий. Кимнинг афт-ангори бу хоин саркардалар ва дин шарият соҳибларига маъқул бўлмаса, у кишини қарматий деб ҳисоблашади.

Орифий (ўз-ўзича мисра тўқийди). “Хоин саркардалару бедин дин соҳиблари”.

Шақурий (уй томонни кўрсатиб). Устоднинг кайфияти қандай?..

Маж. Эргалабдан бери уйдан чиқмайдулар. Ортиқ ғамгин. Ахир, шунча ёр-дўстлари кирилиб нобуд бўлиб кетди.

Орифий. Қонга ташна Заҳхоку бу йиртқишлар тўдаси...

Шақурий (Рўдакийнинг хонтахтасидаги варақлардан ўқийди).

Димнадин сўрдилар, недур бу бонгнинг маъноси?

Толону яғмо, ваҳм солган кимнинг замонаси?

Манзум – шеърини “Калила ва Димна”. Устоднинг чидаму ҳафсаласига қойилмен. Шундай алғов-далғов бир замонда ҳам қўлларига қалам оладилар, шеър битадилар.

Маж. Худо у кишига куч-қувват бағишласа, бирор ойдан кейин “Калила ва Димна”ни шеърга айлантириб тугатгайлар.

Орифий.

Ва бу йиртқишлар тўдаси

Фаредун мулкин бўлиб ҳукмрони-ю эгаси.

Шақурий (Мажнинг дафтариини кўриб). Уни китобат қилмоқни бошлаб



юборибсиз, шекилли? Мусаввар¹ китоб. Бу ажойиб расму суратларни ким нақш этди?

Маж. Чин наққоши.

Шакурий. Баҳ-баҳ! Орифий, шеър битишни тўхтатинг-да, бу ажойиботни томоша қилинг. Бу йўлбарс ҳозир китоб саҳифасидан чиқиб, сизу менга ҳамла қилиб, ёриб ташламоқчи. (*Мажга*) Қайси Чин наққоши?

Маж. Наққош деманг, иккинчи Моний деб атанг!

Шакурий. Бу ўша наққошки, бу ярамас амир...

Маж (*қўрқиб*). Секинрок, Шакурий!

Шакурий. Ярамасдур! Бу хоин саркардалар ва бу худобехабар дину шариатфурушлар фитнаси билан ўз отасини тахтдан ағдариб ташлади; донишманд Балъамийнинг ўрнига бу аблаҳ зоҳид Суламийни ўтқизди.

Орифий. Хайр, майли, бу қадар эзма бўлманг, Шакурий. (*Мажга*) Хўш, у қайси “иккинчи Моний” экан?

Маж. Уни Нухнинг қаллиғи – Чин хоқонининг қизи ўзи билан бирга Бухорога ҳамроҳ қилиб келган эди. Рўдакий саройда юрган кезлари бу наққошга “Калила ва Димна”ни ҳикоя қилиб берган эди, завқ-шавққа тўлган наққош бир ҳафта давомида ишлаб, жонзотлар сурати билан китобга зийнат берди.

Орифий. Ажойиб ишу ҳодисалар. Ижод қилгувчи Ҳиндистон халқи, шеър ёзувчи – Бухоро шоири, зийнатловчи – Чин наққоши. Дарҳақиқат, илму ҳунар на дину мазҳаб, на насабу миллат ва на сарҳадларни, ҳеч қайсини тан олмайди, фақат инсонни тан олади. Ҳиндуни форсга қариндош этади, хитой – ҳиндуга биродар.

Уйдан қариган Рўдакий чиқиб келади. Ёш шоирлар таъзим бажо келтирадилар.

Рўдакий. Ўтирингиз. (*Мажга*) Мен яқиндагина Нигина билан учрашдим. Мудраб қолган эканман, у тушимга кирди. Айнан ўша кундагидек қиёфада...

Кўчада шовқин-сурон, тўполон. Садолар: “Ушланг! Уринг! Бу ярамас қарматю исмоилийларнинг қони сиз учун ҳалолдир!”

Шакурий ва Орифий югуриб кўчага чиқадилар ва тезда қайтиб қирадилар.

Шакурий (*изтиробда*). Фароловийни олиб кетдилар.

Рўдакий дарду алам билан бошини қуйи эгади.

Орифий. Нима қилмоқ керак, устод? Агар шундай давом этаверса, эрта-индин сизни ҳам, бизни ҳам...

Рўдакий. Ҳақдин ноумид бўлмангиз, ҳақ ўз ўрнини топғуси. (*Қутичадан қўлғезма варақларни олиб*) Шеърларингни ўқидим, Шакурий. Рост айтамен, яхши шеърлар. Сен панду ҳикматга нисбатан ҳажвда ўткирроқсен. Чунончи, Орифий қасидага нисбатан ғазалда устароқ бўлганидек. (*Маъюслик билан*) Шаҳид ва Муродий дунёдан ўтгандан кейин мен хийла маъюс бўлиб қолган эдим. Энди ҳар қачонким, менинг ҳузуримга бирон ёш шоир яхши бир

¹ Мусаввар – зебу зийнатланган, кўркам.

шеъри билан келиб қолса, ўзимда йўқ шод бўламен. Мана иккинчи Шаҳид ё иккинчи Муродий етишди дейман! Иншооллоҳ, бизнинг шоирларимиз улуғ ижодий ишларни амалга ошириб, мўъжизалар кўрсатгайлар. Жаҳри дарий тилидаги шеъриятни севиб, ардоқлаб қолажак. Сўзнинг қадрига етингиз. Шоир ҳам деҳқонга монанддир: у жаҳонга яхшилик ва тўғрилиқ уруғини сепади. *(Қалб ҳаяжони ва изтиробини босолмай, ҳайқуриқ билан)* Ўз шеърларингиз билан тош қалбларни юмшатиңгиз, совуқ мажлисларни қизитиңгиз! Йўқсилларга мадад берингиз, ситамгарларни сарнигун этиңгиз!

Акбар Марвазий кириб келади. Иссиқ-совуқ, яхши-ёмонни кўрган бу жанговар шахс хийла қариган бўлса ҳам ҳамон бақувват кўринади.

Акбар. Ассалому алайкум!
Маж. Акбар? Акбар Марвазий?

Акбар нотаниш ёшлардан хавфсираб, салласининг пеши билан юзини беркитади. Маж ўрнидан туриб, Акбарнинг олдига бориб, у билан қучоқлашиб кўришади.

Бу ёшлардан хавфсираманг, Акбар, булар шогирдларимиз ва садоқатли дўстларимиздурлар. Шунча йиллар давомида қаерда эдингиз? Қаердан келаётирсиз? Марҳамат, ўтириңгиз.

Акбар Марвазий. Фурсатим йўқ, хожа. *(Хавфсираб эшик томонга қарайди)*. Бир мулла изимга тушди, айғоқчи бўлса керак, деб хавфсирайман. Саргузаштларим узундан-узоқ, хожа. Мен Хуросонда эрдим. Тўрт ғалаён, уч қатла зиндондан қочмоқ, амир ва ҳоким лашкари билан олти марта жанг... Сўзнинг қисқаси, мен халқ учун адолат истадим. Яхё Сомоний Бухорога лашкар тортиб келмоқда, мен у билан биргамен. Шаҳарга эса у билан яширин кириб келдим. Шу бугун тунда ғалаён кўтарилади. Ё ўлим, ё нажот. Шаҳарда кўп лашкарим бор... Ҳа, шундай. Темирчи, мисгар, мешкоб, новвой, отбоқар-сайис, ўтинчи – ҳаммаси менинг лашкаримдур. Хожа! Сиз, ҳар эҳтимолга қарши, бугун шаҳардан ташқарига чиқиб кетинг. Алғов-далғов чоғи ҳаётиңгиз хатарда қолмасин.

Тўсатдан ҳовлига саройнинг катта лавозимига чиққан, қариб қолган Жунайд бошчилигида қуролланган сарбозлар ва мулла бостириб киришади.

Мулла. Ана, исёнчи Акбар!

Акбар сакраб ўрнидан туради, чакмони тагидан боғлаб олган қиличига қўл узатади...

Жунайд. Ҳа, эски “ошнам”!.. Мени танидингми?

Акбар. Танидим. Кучук эдинг, энди қари ит бўлибсен. Ҳали ҳам Саҳл бинни Мансурнинг итялоғи бўлсанг керак?

Жунайд. Ўғри! Қароқчи! Мен ажалинганман! Икки қатла кўлимдан кутулиб қолдинг. Энди бу дафъа кутулолмайсен! Таслим бўл, ярамас.

Акбар. Сенгами! Зинҳор! Эшитганинг борми, шер итга таслим бўлганми?

Жунайд (*қулларга*). Бу малъунни олингиз!

Акбарга ҳамла қилишади, ўртада қиличбозлик бўлади.

Рўдакий (*орага кириб*). Кўл тортингиз! (*Жунайдга*) Менинг уйимда адолатсизлик қилишингизга йўл бермаймен! Акбар менинг меҳмоним ва паноҳимдур. Ҳозирок уйимдан чиқиб кетинг!

Жунайд (*истеҳзо билан*). Бундай оҳангда гапиришга қандай журъат қилдингиз? Ҳамон ўзингизни сарой шоири деб ҳисоблаяпсизми? Сиз аллақачон саройдан қувилгансиз, азиз хоҷам. Давру давронингиз ўтиб кетди. Сизга пушту паноҳ бўлган амир зиндонда ётибди. Ҳомийингиз Балъамий бўлса, жонини ўйлаб, қочиб қолди. Энди давру даврон бизники. Нух – подшоҳимиз, Саҳл бинни Мансур саркардамиздур. Сиз тугагансиз, хожа, сизда қуруқ жасад қолган, холос.

Акбар (*қилични ўпиб, Рўдакийнинг оёғи остига қўяди*). Афв этинг, хоҷам. Худо шоҳидим, ҳузурингизга соф қалб билан келган эдим. Сиз мени афв этсангиз, бас, шунда мен на дордан кўрқамен, на жаллоднинг тиғидан.

Рўдакий. Сиз бегуноҳсиз, Акбар.

Жунайд (*Рўдакийга*). Энди каминага исёнчилар билан алоқадорлигингиз тамомила равшан бўлди. Шаҳарни кўриқлаш вазифаси зиммамга юклатилган эди. Бинобарин, мен сизни сарой маҳкамасига олиб бормоғим лозим. Сиз амирнинг ўзига жавоб берурсиз.

Маж (*гавдаси билан шоирни тўсади, Жунайдга қарата*). Шарм эт, адолатсиз! Худодан кўрқ!

Орифий. Агар шундай бўлса бизни ҳам бирга олиб боринг.

Шакурий. Аввал бизни ўлдилинг, кейин устодни олиб кетинг!

Рўдакий. Кўйингиз, мен ўзим борамен! Мен додхоҳмен, адолат талаб этгувчимен. Мен бу адолатсизликларга қарши амирнинг кўзини очамен! (*Жунайдга*) Олиб боринг мени, мен тайёрмен.

Жунайд Рўдакий ва Акбарни олдига солиб, олиб чиқиб кетади.

Парда

Ўн иккинчи кўриниш

Сарой. Амир Нух, Саҳл бинни Мансур, вазир Сулабий, Жунайд,

устод – сарой шоирларининг собиқ сардори, сарой аҳли.

Ўртада Рўдакий турибди. Эшик орқасидан, саройга туташ айвондан халқнинг гала-говур садолари эшитилиб турибди.

Ойтош. Халқ борган сари кўпаймоқда. “Рўдакийни озод этмагунча, биз кетмаймиз!” деб ғовға солмоқда.

Саҳл (*газабда Жунайдга Рўдакийни кўрсатиб*). Нега сен уни куппакундуз куни раста-ю бозор айлантириб олиб келдинг? Ҳеч кимса кўрмаслиги учун кечаси олиб келиш лозим эди!

Нух. Халқнинг Рўдакийда нима иши бор экан? Рўдакий бизнинг битта

кулимиздур, биз уни қандай жазоласак, ҳақимиз бор.

Собиқ Устод. Тавба қилинг, Рўдакий, тавба қилинг. Подшоҳим гуноҳингизни кечиргайлар.

Рўдакий хомуш.

Нух (Рўдакийга). Сен исёнчиларни қўллайсенми? Итоатсизлар, оёкяланг безорилар тарафини оласенми?!

Сулабий. Подшоҳимнинг душманлари билан дўстлик қиласенми?

Саҳл. Бу киши аввалдан ҳам қарматийларнинг хайрихоҳи эди!

Сулабий. Зотига тортади, подшоҳим. Аччиқ дарахтни шакаробу бол билан парвариш қилсалар ҳам барибир меваси аччиқ бўлади.

Нух (Рўдакийга). Сен бир саҳройи эдинг, бир қишлоқи гадо эдинг. Сомонийлар хонадони сени шундай баланд мартабага етказди, энди сен яхшиликка ёмонлик қиласенми?

Собиқ Устод. Ахир, тавба қилинг, ер ўпинг.

Рўдакий. Амирим, сомонийларнинг менга нисбатан лутфу марҳамати улуғдир. Мен бу улуғ хонадон неъматига ташаккур қилишга вожибмен. Аммо бу бахтиқаро кишилар, бало домига тушганлар, хору забун бўлиб, қатлу торожга маҳкум этилган кишиларки, сиз уларни қарматий, итоатсиз, мазҳаби бузук деб атайсиз. Аслида гуноҳсиздурлар! Худо шоҳид, гуноҳсиздурлар. Агар алардин кимнингдур гуноҳи бўлса (*амир атрофидагиларга ишора қилиб*), гуноҳи шуларнинг бўйнидадур. Чунки уларнинг оғирдан-оғир хирож солиши ва шафқатсизлик билан мол-мулкни мусодара қилиши оқибатида пичоқ халқнинг суягига бориб тақалди!

Ҳозир бўлганлар гавго солишади.

Ойтош. Тилингни тий, шоир, густоҳлигинг ҳаддан ошди!

Рўдакий. Сизнинг қаршингизда ҳақ сўз – густоҳлик-андишасизликдир. Халойиқ адолат талаб этиб жон бермоқда, қиёмат қойим бўлмоқда. Халойиқнинг мардлиги ва қахрамонлиги олдида менинг густоҳлигим ҳеч гап эмас.

Сулабий. Эй Худойим, саройнинг битта кули подшоҳи аъзамнинг бетига қараб шундай сўзларни айтса-ю, яна жазосиз қолса. Кошки мен кўр, кар бўлсайдим. Буни кўрмаган ва эшитмаган бўлардим!

Нух (даргазаб бўлиб ўрнидан туради. Рўдакий ҳақида фармон беришга шайланади. Аммо шу аснода майдондан халқнинг гала-говури эшитилади. Амир деразадан ташқарига қарайди, сиқилади, иккиланиб қолади. Сулабийга мурожат қилиб сўрайди). Сизнинг раъингиз недур, вазир!

Сулабий (чўзиб гапирди). Подшоҳим адлу инсофда улуғдурлар, фазлу донишда – мукамал. Подшоҳимнинг ҳар бир сўзлари дарвешларга нажот, ғамгинларга фароғат, бахтсизларга озодликдур. Кимки, бу ҳақиқатни инкор этса, малъун ва ярамасдур...

Нух (тоқатсизланиб). Қисқа қилинг!

Сулабий. Шоир Рўдакий неъматга нисбатан онкўрлик қилишни ўзига шиор қилиб олди, у бу олий даргоҳни қоралайди. У бир шеърида: “*Чи нишинини ба даргаҳаши ҳамвор, Ки ҳама кори ў на ҳамвор аст*”, дейди. Яъни подшоҳимнинг барча ишлари бир текис эмас, носавоб ва саҳву хатодир.

Яна айтурки: “Унинг билими яхши эмас, чехраси ҳам”. Эшитдингизми?.. “Зишткирдору хубадор аст”, яъни “дийдори яхши бўлса-да, кирдори тубандур” ва...

Нух. Бас, етади!

Майдонда халқ гавгоси.

Саҳл. Халқ хайикмайдиган бўлиб колибдур, амирим. Халқнинг кўзини кўрқитиб кўйиш лозим.

Нух. Халқни тарқатиб юборинг!

Ойтош югуриб чиқиб кетади.

Рўдакий: Тўхтанг!.. Гуноҳсизлар конидан кўрқинг!.. *(Амирга)*

Гар тоғ ба даст ори, мардум нотаваон кушт!

Дар пеши худованд бади нест фаромушт!..

Ўлдирмоқчун бировларни қўлингга тиг тутма,

Ёмонлиқни унутмас худо, буни унутма!..

Нух. Бу хоиннинг сазоси...

Собиқ Устод *(кўрқув ва даҳшат билан).* Подшоҳим, раҳм қилинг! Адолат қилинг! Шоирга ситамни раво кўрманг!..

Саҳл *(Собиқ Устодга).* Сизга нима бўлди? Бир вақтлар Рўдакийни кўрарга кўзингиз йўқ эди. Унинг ортидан ғийбату бўхтон тарқатиб юардингиз!

Собиқ Устод. Мен пушаймонмен, юз марта пушаймонмен. Мен кўр эканмен. Рўдакий мислсиз, тенгсиздур! Мен тугал иқроор этаменки, у шоирлар соҳибқирони – подшоси экан! Улуғ устод экан! Ахир, форс шеърияти пойдеворини курган ҳам, дарий тилидаги шеъриятни салтанат тахтига олиб чиққан ҳам шу Рўдакийдир!...

Нух. Бу кўрнамакни... *(Майдондаги халқнинг гавгосини эшитиб яна иккиланиб қолади).*

Сулабий. Зиндон қилмоқ даркор!

Саҳл. Яхшиси, бошини дорга осмоқ!

Собиқ Устод *(ийлаган ҳолда).* Подшоҳим, адолат қилинг.

Саҳл. Хоинларга жазо бериш айни адолатдир.

Нух. Саҳл бинни Мансур! Биз гуноҳқорни сизга топширдик. Қандай жазо лозим бўлса, шундай қилинг.

Саҳл *(Рўдакийга яқинроқ бориб).* Энди сен менинг қўлимдасен. Мен узоқ йиллар шу соатни интизор бўлиб кутар эдим.

Рўдакий. Сен, Саҳл, шоир ҳазар қиладиган ҳар қандай ярамас нарсадан ҳам ярамасроқ ва разилроқдурсен.

Саҳл. Сен ҳали бу сўзларингга ҳам жавоб берғусидурсен. Сен бугун Саҳл бинни Мансурнинг кимлигини, унинг ўчи нималигини билиб оласен. Мен бугун “хўкиз ва булбул”, Дабусия хирожи, “тул хотинлар чироғи пилиги”ни сенга кўрсатиб кўямен. Нигинанинг қасосини сендан олурмен, ҳаёт-мамотинг энди қўлимдадур.

Рўдакий. Менинг ҳаётимни мендан олмоқ истайсен? *(Истеҳзо билан кулади).* Кечикдинг, Саҳл, ғафлатда қолдинг! Ҳаётим аллақачонлар шеърларимга, китобларимга кўчиб ўтган. Сен энди нимани ололасен? Шоирнинг ҳаётини, унинг қисматини подшоҳлар ҳам ўз ҳукмларига тобеъ қилолмайдилар, сенга ўхшаш қонхўр жаллодларга йўл бўлсин.

Саҳл (*газабланиб*). Олинг уни!

Саҳлнинг ишорати билан дарборлар Рўдакийга ётишиб, судраб-судраб бошқа хонага олиб чиқиб кетадилар. Собиқ Устод ерга йиқилиб, дарборларнинг этагидан ушлаб, дод солади, бироқ улар бунга эътибор бермай, ўтиб кетадилар. Шоирни олиб кирган хонадан жигарни эзувчи қисқа бир нола – фигон чиқади. Бироздан кейин дарборлар орқалари билан юриб хонадан чиқадилар ва Рўдакий қонга булганган дастрўмол билан кўзларини беркитиб олиб, каловланиб-каловланиб чиқиб келади.

Рўдакий (*дард билан*). Бошимдаги кўзимни кўр қилдилар. Худойим, энди қалбим кўзини очғил, уни мунаввар қилғил.

Саҳл, Суламий, дарборлар ўз жинойтларидан даҳшатга тушиб, юриб келаётган Рўдакийдан кўрқиб, ваҳм қилиб, орқалари билан тисарилиб деворга туташиб қоладилар.

Парда

Ўн учинчи кўриниш

Рўдакийнинг ҳовлиси. Айвонда Рўдакий, Маж (хонтахта олдидан), Орифий, Шакурый, Собиқ Устод.

Рўдакий. Ёздингизми, Маж?

Маж. Ёздим.

Рўдакий. Яна бир неча байт айтамен, шу билан дoston тугалланади... Нима десам экан?.. “Калила ва Димна” – ҳаётнинг билимномасидур. Мен жаҳонни ўзгача кўрамен. Бошим кўзини босиб олдилар, қалбимнинг кўзи очилди. Мен мунавварроқ кўрадиган бўлиб қолдим. Ҳа, куёшнинг дийдорини кўрмоқ учун қоронғи тунни сабр-бардош билан ўтказмоқ керак. Жаҳон ҳомиладур. У янги турмуш, янги режалар тукқуси. Шод бўлиб, умидвор бўлиб яшамоқ даркор. Ҳаёт раҳмсиздур, каттиққўлдур. Аммо у устоддур, мураббийдур...

Навкарлари ҳамроҳлигида амалдор кириб келади.

Амалдор (*Мажга*). Вазирнинг фармони билан мен мусодара...

Маж (*нафрат билан секингина*). Тинчланинг! Мусодара қилинг, аммо халақит берманг!

Амалдорнинг навкарлари шоир уйидаги буюмларни йиғиштириб, олиб чиқиб кета бошлайдилар. Орифий ва Шакурый шоирнинг китобларини талон-тороғ қилишдан сақлаб қоладилар.

Рўдакий. Барча мамлакатларнинг оқиллари ҳамма тилларда ҳаётни ўрганиб, уни азиз тутиб, ҳаёт билимини зарра-зарра жам этиб, дарахтларнинг барг ва пўстлоқларига битганлар. Чармга, тошларга нақш этганлар ва ниҳоят китобат қилганлар. Тоқим кишилар ўрганиб чиксунлар, ўғит олсунлар деб. Мен ҳаёт билимини, турмуш ўғитини шарафлаймен.

Ёзинг, Маж!

*То жаҳон буд аз сари мардум фароз...
Одамдан юқори тураркан олам,
Билим оширмоққа муҳтождур одам.
Ақлли кишилар ҳар қайси тилда
Ҳар қандай замонда, ҳар қайси хилда
Билимларни тўплаб, ҳурмат этдилар,
Тошларга нақи этиб, битиб кетдилар:
“Одамлар қалбининг чирози билим,
Ёмондан сақланиш яроғи билим.
Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим”¹.*

Мана шу билан менинг дostonим поёнига етди... Маж... Улар....
Мусодара қилдиларми?

Маж. Ҳамма нарсани олиб кетдилар, ҳеч нарса қолмади.

Рўдакий (*қаттиқ тоқатсизланиб*). Нима? Китобларниямми?

Маж. Китобларингиз қолди, ҳаммаси олдингизда.

Рўдакий (*китобларни пайпаслаб ушлаб, тинчланади, кулади*). Эшак мунчокни олиб кетибди, дурлар қолибдур. Йўқ! Бу жаҳолат! Сувга чизилган нақш! Мен бечора эмасмен (*китобларни пайпаслаб ушлайди*). Бу менинг тўплаган бойлигим, безавол хазинам! Рўдакий ғазалиёти. Рўдакий қасидалари. Рўдакий рубоийлари. Рўдакий “Панднома”си. Рўдакийнинг “Калила ва Димна”си. Бу менинг ному нишонимдур. Менинг мангу ҳаётимдур. Мен буларнинг ҳаммасини кишиларга, мени севган ва севувчи кишиларга армуғон этамен. Мен кимсасизменми? Йўқ. Жафокаш халқим бор, унинг қалби менинг уйим, маконим. Ҳасса келтиринг, мен ўз маконимга – халқимга борамен!..

Парда

ҲИКМАТЛАР

Фақат аёлгина вақтни вақтинча тўхтатиб тура олади.

Юзеф БУЛАТОВИЧ

Ҳақиқий маданият аёлга бўлган муносабат билан ўлчанади.

Максим ГОРЬКИЙ

Севган аёл ҳаммасини кечиради, аммо ҳеч нарсани унутмайди.

Жаброн ХАЛИЛ

Мафтункорлик – савол бермай турибоқ “ха” дея жавоб олиш
усулидир.

Альбер КАМЮ

*Рус тилидан Шодмон ОТАБЕК
таржимаси*

¹ Рўдакий. Танланган асарлар. М.Муинзода таржимаси. – Т., 1957. 103-бет.

SHE'RIYAT MINTAQALARI

Анна СВЕРШИНСКАЯ

(1909–1984)

*Рус тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси*

Таниқли поляк адібаси. Насрий асарлар муаллифи. Бадиий таржима билан ҳам шуғулланган. Польшанинг бир қатор адабий мукофотлари билан тақдирланган.

ҲАРАКАТ

*Мен чиқаман, мен кираман
бир макондан бир маконга.
Мен чиқаман, мен кираман
бир замондан бир замонга.*

*Мен чиқаман, мен кираман
бир сабабдан бир сабабга.
Кириб-чиқиб
сезмай қолдим
аллақачон мен
йўқ – мен
йўқ.*

МАКОН

*Мен маконман,
кимсасиз макон.
Ўтинаман,
ҳеч кимни кўчирманг менга.
Менга ҳеч нарсани ташиб келтирманг,
ҳеч нимани жойлаштирманг.
На курсини,
на якшианбада дам олиш умидини,
на карра жадвалини,
на нишон-мўлжални,
на йўл ҳаракати қоидасини,
на исмни, ёшни, на жинсни.*

*На борлиқни титратган даврни,
на инсонга мансубликни, халқни, қавмни.*

*Мен маконман,
кимсасиз макон.*

* Манба: Свиришинская А. Польские поэты. –М.: Радуга, 1990.

*Менга асло одам кўчирманг,
жиҳозларни жойлаштирманг,
ҳеч нарсани тиқиштирманг,
топганингизни ташиб тўлдирманг.*

*Мен маконман,
топ-тоза макон.
Ҳар жиҳатдан юксакман,
шодман.
Ҳар нарсадан холи,
озодман.*

АСКАР НИДОСИ

*Майли, сенинг ўқинг мундиримни тешиб,
юрагимга тегсин,
мени ўлдиролмайсан, душман.*

*Майли, сенинг снарядинг тилка-пора қилсин
танамни,
мени ўлдиролмайсан, душман.*

ЎҚНИ ТЕЖАШ КЕРАК

*– Гранаталар тугади, – деди майор.
– Ўқни тежаш керак, – уқтирар майор.*

*Ёш йигитлар жонини тежаш шарт эмас.
Ахир, гранаталар ва ўқлар тугаганда
уларнинг жасаидан
баррикадалар қуриши мумкин.*

Елисавета БАГРЯНА

(1893–1991)

Болгариялик шоира ва таржимон, болалар ва ўсмирларга атаб ёзилган кўплаб китоблар муаллифи. Димитров номидаги миллий адабиёт мукофоти совриндори.

ҚУДУҚ

*Кичик қўрғонимнинг юраги –
майдон бурчагидаги қудуқ,
уч туп қайин ўртасидаги,
айри танали қарагай
остидаги айлана қудуқ.
Қишининг қаҳратонида илиқ сувли,
ёзнинг саратонида совуқ сувли
қутли қудуқ.*

* Манба: Багряна Е. Стихи. –М., 1979.

Тонгда оптоқ,
шомда қорамтир
шуъла сочиб сунмайдиган,
мисли чамбарак ойна,
тош гардишли ялтироқ кўзгу,
қудуқ кўзи
юмилмас мангу.

Оғир қопқоқ билан ёпилган кўзгу.
Унинг қопқоғини очсам чошгоҳда,
қуёш нури ўйнар шишадек сувда,
тиниқ осмонда учади қушлар,
настарин рангин сепар жануб шамоли.
Унинг қопқоғини очсам оқшомда,
булутлар сузади кумушдек сувда,
тилло лаган ташлайди
қудуқнинг тубига ой,
кўкдаги юлдузлардан
томчилар биллур кўз ёш,
нур тарала бошлайди
қудуқдаги осмондан.

О, менинг қудугим,
тиниқ,
теран,
бедор,
ҳамиша уйгоқ.

Қудуқ хотирасида
одамларнинг қадам товуши,
йиғи-сиги, ўйин-кулги,
болаларнинг шод қийқириғи,
шивир-шивир севги изҳори,
тўй-маърака гала-говури.
Шу қудуқдан тортиб олинган сувдан –
шу қудуқдан тошиб чиққан зиёдан
жон киради беҳол танамга,
вужудимга киради мадор,
юрагимга қувват киради.
Руҳимга куч,
томиримга қон
қишининг қаҳратонида илиқ сувли,
ёзнинг саратонида совуқ сувли
қутли қудуқ.

Бироқ сен билармидинг,
қудуқ қазмоқ –
нақадар оғир юмуш?
Ернинг заранг қатламин ўймоқ,
қумли, тошли ерларни қазмоқ,
тиг ўтмас, берч лойни кавламоқ?
Кимга зарил бу?!

Қудуқнинг кўзини очгунимча то,
ер остидан булоқ топгунимча то,
мен қазиган тупроқ тоғ бўлиб кетди,
мен кавлаган тошлар тоғ бўлиб кетди.

Таниши ва нотаниши кишилар бир тўп,
жуда қизиқувчан,
томошабин халқ
бир зумда бошимда тўпланиб олиб,
менга танбеҳ беришиди:
– Водопровод бор-ку уйингда, ахир,
сенга нега зарил ўзи бу қудуқ?!

Беихтиёр қимтиниб,
ногаҳон ўзимни ҳис этиб айбдор,
одамларга очдим секин кўнглимни:
Сливенни¹ эслатади менга бу қудуқ,
бахтиёр дамларимни,
илк жўшқинлик севинчини,
илк тўлқинлар оҳангини
ҳис этарман ёдимда такрор.

Халқ деди: “Бу хаёл. Шеърият!”
Мазах қилиб кулди одамлар.
Бироқ қурғоқчилик келгач тўсатдан
қуриб қолди кўллар, ариқлар,
кранлардан сув оқмай кўйди,
жўмрақлардан жилдирамас сув.
Мени мазах қилган ўша одамлар
чопиб келди дарҳол қудуқ бошига,
қудуқдан муздек сув тортиб олишиб,
сув ичиб, чанқоғин қондирди улар.

Сўнг тўсатдан жуда қаттиқ келди қиш,
сув оққан ариқлар музлади-қолди –
қўрғошин қувурлар,
чўян қувурлар
дарз кетди,
ёрилиб кетди совуқдан.
Ҳамма нарса жонсиз тўнғеди, музлади.
Бироқ тирик эди биргина қудуқ,
тирик эди унинг тубидаги сув.
Фақатгина қудуқ оларди нафас,
оғзидан чиқариб қайноққина буг.
Илиққина сув ичдим
ёшлик чоғимда
Сливендаги эски қудуқдан
илк бора ичганимдек
ишонч,
Эътиқод.

¹ Сливен – Болгариядаги шаҳар.

Лилияна СТЕФАНОВА

(1929 йилда туғилган)

Болгар шоираси. Россия, Англия ва АҚШ олий ўқув даргоҳларида таҳсил олган. Фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган. “Келажак нидоси” (1969), “Қуёш бўсаси” (1970), “Шивир ва фарёд” (1984) сингари шеърий китоблари нашр қилинган.

ОЛИСЛАРГА КЕТСАК БИЗ АГАР

Йироқ-йироқ кетсак биз агар,
Олислашсак катта нарсадан,
Кичиклашиб борар тобора
У нақадар катта бўлса ҳам.
Тог чўққиси,
Эски минора,
Каҳрабо жўхориюялар,
Яйдоқ-яйдоқ далалар
Зарраларга айланиб борар.
Фақат сен, Она Ватан,
Олисларга кетсам бағрингдан,
Катталлашиб,
Буюклашиб борасан,
Тобора
Бепоёнлашиб,
Улканлашиб кетасан.

Йироқ-йироқ кетсак биз агар,
Олислашсак аниқ нарсадан,
Тог чўққисидан,
Эски минорадан,
Каҳрабо жўхориюялардан,
Кузги бўм-бўи далалардан
Олислашиб кетсак,
Улар йўқотар илк қиёфаларин,
Тутундек ёйлиб кетар,
Қор каби эриб кетар,
Тумандек тарқалар,
Нафармон кенгликка сингиб
Йўқолар.
Фақат сен, Она-Ватан,
Олисларга кетсам бағрингдан,
Аниқлашиб борар қиёфанг,

Ёрқинланиб, равшанланиб кетасан,
Булоқ сувларидек тиниқлашасан,
Кўм-кўк далалардек мусаффо,
Кўклам ёмғирида самода
Камалакдек жилоланасан.
Йироқ-йироқ кетсак биз агар,
Олислашсак баланд товушдан,
Дехқонлар қўшиғидан,
Паровозлар чинқиригидан,
Тоглардан тушаётган
Шаршаралар гувиллашидан
Олислашиб кетсак,
Жимиб қолар барча товушлар.
Гўёки гунг
Ўрмонлар, далалар, кўчалар, йўллар.
Олисларга кетсам бағрингдан,
Фақат сенинг
Тилинг, товушинг,
Эшитилар тобора баланд,
Жарангдорроқ, тиниқроқ янграр,
Қанот қоқиб учиб боради,
Мени топар қайда бўлсам ҳам.
Ишончлироқ, тезроқ, осонроқ топасан,
Она-Ватаним!

* Стефанова Л. Избранная лирика. —М.: Молодая гвардия, 1976.

ТАНЗИЛ УС-СОЛИҲИН¹

(Ошиқ кўнгилларга тасалли)

Ал-муножот ус-содису фи баён ил-фақр²

Илоҳи, мени менлик уза кўймағил, отимни фақрлар дафтариндин йўймағил. Илоҳи, тоатқа тоқат бергил, фақрға фоқат бергил. Илоҳи, бегонамен, ошно қилғил, ташмен, ич қилғил, очмен, тўқ қилғил. Ётмен, ўз қилғил. Илоҳи, бизга неъмат уза неъмат бердинг ҳам андоғу раҳмат уза раҳмат бергил. Тақи муҳаббат уза муҳаббат бергил. Илоҳи, бирни оч, бирни тўқ (9⁶). Яна бирни яна бирга тоат бор. Яна бирга йўқ. Илоҳи, махлукни халқингдин бениёз қилғил. Илоҳи, жумланинг тоатларини кўб қилиб, хирсларини оз қилғил. Бу фақр халқ кўзинда олойиш турур, Ҳақ қошинда оройиш турур. “Ал-фақру шайнун инданноси ва зайнун индаллоҳи таоло”³. Фақр дунёда ранжу машаққат турур, уқбода сурури мубашшират турурким: “Ал-фақру машаққатун фид-дунё ва мубашиширатун фил-охирати”⁴. Фақрға илму ҳикмат керак, иши хизмат керак. “Ал-фақру ло ятажаддука илло бил-хизмати ва ло битакаллуми, илло бил-ҳикмати”⁵. Дарвишнинг иши сўзи ниёз керак. Дарвиш макбули ҳақиқат керак, не мажоз. Дарвиш муҳаббату сўзу машаққату заҳмат учун дарвиш бўлур. Роҳату манфаату неъмату муомалат учун дарвиш бўлмас. Ул дарвишгаким қаноат йўқ турур, анга ҳаргиз роҳат йўқ турур. Қаноат ўзини тақи кўнглини тажрид қилмоқ турурким: “Ал-қаноату тажрид ул-фуоди ан кулли муроди”⁶. Эй дарвиш, дарвишга бу йўлда сидқу рафиқ, на кизбу фисқким: “Ар-рафиқу маъал-халқи вас-сидқу маъал халқи”⁷. Эй дарвиш, ёрсиз бу йўлда санга сафо йўқ. Бу дунёда санга ҳаргиз мазо йўқ. Йиғмиш молинг санга жафо турур. Мол йиғмоқинг хато турур. Агар сен бу дунёда нафсу ҳавонг учун. Билгил, эвунгда бир кунчилик кут бўлса, дарвиза ҳаром билгил. Бу сўзларни ўқисанг, санга шафқат турурким: “Ҳалолуҳо ҳисобун ва ҳаромуҳо азобун ва шубаҳотуҳо итобун”⁸. Бу танбеҳ Расулдин – алайҳиссалом – хабар турур. Эй дарвиш, агар дарвишлик (10^а) ичинда содиқ эрсанг, бу дунёдин кулли юзунг эвургил. Эй дарвиш, дарвишлик хирқа ичинда турурким: “Ал-фақру ло фил-хирқати”⁹. Эй дарвиш, дар-

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

² Олтинчи муножот: фақр баёнида.

³ Фақр – кишилар наздида шармандалик, Оллоҳ наздида эса зийнатдир.

⁴ Фақрлик бу дунёда машаққат ва охиратда қувонч-роҳатдир.

⁵ Фақр сени сўзлашиш билан эмас, балки фақат хизмат ва ҳикмат билан улуғлайди.

⁶ Қаноат – кўнглининг барча орзу-истаклардан четланишидир.

⁷ Уртоқлик халқ билан, тўғрилиқ ҳам халқ биландир.

⁸ Унинг ҳалоли ҳисоб, унинг ҳароми азоб, унинг шубҳаликлари ғазабдир.

⁹ Фақр хирқа ичида эмас.

вишлар бир тоифа турурларким, “дарвиш” отлари, подшоҳ ўзлари. Яна булар ҳамиша қилурлар тўқуш. Иблис била тўқуш аларнинг ботининда халойиқларга улуш “Ал-фуқароу вал-муҳожиринна”¹ аларнинг шаънинда турур. “Фуқароу вал-мулуку – аҳл ул-жаннати”² аларнинг бобинда турур. Алар тан бирла, нафсоний жон бирла руҳоний турурларким: “*Фиҳим аж-сомун руҳонийуна ва фил-арзи самовийуна ва мағал-халқи раббонийуна*”³. Зоҳир юзлари ораста кўрунурлар, валекин ботининда мискин турурлар. Баъзилар содиқ ва баъзиларга козиб кўрунурлар. Ҳозир ҳисори мулук тахт изҳор. Дарвишлар ботин шафқат қилиб турурлар, вале зоҳир ғойиб кўрунурлар. Тақи зоҳир аёқлари ёлинг, бошлари ёлинг, қоринлари оч, тўнлари кир ва чапон. Валекин Тангрига ошиқу муштоқ. Жаҳон хушлуқи дарвишлардин турур. Эй дарвиш, тарку тажрид дарвишларга мусаллам турур. Тарку тажридсиз дарвиш ҳамиша барҳам турур. Тамаълик дарвиш ишлари-да кам турур. Дарвиш гадолик пеша қилса, ул эранлар қошинда ва машойихлар сафинда калби жаҳаннам (жаҳаннам ити) турур. Дарвишлар султони султон Иброҳим Адҳам турурким, ўтун тошиб машойихларга улуғ шайхи муаззам турур. Агар икки минг ракъат намоз қилиб, бир лўқма гадоликдин еса, тонгла қиёмат кун анга хасми машойихи мукаррам турур. Тақи ул шайх бўлғучиким (10⁶) муомала олиб мусофирларга еткурса, анга шайхлик не мусаллам турур. Агар ул шайх бўлғучи ўзига сарф қилса, ери жаҳиму жаҳаннам турур. Ул шайхким, яна бирагунинг молин ерса, анга савобдин насиба кам турур. Ул ўз касбидин ийсор қилса, анга даража мусаллам турур. Дунёда ул азиз шайхи муаззам турур. Дарвиш агар қонё ва собир ва шокир ва рози бўлса, икки жаҳонда муқаддам ва пешқадам турур.

Андоғким шайх Аҳмад Яссавий айтур (рахматуллоҳи алайх):

*Дарвишлар ул турур барча ҳамдам,
Дарвишлик иши ичинда муқаддам.*

*Дарвишлар ул – тарку тажрид,
Дарвишлар уза бу иш мусаллам.*

*Дарвишлар дуосидин жаҳон хуш,
Дарвишлар била хуш жумла олам.*

*Дарвишлар сўзи игликларга дору даво,
Дарвишлар сўзи ул – жонга малҳам.*

*Дарвишлар турур хизматка яъни,
Дарвишлар эрур ҳазратга маҳрам.*

*Дарвишлар шароби “Ли мааллоҳ”⁴,
Ича бериб бўлурлар хўбу хуррам.*

¹ Қамбағаллар ва муҳожирлар.

² Фақирлар ва подшоҳлар жаннат аҳллари дидир.

³ Уларда жисмлар руҳонийдир, ерда самовийдирлар ва халқ билан раббонийдирлар.

⁴ Мен Оллоҳ билан бирга.

Дарвишлар учун “Ал-фақру фаҳри”¹,
Теб айтти Расулимиз муаззам.

Ал-муножот ус-собиъу фи баён иш-шайх байнал-мурид ва одобуҳо²

Илоҳи, Холику Халлоқсен, Розику Раззоқсен. Жумла оламини жуфт яраттинг, Сен ялғузу тоқсен. Машойихқа шавқ шаробин ичируб қилдинг дийдорға муштоқ сен. Муридларни ўзиндин айритиб муҳаббат ичинда қилдинг ушшоқ сен. Илоҳи, аларнинг ҳаққу ҳурмати бу қулунгға назари раҳматингдин боқ сен! Илоҳи, мен билмасменким, Сан қайдоқсен. Валекин қамуғда пайдосен. Илоҳи, билурсенким, андо сен. Илоҳи, муҳлат бердинг – маъзур бўлдум, дунё бирла машғули шаҳват бўлдум ва ҳаво илқинда мақхур бўлдум. Эй дарвиш, ул (11^а) подшоҳ бениёз подшоҳ турур. Валекин даргоҳиндоғи қўрқунчқа сад ҳазор ҳасрату оҳ турур, не ғамки “Ло тақнату мин раҳматиллоҳ” турур. Муридлар авинчи машойихлар сўзи турур. Асрор хазиначлари мурид кўкси турур. “*Садр ул-асҳоб* – маҳзан ул-асрор”³. Машойих – шиори тариқат ва мажомийга жуду қарам ва мафотиҳи машойихи Туркистон – ризвоноллоҳу алайҳим ажмаин! – (Сахийлигу мурувват мажмуаси, Туркистон шайхларининг қалитлари – Оллоҳ улардан рози бўлсин!) айтурким: “*Аш-шайху қиблат ул-изом ва тақсир ус-сиём ва қалил ул-қийём*”⁴ керак. Шайх керак тариқат ичинда ҳамиша сабру шукр ва таваккулу таслим қилса. Ҳақиқат боби ичинда авқот суқуну тафаккуру тааммул қилса. Шайх керакким доим саховат ва амонат ва қаноату дину диёнату ҳилму тавозеъ ва ҳаёву сидқу сафо ва ризову вафо ва сиқа ва итлоқу жаҳд (ишончли, озод, меҳнат, интилиш) керак. Шайхқа қибру бухл ва ҳақду (бахиллик ва нафрат) ҳасад-амалу ҳирсу тамаъ ва ҳубу жоҳ ва таволид (мансабни севиш ва насл кўпайтириш) керакмас. Шайхқа мурид тутмоқлик дунё учун раво эрмас. Мурид моли шайхқа ҳаром турур. Агар шайх муридни моли учун мурид тутса, кофир бўлур. Наъзу биллоҳ мин золика!⁵ Агар мурид молин олиб ғайрға сарф қилмаса муриди тариқат бўлур. Наъзу биллоҳ мин золика! Яна машойих керакким: “*Тухаллику биахлоқиллоҳ*”⁶ сифати бирла мавсуф (сифатланган) бўлса. Шайх керак бу тоифа аросинда “мақбул ул-қавл ва мушорун илайх” бўлса. Эй дарвиш, қаю муридғаким шайх бўлмаса, маъюб (айблик) турур. Ул мурид икки жаҳонда маъсут (гуноҳқор) турур. Қаю шайхким ўзини шайх билса, қирқ йил ўз шайхининг қадаминда тоат ва риёзат ва тасбиҳу таҳлил (“Субҳаноллоҳ” ва “Ла Илоҳа иллаллоҳ” калималарини айтиш) ва зикру қаноат ва сабру диёнат ва вараъ ва амонат (тақводорлик ва тўғрилиқ), ростий ва истикомат, тарку тажрид ва маломат ва хилват ва узлату садоду иқомат (соғломлик, оқиллик ва ҳозир туриш) ва улфату суҳбату ризоу таслим ва шукру сабру суннату масканат (одат ва қашшоқлик ҳолати) (11^б) ва ҳурмату адаб яқин илму ҳилму жуду (илм, юмшоқлик ва ҳиммат) саховат ичинда исбот туруб, қирқ йил пир қадаминда бу қирқ йил бу таваккул сифатлар бирла кечурмиш бўлса, андин сўнгра ул пир қирқ

¹ Фақрлик фаҳримдир.

² Еттинчи муножот: шайх ва мурид муносабатлари ва унинг одоби баёнида.

³ Дўстларнинг кўкси (юраги) сирларнинг хазиначидир.

⁴ Шайх улуғларнинг қибласи, у кўпроқ рўзадор бўлиши, камроқ қийёмда бўлиши керак.

⁵ Ушандан Оллоҳ сақласин!

⁶ Оллоҳнинг хулқлари билан хулқланингиз!

мақоминдин тўрт юз етти мақоминдин, тақи ҳижобиндин ани кечурмагунча ижозат бирла, пир химмати бирла учмагунча ул-шайхнинг иродат олмоғи, мурид тутмоғи раво эрмас. Қаю шайхким ўзини шайх билиб “менлик” даъвосини уруб, матолибни кўйуб, муомалат мурдорини еса, ул андоғ шайх икки жаҳон маъюби турур, икки жаҳонда муроду мақсудидин маҳрум турур. Шайх нафаси муридқа бахшиш турур. Агар мурид шайхқа иродат бергали келса, “бу йўл душвор йўл турур”, теб рад қилмоқ керак. Агар мурид муроди ичинда толиб бўлуб талаб ичинда бўлса, анингтек муридқа иршод қилмиш керак. Шайх айтур – қаддасоллоҳу руҳаҳуким: “Шайх бўлғувчи ўзини кучун азобқа керакким раво тутмаса. Тақи муридни мақомға еткуролмаған шайх керакким, мурид тутмаса. Ўзи манзилға етолмағон, яна бирағуни манзилға еткура алмас, кўзи кўрмас. Машъалавортек бўлур (чироқдек, машъаладек). Эй дарвиш, не фойдаким, шайх ғояте бўлур, Худой ҳидояти бўлмаса. Ҳеч асиғ йўқ андоғким, Абу Толиб ўғли ҳеч кимга иродат бермади, ҳеч кимдин иродат олмади. Яна ҳам Адхам ўғли Иброҳим ҳеч кимга иродат бермади. Тақи кимарсани мурид тутмади. Қайсари Румий иродатсиз кўрким, не муродқа етти. Эй дарвиш, мавлоно Лайли ҳақиқий ва машойихлар тариқи. Эй дарвиш, бу далилларни эшит, кибру мени, буғзу (нафрат) ҳасад ўқиб юрса, сенга иродат эйғу не ҳожат? Яна шайх керак муршид бўлса. Ул шайх турурким, илми шариат ичинда соҳиби (12^а) фатво бўлуб омил бўлса. Илми тариқат ичинда комил, оқил бўлса, илми ҳақиқат ичинда соҳибу ғолиб бўлсаким, пир назари бирла муридни мажоздин ҳақиқатқа, дунёдин охиратқа, риёдин ихлосқа, илмдин амалқа, маъсиятдин тоатқа, ихлосдин яқинға, яқиндин муҳаббатқа, муҳаббатдин ишққа, ишқдин шавққа, шавқдин важдқа, важддин ҳолға, ҳолдин сукрға, сукрдин саҳвға, саҳвдин маҳвға эвурса, мунча чинлик куввати бўлмаса. Тақи ботининда тасарруф қила олмаса, шайх мажзуб турур. Мундоғ шайхқа иродат бергувчи мурид тақи муртад ва мальун турур. Бас, эмди билгилким, шайхқа тақи мурид керак. Яна муридқа тақи шайх керак, мурид муроди шайх турур ва шайхнинг тақи дин ичинда қариндоши яхши мурид турур. Ложарам, муридқа мурод керак. Шариатда шогирд ва шогирдга устод керак. Шайх бу йўлда иш бошқармаса, муриднинг бошиға мурод яғмури яғмас. Қаю муридким шайхнинг иродатин тутуб, ишини қилмаса, ул мурид муртад бўлур. Манунг шайхнинг дарди, кирдору феълу қавлу сидку сафо у диёнату хиёнатдин ўз шайхидин зиёдат қилмаса, тонгла қиёмат куни шайх анга хасму домангир кўпғай. Мурид тақи хасм бўлғайким: “Мени сен истикомат ва садод (соғломлик, оқиллик) йўлиға далолат қилмадинг” теб. Шайх тақи ноболиғ муридларға айтғайларким: “Не учун биз далолат қилғон йўл бирла юрмадингким, Тангри таоло Қуръон ичинда айтурким: *“Ва саяъла-мул-лазийна заламу аййа мунқалаба янқалибуна”*¹. Яна муридлар тақи шайх одобин ва арконин суҳбатин илм ул-яқин (12^б) руҳониятин, зикру самоъин, риёзат ва қаноатин ва таваккулу таслиму ризосин камохуваҳаққуху (ҳаққига монанд, тегишли) бажо келтурмаса, ул мурид мардуд бўлур. Андоғким, Тангри таоло каломи ичинда ярлиқарким: *“Истаҳватҳуш-шаётину фил-арзи ҳайрона лаҳу асҳобун”*² – бу йўлда

¹ Зулм қилганлар эса яқинда қандай оқибат сари кетаётганларини билиб олурлар. Қуръони карим. “Шуаро” сураси, 227-оят.

² (Унда) худди жинлар оғдириб кетгач, ерда ҳайронликда қолганда ўртоқлари... Қуръони карим. “Анъом” сураси, 71-оят.

ҳавоу ҳавас, кибру моумани (манманлик) сиғмас, молу амалу аслу насаб бирла кирмаса. Ҳақ қошинда азиз бўлмас. Мискинлик бирла тоату риёзат бирла, парҳез қилмоқ бирла мискин турмоқ бирла зухду тааббун ва инобат бирла азиз бўлурким, Тангри таоло Қуръони ичинда ёд қилурким: “Инна акрамакум индаллоҳи атқокум”¹, такво бирла бу йўлга юрмак керак. Агар шайх нафас этса, ул нафасқа мурид тааммул қилмоқ керак. Агар ҳақ бўлса, қабул қилмоқ керак ва агар ботил бўлса, рад қилмоқ керак. Андоғким, Тангри таоло Қуръон ичинда ёд қилурким: “Ва мо отокум ур-расулу фаҳузуху ва мо наҳокум анҳу фантаҳу”². Ва агар шайх комили муҳаққиқ бўлсаким, мажмуъ ишларин эшитмак керак. Агар шайхнинг нафаси бўлсаким: “Ўтға киргил” теб айтса, муридқа кирмакдин чора йўк. “Ман ютиғуллоҳа ва расулаҳу фақад атоғаллоҳа”³ теб Тангри фармон еткурди. “Аш-шайху фи қавмиҳи кан-набиййи фи ақтиҳи”⁴ – Пайғамбардин бу хабар баён турур. Мурид мурод ичинда номуродлик тортса, муродиға етар. Ҳавоу нафсни азоб остиға солса, ҳавода учар. Мурид керакким, тавозеъ ичинда ер мисоллик бўлса, шафқат ичинда кун мисоллик бўлса. Саховат ичинда дарё мисоллик бўлса, бошинда кибр бўлмаса. Агар бўлса – наъзу биллоҳ “Ло юриддуна улуввал фил-арзи ва ло фасодан”⁵. Агар ким султони жаҳон бўлса, кўзинда хиёнат назари керак (13^а) бўлмаса. Агар Юсуфи Канъон бўлса, тилинда ғийбату фаҳшу бўхтон ва ялғон бўлмаса. Илиги бирла ҳарому шубҳа тутмағуларни тутмаса. Агар ким неча моким авон (ҳар қанча давлат посбони бўлса ҳам) бўлса, кўнглинда кибру кийна ва риёу сумъа (обрў, мартаба) бўлмаса ва қорнига ҳаром луқма кирмаса. Аёқлари бирла номашруъ ерларга бормаса ва хайр мажлисларига монёъ бўлмаса. Эранлар хизматинда собитқадам бўлса. Агар бу хосиятлар муридта бўлмаса, ул мурид мурод топмас. Шайх айтур-раҳматуллоҳи алайҳким: “Ул муриднинг мурид бўлғони ялғон турур ва йўл ичинда муртад бўлур”. Иродати дуруст бўлмас. Яна мурид керакким, молу тани жонин Тангри йўлинда вақф кўрса. Агар бу ишлар кўнглида қоттиғ келса, анга ҳеч иш осон бўлмас. Сулук ичинда шуғлук (машғул, банд) ва муғлук (ғамгин) бўлур ва тақи ул мурид муродиға тегмас. Тақи аввалдин агар бу йўлда парҳез қилса эрди, тақи яхшироқ бўлғай эрди. Чунким, қабул қилиб сулуклук қилди эрса, бу йўлнинг балосин ато кўрмаса, жафосин вафо кўрмаса, муртад бўлур. Ҳар ким муртад бўлди эрса, тариқатдин чиқар. Ул икки жаҳонда абтар бўлур. Анинг учунким, шариат муртади бир калимаи таййибаким (яхши, эзулик): “Ла Илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ” турур, мунунг бирла нажот ва даражотга тегар. Нечаким тоати ҳавоу ҳадар (беҳуда) бўлса. Валекин тариқат муртади ҳаргиз умринда мақсудиға етмас. Тоати кулли ҳавоу ҳадар бўлур ва несту нобуд бўлур. Қиёмат куни фиръавн ва Намруд ва Шаддод сонинда қўпар. Агар ялғузун одамлар ва парилар тоати қилса, ул даражотқа тегмаским: “Тобал-ҳолу баъд аз-заволи муҳолун”⁶. (13^б) Шайх айтур – қаддисоллоҳу

¹ Албатта, Оллоҳ наздида (энг азиз) мукаррамроғингиз такводорроғингиздир. Қуръони карим. “Ҳужурот” сураси, 13-оят.

² Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олинглар, у сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар. Қуръони карим. “Ҳашр” сураси, 7-оят.

³ Кимда-ким Пайғамбарга итоат этса, демак, у Оллоҳга итоат этибди. Қуръони карим. “Нисо” сураси, 80-оят.

⁴ Ўз қавмининг шайхи бўлган одам ўз даврининг пайғамбари кабидир.

⁵ ... ер юзида зулм ва бузғунчилик қилишни истамайдиган.. Қуръони карим. “Қасас” сураси, 83-оят

⁶ Имконсиз нарса завол топгач, ҳол яхшиланди.

руҳаҳуким: “Қаю кимарса айтсаким: “Иш ичинда турарман” теб, ким иш иноят ичинда турурким, тоат куллуқ адо қилмоқлик турурким: “*Ва мо умиру илло лияъбудуллоҳа мухлисина лаҳуд-дина*”¹. Қаю муридқаким Тангри инояти бўлмаса, тақи қобил бўлмаса, шайх тарбияти анга асиғ қилмас. Эй дарвиш, кўрмасмусенким, кун назар тошқа килса, лаъл бўлур ва ақиқу маржон бўлмас. Ул муридким Ҳақ ҳазратинда рад бўлса, қуллиғи асиғ қилмас. Эй дарвиш, кўрмасмусенким, иблис била якка суҳбатинда макбул эрди. Вале Тангри қошинда мардуд эрди ва қавлияда чандин тоати бор эрди. Абу Толиб кўнгли ариғ бўлмади. Эрса анга Мустафо алайҳиссалом суҳбати асиғ қилмади. Ул Чуфдаким мунча илм бор эрди, исми аъзам бирла Мусони – алайҳиссалом – қарғади эрса Балъаму Боурға асиғ қилмади. Исми аъзам бирла бу иш рост келмас. Балки, рост таъзим ва шафқат бирла ғоят бўлса, бидоятқа валоят зоҳир бўлур. Ниҳоят кулға иноят керак, тоат оройиш керак. Агар иноят бўлмаса, жумла олойиш бўлур. Эй дарвиш, кўрмасмусенким, иблис ери савмаъа (хужра, ибодатхона) эрди. Иброҳим ери бутхона эрди. Иш иноят турур. Боқий баҳона турур. Бандага мунда иноят бўлса, бори анда ҳидоят бўлур.

**Андоғким, шайх Аҳмад Яссавий
айтур (рахматуллоҳи алайҳ):**

*Гар бўлса Ҳақдин иноят,
Ул бўлур анда ҳидоят.*

*Қилмас асиғ тилда иборат,
Бўлмаса аввалдаги иноят.*

*Аввалдин иноят бўлса,
Бўлур охир каромат ҳам валоят.*

*Иброҳим иши – иблис иши,
Эр эрсанг муна далилу оят.*

(14^a) Мужоҳидот ва риёзот турур. Ҳақиқат даражаи мақомот турур. Шариат – таъзиму шафқат турур. Тариқат таслиму хизмат турур. Ҳақиқат иззату ҳурмат турур. Шариатда айтур: “Явуз ишлардин ёнғил”. Тариқат айтур: “Яхши ишларга иттисол (пайваста) бўлуб уланғил”. Ҳақиқатда айтур: “Барча ишлардин инфисол (ажралиш) қилиб Ҳаққа уланғил”. Шариатда таъзим керак. Шариат иборат турур. Тариқат ва ҳақиқат башорат турур. Ибодат тан қисмати турур. Шариат, тариқат, ҳақиқат – учаласи бир турур. Ким айтсаким: эрмас теб, ул ким: “*Улоика кал-анъом бал ҳум азоллун*”² тахтинда ҳайвон бирла тенг турурким, учағуни (учаласи) эрса зиндик (динсиз, даҳрий) турур, таҳқику тасдиқ турурким, шариатсиз тариқат тиласа, тариқатсиз ҳақиқат тиласа, талбис турур. Талбис фикри иблис турур. Кимда-ким шариат бўлмаса, тариқат бўлмас. Кимда-ким тариқат бўлмаса, ҳақиқат бўлмас.

¹ Ҳолбуки, улар фақат ягона Оллоҳга, унинг учун динини (ширкдан) холис қилган, тўғри йўлдан олмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни мукаммал адо этишга ҳамда закот беришга буюрилган эдилар. Қуръони карим. “Баййина” сураси, 5-оят.

² Саккизинчи муножот: шариат, тариқат ва ҳақиқат баёнида.

**Андоғким, шайх Аҳмад Яссавий
айтур (раҳматуллоҳи алайҳ):**

*Бўлмаса кимда шарият,
Бўлмас ул марди ҳақиқат.*

*Кимда-ким бўлса бу икиси,
Бўлур ул марди ҳақиқат.*

*Чун ким ул билди ҳақиқат,
Бўлғай ул дамда вуслат.*

*Агар вуслат топарсен – Ҳақни билдинг,
Агар топмасангиз бўлғай қатъият.*

*Қамуғнинг асли, эй аҳли тариқат,
Билинларким, шарияттур, шарият.*

**Ал-муножот ус-сомину
фи баён иш-шарият, ват-тариқат вал-ҳақиқат¹**

Илоҳи, воҳиду қаҳҳорсен, ғофиру ғаффорсен. Раҳиму сатторсен, халилу жабборсен. Илоҳи, қулларингни шарият озуқи бирла тариқат итгисол (қўшилиш) бирла ҳақиқат дарёсинда тутарсен. Илоҳи, қулларингни қилмағил зорсен. (14⁶) Мискинлик ҳолинда огоҳсен. Илоҳи, баъзи кофирларни куфр даргоҳинда оғдурурсен, баъзи кофирларни иймон рўзи қилиб, аъмолларин қабул қилурсен. Илоҳи, чиндин мўъминларни иймон даражасиндин маъзул қилиб, даргоҳингдин йўйдурурсен. Илоҳи, бир кўнгулда раҳмат назари бирла чароғ ёғдурурсен. Яна бир кўнгулда лаънат тамғоси бирла доғ қилурсен. Илоҳи, сен доносен, мен нодонмен. Кечургил, нодон ҳеч нарсани билмас. Илоҳи, сен яхшисен, мен ямон ва ямондин ҳеч яхшилиқ келмас. Илоҳи, шарият йўли илму амал бирла хабар қилғил. Тариқат равишини артуруб амалимни маҳфир қилғил. Илоҳи, ҳақиқат маъракасиндаким ва “жаъално алайаҳо софалаҳо”² танзили бирла шайтон ва ҳаво черикини зеру забар қилғил. Эй дарвиш, шарият бу йўлда бир асл турур. Анда кизин (ундан кейин) тариқат ва ҳақиқат васл турур. Ул муридким, шариятқа мункир бўлса ва шарият аҳкомини хор кўрса, тариқатдин ҳаргиз баҳра олмас. Тариқат ва ҳақиқат мақоминдин ҳеч баҳра олмас. Андоқ муридтин Тангри нохуш, пайғамбар озор ва машойих безор турур. Эй дарвиш, шарият Пайғамбарнинг ақволи ва тариқат Пайғамбарнинг афъоли (феъл-атворлари, ҳаракатлари) ва ҳақиқат Пайғамбарнинг аҳволи турур ва хабар бу турур: “*Аш-шарияту – ал-ақволу фил-ақвол ва-т-тариқату – ал-афъолу фи-л-афъоли, вал-ҳақиқату – ал-аҳволу фи-л-аҳволи*”³. Одамлар уч қисм уза турурлар: тан ва кўнгул ва жон. Жонни ким танга тааллуқ тутар, ани шарият теюрлар. Аниким

¹ Саккизинчи муножот: шарият, тариқат ва ҳақиқат баёнида.

² Фармонимиз (азобимиз) келганида у ерни остин-устун қилиб юбордик. Қуръони карим. “Худ” сураси, 82-оят.

³ Шарият сўзлардаги сўзлар, тариқат феъл-атворлардаги феъл-атворлар, ҳақиқат ҳоллардаги ҳоллардир.

кўнгулга тааллуқ тутар, они (15^а) тариқат теюрлар. Тавҳид ва маърифат завқ ва шавқ ва муҳаббат, ишқ ва кўнгулга тааллуқ тутар – ани ҳақиқат теюрлар. Неким ишқ ва муҳаббат ва улфат, яна мосуволлоҳдин безорлиқ турур, жонға тааллуқ тутар – ани ҳақиқат теюрлар. Неча ма ким (“ҳар қанча ҳам”), иборат мухталифа бўлса, маъно бир турур. Бир билмак керак. Суратқа боқса, сийратқа боқса, маъно бирла иш қилмоқ керак. Машойихлар ул сабабдин айтмишларким: “Йўл бир – Тангри бир ото ва андин жумла иборат ва тақдир шариятта раво бўлмас ва тариқатта раво бўлмас ва ҳақиқатта раво бўлмас. Шарият, тариқат ва ҳақиқат мунтаҳоси (интиҳоси, охири) бир турур. Шарият Тангри фармони турур. Пайғамбар воситаси бўлди. Мункирлар бўйнини эгмак учун ул фармонлар ичинда сад ҳазор румуз ва дақойиқ ва асрор турур. Ҳар кимарсага инъом мутталиъ бўлмас. Магар уламои аҳли таҳқиқ ва мушорун илайҳ ва муътамадун алайҳ фит-тавфиққа мутталиъ бўлур (“номи зикр қилинганлар, унга ишончли бўлганлар тавфиқ-мададдан хабардор бўлур”). Бу сабабдин илм уламо насиби бўлди. Ҳикмат ҳукамо насиби бўлди. Дақойиқ ва ҳақойиқ асҳоби тариқат насиби бўлди. Булар бори шариятда зоянда бўлурким, Ҳақ таоло каломи ичинда ярлақар: “*Ва ла ратбин ва ла ёбисин илло фи китобин мубин*”¹. Эй дарвиш, шарият бу йўлда бир неъматлиқ боғ турур ва тариқат улуғ чароғ турур ва ҳақиқат кимиё турур. Шарият жумла сидку сафо турур. Тариқат жумла рифқу (“лутф, меҳрибонлик”) вафо турур. Ҳақиқат сўзу ишқу жафо турур. Шарият равнақи даъво бирла исбот турур. Тариқатким, қаронғу тун ичинда уюмаса, анда сафо турур. Ғофил кимарса йўлоқ ироқ турур. Манзил ироқ турур. Йўл озукнинг фикрин қилғил. Эй дарвиш, бу дунёда (15^б) ким санга жафо қилса, сен вафо қилғил. Ҳар ким санга душманлик қилса, сен анга дўстлуқ қилғил. Ул кишиким, сени маҳрум қилса, анга ато бергил. Ул кишиким, санинг ишингни қилса, анга баҳо бергил. Ул золимким, санга зулм қилса, ани афв қилиб кечургил. “Солла ли ман қатаъака, ваъфа ман заламака ва аҳсин ила ман асолака хазанака”. (“Ким сени бирор нарсадан маҳрум қилса, уни дуо қилгил. Ким санга зулм қилса, уни кечиргил. Ким сени хафа қилса, унга яхшилик қилгил”). Эвгулук қилмоқ қараму фазл турур. Явузлуққа явузлуқ жавру жаҳл турур. Эвгулукка эвгулук қилмоқ маҳорот турур. Явузлуққа явузлуқ мукофот турур. Эвгулукка явузлуқ қилмоқ саййиот турур. Явузлуққа яхшилик қилмоқ қаромот турур. Эй дарвиш, агар сен руҳоний бўлай десанг, тўрт тоифанинг суҳбатини кўнгулдин чиқарғил. Алардин парҳез қилғил. Аввал амрадлардин (соқоли чиқмаган ёш йигит). Иккинчи: хотунлардин. Учинчи: каззоблардин. Тўртинчи: ётлар суҳбатиндин. Эй дарвиш, намозға вузу керак, ёзукқа афв керак. Суҳбатқа куфу керак. Явузлар суҳбати бирла синоат қилма. Тилингни лаҳвдин, кўнглунгни саҳвдин асрағил. “*Фафирру илаллоҳ*”² ярлиғи бирла халқдин Ҳаққа қочғил. Ул бениёз Тангрига зорингни очғил. Анинг ишқиде қатароту абарот ёшингни ерга сочғил. Дунё учун динингни сотма. Охират ишларини кўнгулдан отма. Ўзунгни унутма, кўзунгни қурутма. Балю меҳнат била тилагингни тилагил. Шарият пардасини синдирмай тариқат тузига киргил. Инда кезин ҳақиқат йўлиға киргил. Дунёдин таҳорат қилғил. Эй дарвиш, неким дунёлиқиндин (16^а) талаф бўлғониға қайғурмағил. Келганига суюнуб осий-

¹ Ҳўлу қуруқ бўлмасин (ҳаммаси) аниқ Китоб (Лавҳул-маҳфуз)да (ёзилган)дир. Қуръони қарим. “Анъом” сураси, 59-оят.

² Бас, Оллоҳға (имон келтириш учун) қочинглар!

ларни тўйдирмағилким, Тангри таоло каломи ичинда айтур: “*Лиқайло тасав ало мо фотакум ва ло таффаху бимо отоқум*”¹ келганига бокмағу керак. Вақтни ғанимат тутса, киндин солмағу керак. “*Ал-мозий-ло назкуру, вал-мустақбал ло назуру ва мо фил-вақти муътабарун*”². Нарса одамдан тану жону кўнгул турур. Учаласи бир ерда жамъ бўлса, буларнинг нури иймон турур. Иймоннинг нури маърифат турур. Жоннинг нури суҳбат турур. Тан нури хизмат турур. Бу йўлда минг зиндикқа хизмат қилмоқ керак, бир сиддик теса. Эй дарвиш, ўлум бир кўпрук турур: кеча олғон кечар. Эй дарвиш, туғқонлар ўлар ва ўлум шарбатини камуғ ичар. Эй дарвиш, на нарсаким санга, тақи манга ғайб турур, билурмен темаклик айб турур. “*Индаҳу мафотиҳул-ғайби ло яъламу илло ҳува-халақақум мин туробин*”³ – ўз аслимиз бўлди. “*Ва нафаха фиҳи мин руҳий*”⁴ – ўз васлимиз бўлди. “*Қулир-руҳу мин амрий*”⁵ Расул бу сўзларга шаробу шарбат турур. Эй дарвиш, чун ким иродат бериб, дарвишлик пешқадамлик ё халифалик ихтиёр қилдинг эрса, уч хилқатдин парҳез қилғил. Дарвишлик даъво қилғонларга биздин хабар бергил. Бу йўлда уч турлук ишни хатар билгил. Аввал, ғийбат, иккинчи зино, учунчи хамр (маст қилувчи ичимлик, май). Ҳар пешқадам, ё дарвиш, ё шайх, ё халифақим бу уч хилқатдин ногоҳ умринда бир қаррот иртиқоб (амалга оширмоқ) қилса, ул дарвишда аввал Тангри безор. Иккинчи Муҳаммад Расулulloҳ. (16^о) Учунчи – машойихи Туркистон. Ул мурид муртад бўлуб, анинг қилғони бори рад бўлур. Хасми Оллоҳ ус-самад бўлур. Анга тақи эътиқод қилғон киши қиёмат кунинда тамуғлуқ қаро юзлук кўпар. Эй дарвиш, ҳар ким хамр ичса, тариқатда муртад бўлур. Ҳар ким зино қилса ё номаҳрам юзига шаҳват кўзи бирла бокса, бу тақи муртад бўлурким: “*Ан-назару ақво минал-жимоъ*”⁶ ким, асли иродат мунҳийётдин ихтироз (манъ қилинган нарсалардан четлашиш) қилмоқлик турурким: “*Ё айюҳаллазийна оману тубу илаллоҳи жамиъан*”⁷. Яна бир оят бу турур: “*Тубу илаллоҳи тавбатан насухан*”⁸. Яна бир оят бу турур: “*Инналлазийна юбойиъуна, иннамо юбойиъуналлоҳ*”⁹. Яна бир оят: “*Ва мо отоқум ур-расулу фаҳузуху*”¹⁰. Яна бир оят: “*Иннал-аброра лафи наъмин ва иннал-фужжора лафи жаҳимин*”¹¹. Бу оятлар бирла собит турурким, тариқатқа қадам урғон киши бу хосиятлардин парҳез қилмоқ керакким, агар парҳез қилмаса муртад бўлур. Машойихи табақот – раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъин – андоғ теб эмишларким: “Охир замонда андоғ машойихлар кўпғайким, иблисдин васвасроқ бўлғай. Халойиқлар аларга муҳиб бўлғайлар. Алар иблис ишини қилса, иблис аларнинг ишини қилғай. Алар кўнглинда

¹ Токи сизлар кўлингиздан кетган нарсага қайғурмағайсизлар ва (Оллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) кетмағайсизлар. Қуръони карим. “Ҳадид” сураси, 23-оят.

² Ўтмишни эсламаймиз, келажакни кўрмаймиз, айни ҳозирги вақтда бўлиб турган нарса эътиборлидир.

³ Ғайб (яширин ишлар) қалитлари Унинг ҳузуридадир. Уларни Ундан ўзга билмас. Сизларни У тупроқдан яратган. Қуръони карим. “Анъом” сураси, 59-оят.

⁴ Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритганимда... Қуръони карим. “Ҳижр” сураси, 29-оят.

⁵ Айтинг: “Руҳ фақат Раббимнинг ишидандир”. Қуръони карим. “Ал-Исро” сураси, 85-оят.

⁶ Назар жимоъ (жинсий алоқа)дан қувватлироқдир.

⁷ Барчангиз Оллоҳга тавба қилингиз, эй мўминлар! Қуръони карим. “Нур” сураси, 31-оят.

⁸ Оллоҳга чин тавба қилинглр. Қуръони карим. “Таҳрим” сураси, 8-оят.

⁹ (Эй Муҳаммад) ҳақиқатан, Сизга байъат (қасамёд) қиладиганлар Оллоҳга байъат қилган бўлурлар. Қуръони карим. “Фатҳ” сураси, 10-оят.

¹⁰ Пайғамбар сизга келтирган нарсани олинглар. Қуръони карим. “Ҳашр” сураси, 7-оят.

¹¹ Албатта, яхшилар (мўминлар) неъмат (жаннат)дадирлар. Фожирлар эса дўзахдадирлар. Қуръони карим. “Инфитор” сураси, 13-14-оятлар.

ибоҳат (рухсат этилганлик) ва илҳод ва бидъат ва залолат далолат қилғайлар. Ҳамиша алардин муҳдас (янгидан пайдо бўлган) содир бўлғайким, жаҳолатдин тоат соғинғайлар ва саҳоба қилмағон мартибу-тобеъин (тобеъин – саҳобаларга эргашувчиларнинг яйлови) ва уламоий салаф ва машойихи табақоти Ироқ – раҳматуллоҳ – қилмағон ишларни қилғайлар. Мубтадиълар (бидъат тарқатувчилар) нафсоний шайтонлар, гумроҳ қилғучилар, мардуд ва радди (17^а) даргоҳ (рад этилган ва даргоҳдан четлатилган) бўлғучилар ва муртадлар ва муртад қилғучилар, иблислар, васвас қилғучилар, суратқа мағрур бўлуб мағрур бўлғучилар, зоҳир бирла жамъ ботин бирла паришон қилғучилар, динни дунёга сотғучилар, бидъат ва залолат бирла муфохара (фахрланиш) қилғучилар, куфру иймонга фарқ қилмағучилар, халқни туз йўлдин чиқариб, гумроҳ қилғучилар бу охир замонда кўб бўлғайлар, уламолар бирла мунофиқ бўлғайлар. Аҳли суннат ва жамоатни душман кўрғайлар. Аҳли бидъат ва залолатни суйғайлар, ямонликқа ҳарис бўлғайлар, яхшиликқа мариз (касал) бўлғайлар ва Тангри таолодин раҳмат умид тутқайлар, малъунларга от кўйиб фахр қилғонлар, шайхлик машойихлик ишин хор қилғонлар, муридлари муртад, ўзлари рад бўлуб, муридлар эшикларинда юрганлар ул ҳолда муридларда сидқи ихлос (тўғри ихлос) ва иродат қолмағай. Шайхликлари собит бўлмағай. Муомалат олиб бангу хамр, ямон ишларга харж қилмағайлар ва муридлар тақи шайхликларин сатғо кўрмағай, наъузан биллоҳ мин золика! (Ўшандан Оллоҳ сакласин!) Ва ул кимарсаларким, мундоғ кимарсаларга эътиқод қилиб, хизмат қилиб пешво тутсалар, андоқ кимарсалардин шажара алғонлар ё дому нафасдин дам урғонлар, ё иродат, ё ижозатлик бўлғонлар, ё байъат қилиб алар бирла қариндош бўлуб, бидъату залолат ичинда бўлғонлар, ё нишона олиб юрганлар. Вой, ул кимарсаларким, мундоғ шайхқа (17^б) хизмат қилувчилар, вой ул кимарсаларнинг ёзуқи қамуғ (барча) кофирлар куфриндин, золимлар зулминдин, осийлар маъсиятидин Тангри таоло қошинда ёзуқлари артуқроқ бўлғай. Андоғким, Тангри таоло каломи ичинда хабар турур. Ярлиқарким: *“А кафартум баъда ийманикум”*¹. Эй дарвиш, кимарса мурид бўла олмас, мусулмон бўлмағунча. Шайхлик муридга тегмас, то пирнинг қадаминда қирқ йил истиқомат ва садод бирла турмағунча. Эй дарвиш, ул кимарсаким, шайхлик даъво қилур, аввал тилиндин не сўз чикса, ҳақ сўзламак керак. Не ботил сўз бўлса, рад қилмоқ керак. Кулоқ бирла сўзни эшитти, эшиттури ҳақ эрса, қабул қилмоқ керак. Ва агар ботил эрса, рад қилмоқ керак. Агар азок бирла ҳақ турса, қабул қилмоқ керак. Ва агар ботил турса рад қилмоқ керак. Кўз бирла кўргани ҳақ эрса, қабул қилмоқ керак. Ва агар ботил кўрса, рад қилмоқ керак. Ҳақ ишларга таслим бўлмағунча, ботил ишларга инкор қилмағунча ва Тангридин кўркмағунча мусулмон бўлмас. Эй дарвиш, ким хамр ичса, тариқатда муртад бўлур, шариатдин чиқар. Ҳар ким шариатдин чикти эрса, тариқатдин чиқар. Ҳар ким тариқатдин чикти эрса, ҳақиқатдин чиқар. Ҳар ким ҳақиқатдин чикти эрса, даргоҳдин сурулур. Ҳар ким даргоҳдин сурулди эрса, иблистек малъун бўлур. Малъун бўлди эрса, Фиръавн ва Шаддод ва Намруд ва Ҳомон ва кофирлар бирла тамуғда ўрун тутар. Мундоғ кимарсаларга эътиқод қилғон киши мубтадиъ (бидъат тарқатувчи) ва кофир ва золим бўлур. *“Ҳасирад-дунё (18^а) вал-охирата-золика ҳувал-хисрон ул-*

¹ “Иймон келтиргандан кейин яна куфрга қайтган эдингизларми?”. Куръони карим. “Оли Имрон” сураси, 106-оят.



мубин”¹. Алардин наъзу биллоҳ! Вовайло ваё ҳасрато! Эй дарвиш, дунё бир соат турур. Бу бир соат боқий бизоат-тоат турурким: “*Ад-дунё соатун, фажъалҳо тоатан*”². Эй дарвиш, дунё бир кун турур. Бу бир кун бизга рўза тутмоқ учун турурким: “*Ад-дунё явмун ва лано фиҳи савмун*”³. Эй дарвиш, кўнгул ҳузур бирла зиёратқа бормоқ яхши турур. Чун кўнгул буғзи бирла зиёратқа борсанг, ҳосил йўқ турурким: “*Аътоб уз-замони маъа ҳузур ил-қалби хайрун мин зиҳобиҳо бибугзил-қолби*”⁴. Қачонким ишларда мутаҳайир бўлсанг, кўнгуллардин мадад қўлғувчи бўлғил ёхуд гўристонларда бориб аҳли кубурдин ёрий қўлғувчи бўлғилким: “*Изо таҳаййартум фил-умури фастаъину мин аҳл ил-қубури*”⁵. Ҳақ ҳукмига ўзунгни таслим, жумла ишларда Тангри ёдини таълим қил. “*Зикр ул-қадими авло бил-қадими*”⁶. Эй дарвиш, олимларга иззат қилким: “*Ман акрама олиман фақад акрамани*”⁷. Машойихқа хизмат қил, улуғларни ҳурмат қил, кичикларга насиҳат қил, дўстларга қурбат қил, душманлардин фиркат қил. Халқи Худоға шафқат қил. “*Ат-таъзиму ли амриллоҳи, ваи-шафқату ало халқиллоҳи*”⁸. Улуғ оқ маҳосинлиғларга таъзим қил. Ўзунгдин аларни таълим қилким: “*Ман тақаддамал-муқаддама фа ҳува фид-дорайни муқаддамун*”⁹. Эй дарвиш, зоҳидлар бўлди савдойи, обидлар бўлди риёий, сўфийлар бўлди ҳавойи дарвишлар баржойи. Қани бир эрким бўлса Худойи! Зиҳи ҳасрату надомат ва зиҳи расвойи қиёмат. (18⁶) Эй дарвиш, сўфий иши фасод (бузғунчилик) эрмас. Асҳоби мурид мақсуди мурод эрмас. Ул сўфийдаким маърифат ва муҳаббат бўлмаса ом турур. Бу йўлда ом хом турур. Бу кунги сўфийларда хирқа ва лукма ва ранг қолди. Дарвишларда гадойлиқ луту бангу жимоъ (егулик, кўкнор ва жинсий алоқа) қолди. Қачонким сўфийлардин сурат борди эрса, маъно қолди. Валекин букунги сўфийларда маъно йўқ – сурат қолди. Дарвишларда ҳақиқат бориб расму исм қолдиким: “*Заҳабал-маъно ва бақиял - исму ва ҳасалар-расму*”¹⁰. Дарвишлар тасдиқларини белларига боғлаб хилват қилдилар. Дарвишлар тасдиқларини тўнларига тикиб зийнат қилдиларким: “*Фасолал – таҳқиқу зийнатун ват-тасдиқу ҳулятун*”¹¹ ким, сўфийларда ҳақиқат иш қолди. Сўфийларнинг жумла ишлари томот ва иборот (беҳуда сўз ва иборалар). Ул сабабдин халқ аро ғийбат ва маломат ва самотат ва ташниъ била тақниъ (тўғри йўлдан юриш, маломат қилиш ва қаноатлантириш) қолди. Бурунги сўфийларнинг – қуддиса арвоҳуҳум томот ва риёзот ва мужоҳидот (руҳлари муқаддас бўлсин! – беҳуда сўз, машаққат ва интилиш ҳаракатлари) эрди. Тақи яна дарвишлар иши дарду сўзу муҳаббат ва тавозеъ ва хулқ ва масъалат ва тоат ва зикру суҳбат ва улфат ва меҳру муҳаббат эрди. Эмдиги сўфийлар, дарвишлар иши гадойлиқ, кучлари худролик, матлублари осойиш, тоатлари олойиш (кучлари ўжарлик, талаблари осудалик, тоатлари ифлослик), ҳунарлари намоийш зийнатлари улфат оройиш бўлди. Мақсудлари хушлуқ,

¹ (У) дунё охирадта зиён кўрур. Бу эса аниқ зиёндин. Қуръони карим. “Ҳаж” сураси, 11-оят.

² Дунё бир лаҳзадир. Шунинг учун уни тоатга бағишла. Киритганимда... Қуръони карим. “Ҳижр” сураси, 29-оят.

³ Дунё бир кунликдир. Бизга унда рўзадор бўлиш лозим бўлади.

⁴ Кўнгул ҳузур билан зиёратқа бормоқ, кўнгул нафрати (ғазоби) билан боргандан яхшироқдир.

⁵ (Дунё) ишларидан ҳайратга тушсангиз, қабр аҳлидан мадад сўрангиз.

⁶ Олдинги зикр олдиндан яхшироқдир.

⁷ Ким олимни иззат-ҳурмат қилган бўлса, мени иззат-ҳурмат қилган бўлади.

⁸ Оллоҳ амрини улуғ деб билиш ва Оллоҳ яратган махлуқларга шафқат қилмоқ лозим.

⁹ Ким раҳнамодан олдинга ўтиб кетса, икки дунёда раҳнамо бўлади.

¹⁰ Маъно кетиб исм ва расм-русум қолди.

¹¹ Ҳақиқат зийнат бўлди, тасдиқ тўн бўлди.

тоатлари бўшлук. Ложарам хунарлари бидъат, фаризалари ибохат, суннатлари физоат, феъллари қабохат, баҳслари сафоҳат, вужудлари кароҳат, таҳоратлари мусобат, ғуллари жунобат бўлди. Сўфийларда (19^а) риёзат ва тоат қолмади.

**Андоғким, шайх Аҳмад Яссавий
айтур (раҳматуллоҳи алайх):**

*Сўфийлар бор: сотдилар тоат,
Дарвишларда қолмади сабру қаноат.*

*Ишқ бирла Изини бирзамон ёд
Қилмаслар жонлари бирла бир соат.*

*Уш бўлди тафаккурлар такаббур,
Ҳам бўлди тафаккурлар хиёнат.*

*Согинурлар тариқатни табиъат,
Тоатлари бори бўлди хиёнат.*

*Ишлари ма бўлди расму одат,
Ибодатларин аюрлар кўр, иёдат.*

*Матлублари борининг ҳубби дунё,
Мақсудлари барча хушлуқу роҳат.*

**Ал-муножот т-госиёу
фи баён ир-риёзат¹**

Илоҳи, маликсен, мулкунг ичинда санга маъзуллуқ (амалдан кетиш, узоқлашиш) йўқ. Каримсенким, вужудунгга малул йўқ. Азизе турурсенким, иззатингга машғуллуқ йўқ. Илоҳи, санинг отинг турур Алиму Хабир. Ариқ сифотинг турур Самиёу Басир. Сен яна ниъмал-мавлло ва ниъман-набир. Илоҳи, кечургил, мендин таксиру қусур. Шайтону ҳаво черикини қилғил мақхур, менинг жоним бўлсун маъмур. Эй ғофил, сен бўлмағил бу дунёга мағур. “Қул, матоъ у-дунё қалилун”² ояти турур мастур. Молу колау ўғул-қизға бўлмағил машғулким: “Иннамо амволукум ва авлодукум адуввун лакум”³ каломи турур маншур. Тоату ибодат ёсини қуруб сирри эътикод ўқла сен. Доимо агар тоат қилсанг, сен баҳо қилиб сатмаким, тоат ичинда нур турур. Нафсни семиртуб юриганлар, бад муомалат қабул қилғонлар душмани Аҳмад турур – халқ қабули. Эй дарвиш, машойихи Туркистон қошинда ҳайзи занон (аёллар ҳайзи) турур, халқнинг мажмуъ сўзлари санга зиён турур. (19^б) Аҳли диллар бу сўзларга барча иқроп турур. Тангри сенинг тоатингдин бениёз турур. Неча кўб тоат қилсанг, анча оз турур. Неча кўб ёзуқ қилсанг, анга не зиён турур. Ва лекин санга-ўқ нуқсон турур. Ул нуқсондин санга сад ҳазор-ҳазор ҳасрату оҳ турур. Ва лекин бу даргоҳ “Ла тақнату мил раҳматиллоҳ” (Оллоҳ раҳматидан ноумид бўлмангиз!) турур. Эй дарвиш, бу тоатни ёзуқ қилма, маъсиятни

¹ Қуръони карим. “Ҳаж” сураси, 11-оят.

² Айтинг: “Дунё матоси (лаззати) оздир...”

³ Албатта, мол-дунёнгиз ва болаларингиз сизга душмандир.

озуқ қилма. Надомату тавба бирла турғил. Ибодату тоат илмини қурғил. Бўлсун санга саодат. “*Ан-надаму тавбатун*”¹ теб алғил. Эй дарвиш, нафсинг оти бошига риёзат юганин урғил. Тоат ва ибодат ва риёзат ва зикру тасбеҳ ва таҳмид ва ийсор ўқин ва озуқин қўб кўтарғил. Андоғи ишингни мунда битурғил. Ўзунгни такво ва садақа ва эҳсон боғини беркит томдур (мукаммал қил). Фил-жумла ул иноят. Ул иноят ўзга сўзлар бори ҳикоят. Валлоҳу аълам!

Ал-муножот ул-оширу фи баён ис-самоъ ва шароитоҳо²

Илоҳи, санинг фикринг кўнгуллар муниси турур. Зикринг жонлар муниси турур. Қаю аҳли тариқатдаким, бу иккиси йўқ, ул икки жаҳон муфлиси турур. Илоҳи, ўлук турур ул кишиким, анда ғайрат йўқ. Қаронғу турур ул кўзеким, анда ибрат йўқ. Ботил турур ул кўнгулким, анда муҳаббат йўқ. Отил турур ул танким, анда хизмат йўқ. Илоҳи, танимга розий бергилким, тариқат йўлинда ва машойих равишига иттибоъ қилсун. Ва жонимга сози бергилким, санинг каломингнинг сўзини истимоъ қилсунким: “*Аллазийна ястамиъунал – қавла ва яттабиъуна (20^а) аҳсаноҳу*”³ калом турур. Бу оят самоъ боби ичинда санга тамом турур. Ул кишиким, муҳаббат шаробиндин исурмади эрса, сенга самоъ ҳаром турур. Қачонким муҳаббат шароби бирла исурмади эрса анга: “*ва сақоҳум раббуҳум шаробан таҳуран*” (Парвардигорлари уларни пок шароб билан суғорди) шароби давом эрмас. Самоъ Ҳақдин қулға ато турур. Қаю қулким, самоъни инкор қилди эрса ул сўфий хато турур. Самоъ тану жон ғизоси турур, кўнгул вафоси турурким: “*Ас-самоъу – зол ул-арвоҳ ва шифо ул-ашбоҳ*”⁴. Самоъ сомеъ бошига раҳмат яғдурур, кўнгулларни ғайб оламига оғдурур: “*Ас-самоъу миҳрок ул-қалби ило олам ул-ғууби, фатҳу тибқи инсон ва миҳрони асрори раҳмон*”⁵ турур. Самоъ жумла тирикларнинг тириклигига жон турур. Тириклиги самоъу савти илҳон (зикр тушиш, хушовоз куйлар товуши) турур. Эй дарвиш, сад ҳазор фуруқ (фарқлар) ва зиллат ва ирфон турур, неъмат ва роҳат турур. Ошиқ бир замондоғи самоъни юз йил тоати бирла тенг тутар. Орифлар кавми турур. Ориф ҳар дамдағи самоъ бирла юз минг йилчилик йўлни қатъ қилур. Ул орифким самоъ лаззатини тотса, ҳеч нарса қўлмас. Самоъ боли ичинда кўнгул нур бирла машғул турурким, самоъни нафс бирла айса ё эшитса зиндиқ турур. Ақл бирла айса (айтса), фосиқ турур. Кўнгул бирла айса, хузур турур. Хузурлуқ самоъни ҳолат бирла айса, маҳжуб. Маҳжуб орифлар қошинда маъюб турур.

Андоғким, шайх Аҳмад Яссавий айтур (раҳматуллоҳи алайх):

*(20^б) Бўлмагил самоъ ичинда маҳжуб,
Ким маҳжуб бу йўлда бўлур маъюб.*

*Эй сомеъ, ета кўргил муҳибқа,
Бўлмасун ҳабиб тоши маҳжуб.*

¹ Надомат (афсус) чекиш тавбадир.

² Ўнинчи муножот: самоъ ва унинг шартлари баёнида.

³ Улар гапни тинглаб, сўнг унинг энг гўзалига (фойдалисига) эргашадилар. Қуръони карим. “Зумар” сураси, 18-оят.

⁴ Самоъ – руҳларнинг ғойиб бўлиши ва шарпаларнинг шифосидир.

⁵ Самоъ – кўнгулни ғайб оламига оғдирувчи, Парвардигор сирларини инсонга очиб берувчидир.

*Бу йўлда керак бўлса дўсти
Тоатлардин муроду матлуб.*

*Матлуб учун кўргил, эй толиб,
Бу мунча балоларни ютти Айюб.*

*Яъқубтек йиғлай кўр, тўқуб ёш,
Агар Юсуф керак эрса, эй Яъқуб.*

Ал-муножот ул-ҳоди ашара фи баёни авсофис-самоъ ва баёнҳо¹

Эй дарвиш, билгил ва огоҳ бўлғилким, самонинг аввали ҳайбат, даҳшат турур. Самоъ волаларға ҳайрат турур. Самоъ ҳақойиқ ганжиға мифтоҳи битобик (мос келувчи калит) турур. Фатҳу футуҳига ганжи дақойиқ турур (ғалаба, зафарларга нозик маъноларининг хазинасидир). Жонға жон восил рофиъу рафъ турур. Самоъ жонға жон ғизоси турур ва кўнгул қабуғининг калиди турур. Самоъ орифлар уза мақсум турур. Баъзиға мак-шуф (очик) турур ва баъзиға маълум турур ва баъзиға мақомот уза турур ва баъзиға ҳолот уза турур ва баъзиға мукошафот уза эшитурлар. Доим хаёл ичинда турурлар. Аларким, мужоҳидот уза эшитурлар, доим жамол ичинда турурлар. Бу мақомот бидоят ичинда туман минг мақом турур. Ул мақомдин бир мақом самоъ турур. Самоъ давом турур. Эй дарвиш, эмди билгилким, самоъ одамнинг хурмати турур. Самоъ Халилнинг – алайҳиссалом – хилъати турур. Ва самоъ Мусо алайҳиссаломнинг муниси турур. Ва самоъ Исо алайҳиссаломнинг аниси турур. Ва самоъ Яъқуб алайҳиссаломнинг давоси турур. Ва самоъ Айюб алайҳиссаломнинг (21^а) балвоси (исён) турур. Ва самоъ Исмоил алайҳиссаломнинг тамкини турур. Ва самоъ Довуд алайҳиссаломнинг савт ул-илҳони турур. Ва самоъ Шуайб алайҳиссаломнинг шавқу завқи турур. Ва самоъ Шамъун алайҳиссаломнинг завқи турур. Ва самоъ Хизр алайҳиссаломнинг зикри турур. Ва Илёс алайҳиссаломнинг фикри турур. Ва самоъ Юнус алайҳиссаломнинг қуввати турур. Ва самоъ Юсуф алайҳиссаломнинг исмати турур. Ва самоъ Идрис алайҳиссаломнинг улфати турур. Ва самоъ Жиржис алайҳиссаломнинг қурбати (яқинлашиш) турур. Ва самоъ Закариё алайҳиссаломнинг одати турур. Ва самоъ Яхё алайҳиссаломнинг мужоҳидоти турур. Ва самоъ Узаир алайҳиссаломнинг мукошафоти (кашф этиш, фош этиш) турур. Ва самоъ Муҳаммад Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг мушоҳадоти турур. Ва самоъ аналҳақ сирри ва румузи (рамзлар) турур. Ва самоъ “Субҳона мо аъзама шаъний”²нинг нури турур. “Лайса фи жуббатий мосиволлоҳ” дақойиқи турур. (“Жуб-бам – чопонимда Оллоҳдан бошқа нарса йўқ”нинг нозик маъноларидир). Самоъ ояти “Инно анта”нинг ҳақойиқи турур. Ва самоъ асари шайх Боязид Бистомий турур. Ва самоъ шайх Исмоил Қайсарийға керак. Ва самоъ лаззатини шайх Сарир Сақатий билур. Ва самоъ қадрини шайх Жунайд Бағдодий билур. Ва самоъ завқини шайх Маъруф Кархийдин сўрамак керак. Ва самоъ завқини шайх Иброҳим Адхамдин сўрамак керак. Самоъ имсоғиға ё Юнус Фард ё Шиблийи Румий (румлик Шиб-

¹ Ўн биринчи муножот: самоъ тавсифлари ва уларнинг баёни ҳақида.

² Менинг шаъним қандай улуг бўлди!

лий) лойиқ. Ва самоъ бахшиши Яҳё Маъоз аз-Зорий ё шайх Шаҳобиддин Сухравардийдин сўрамак керак. (Самоъ – зикр тушиш тухфасини Яҳё Маъоз аз-Зорий ё Шаҳобиддин Сухравардийдан сўрамоқ керак). [Ва самоъ]ни муфтийи аъзам Абу Ҳанифа Кўфий мукаррабий ё машойихи муқаддам ё шайх Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъин. Эй дарвиш, эмди билгилким, самоъ уч қисм уза турур. (21⁶) Тан ва кўнгул ва жон. Самоълар яна уч турлук турур. Уч гуруҳ турурлар. Аввал ом, иккинчи хос, учунчи хос ул-хос. Самоъни ом нафас бирла эшитурулар. Алар нафас солиб турурлар. Иккинчи – хос кўнгли бирла эшитурулар. Алар фақир толиб турурлар. Учунчи – хос ул-хос жон бирла эшитурулар. Алар муҳибби ғолиб турурлар. Самоъ омға ҳаром турур. Ва хосға мубоҳ турур ва хос ул-хосға ҳалол турур. Билгил ва огоҳ бўлғил.

**Андоғким, шайх Аҳмад Яссавий
айтур (раҳматуллоҳи алайҳ):**

*Неча хосларга турур самоъ мақоми,
Хослар керак самоъ давоми.*

*Жон бирла самоъ завқ бўлур, эй жон,
Билмас ул самоъ қадрини оми.*

*Орифнинг турур самоъ гизоси.
Ошиқнинг турур самоъ таоми.*

*Дарвишлар самоъи ул Изидин
Сўфийлар самоъи – Ҳақ каломи.*

*Бу йўлда самоъ анга ҳалол ул
Ким ичса ул муҳаббатнинг мудоми.*

*Уш эмди бу самоъ боби ичинда
Бўлди бу рисоланинг тамоми.*

*Ўлтурғил яна тизинг чўкубон,
Эшит Хожса Аҳмаднинг каломи.*


*Таърих эрди зи ҳижрат “дол”у “фо”да,
Қаламни қўйди, “айн”у “мим”у “лом”и.*

*Дунё чун работ, мо дару меҳмоним
Ту гарра машавки, даржо монам.*

*Андар ду жаҳон магар Худо монаду бас,
Дигар ҳама “Куллу ман алайҳо фон”ам.*

*Филология фанлари номзоди
Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ
наширга тайёрлаган.*

**USTOZ TARJIMONLAR
BISOTIDAN**



АБДУЛЛА ОРИПОВ

1941–2016



АБДУЛЛА ОРИПОВ – ШОИР-ТАРЖИМОН

Бундан бир йил аввал, худди шу ойда улуғ шоиримиз Абдулла Ориповни муборак 75 ёши билан қутлаган, у кишининг шеър дostonлари, таржималари, шахсияти ҳақида тўлиб-тошиб сўз айтган, мутафаккир шоиримизга узоқ умр тилаган эдик. Эвоҳки, бугун ардоқли шоир орамизда йўқ! Албатта, яқиндагина даврани тўлдириб юрган, пешма-пеш ҳикматга бой шеърларини эълон қилган, мазмунли суҳбатлари билан қалбларни қувонтирган шоир ҳақида бугун ўтган замонда гапириш шеърят мухлислари учун жуда оғир ва изтиробли. Зеро, кимдир у кишига эҳтиромини изҳор қилишга улгурмади, яна кимдир шоирнинг суҳбатидан баҳра ололмай қолди... Аммо ягона таскин-тасалли шуки, Абдулла Орипов адабиёт аҳлига бой адабий мерос қолдирди. Ўзбек шеърятини, унинг ривож-тараққиёти ҳақида сўз айтилар экан, Абдулла Орипов номини шаксиз тилга оламиз. Қолаверса, нуктадон шоиримизнинг таржималари, хусусан, улуғ итальян шоири Данте Алигьерининг “Илоҳий комедия”сидан, А.Пушкин, Л.Украинка, Т.Шевченко, Қ.Қулиев ва бошқалар ижодидан ўгирганлари ҳам неча-неча тадқиқотларга манба бўлеулик. Қуйида Абдулла Ориповнинг шоир-таржимонлик фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Таҳририятдан

Ўзбек шеърятини – азалдан бой ва ранг-барангдир. XX асрда бу шеъринг хазиначиси Абдулла Орипов ижоди билан янада бойиди, юксалди. Бир қараганда барчага таниш анъанавий шаклларда ижод қилган атоқли шоиримиз мутлақо янгича шеъринг оҳангларини кашф этдики, унинг шеъринг истеъдоди, маҳорати қирралари, адабий-фалсафий қарашлари моҳиятини адабиётшунослигимиз ҳали-ҳануз тўлақонли ўргангани, таҳлил қилолгани йўқ. Бу фикрнинг шоирнинг Пушкин ҳақидаги мулоҳазалари, жумладан, муҳбирнинг: “Пушкин шеърятининг ҳамиша тириклиги, яшовчанлиги ҳар бир китобхонни ҳайратга солиб келади. Сизнингча, бунинг “сири” нимада?” деган саволига берган жавоби билан ҳам тасдиқлашимиз мумкин: “Пушкин қўллаган шеъринг шакллар ҳозир анъанавий бўлиб қолди. Лекин нега Пушкин шеърлари эскирмайди?! Пушкин давридан буён ўнлаб, балки юзлаб шеъринг экспериментлар пайдо бўлди. Лекин нега “энг янги шакллар” жаҳон бадиий тафакқурида муҳим зина бўла олмаёттир. Бунинг сабаби оддий ва соддадир. Яъни ўз-ўзича шакл ҳеч нарсани англамайди. Либос нисбийдир, фақат руҳ ва маъно моҳиятини белгилайди. Адабиётдаги шаклий изланишлар ниҳоятда зарур. Лекин у нечоғлик замонавий ва илгор бўлмасин, ночор истеъдодни таназзулдан асраб қололмайди. Пушкин шеърятининг ўлмаслигига сабаб – унинг сатрлари орасида даҳо шоирнинг юрак нафаси уфуриб туради”.

Ўз асарларида теран фалсафий маъноларни ифода қилган шоирнинг адабий таржималарида ҳам ана шундай ёмби фикрлар, қарашлар гўзал ва бетакрор тарзда акс этади. Атоқли шоиримиз ўзбекчага ўгирган асарлар,

хусусан, Данте Алигъерининг “Илоҳий комедия” поэмаси (“Дўзах” қисми), Леся Украинанинг “Мафораларда” ҳамда Еньё Хельтаининг “Соқов рицар” шеърӣ драмалари, Александр Пушкин, Тарас Шевченко, Егише Чаренц, Қайсин Кулиев, Хариванш Рай Баччан, Сергей Баруздин, Крести Мерилаас, Адҳат Синўғил, Халил Ризо каби шоирларнинг шеърлари, Маҳсатий Ганжавий рубоийлари адабиётимиз хазинасига айланган. Энг муҳими, Абдулла Орипов таржимасида шеърлар ўзбекона қарашларга эш бўлиб, халқимизнинг кўнглидаги гапларга айланиб кетади. Мана, Александр Пушкиннинг “Ҳикмат” шеърига эътибор беринг:

*Кулбада биттагина шам ёниб турар эди,
Равшан бўлди ёқишгач, яна битта шамчироқ.
Бежиз эмас, қадимги донолар деяр эди:
“Тўй яхши-ю ва лекин кенгашли тўй яхшироқ”.*

“Кенгашли тўй тўзимас”, “Маслаҳатли ош айнимас” каби кўплаб ҳикматларни ҳаётӣ ақидасига айлантирган халқимиз учун кенгашиб, кўп билан бамаслаҳат бошланган тўйнинг хайрли, бекаму кўст ўтиши азалдан маълум. Содда қилиб айтганда, “кенгашли тўй” ибораси ҳам, бу ибора аңлатган маъно ҳам Пушкин мансуб рус халқидан кўра бизга кўпроқ таниш ва қадрдон. Шу боис бир шамнинг ёруғига бошқасининг кўшилиши билан кулбанинг янада ёруғлашиши, агар бу ташбиҳни ҳаётга менгзайдиган бўлсак, ота-онанинг жонфидолиги, фарзандларнинг меҳри, ёр-дўстларнинг оқибати, устозларнинг фидойилиги ва бошқа-бошқа кўплаб инсоний фазилатлар кишиларни бир-бирига елкадош-қўмакчи қилиши, бирининг камини бошқаси тўлдириши ана шу қисқагина ҳикматда акс этган-қўйган.

Ёсуман, қасирға, зулф, бадхў, лаим, биллоҳ, аҳволи тийра, ёбон, шоён, абгор, белуф, арш, ибтидо, пири комил, ноил, оташгоҳ, тамук, диловар, хайрбод, серитоб, олий хиргоҳ, бесару саман, раҳбон, бақо дунёси, хилқат, салаф... Дантенинг “Илоҳий комедия”си “Дўзах” қисмидан олинган бу сўзлар асарнинг мумтоз италян тили руҳиятини мумтоз туркий шеърӣ тил орқали ифодалашнинг ғоят юсак йўли. Айни чоғда, мутаржим туркий мумтоз адабий тилни замонавий контекстга ўраб, ўқувчига матнни тўла тушунмоғи учун зўр имкон яратади. Мана бу том маънодаги бадий таржима мўъжизасидир.

Абдулла Орипов қай мавзуга қўл урмасин, қай шаклда шеър битмасин, мудом эзгулик билан ёвузликнинг азалий кураши, оламнинг меҳвари одамийлик экани, ёмонлик қилиб ҳаргиз яхшилик топиб бўлмаслиги каби умуминсоний қадриятларни куйлайди. Шоир таржималарида ҳам шундай руҳ ва оҳанг сезилади. Бошқача айтганда, Абдулла Орипов таржима учун ўзининг қалбига яқин шеърларни танлайди ва шу боис ҳам таржималари худди ўзининг асарлари қадар таъсирчан ва бетакрор жаранглайди.

Пушкиннинг “Туморим” шеъридан олинган мана бу тўртликни қаранг:

*Бегона элларда ёзиб хуморим,
Эринчак сукунат қўйнида қолсам,
Оловли жанг ҳиссин қалбимга солсам,
Ўзинг асра энди мени, туморим.*

Агар синчков ўқувчи бу шеърнинг Пушкин қаламига мансуб эканини билмаса, уни худди ўзбек шоири, шоири бўлгандай, Абдулла Ориповдек

етук ижодкор ёзганидан фарклаши қийин. Аввало, туморни эъзозлашимиз, кўксимизда олиб юришимиз, унинг сирли-сехрли кучига ишонишимиз – халқимизнинг кўп минг йиллик анъаналари сирасига киради. Қолаверса, ифоданинг ўзбекнавалиги, сўзларнинг топиб қўллангани ҳам Абдулла Орипов маҳоратидан далолатдир. Айнан шу фикрни Пушкиннинг бундан-да маҳоратлироқ ўтирилган яна бир тўртлиги ҳақида ҳам айтиш мумкин:

*Шундоқ экан бу дунё, шундоқ бўлур ҳамиша,
Кўҳна бир ҳақиқатнинг дўкони ёпилмайди.
Доно одам жуда кам, гарчи кўп илм пеша,
Бисёрдир таниши-билиши, лекин дўст топилмайди.*

Бу энди нафақат мохирона таржима, айти чоғда Абдулла аканинг Пушкиндан зиёд бўлса, зиёд, аммо сира кам бўлмаган дардининг омухталашувидир. Шу уйғунлик бу тўртликни ўзбек таржимачилигининг дурдонасига айлантирган, десак асло муболаға эмас.

Умуман, Абдулла Орипов таржималаридаги ифоданинг бетакрорлиги ва самимийлиги ўқувчини ром этади. Атоқли болқор шоири Қайсин Қулиевнинг мана бу шеърига кулоқ тутинг:

*Гуллар бош эгади,
Юлдуз чарақлар.
Қор эриб, тоғлар ҳам товланар турлик,
Мен учун дунёда ҳаммадан баттар
Ҳайратни билмаган одамлар шўрлик.*

Назаримизда, мана шу банддаги биргина сўз – “турлик” шеърга ўзига хос оҳанг бағишлаган.

Халқимиз орасида Абдулла Ориповнинг “Муножот”ни тинглаб” шеъри “Муножот” куйидан кам машҳур эмас. Айниқса, “Куйи шундай бўлса гамнинг ўзига Қандай чидар экан одамзод?” каби сатрлардаги аччиқ ҳузун, теран мунг ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундайди. Абдулла ака таржима қилган Маҳсатий Ганжавийнинг рубоийларида ҳам шунга ўхшаш оҳанг сезилади.

*Сени ёндирдилар, айт-чи, шам, нечун,
Ёндириб, унутиб кетдилар бутун?
Ўзинг айт, найласин, инсон ўзи ҳам,
Яралган бўлса гар ёнмоқлик учун?*

Бундай уйғунлик замирида, назаримда, инсоннинг яралиши, унинг орзу-армонлари, қувончу ташвишлари ҳақида чуқур тафаккур қилган икки ижодкорнинг уйкаш хулосалари мужассам. Бу фикрни ҳинд шоири Хариванш Рай Баччандан қилинган таржима ҳам тасдиқлайди.

*Ҳаёл оти мени йироққа
Олиб кетса ҳамки ногаҳон,
Тушса ҳамки бир зум фироққа
Унутмасман сени, Ҳиндистон.*

*Десаларки, юр, шоир, ахир,
Боғи Эрам мевалари соз,
Лекин, юртим, мен сенинг тахир
Илдизларинг этардим эъзоз.*

Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” шеърини ким билмайди, дейсиз? Бу шеърда юксак маҳорат билан ифодаланган чинакам ватанпарварлик, киндик қони томган заминга садоқат туйғулари қалбимизни тарбиялайди. Асарда Ватан шунчаки кун кечириладиган маскан эмас, балки инсон бўлиб яшашимизнинг асосий шартини экани юксак пардаларда куйланган. Ва умуман ҳар бир инсон учун, у Америкада яшайдими, Австралиядами, она Ватанини таниш – одабийликнинг биринчи белгиси. Бу ҳақиқатни чуқур англаган ва ўзи ҳам худди шу руҳда асарлар битган Абдулла Ориповнинг ҳинд шоири асарини келиштириб, руҳини, оҳангини сақлаб таржима қилишининг боиси ҳам, бизнингча, шунда.

Леся Украинканинг “Мағораларда” шеърини драмаси таржимаси ҳам алоҳида эътиборга молик. Асар номи рус тилига “В катакомбах” деб ўгирилган. Бу сўз (“катакомба”) русча-ўзбекча луғатларда вайрона, чуқурлик каби маънолар билан изоҳланган. Абдулла Орипов эса уни ўзбекчада шундай жаранглатади: “Мағора”! Бу сўз сирлилиги, жозибаси билан ҳам тилимизнинг бойлигини, ҳам шоир-таржимоннинг улуғлигини кўрсатади.

Айни жиҳат шоирнинг маҳоратидан далолат бериши баробарида Абдулла Ориповнинг таржимонлик мактаби мавжудлиги ва у бошқаларга, айниқса, бугун мутаржимлик қаламини қўлига олган ёшларга жуда-жуда катта ибратдир. Абдулла ака: “Биз, энг аввало, Пушкиннинг самимиятидан ибрат олмоғимиз лозим”, деганидек ва ижодида бу аҳдига содиқ қолганидек, бугунги ўзбек ёшлари, ижодкорлари Абдулла Орипов самимиятидан, маҳоратидан ибрат олмоғи, ўрганмоғи лозим ва лобуддир.

*Шухрат РИЗАЕВ,
Отабек САФАРОВ*

Устоз Абдулла Орипов таржималаридан

Маҳсатий ГАНЖАВИЙ

(1089–1159)

*Сени ёндирдилар, айт-чи шам, нечун,
Ёндириб, унутиб кетдилар бутун?
Ўзинг айт, найласин, инсон ўзи ҳам,
Яралган бўлса гар ёнмоқлик учун?*

* * *

*Эй дўст, муҳаббатнинг умри тузоқдир,
Орзум истагингдир, бу сўзим ҳақдир.
Қароримни олди сипоришларинг,
Сабр деганлари мендан узоқдир.*

*Кел, эй, сўзи икки шивакор ўғлон,
Бутун қилмишлари фитнакор ўғлон.
Берган ваъдаларни узум сувидек,
Қадаҳдан тўкма сен, айла ор, ўғлон.*

Александр ПУШКИН

(1799–1837)

ЎТИНЧ

*Ўзинг асра энди мени, туморим,
Қувгин чоғларимда мени асрай қол.
Қалбимни чулгаса шубҳа ва малол,
Ўзинг асра энди мени, туморим.
Тўлқинлар бузишиб сабру қарорим,
Теграмни чулғашиб олсалар мутлоқ,
Булутилар солсалар ваҳший қалдироқ,
Ўзинг асра энди мени, туморим.
Бегона элларда ёзиб хуморим,
Эринчак сукунат қўйнида қолсам,
Оловли жанг ҳиссин қалбимга солсам,
Ўзинг асра энди мени, туморим.
Сирли ва муқаддас офтоб узорим,
Алдоқчи, гаройиб, лазиз туйғулар...
Ҳиёнат кўкида ботдилар улар...
Ўзинг асра энди мени, туморим.
Ўтган хотиралар – дилдаги зорим,
Қалбим жароҳатин тирнамасин, бас,
Алвидо, умидлар, тинч ухла, ҳавас,
Ўзинг асра энди мени, туморим.*

ҲИКМАТ

*Қулбада биттагина шам ёниб турар эди.
Равшан бўлди ёқшигач яна битта шамчироқ.
Бежиз эмас, қадимги донолар деяр эди:
Тўй яхшию ва лекин кенгашли тўй яхшироқ.*

ДУНЁ

*Шундоқ эди бу дунё, шундоқ бўлур ҳаммиша,
Кўҳна бир ҳақиқатнинг дўкони ёпилмайди:
Доно одам жуда кам, гарчи кўп илм пеша,
Бисёрдир таниши-билиши, лекин дўст топилмайди.*

Тарас ШЕВЧЕНКО

(1814–1861)

* * *

Ҳавас қилма сармоядорга,
 Ҳавасларинг сабил қолади.
 Дўстликни ҳам, муҳаббатни ҳам
 У ақчага сотиб олади.
 Ҳавас қилма қудратли зотга,
 У барчага ўтказар зуғум.
 Донгдорга ҳам ҳавас айлама,
 Донгдорнинг ҳам аҳволи маълум.
 У билади, одамлар асло
 Хуш кўрмагай асл сийратин.

Донгдор зотнинг ўзини эмас,
 Севадилар фақат шухратин.
 Бамисоли жаннатдаги ҳур,
 Ювошигина юришар ёшлар.
 Бир қарасанг, қовушигандан сўнг,
 Улар ҳам ўз гавгосин бошлар.
 Одамларга ҳавас қилма ҳеч,
 Олам кезиб излама жаннат.
 На замин ва на осмон бор,
 Тополмассан сен уни ҳеч вақт.

* * *

Тутқунликда яшайман танҳо,
 Биронта ҳам ҳасратдошим йўқ.
 Ўз ўйларим ичра мен адо,
 Сўзлашарга суҳбатдошим йўқ.
 Ахтараман парвардигорни,
 Дуч келади нуқул бошқалар.
 Йиллар эзди мендай абгорни,
 Бошим узра кулфат тош қалар.

Баҳоримнинг қутлуғ чоғига,
 Соя солди булутлар хира.
 Эсламоққа гоҳи-гоҳида,
 Топилмайди ёруғ хотира.
 Юпанч керак дилимга, аммо,
 Бир мулойим сўз менга, қани?!
 Ҳолим шудир: қор кўмган гўё,
 Ҳали совимаган мурдани.

Қайсин ҚУЛИЕВ

(1917–1985)

ШЕЪРИЯТ

Замин деб билган чоғ сени, шеърият,
 Ёмғирдай ёғилдим ўтлоқларингга.
 Гоҳида бешафқат кўчкин қор сифат,
 Ваҳму қутқу солдим қучоқларингга.
 Қушод ва муқаддас яловинг тутиб,
 Бўлдим лашкарингнинг оддий аскарини.
 Сени гоҳ дарёдек тасаввур этиб,
 Ўзимни ҳис этдим ирмоқ сингарини.
 Бурқсиб тутаган чоғ туман ва тутун
 Тангри ё расулмас, инсонинг бўлдим.
 Қутлуғ даргоҳингда таънасинг, забун,
 Содиқ дастёрингу дарбонинг бўлдим.
 Сенинг мавжудлигинг фаҳм этурман то,
 Токи тарк этурман уйқуни саҳар,
 Гўзал кўрингайдир кўзимга дунё,

Асло туюлмагай бу ҳаёт заҳар.
Ҳимматим ҳаққиға ғамдан, кулфатдан
Майли, асрамагин мени умрбод.
Асра лоқайдлигу енгил шуҳратдан,
Токи келтирмайин мен сенга иснод.

ҲАЙРАТ

Гуллар бош эгади,
Юлдуз чарақлар,
Қор эриб, тоғлар ҳам товланар турлик.
Мен учун дунёда ҳаммадан баттар
Ҳайратни билмаган одамлар шўрлик.
Ижод чаманида такрор ва такрор
Ҳайратга тушамиз буюк санъатдан.
Улар ҳам қачондир тугилган илк бор
Оддий нарсаларга бўлган ҳайратдан.
Ҳайратда боқдим мен гулга, чечакка,
Гарчанд сирларидан эмасман воқиғ.
Ҳайратга тушдим мен куй тинглаб якка
Ёки ўзгаларнинг шеърига боқиб.
Дарёлар гувиллаб чопар денгизга,
Қушлар хаёлингни завққа ўрайди.
Замин мўъжизалар берару бизга,
Эвазига фақат ҳайрат сўрайди.

Сергей БАРУЗДИН

(1926–1991)

ТОШКЕНТ

Гарчи суюклидир менинг Россиям,
Куёш ҳам мен учун у ерда балқир.
Лекин Тошкент бордир – руҳимга ҳамдам,
Бегона этмади Тошкентни тақдир.
Турфа тиллар билан элатлар аро
Энг буюк яқдиллик бундадир балким.
Мен Шимол ўғлони эрурман, аммо
Шарқнинг меҳри билан лиммо-лим қалбим.
Қадиму навқирон Тошкент бор албат,
Руҳим қашишоқ тортиб қолмагай, дўстлар.
Дилимга ногаҳон йўзрилса ҳасрат,
У фақат Тошкентни, Тошкентни кўзлар.
Сўнг эса қайтаман она юрт томон,
Она макон, ахир – энг эзгу чароқ.
Мен Тошкент меҳрига қонганим замон
Англайман Москвани тагин теранроқ.

БОР ГАП

Ўтган у кунларни эслайман гирён,
 Ёлгон сўз айтмоққа йўқ менда тоқат.
 “Урушда қўрқмайман” деган сўз ёлгон,
 Бехудага ўлмоқ даҳшатдир фақат.

Гарчи ҳар кимларга бош эмадик, йўқ,
 Ҳарб чоғи қочмадик орқага гарчи.
 Ҳаётингни юлса тасодиф бир ўқ,
 Шунга рози бўлсанг – эмассан жангчи.

Осойиш кунлар ҳам қоида шундоқ:
 Гарчи сенга бой-бой иқбол ёр.
 Тасодифий бахт ҳам бахт эмас мутлоқ,
 Фақат собит эрур неки барқарор.

Халил РИЗО


(1932–1994)

НИЗОМИЙ

Карвоннинг бир учи Ленинградда,
 Бир учи Ганжада, бири сарҳадда.
 Фарбу Шарқ, ҳаттоки фалак, албатта
 Жойлашур сен каби дилга, Низомий.
 Етти иқлим оқар Ватанинг томон,
 Юлдузлар ҳам боқар Ватанинг томон,
 Неча асрларга обрўсан шоён,
 Пешивосан, шуҳратсан элга, Низомий.
 Қўноқлар тушмоқда қизил қатордан,
 Қўлларида чечак неча гўлзордан,
 Гар бошинг кўтарсанг мрамор мазордан
 Кўрардинг – эл менгзар селга, Низомий.
 Кўрдим бир ўзбекни, ихлосманд ўғлон,
 Бошида дўппи-ю эгнида чопон.

Сенинг меҳробингга етишган замон
 Тушиди ялангоёқ йўлга, Низомий.
 Таваллуд топгансан Ганжабосарда,
 Номинг жаҳон кезар, хокинг мазорда.
 Башар дурдонаси – ўлмас асарда
 Сўнмас ҳаёт бердинг чўлга, Низомий.
 Сенга сизинувчи бир менми танҳо,
 Фақат Москва-ю Бокумикан ё!
 Бошингга коинот сочмоқда зиё,

Айландинг гулишанда гулга, Низомий.
 Замон ҳеч айлади тождорларни,
 Ювуқсиз подшо-ю ҳукмдорларни
 Ва лекин Сен каби санъаткорларни
 Шоҳ этди Музону Милга, Низомий.
 Саккиз аср сенинг пойингда ётар
 “Сирлар хазинаси” соҳир бир асар.
 Фузулий шаклида қайтдинг бир сафар
 Онанг алла айтган тилга, Низомий.



Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ

СОАТ КАФГИРИ

ёхуд эски дафтардан

Таниқли публицист Ёқубжон Хўжамбердиев 1947 йил 15 мартда Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти Сузоқ қишлоғида таваллуд топган. 1969–1975 йилларда ТошДУ (ҳозирги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)нинг филология факультетида таҳсил олган. Унинг “Зарурат”, “Ой тўлган тунлар” каби шеъррий тўпламлари, “Ўзбеклар иши”, “Уйда тинчи бўлсин йигитнинг”, “Ойнинг ёруғ кунлари” ва “Созуний созинчи” сингари маърифий-публицистик асарлари чоп қилинган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақола бундан ўн етти йил олдин ёзилган бўлиб, ҳозиргача ҳеч қаерда эълон қилинмаган. Унда етмиш йил давомида ҳукмронлик қилган ва ҳанузгача айрим кишилар гоҳ пинҳон, гоҳ ошқора созинч билан эслайдиган собиқ империянинг машъум кирдикорлари, зиёлиларимиз бошига солган мусибатлари ҳақида сўз боради. Камтарин ва захматкаш ижодкорни муборак ёши билан қутлаган ҳолда, ушбу публицистик мақолани тақдим этамиз.

Таҳририятдан

I

*Фурсатни кесади соат кафгири,
Тилка-пора қилар висол дамларин.
Гўё у Исфаҳон, Темур шамшири,
Адолат – вақтнинг қоқар чангларин.*

Мен. Менежмент бўйича инглиз мутахассиси Матт Драйвер “команда”да фаолият юритиш ҳақида гапириб, шундай бир воқеани ҳикоя қилиб берган эди: “Жон Кеннедининг (Ж.Кеннеди Американинг собиқ президенти – Ё.Х.) фалон муддатда ойга одам юборишимиз керак, деган ғояси оддий фаррошгача етиб борган. Ундан (фаррошдан) нима қиляпсиз, деб сўрашганида “ойга одам юборяпмиз”, деган экан...”

Ўзим. Демак, муайян бир лойиҳанинг муваффақиятли амалга ошишида “команда”нинг аҳамияти катта, шундайми?

Мен. Нафақат турли лойиҳалар. Умуман, ҳаётнинг ўзи “команда”лардан иборат. Дейлик, оиладаги эр-хотин, болалар яқдил бўлгандагина хонадон

турмуши яхши кечади. Бундай оила ҳаётда кўп нарсаларга эришиши мумкин. Ёки бўлмаса, ишлаб чиқариш жамоаларидан тортиб, давлатларни бошқаришгача “команда”лардан иборат. Ҳамма гап уларнинг қандай ишлашида. Агар юқоридаги ривоятда айтилганидек, президентдан то фаррошгача битта ғоя атрофида бирлашса, чакки бўлмаса керак. Кўплаб ривожланган мамлакатларнинг тараққиёти ҳам бир жиҳатдан ана шундай “команда” бўлиб ҳаракат қилишнинг натижаси десак, муболаға эмас. Тарихда маълум мақсадлар йўлида бирлашган, аммо дастлабки чорраҳадаёқ йўллари, кўнгиллари айро тушган катта миқёсдаги “команда”лар кўп бўлган... Айни пайтда, муайян бир “команда” бошлаган ёвузлик, жаҳолат юз йиллар мобайнида давом этгани ёки этиши мумкинлиги ҳам тарихдан маълум. Масалан, Шўролар тузумини юзага чиқарган кишилар ана шундай “команда”лар сирасига киради...

Ўзим. Коммунизм ғояси соф ғоя сифатида (биз истаимизми-йўқми) инсониятнинг маълум қатлами орзуси эди. Орзуга эса айб йўқ. Мен айтмоқчиманки, мазкур ғояга чин дилдан ишонган, уни эътиқод даражасига кўтарган одамлар (коммунистлар десангиз ҳам бўлади) дунёда анча-мунча эди. Ҳатто бу тузумнинг фазилатлари хусусида жаҳонга машҳур кишилар ҳам тўлқинланиб фикр юритишган. Масалан, буюк ёзувчи Рабиндранат Тагор хотираларида шундай ёзади: “Москвада бўлган чоғимда уларнинг миллий сиёсати менда чуқур таассурот қолдирган эди. Ушбу мамлакатда мусулмон ва мусулмон бўлмаган одамлар ўртасида айирмачилик йўқ: ҳокимият ўз вазифасини иккала тараф манфаатларини ҳимоя қилишда деб билади”.

Рабиндранат Тагорнинг шўро тузumi ҳақидаги бундай эътирофи Россия тарихида “Потёмкин қишлоқлари” деб ном қолдирган ҳангомани эслатади. Албатта, бу ҳангома тарихчилар, ёзувчилар томонидан турлича талқин этилади. Уни рус ёзувчиси Валентин Пикул ўзининг “Жазман” романида ошириб-тошириб ҳикоя қилса, Чингиз Айтматов мана бундай ёзади: “Ҳар хил можаролар билан тарихда ёрқин из қолдирган Екатерина Иккинчи ҳукмронлик қилган даврларда Украина билан Қрим ҳам Россия империяси таркибига кирган эди. Ўша ўлкаларнинг генерал-губернатори лавозимига қироличанинг жазмани бўлмиш олиймақом князь Григорий Потёмкин тайинланади.

Қиролича Кичик Россия аҳолисининг аҳволи билан танишиш мақсадида 1787 йили сафарга чиқади. У Петербург билан Киев ўртасида етмиш олти станция, ўттиз бешта қишлоқда тўхтаб ўтади. Тушлик қилади, дам олади. Сон-саноксиз мулозимлари билан олдиндан белгилаб кўйилган йўллардан ўтаётган қиролича сафарининг иккинчи куниёқ бойбадавлат, ўйнаб-қулиб ҳаёт кечираётган фуқароларини кўриб, бағоят хурсанд бўлади. Ваҳоланки, қўли остидаги ўлкаларни қироличага яхши кўрсатиш учун губернатор кеча-кундуз тиним билмай... томошахона ҳозирлайди: сўқимга боқилган ҳайвонларни йўл четига қаторлаштириб қўяди, одамларни ҳам тўтиқушдай сайрашга ўргатади”¹.

Сирасини айтганда, бундай ялтоқланиш – подшоҳга яхши кўриниш “қасали” инсон табиатига хосдир. “Қасал”лик ўзаро муносабатлардан ўсиб чиқиб, сиёсат даражасига кўтарилганида хунук оқибатларни юзага чиқаради.

¹ Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. –Т.: Шарқ, 1998.

Сирдарёда узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган Ашур бобонинг ҳикоя қилишича, 60-йилларнинг бошида собиқ шўро давлатининг ўша пайтдаги бошлиғи Никита Хрущёв Мирзачўлга келади. Унинг ташрифига бу ерда жуда катта тайёргарлик кўрилади... Тошкент, Фарғона боғларида очилиб турган атиргуллар таги билан тувакларга солиниб, олиймаком меҳмон ўтиши кўзда тутилган йўл четларига ўрнатиб чиқилади... Шўро ҳукуматининг бошлиғи бундай қараса, асрий чўл ўрнида гулистон барпо этилибди... Катта раҳбар йўлдан ўтиб кетгач эса “гулистон” тагин оддий чўлга айланиши билан ўша пайтда ҳеч кимнинг иши бўлмаган. Маҳаллий раҳбарлар фақат мақтовга сазовор бўлишни, “мана, кўриб қўйинг, биз нималарга қодирмиз” деб мақтаниш учун ана шундай кўзбўямачиликларга боришган... Албатта, ўша пайтларда ҳам Мирзачўлнинг ўзлаштирилган жойларида гуллар ўсган, экинлар ҳосил берган, дарахтлар мева туккан. Лекин бундай яккам-дуккам, ғариб манзара маҳаллий раҳбарларни қониқтирмаган. Улар ўзларининг катгаларига “Потёмкин қишлоқлари” каби гуллаб-яшнаётган Мирзачўлни, “Лолазор”ни (М.М.Дўст асари) кўрсатмоқчи бўлишган.

Мен. Сен айтаётган воқеалар тасодифан тарих саҳнасига чиқиб қолган советларнинг хурмача қилиқларидан бири, холос. Бугунги ёшлар собиқ СССРнинг қандай пайдо бўлгани, бу тузумнинг “архитекторлари” кимлар экани ҳақида кам билишади ёки умуман билишмайди. Менинг назаримда, улар ҳақида ҳадеб гапиравериш, эслатавериш ўринли эмас. Ҳар замоннинг ўз доврўғи, ўзининг гапи бўлади...

Ўзим. Йўқ, бироз адашдинг, чоғи. Тарих хато қилмайди. Унда тасодифлар бўлмайди. Шу жумладан, советларнинг тарих саҳнасига келиши ҳам тасодиф эмас. Қадимги Рим императори Тибериий ўзининг бўлажак вориси бутун дунёга мусибат келтиришини башорат қилгани каби, коммунистларнинг оталари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс ҳам “Европада бир шарпа кезиб юрибди, бу коммунизм шарпаси”, инқилоб бу сафар Шарқдан бошланади, дея башорат қилишган. Агар бу “шарпа” ростдан ҳам ўзи “кезган” Европада қолиб кетганида эди, балки тарих бутунлай бошқа томонга “ғилдираган” бўларди. Тарих тақозоси билан ўша “шарпа” Россияга кўчди. Чунки бу “шарпа”нинг воқеликка айланиши учун зарур бўлган керакли шарт-шароит, боя айтганимиздай, “команда” Европада эмас, айнан Россияда мавжуд эди. Жумладан, меҳнаткаш халқнинг помешчиклар томонидан қаттиқ эксплуатация қилиниши, иқтисодий ва ижтимоий қолоқлик ана шу шарт-шароитга асос бўлган эди. Жумладан, 1861 йилда крепостнойлик ҳуқуқининг бекор қилиниши ва Россияда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ва албатта, Биринчи жаҳон уруши оқибатлари Россиядаги инқилобий вазиятни юзага чиқариб қўя қолди. Охир-оқибат Европада кезиб юрган “шарпа” Россияда ҳайқирди, чақириққа айланди. XIX асрнинг 60–70-йилларида Россияда ҳар йили 800 тадан ғалаён юз берган. Мен сенга айтсам, ҳатто 1916 йилдаги Туркистон кўзғолонлари ҳам Россияда буржуа революциясининг, кейин эса ишчи-деҳқон инқилоби юз беришига хизмат қилган.

Мен. Биз “команда”лар ҳақида суҳбат қилаётган эдик. Радиодан бир хабар эшитдим: Душанбе шаҳридаги В.И.Ленин номи билан юритиладиган марказий хиёбондан доҳий ҳайкали олиб ташланибди. Ҳайкални олиб

ташлаш маросимида ёшлар ҳам иштирок этган. Радио мухбири ёшларга микрофон тутиб “Ленин ким эди?” деб сўраганида кўпчилиги унинг ким экани ҳақида билмасликлари маълум бўлган. Улардан бири эса Ленин шоир, кўплаб шеърлар ёзган деб жавоб берган... Ҳолбуки, Ленин ва унинг революцион “команда”си жаҳоннинг олтидан бир бўлагидега етмиш йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди... Агар тарихни бир одам сифатида тасаввур этсак, ўша инсон ўз бурнини сассик деб кесиб ташлайдими?..

Ўзим. Ўша “сассик бурунли” одамнинг яхши фазилатлари ҳам бор эди, демокчисан-да?! Яқинда Россия газеталаридан бири собиқ СССРнинг яхши ва ёмон жиҳатларини “тарозига” солиб кўрди. Мазкур тарозига кўра, СССРнинг 7 моддадан иборат яхши (газетага кўра, ижобий) ва 7 моддадан иборат ёмон (салбий) жиҳати бўлган. Жумладан, 1921 йилнинг 30 декабрида ташкил этилган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўша чокқача ҳеч қаерда мавжуд бўлмаган принциплар: ўз ихтиёри билан таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга бўлган мустақил республикалар федерацияси асосида тузилган. Иккинчидан, саноат ишлаб чиқаришининг катъий ҳажми бўйича СССР 1937 йилга келиб АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олган (Чор Россияси 5-ўринда эди). Учинчидан, электрлаштиришнинг мисли кўрилмаган лойиҳаси мамлакатни саноатлаштиришнинг локомотиви бўлиб хизмат қилган, ўн йил ичида 30 та иссиқлик ва гидроэлектр станциялари барпо этилган. Тўртинчидан, шимолий денгиз йўлини ўзлаштириш Коль ярим оролидан Чукоткагача бўлган мамлакатнинг бутун Арктика ҳудудларини бирлаштирган. Бешинчидан, Ернинг биринчи сунъий йўлдоши, инсоннинг илк марта коинотга парвоз қилиши, у жойда орбитал станцияларнинг барпо этилиши каби қатор дастурлари амалга оширилган. Олтинчидан, 1959 йилга келиб СССРда саводсизлик тўлалигича тугатилган (XX аср бошида аҳолининг ярми ёзиш-ўқишни билмас эди). Еттинчидан, “энг катта ва қудратли” ватандан фахрланиш туйғуси давлат томонидан кенг тарғиб этилган. Сезиб турибман, тарозининг “яхши” палласи сени қониқтирмапти. Мана шундай “яхши” ва “ёмон” жиҳатлар бор эди: ахир, СССР (жумладан, чор Россияси ҳам) бўлмаганда эди, биз ҳали-ҳануз эшак миниб, салла-чопон билан юраверармидик... Ён қўшнимиз Афғонистон бунга мисол... Бу сен ва сенга ўхшаганларнинг энг катта ҳимоя деворларинг.

Тўғри, руслар келиб қора чопон ўрнига костюм-шим, пальто кийишга, бошимизга шляпа, кепка, шапка (яна нима балолар) кийишга ўргатишди. Буларгина эмас, ичкиликка, кашандаликка, фоҳишалик ва фоҳишабозликка ўргандик. Лекин ана шу сен айтган цивилизация “эҳром”лари ўзингни биров эшак қилиб миниб олган чоғда бир чақачалик қадри қолмайди.

Ўзим. Ҳозир, бугунга келиб шундай деб ўйлаяпсан. Аммо ўша замонда русларнинг кийимиغا биринчи бўлиб сенга ўхшаган “зиёлилар” ўранишганини ҳамма билади... Мен сенга айтсам, хонликларни агар рус бўлмаса, бошқа биров – англизми, французми, албатта, босиб олган бўлар эди... Инсон табиатан худбин бўлади. Айтайлик, жуда ҳам чекким келиб турибди. Аммо кулини ташлаш учун кулдон йўқ. Стол устидаги кулдонликка ярайдиган бирдан-бир нарса нарироқда турган ликопча. Аммо ликопчада пўсти арчилиб, кесиб қўйилган олма бор. Менинг ҳозир олма егим йўқ... Лекин чекким келяпти. Чекиш учун эса кулдон зарур... Менинг чекишга бўлган эҳтиёжим олмага бўлган эҳтиёжимдан устун келади

ва мен олмани ея бошлайман. Чекишга бўлган эҳтиёжимни қондириш учун. Аслида Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши ҳам ўз қудрати билан Англияни кўрқитиб қўйиш эҳтиёжидан бошланган эди.

Давлатлараро муносабатлар қаршисида мен келтирган мисол, албатта, ўта жўн. Аммо, начора, бу дунёга чуқурроқ назар билан қараб кўрмоқчи бўлсанг, ҳамма нарсанинг азалдан жўн, арзимас эканини сезиб қоласан. Фақат туғилиш ва ўлимгина боқий. Чунки бу икки қонуният илоҳийдир. Бошқа ҳамма нарса инсон иродасига боғлиқ, демакки, дунёвий ҳиссиётлар, муносабатлар заруриятдан юзага келади.

Мен. Сен мен ўйлагандан чуқурроқ кўринасан ёки шундай кўрингинг келяпти...

Ўзим. Йўқ, мен гапнинг сирасини айтяпман, холос. Сен билан мен совет мустамлакаси остида кўп яшадик. Ҳатто, айтиш мумкинки, умримизнинг катта қисми ана шу шўролар даврида кечди. Бугун “демократик жараён” деб айтаётганимиз йўлнинг асосий архитекторлари, қурувчи ва муҳандислари ҳам ана шу давр мутахассисларидир. Шундай экан, вақт – улуғ ҳакам, деган ақида бизнинг асосий қуролимиз бўлмоғи лозим. Шу мазмунда немис шоири Эрих Фридрихнинг “Ким бизни ҳамма нарсадан айирмоқчи” деган бир шеъри “команда” ҳақида ёркинроқ таассурот қолдиради:

Кимдир фикримиздан айирмоқчи.

Бунга унинг

Дастурин ўқиб, ияк қоқмоқ

Етарлидир.

Кимдир туйғумиздан айирмоқчи.

Бунга унинг

Шеърларини мисол қилиб,

Етар иқтибос олиш.

Кимдир айирмоқчи

Уруш ва Тинчликни

Танлаш ҳуқуқимиздан...

Биз-чи, танлаймиз ўшани яна...

Зотан, бордир

Юқинишга арзир

ўнлаб бошқа ном...

Аммо улар

Айиради

ҳаётимиздан...

Ўзим. Ўзбек буни “Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу”, дейди. Янаям батафсилроқ айтадиган бўлсак, балки, Ўрта Осиёни руслар эмас, инглизлар босиб олганда ҳаёт қандай кечар эди, деган масала бир пайтлар кўпчиликнинг бошини қотирган бўлса, эҳтимол. Аммо тарих ғилдираги Ўрта Осиёга инглизларни эмас, русларни олиб келди. Бугун ўртаосиёликлар чоризм даврида яхши яшаганмиди ёки совет даврида яхши ҳаёт кечиришганми, деган масала ўринли эмас. Бугун Вальтер Скотт ўзининг тарихий романларида келган хулосани қайтариш ўринли: тарихнинг бир даврида одамлар қандай – яхши ҳам, ёмон ҳам

яшамаганидек, бошқа бир даврда ҳам инсон ҳаёти бирдай кечмайди. Шу боис, ўтмиш келажак учун ҳар доим ҳам намуна эмас, балки сабоқ бўлиши керак...

II

Мен. Достоевскийда бўлса керак, шундай сахна бор. Олтин бузукка бутун дунё бўйлаб ружу қўйиш ўсмирнинг шундоқ ҳам бешафқат онгига сингиб боради. Ҳокимият алдови, жамият томонидан кўнгилли равишда оёқ остига ташланган пул тўла қоп билан унинг тасаввурини захарлайдилар. Ўзини айнан истейдодсиз, ўртамиёна одам сифатида тасаввур этиш ва дунё устидан кулиш унга ўта ёқади: “Эй, сиз Галилейлар ва Коперниклар, Буюк Карллар ва Наполеонлар, Пушкину Шекспирлар, сиз фельдмаршалугофмаршаллар, мана мен – талантсизлик ва қонунсизликнинг нақд ўзи – ҳар ҳолда мен сизлардан юқоридаман. Зотан, буни ўзларингиз истадингиз”.

Ўзим. Начора, бу ҳақиқат. Одамзод нима қилса, ўзига қилади ва ўзи қилади. Фан-техника тараққий этган XX асрда юз берган ва XXI асрда юз бераётган кўз кўриб, кулоқ эшитмаган воқеалар, урушлар, қатағонлар... Умуман, тарихга разм солсангиз бундай кетма-кет урушлар, қатағонлар халқни жисмонан ва маънан ҳалок қилиб борганини кўрасиз. Ахир, уларнинг барчаси инсон қўли ва ақли билан амалга оширилади. Инсон фикри билан бошқарилади. Бу ўша барчамизнинг устимизга чиқиб олиб: “...буни ўзларингиз истадингиз”, деган оломоннинг иши... Мана шундай шароитда халқнинг энг катта ютуғи – яшашда давом этиши. Ҳаёт учун олиб борган мардонавор кураши. Халқнинг ўлмаслиги ҳам шунда.

Мен. Собиқ СССР ҳам XX асрнинг мудҳиш бир ҳодисаси эди. Уни “ўзимиз истаганмиз”. Кишилиқ жамияти яратган қонунлар ҳатто ашаддий ўғрини ҳам тан олган: “қонундаги ўғри”, деган иборани эсланг. Большевиклар (коммунистлар деб ўқинг – Ё.Ҳ.) ўзларининг дастлабки қадамлариданоқ ғайриқонуний иш юритишди. Россия тарихидан маълумки, 1918 йил бошида Муваққат ҳукумат ҳали яшаб турган даврида Умумроссия таъсис мажлиси очилади. Ушбу мажлисда иштирок этиш учун сайланган 715 депутатдан бор-йўғи 183 нафаригина большевиклар эди. Танаффус пайтида большевиклар ва советлар масаласида уларни қўллаб-қувватлаётган эсерлар билан маслаҳатлашиб олиш учун чиқиб, залга қайтишмаган. Мажлисни олиб борган эсер Виктор Чернов Ишчи ва солдат депутатлари советининг II съезди декретларини кўпчиликсиз бекор қилди. Аммо кеч бўлганди. Петрограддаги вазиятни кузатиб турган халқ комиссарлари кенгаши Таъсис мажлисини тарқатиб юборди. Тарихчи олим Альберт Ненароков фикрича, “Большевиклар Таъсис мажлисини совет ҳукуматининг декретларини қабул қилмагани учун эмас, балки Таъсис мажлиси советларни ҳокимият шакли сифатида қабул қилишни истамагани учун тарқатиб юборган, яъни Россияда ҳокимият шаклини Таъсис мажлисининг ўзи эълон қилиши лозим эди. Аслида, Таъсис мажлисининг тарқатиб юборилиши февраль инқилоби ғалабаларига бутунлай чек қўйган яна бир (октябрь революциясидан кейинги) тўнтариш эди”¹.

¹ Аргументы и факты. 2008 йил, 3-сон.

Мана шу далиллар ҳам кўрсатиб турибдики, Совет ҳокимияти халқнинг инон-ихтиёридан четда, демакки, ғайриқонуний бўлган. Зотан, Россия тарихида қадимдан шундай бир таомил мавжуд эдики, унга кўра, мамлакат боши берк кўчага кириб қолган дамларда умумхалқ йиғини чақирилган. Бундай йиғин XVII асрда “вакиллар йиғини” деб аталган бўлса, 1918 йилдаги йиғин “Таъсис мажлиси” деб аталди¹. 1613 йилдаги “Вакиллар йиғини” алғов-далғов замонларга чек қўйди, 1918 йилдаги “Таъсис мажлиси” эса бор-йўғи бир кун яшади ва мамлакатни фуқаролар урушига олиб келди. Бунинг асосий сабабчиси большевиклар – Ленин “командаси” эди...

Ўзим. Айтишларича, умр – вақт. Вақт эса ўтмиш ва келажак ўртасидаги лаҳза. Ўтмиш ва келажакни ҳатто “қўл билан ушлаб кўриш” мумкин, дейишади. Аммо “ҳозир”ни, яъни ўша лаҳзани на кўриб бўлади ва на ушлаб...

Мен. Британиялик ёзувчи Роберт Луис Стивенсон эса инсон учун иккита йўл: пок виждонли ёки ўғри бўлиш буюрилган, дейди. Ўрта йўл йўқ...

Ўзим. Айтмоқчисанки, шўролар ўзларини қанчалик олийжаноб, халқпарвар қилиб кўрсатишга уринмасин, улар инсониятга “буюрилган” иккинчи йўлнинг одамлари...

Мен. Йўқ! Ўтмиш билан келажак ўртасидаги “бир лаҳзалик” вақтда қанча нохуш ҳодисалар рўй берганидек, қандайин разил ишлар амалга оширилиши мумкин бўлганидек, неча юзлаб ўша сен айтган “иккинчи йўл”га буюрилган одамлар туғилгани каби шу даражада ёқимли ишлар юз кўрсатади, неча юз миллионлаб “биринчи йўл”га буюрилган инсонлар дунёга келади... Агар таъбир жоиз бўлса, дунёнинг посангисини файласуфлар “ушлаб, кўриб бўлмайди”, деган ана шу вақт – лаҳза тўғрилаб туради. Шундай экан, шўроларни, яъни коммунистик тутумни танлаган кишиларнинг ҳаммасини ҳам диёнатсиз, ўғри деб аташ бориб турган жоҳиллик, дунёбеҳабарликдан бошқа нарса эмас. Бошқача айтганда, “коммунизм шарпаси”ни ўйлаб топганлар бор, бу “шарпа” билан оммани кўрқитганлар бор, ушбу “шарпа”га чин дилдан ишонганлар бор. Аслида, “коммунизм шарпаси”га сидқидилдан ишонганлар уни ўйлаб топган, у билан кўрқитганлардан миллион-миллион чандон кўпроқ эди...

Халқда “ўн ишчига – бир бошчи”, деган гап бор. Бундай иборалар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Зотан, инсоният яралибдики, наинки ўн ишчига, балки юз минг, миллионлаб одамга бир бошчи бўлиб келган. Инсон табиатининг ўзи шундай: етаклаш, етакланиш, бошқариш ва бошқарилиш туйғуси унда яратилганидан мавжуд. Ҳамма гап уни қандай бошқаришда. Бу ҳақда кўплаб қадимги ва ҳозирги замон мутафаккирлари бош қотирган бўлса-да, аммо, не тонгки, мутафаккирларнинг йўл-йўриқлари бир четда қолиб, ҳар қачон ҳам улоқни олғирлар илиб кетаверишган. Айтайлик, қадимги Хитой мутафаккири Конфуций (милоддан аввалги 551–479) таълимотининг марказида давлат ва жамиятни урф-одатлар, зарур хулқ-атворлар орқали бошқариш туради. “Агар халқ фақат қонунлар воситасида бошқарилиб, жазолар ёрдамида тартиб сақланадиган бўлса, – деб таълим беради мутафаккир, – халқ жазодан қочадиган бўлади, ахлоқ-одобни писанд этмай қўяди...” Ёки Қуръони карим – Оллоҳнинг сўзи, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари ибодат, одоб-ахлоқ,

¹ Ўша манба.

панд-насихат, тўғри йўл-йўриқ орқали инсониятни ягона Оллоҳга итоат этишга қаратилмаганми?!

Аммо, ҳаёт кўрсатдики, инсониятнинг бир қисми Оллоҳга эмас, ўзлари истаган лойдан ясалган “тангрилари” – Ленин, Сталин, Гитлер ва бошқаларга сиғинишди. Ва албатта, бу топинишлар беиз кетмади. Лойдан ясалган “тангрилар” нафақат ўзларини, айти пайтда ўз изларидан борган миллионлаб кишиларни ҳам хароб қилди.

III

Ўзим. Бир нарсани – суҳбат мавзусини аниқлаб олсак, дейман. Бу кетишда ҳамма нарса ҳақида гапирамиз-у, аммо ҳеч нарсани тушунмаслик мумкин.

Мен. Мавзу – умр, вақт, дунёнинг эврилишлари ҳақида эканини шу дамгача тушуниб етмадингми?

Ўзим. Ҳар ҳолда тушунгандайман, бироқ уни яна ҳам чегаралаб олсак, ўқиган одамда тиниқ бир тасаввур пайдо қилиш учун бирон-бир тақдирнинг кечмишлари асосида фикр юритсак, қандай бўларкан? Олайлик, ўзимизнинг тақдиримиз...

Мен. Гапингда жон бор. Аммо сен билан менинг тақдиримда ўқувчини қизиқтирадиган фавкуллодда ҳодисалар йўқ. Шундай бўлса-да, сен билан менинг тақдирим – миллионларнинг тақдири. Бизнинг замонамизда миллионлар шундай – шовкин-суронли куннинг ўтганига шукр қилиб яшамоқда. Тўғриси ҳам шу: қачонгача ойга чиққанлару юлдузни бенарвон урганлар, амалдорлару депутатлар, ёстикдай рўмон ва шеърый китобларнинг муаллифлари, киноюлдузлару кўшиқчилар “замонамиз қаҳрамонлари” бўлишади?! Бизга ўхшаганнинг ҳам бағрига шамол тегсин-да... Қани, бошла...

Ўзим. Унда биз – киммиз? Қаердан келдигу қаёққа қараб кетяпмиз?

Мен. Биз, аввало, якка-ю ягона Парвардигоримизнинг бандасимиз. Тарихда “туркий халқлар” деб ном олган улкан дарахтнинг бир бўғини – ўзбекмиз. Келган ва бораётган жойимиз – икки эшикнинг ораси. Бир эшикдан кириб, иккинчисидан чиқамиз... Бир эшик пайдога келтирса, иккинчиси фанога етқарур...

Нимаики фаолият қилсак, қандайки яшасак, ана шу икки эшик орасида юз беради. Гуноҳ ҳам, савоб ҳам, тақдири азал ҳам ана шу жойда... Бу ораликни эса ҳаёт дейдилар.

IV

Мен. Етти отангни биласанми?

Ўзим. Отам мулла Хўжамберди, унинг отаси Ризақул Кичкина...

Мен. Кейин-чи?

Ўзим. Эслай олмаяпман...

Мен. Билмайсан! Етти отани кўпчилигимиз билмаймиз. Чунки бизга етти отани эмас, битта – Ленин “ота”нигина ўргатишган. Ҳозир ҳам бу нарсага унчалик эътибор берилмаяпти. Бугунги ўқитувчилар, мактаб дастурларини тайёрлайдиган мутахассисларнинг аксарияти шўро тарбиясини кўрган ёки ўша одамлардан сабоқ олган. Ваҳоланки, одам

етти отасини, қишлоғини билмасдан, англамасдан туриб, бошқа бировни, бошқа юртларни тушуниб етмайди... Биз ва бизгача бўлган бир неча авлод ўзиникидан кўра бошқа халқнинг, айти пайтда, русларнинг тарихини, русларнинг ватанини кўпроқ ўргандик. Ўзимизнинг оталаримиз тақдири, ватанимиз тарихига эса кулф солинди ёки бузиб кўрсатилди. Энг қизиғи, ана шу афсунлардан, ана шу сеҳрлардан ҳалигача қутула олмаяпмиз.

Ўзим. Сирасини айтганда, сен ҳақсан. Аммо ҳар қайси замонда ҳам, жумладан, шўро даврида ҳам ўзликни таниш, айтилик, ўша “етти ота”ни билишга қизиққан, ўз маҳалласини – “ота юрт”ини беш бармоқдай билган одамлар кўп бўлмаса-да, аммо бўлган. Бундай кишилар ўзига тўқ одамлар орасида кўпроқ эди. Ким нима деса десин, қуруқ қошиқ оғизни йиртади, бўш коп тик турмайди, оч қоринга сўз ёкмайди, деган мақол-матал ва иборалар бекорга айтилмаган. Уйда егани бир кафт буғдойи бўлмаган одамнинг қулоғига қачон гап кирган?! Шўро даврида жуда кўп зиёлилар, муҳандислар ўзларини камбағалдан чиққан деб кўрсатишган. Суриштириб кўрсангиз, ўша “камбағал”нинг уйда иккита сигири, кўрасида ўнта кўйи бўлган. Албатта, ҳақиқатан ҳам камбағалдан чиққан олим кишилар бўлган. Бу энди фақат Оллохнинг инояти-ю оиласида қадимдан таркиб топган – хоҳ у исломий бўлсин, хоҳ дунёвий бўлсин – тарбиянинг маҳсули.

Мен. Сен ўзи бундай алмойи-жалмойи далил-дастаклар билан нима демокчисан? Камбағалдан дуруст одам чиқмайди, деган гапни айтяпсан, шекилли?

Ўзим. Асло. Сен билан мен ҳам асли камбағалнинг боласимиз. Мен айтмоқчиманки, ўша Шўро даврида камбағалга кун йўқ эди. У на ёлчи-тиб савод чиқарди ва на қорни нонга тўйди. Билими ҳам, турмуши ҳам кемтик бўлди... Мана шундай бир шароитда ватанини йўқотса ҳам, аммо ўзлигини йўқотмаган одамлар бўлган ва уларнинг иймонлари мустаҳкам эди. Улар етти отани ҳам, ўз тарихларини ҳам яхши билишган. Улар эркин, ўзликни йўқотиш ватанни йўқотишдан кўра оғирроқ бўлишини олдиндан ҳис қилишган. Чунки етти отани, тарихни билиш учун одам кам деганда уйда, оилада яхши тарбия топган бўлиши керак. Башарти оиланинг энг биринчи ташвиши бир бурда нон топиш бўлса ва бу ташвиш ўн йиллар мобайнида ҳам аримаса, бу яхшилик аломати эмас... Сену менга ўхшаб аждодимизни танимай ўтаверилади.

V

Ўзим. Баъзан болалигимни эшлашга уринаман. Аммо узук-юлук манзаралардан бошқа нарса хотирамга келмайди. Масалан, биринчи синфда бўлсам керак, дарс бошланишидан охиригача ҳам қуёш синфимизни тарк этмасди. Иссиқда мудраб ўтирар эдик. Ёки мактаб ҳовлисидаги турникка осилиб турганим ёдимда...

Мен. Онамизни эслайсанми?

Ўзим. Қачон онам ҳақида ўйласам, унинг сурпатахта устида ўтиргани кўз олдимда гавдаланади. Шундай остона устида, уйга кираверишда. Остонадан ўтиб сандал ёнида эса қўшимиз Ҳалимахон ая ўтирган бўларди. Мен Ҳалимахон аяни жуда яхши кўрардим. Бувимнинг (онамизни буви дердик) ёнига чиқди дегунча, ҳилпираб юрадиган кенг кўйлагини кўтариб

ичига кириб кетардим ва бошимни ёқасидан чиқариб олардим. Бола – пошшо, дегани шу бўлса керак-да... Яна бувимнинг қора ғижимдан тўни бўларди. Ана шу тўнини кийиб тургани ёдимда. Тагин бир лавҳада эса бувим мени қўлимдан етаклаб Жалолобод шахри кўчаларидан бораётганда олдимиздан чиққан жамалак сочлари юзига тушиб турган бир одамни эслайман. Бувим... бувижонимдан жуда ҳам олислаб кетганман, меҳрига ҳам қонмаганман. Ёш бола эдим... Уйимизда битта расми бор.

Мен. Гап келганда отангни аяма дегандай, бир гап айтсам, хафа бўлмайсан. Адашмасам, Фарғона вилоятига ҳаётингда яна бир неча маротаба боргансан, чоғи, ана шулар ҳақида сўзлашсак.

Ўзим. Аввало, ота-буваларимнинг дини исломни маҳкам ушлаган одамлар бўлгани ҳақида. Дадам мулла Хўжамберди ва унинг акалари ҳам илмли кишилар бўлган.

Мулла Эгамберди домладан бошланган қатағон унинг қариндошуруғ, ака-укаларига ҳам таъсир қилди. Бизнинг дадамиз ана шу “қоч-қоч” йиллари оиласи билан Қўқон атрофидаги дашт-қишлоқларга бориб қолади. У жойда раҳматли Машраб раис деган бир одам сабабли (аввало, Оллоҳнинг ҳимоясида) Қўрғонча қишлоғининг масжидида туради. Кейинчалик масжид қавми отамизнинг илмли киши эканини билишгач, ўзларига имом қилиб олишади ва дадамиз бола-чақалари билан шу масжидга туташ ҳужрада яшай бошлайди. Улар Қўрғончада анча йил истиқомат қилишган. Ҳатто бир ўғил-қизлари ўша ерда туғилган, аммо улар гўдаклик пайтида нобуд бўлишган... Суюнчол, Қўрғонча қишлоқларидаги ота кадрдонларнинг фарзандлари билан шу кунгача борди-келдимиз бор.

Ўзим. Сенинг бахтинга, яхши ҳамки, ўзим борман... Майли, ҳозир гап бундамас. Гап ҳеч бир нарса вақти-соатсиз амалга ошмаслигида. Бу шунчаки ҳикмат эмас, керак бўлса, бу Яратганнинг иши... Шу боис бундай гапларга шак келтириб бўлмайди. Имом Ғаззолийда шундай сўзлар бор: “Эй инсон! Зоҳирингни танимоқда бош, юз, қўл ва оёқ ва гўштдан ўзгани танимассан. Ботининг аҳволидин мунчалик билурсенким, вақтики гурусна (оч) бўлсанг, нон ерсан. Ва ташна бўлсанг, сув ичарсен. Вақтики, ғазабинг келса, бир кишига иззо берурсен. Ва шахват ғолиб келса, хотун олурсен. Ва ҳама чохорпо ва ҳайвонлар бу ишларда сенинг бирла баробардурлар. Бас, сенга лозимдурки, ҳақиқатингни талаб қилғайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва на ердин келибсен ва не ерга боргундир? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсан ва сени нима учун офарида (яратилган) қилибдур? Саодатинг не ишдадур?” Агар сен билан менинг ҳаётимизга Имом Ғаззолий қўйган ана шу талаблар нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, жуда ҳам ғамгин тортиб қолишимиз шубҳасиз. Кўп ишларимиз ботинимиз эмас, зоҳиримиз, яъни бош, юз, қўл ва оёқ ва гўшт манфаатлари йўлида қилинганига гувоҳ бўламиз...

Мен. Имом Ғаззолийнинг талаблари ўта чуқур. “Дилингни билсанг, ўзингни таниғайсен”, дейди аллома. Аммо бизнинг ўз дилимизни танишимиз учун қачон шароит бўлди? Сал китобий сўз қилсам кечирасан (зотан, мен айтмоқчи бўлган гап қанчалик китобий бўлмасин – ҳақиқат). Шароитни инсон ўзига ўзи яратиши керакмасми?!

Ўзим. Бу гапинг агар уйингда ҳаммоминг бўлмаса, уни қуриб, танингни поклашинг учун шароит яратишинг лозим, деганга ўхшайди. Бироқ дилни поклаш, ўзликни таниш учун жуда кўп нарсалар керак бўлади.

Бир суҳбатимизда айтганимиздек, бир қисм одамнинг ўз динини асраш учун муҳожир бўлиши билан бутун бир оломонни динсизликдан қутқариб бўлармикан? Уларни қутқариш учун ўша оломоннинг ичида бўлиш лозим эмасми?! Оломоннинг ичида юриш эса ўлим билан баробар... Кўриб турганингдек, ҳаёт сен билан биз ўйлаганимиздан юз чандон мураккаб. Юз беражак ўзгаришлар, эврилишлар, муносабатларда, боя айтганимиздек, Оллохнинг буюрган вақти-соати, шарт-шароити ҳал этади.

Мен. Эндиликда олимлар томонидан инсоннинг нафақат касалликлари, айни пайтда сиёсий қизиқишлари, тўғри йўлдан адашишлари ва бошқа кўпгина фазилат ҳамда қусурлари билан боғлиқ бўлган генларнинг топилгани ҳақида гапириляпти...

Ўзим. Яна ўша олимларнинг ўзлари бунга жавобан, инсон хиссиётлари, фаоллиги ва психологик ҳолати кўп жиҳатдан ана ўша “олдидан белгилаб қўйилган генлар”га боғлиқ бўлса-да, аммо унинг хулқ-атвори ва фикрлаш тарзининг шаклланиши биринчи навбатда тарбия ва шарт-шароит (муҳит)га боғлиқ, дейишмоқда...

Мен. Булар ҳаммаси шунчаки гаплар. Аммо Ғаззолийнинг ўн аср наридан туриб “ўзингни тани” деган ўғити ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бунинг учун инсон керак бўлса, оломон ичида ҳалок бўлсин, аммо, бир зумга бўлса-да, бу дунёдан ўзини таниган ҳолда ўтишини сўнмас бахт деб биламан. Бунинг учун унга кўп нарса керак эмас, ўз нафсидан устун тура олса бўлди... Зотан, инсон ҳаётининг барча муаммолари ана шу НАФСдан бошланади... Подшоҳлар нега тахт талашиб ўтишди? Ҳатто тахт учун ота болани, бола отани аямади. Бугун-чи? Араб давлатларида, жаҳоннинг бошқа минтақаларида тахт учун бугун кураш кетмаяптими? Албатта, бу курашнинг воситалари эндиликда хийла маданийлашган. Жумладан, тахтда ўтириш муддатлари ҳар ҳолда чегараланган. Аммо моҳият ўша-ўша: ҳокимият.

Ўзим. Абдулла Орипов бир суҳбатида тахминан шундай мазмунда сўз айтганди: дунёнинг катта ёлғонлари олдида бизнинг кичик ёлғонлар нима бўпти... Аммо, ҳар қандай ёлғонда бир рост бўлгани каби, биз чопган пойгада ҳам сиёсий найрангларнинг бир парчасини кўриш мумкин... Ва ўша бир парчагина найранг моҳиятан катта найранглардан фарқ қилмаслигини ҳам кейинчалик тушуниб етдик.

Мен. Бир нарсага доим ҳайрон бўламан: амалда ўтирган сиёсатчилар билан гаплашсангиз, уларнинг аксарияти у ёки бу масалани муҳокама этишар экан, “Йўқ, ҳозир бу масалани ўртага қўйиш учун халқ тайёр эмас”, деган сўзларни эшитамиз. Ахир бу бечора халқ ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши учун қачон тайёр бўлади? Ваҳоланки, одатда подшоҳ бўладими, замонавий сиёсатчими, “Мен раиятни ўйлайман”, “Биз халқнинг фаровонлигини истаймиз”, дейишган ва бундан кейин ҳам шундай дейишади. Бошқача айтганда, “Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан”, деганда улуғ шоир Абдулла Орипов юз чандон ҳақ эди. Биз кўпинча ўзимиз танийдиган, шахсан таниш бўлмаса-да, узоқ-яқинда кўриб юрган одамлар ва уларга ўхшаш бир қисм кишиларни халқ деб ўйлаймиз. Масалан, бугун автомобиль салонларида машина олиш учун навбат тирбанд. Халқимиз “демократияга тайёр эмас”, дейилганда ҳам ўша машинали, данғиллама ҳовли-жойли, қўлини қаёққа узатса етадиган ўша бир қисм “халқ” тушунилади. Чунки уларга ҳеч қандай демократия ё ислоҳот керак эмас... Шаффоф парда ортидаги “оломон” эса бу “халқ”қа

қараб мийиғида кулиб тураверади. Чунки ана шу мийиғида кулишдан бошқа иш унинг қўлидан келмайди... Йиғламаганига ҳам шукр.

Ўзим. Бу дунёнинг сен билан мен кўра олмайдиган пучмоқлари кўп. Қай бир пучмоқдаги курт-қумурсқа нима билан озикланаётганини сен қайдан биласан, мен қайдан билардим... Аммо бир нарса аниқ – ҳамма ерда ва барча замонларда ҳам камбағал ва ростгўй одамнинг ҳокимиятдан ўрин топиши мушкул. Ҳатто йўқсилларнинг номини сотиб ҳокимиятни қўлга олган большевикларнинг намояндалари ҳам бошдан-оёқ бири мавқеини йўқотган дворян авлоди бўлса, бошқаси капиталист бой, яна бошқалари эса муғомбир товламачи, мутаассиб корчалонлар бўлишган. Уларнинг орасида ер чошиб дехқончилик қилганини учратмайсан...

Мен. Болаликнинг эртаклари-чи? Сахрода ўтин териб юрган дўлвор йигитнинг елкасига бир куш келиб қўнди... Йигитни бир тўп кишилар кигизга ўтказишиб, ўзларига подшоҳ сайлашди. Ва ҳоказо. Нима, буларнинг барчаси шунчаки эртакми?..

Ўзим. Йўқ, сен айтаётганлар шунчаки эртак эмас. Улар халқнинг орзулари... Халқнинг орзулари, демократия билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар ҳақида Чингиз Айтматов Афлотун фикрларидан келиб чиқиб шундай деган эди: "...Бугун биз покланиш ва уйғониш йўлини танладик. Хўш, қаёққа кетяпмиз, қаерга боришимиз мумкин? Бу нарсани аниқ билишимиз лозим. Афлотун бундай деб ёзган эди: "Мутаассиблик қандайдир бегона тузумда эмас, айнан демократия даврида вужудга келади: бошқача айтганда, чексиз озодлик оқибатида энг даҳшатли, энг шафқатсиз қуллик пайдо бўлади. Демократия пинҳоний касалликни кўзитади. Менимча, такасалтанг ва исрофгарчиликка мойил айрим тоифадаги кишиларнинг пайдо бўлиши касалликнинг илк нишонасидир. Илгари биз улардан пилик ўрнида фойдаланардик. Энди ачимсиқ тутун бурқситиб ётган ўша "пиликлар" нутқ сўзлайдилар, фаолият кўрсатадилар. Бошқалар эса минбарга яқинроқ жойга сурилиб ўтирмоқчи бўладилар, минғирлайдилар ва бошқача фикр билдирмоқчи бўлган одамга йўл бермайдилар. Охир-оқибат бўхтончилар томонидан алданганини пайқаб қолган халқ ёвузлашиб кетгани учун эмас, кўр-кўрона равишда уларни ўлдирмоққа шайланади-ю, "пиликлар" ҳақиқатан давлат тарафдори бўлиб оладилар... Демак, шундан ҳам кўриниб турибдики, агар мутаассиб пайдо бўлса, у айнан мана шу заминдан ўсиб чиқади, яъни у халқнинг гумаштаси бўлади... Фавқулодда итоатгўй оломон ўз қўлида эканини билган мутаассиб қабиладошларининг қонини тўкишдан ўзини тия оладими? Аксинча, адолатсиз айблар билан одамларни суд қилади ва бировнинг жонини олиб, ўзини мурдор қилиб қўяди. Одамларни кувғин қилиб, даҳшатли усулда қатл этишга ҳукм чиқариб, айни чоғда қарзларни бекор қилиш ва ерни қайта тақсимлаш тўғрисида ширин ваъдалар беради. Унинг биринчи вазифаси – фуқарони доимо қандайдир урушга жалб этиб туришдан иборат бўлади. Шундай қилса, халқ битта йўлбошчига муҳтожлик сезади. Агар кимдир мустақил фикр билдирганини ёки ҳокимиятдан норози эканини пайқаб қолса, ундай кишини душманга сотилди, деган баҳонада дарҳол йўқотади. Мутаассиб уларни махв этиши лозим. Охирида қўлидан бирор иш келадиган дўстларидан ҳам, душманларидан ҳам ҳеч ким тирик қолмайди. У ич-ичидан ёмон кўрадиган разил оломон билан оғиз-бурун ўпишиб яшашга ёки ҳаёт билан видолашишга маҳкум этилган. Зевс номи

билан қасам ичиб айтаманки, халқ барибир қандай махлукни дунёга келтирганини, уни опичлаб вояга етказганини англаб етади”. Тан олмоқ лозим, бундай огоҳлантириш ортиқчалик қилмайди.

Мен. Минг йиллар аввал айтилган бу огоҳлантиришга инсоният тамаддуни қай даражада эътибор берди? Афлотун каби донишмандларнинг эскартмаларидан дунёни тебратган ҳукмдорлар қандай хулосалар чиқарди?

Ўзим. Шундай бир мулоҳазани ўқиганим бор: “Жамият тўлқинга ўхшайди. Тўлқин соҳилга қараб чопади”, аммо тўлқинни яратган сув жойидан қимирламайди... Бошқача айтганда, Афлотун айтган мутаассиб ҳукмдор – сув юзасидаги тўлқин. Тўлқин эса қанчалик саррин эпкинларни таратмасин, барибир тўлқин – бузғунчи: соҳилни емиради, кемаларни пачақлайди, ютади... Халқ эса денгиз тубида сокин оқаётган сув зарралари каби жимгина ўз тирикчилиги, ўзининг ташвиш-қувончлари билан андармон бўлиб ҳаёт кечираверади.

Мен. Айтмоқчисанки, Афлотун (ва яна юзлаб афлотунлар)нинг огоҳлантиришлари ҳукмдорлар учун шунчаки бир сониядан сўнг ёддан кўтарилиувчи насихатдан бошқа нарса эмас...

Ўзим. Ҳар қандай ҳокимият насихатни сингдиrolмайди... Танқидни эса кўтаролмайди. Бу борада қизиқ бир мисолни келтираман. Маълумки, Абдулла Қодирийнинг 1926 йил бошларида “Муштум” журналида “Йиғинди гаплар” номли ҳажвий мақоласи чоп этилади. Мақола учун Абдулла Қодирий қамалади. Суд пайтида ёзувчи ушбу мақоланинг услуби, унда айтилган кулгили ҳолатлар, умуман, ўзбекнинг кулгиси ва унинг таъсири хусусида изоҳнома ёзиб маъруза қилади. Абдулла Қодирий ана шу судда сўзлаган нутқида кулги, қизиқчилик ҳақида гапириб бир мисол келтиради: “...Мисол учун эски замон кулгилигини бу кунги музҳика¹ билан тенглаштириб қарайлик: масалан, хон замонларида хонга ёки шунинг каби катта мансаблик бекка ҳазил тўқиш мумкин эмас, аммо куйи мансаблик қози, ўнбоши², чўғал³ ва шулар сингари кичик маъмурларга муқаллид ва мутойиба қилиш мумкин эди. Бунга мисол учун тарихдан излансак кўрамыз: ўткан асрнинг 80-йилларида Афғонистондаги тахт жанжаллари ва ички иғтишошдан⁴ қочиб, амир Абдулрахмонхон Туркистонга сиғинадир. Мунда бир неча вақт қолуб, тошкентлик Калпараш исмлиқ ўз замонасида машҳур бир қизиқ билан танишиб қоладир ва унинг ҳазилига, тақлидига мафтун бўлади. Абдулрахмонхон бир неча замондан кейин Афғонистон тахтига ўтириб, тошкентлик бояги Калпарашни ўз ёнига чакирадилар. Калпараш ижобат этиб Қобилга боргач, хон воситаси билан ундаги мансабдор ва аён билан танишадир. Хоннинг ишорати билан анжумани олийларда аёнга ҳазил тўқиб, уларга муқаллид бўла бошлайдилар. Хон билан бўлган бир мажлисда хоннинг рухсати ила Калпараш олдин бекларга бирма-бир ҳазил ва тақлид қилиб чиққан. Кайфи келиб хурсанд бўлган хон: “Менга ҳам муқаллид бўл, ҳазил тўқи!” деб Калпарашга буюрадир. Калпараш буйруқ бўлгандан сўнгра хоннинг ўзига муқаллид бўлади: хон каби тахтда ўлтириб, чилим сўрайдир. Пояси чилимни яхши тайёрламагани учун ғазабланиб, уни ўн дарра уришга буюрадир. Бу тақлидни Калпараш шундай адо қиладики,

¹ Музҳика – кулдириш.

² Ўнбоши – аскар бошлиғи.

³ Чўғал – нуфузли хизматкор.

⁴ Иғтишош – нотинчлик.

кўргучилар худди хоннинг ўзини айна ҳолатда кўрадилар. Аммо хон ўзининг қилиғидан орланадир ва шу ҳолатда Калпарашни жаллодга топшириб, ўлдиртиради. Бу мисолдан муддао шундаким, – деб давом этади А.Қодирий, – бу кунги музхика ўзининг эски сиқик доирасидан чиққандек, бу кун ишчи-деҳқон бошлиқлари ҳам уларнинг, яъни ишчи-деҳқонларнинг ўз ораларидан чиққан ўз оғаларидирлар. Ҳозирги кулгилик ҳам қанот-куйруқланиб, бу кунги бир Калпараш мазкур ўз ҳукуматининг арбобидан бир оғиз... ҳазил ва мутойиба тўқий оладир, деб биламан”.

Мен. Сен келтирган кўчирмадан бир нечта маъноларни уққандайман. Аввало, халқнинг “Подшоҳлик бир шамки, ушбу шамга яқин келган парвона куйиб кул бўлади”, деган нақли Калпараш қизиқнинг тақдирида исботланади. Иккинчидан, гарчи Абдулла Қодирий “...бу кун ишчи-деҳқон бошлиқлари ҳам уларнинг, яъни ишчи-деҳқонларнинг ўз ораларидан чиққан ўз оғаларидир...” деган гапни рўқач қилиб турса ҳам, бу гапни у вазиятдан чиқиш учунгина айтади, назаримда. Аслида, ёзувчи “ишчи-деҳқон ораларидан чиққан бошлиқлар” энди “ўз ораларидан” узилиб кетганини ва унинг тақдири ҳам Калпарашнинг тақдиридай бўлиши ҳеч гап эмаслигини яхши тушунган.

Ўзим. Демак, ўша юқорида айтганимиздек, одатда, ҳокимият кўчадан келган одамни ёнига йўлатмайди... Агарки, тақдир тақозоси билан шундай бўлиб қолса, айтайлик, этикдўз ҳокимият тепасига келса, инсонлар бошига “совет халқи”нинг кунини солади. Онадан туғилгандай тоза қолишни истасанг, яна бир замонавий қизиқчи айтгандек, уйда ўтиришингга тўғри келади.

Мен. Соат кафгири эса тўхтамайди.

Ўзим. Оллоҳ буюрган дамгача...

ҲИКМАТЛАР

Аёл муҳаббат бобида бамисоли арфадир; ким унда яхшироқ
чала олса, ўшанга сирларини очади.

БАЛЬЗАК

Агар хотининг ҳазилингда кулса, ёки ҳазилингда ёки хотининг зўр.
Клод БЕРНАР

Аёллар ожиздирлар, аммо оналар қудратли.
Виктор ГЮГО

Аёл киши эркакнинг зулмидан эмас, унинг бефарқлигидан азият чекади.

Жюль МИШЛЕ

Аёллар ҳақида фақат эркаклар билангина гаплашиш керак.
Фридрих НИЦШЕ

Ҳар қандай яланғоч аёл жамият учун хавфлидир.

Лев ТОЛСТОЙ

*Рус тилидан Шодмон ОТАБЕК
таржимаси*

Алёна ЕЛЬЦОВА

(1979 йилда туғилган)

*Рус тилидан
Гўзал БЕГИМ
таржимаси*

Алёна Ельцова Коми Республикасининг Усть-Кулом қишлоғида туғилган. Коми пойтахти Сиктивкар шаҳридаги адабиётга ихтисослашган лицейда, сўнг Коми Давлат университетининг Коми филологияси факультетида, Москвада Олий адабиёт курсида таҳсил олган. “Тонғи ёмғир”, “Кабиса йили”, “Назокат, сен чексизсан”, “Лайлак қор” шеърӣй китоблари чоп этилган. Шеърлари инглиз, рус, француз, фин, эстон, ўзбек тилларига таржима қилинган. Россия Ёзувчилар уюшмаси, Фин-угор Ёзувчилар ассоциацияси аъзоси. Ўзбекистон ҳақида “Қуёши кулган юрт” эссеси чоп этилган.

ҚОРАЙГАН СУВДА ЧИРОЙ

* * *

*Кўрдингми, куз башорат қилди барини,
Энди ўзгармайди, ҳеч не, ҳеч нима.
Деразам ортида ҳаво ранг қор ҳам
Ҳафталаб сунурди, ернинг юзини.*

*Ва қандай бўлмасин нафас олмоқ шарт,
Яшаш керак тунлар, яшамоқ кундуз.
Қўлингда нокерак менинг ҳаётим,
Ва унутиб бўлмас, ҳар битта юлдуз.*

*Одимлайман ер шарининг қирғоғи бўйлаб,
Ер чети шундоқ ёнимда.
Қўлларимда бахтли юлдузлар*

Ва жуда қаҳрли ёмғирли қор ҳам.

* * *

*Қара, юлдузлар – митти сенкиллар каби –
Тунги осмон саҳнида шовуллар оқишом.
Титрайди юлдузлар, жимирлайди сув,
Сукутнинг қаърида дукурли калом.*

¹ Манба: Ельцова А. Снегопад. –Сыктывкар, 2016.

* * *

Шаҳарни ўрмондай ёқар аланга, Куз шоми юрагим қоронги, қора
 Қўчаларнинг қоши эрта қорайди. Унга чўкиб кетган ёзнинг бир куни.
 Ўпич олади куз тафтсиз лабимдан Тушунгиси келмас сира ҳам, сира
 Ялангоёқ ёмғир йўлни ўрайди. Қоронги йўлакда бир ўзим нега...

БАҲОР

Кўкнинг тунги ёши ерга қуйилар, Оппоқ сочбандини тўғрилайди Ой,
 Ер шарига аста кира бошлар жон. Баҳорнинг тафтидан юрак ҳам қайноқ.
 Илиқ ёмғир ила юзини ювар Фақат аччиқ согинч дилга чўзар бўй,
 Дала, дарё ва ўрмон. Қиш кетиб боради қорли оқ чақмоқ.

* * *

Мовий шеърлар билан келдим умрингга
 Қушлар шевасида уйқу бермайман.
 Согинчинг сўйлайман мен ўз тилимда,
 Ҳоргин дилга энди қанот бергайман.

Осмонда кўз ёши-ла сузар юлдузлар,
 Кафтимда титрайди ярқираган сув.
 Сени севишимни тинглар ҳар гузар,
 Тун билиб барчаси кетиб борар жим.

Куз пиқиллаб йиғлар. Томчи ортидан томчи қуйилар,
 Ҳовучим халқоб.
 Тун жарлик яратар, мени нималар кутар,
 Берухсат азоб.

Сўз оралаб сўзлар югурар, юракка чўқар,
 Кузги шеър.
 Бор эди шодлик ва алам, йўқ энди улар,
 исинарди ер.

Япроқ ортидан япроқ, қуйилади олтин доналаб
 Муқаррар.
 Эшит, барини қайтариш мумкин. Кечикмас талаб
 Ҳозирча хайр.

Алёна Ельцова нафақат коми адабиётида, балки фин-угор аёллар поэзиясида алоҳида бир истеъдоддир. Унинг шеърларида лирик кайфият ва образлилик жуда ҳам кучли. Фикр анъанавий сўзга айланади. Қаердадир шоир ўзини қайтарар, эҳтимол, бироқ бу қайтариқ ҳам теранлиги, ҳам ҳисларнинг кучи сабаб ўзини оқлайди. Унинг шеърларидаги асосий мавзулар – куз манзаралари, ёмғир, ҳаётнинг бебақолиги, йўқотилган муҳаббатдир. Ундаги сўз, руҳ ва кайфият тиниқлиги ҳайратланарли. Мен унинг шеърларини жаҳоншумул шеърят деган бўлардим!

Арво ВАЛТОН
 Фин-угор Ёзувчилар ассоциацияси президенти

ҚИШ ТУНИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

*Жимгина тўкилар пахмоққина қор,
Совқотган аёзнинг ҳошиясига.
Пинакка кетгандир ўрмон, беозор
Қўшилар дераза сукут сасига.*

*Фақат ой дийдирар сўник ва ҳорғин,
Тийра қоронгида кўзин юммайди.
Осмон қирғогида сузади беун
Оққуш қанотидай йигинолмайди.*

* * *

*Юракка уч, эй қор, ёритгин,
Қалбим қанот қоқсин, осмон қаърида.
Ҳорғин ерга ётган мусаффо қорим
Мана сас инмайди қадамларимга.*

*Очиқ юзларимни тутғум қора самога
Чексизликка қўнган юлдузли чангни.
Ана, қанот қоқдим, етяпман кўкка
Юрак ёнар ўчириб бўлмайди энди.*

ПАРИЖ

*Мен денгизни кўрмаганман ҳеч,
Бегонадир куйи, қўшиги...*

В.Савин

*Мен Парижда бўлмаганман ҳеч,
Кўрмаганман гўзаллигини.
Елисей даласи бермаган тутқич,
Биламан, Вичегда афзаллигини.*

*Эйфель миноридан қарамаганман,
Бошим айланади баландлигидан.
Фаранг ширинлигин тотиб кўрмасдан
Луврга кирмаганман тирбандлигидан.*

*Мен биламан, ҳали келади бир кун,
Ташириф буюраман, шодланар чеким.
Шинам қаҳвахона, ёзги кун учун
Менга шеърлар ўқиб беради Верлен.
Минор тепасига олиб чиқар у
Кўзни қамаштирар ёруз бу олам.
У ердан қарайман олис-олисга,
Кўриниши берарми бизнинг Усть-Кулом.*

* * *

*Қаҳ-қаҳ урар кўкда оппоқ ой –
Қорайган сувда жимирлар чирой.
Табиат тўлқини титрар, югурар,
Кўксимда юрагим гамгин дам урар.
Дил халос бўлади оғир вужуддан,
Шуъла иниб келар олис юлдуздан.
Капалакдай юлдуздан юлдузга қўнар –
Тин олмас бир лаҳза, учар, қувонар.*

Гулдан нектар йиққан каби жонҳалак,
 Ой гирдида рақсга тушар капалак.
 Балки ёниб кетган юлдуз чангида,
 Эҳтимол, жимиган тун жсарангида.

* * *

Вақт деразамни оҳиста чертган,
 Вақт чақнаган чақмоқнинг бечақмоқ саси,
 Вақт ўрмон гулханида
 Вақт қиров тушган дарахтлар,
 Вақт дарахт, сувга бошини эгган,
 Вақт йиғлаётган дарахтлар,
 Вақт дарахт, ярқираган қуёш нурида
 Вақт дарахт, мўйнасига ўралиб олган,
 Вақт дарахт уч-учларини қайириб олган,
 Вақт болаларин ерга қўйиб юборган дарахт.
 Мен ярқираган қорни севаман,
 Фарчиллаган қорни,
 Тошдек қотиб қолган қорни,
 Мўрт, синувчан вақт қорларин яхши кўраман.
 Мен яхши биламан:
 Шундай вақт келарки, унда гуллар сув.
 Сен дединг:
 Мен ёнингда бўлмаган пайтлар
 Шеърларингга синггиб яшайман сен-ла.
 Ҳозир менинг биттагина вақтим бор –
 Бу – сенли вақт.

* * *

Сени эслаяпман. Бу дунё қулфланиб қолган.
 Йўқдир шовқин кўча, совиган уйлар.
 Меҳмонларни кутгум – бир хил туюлар,
 Кутганим йўқ, кераксиз ҳаётим тўлган.

Сени эслаяпман. Умид юрагимни сиқади.
 Ҳар бир сас юракка инонмас сира,
 Овозингни эшитдим. Аталган менга.
 Йиғлашдан толдим мен. Тонг кечикади.

Сени эслаяпман. Деразадаги қор оралигида
 Кўзимда акс этар сокин, маънос дард.
 Шаҳрим мени туш кўрар, уйқуси бегард,
 Мен сени эслаяпман осуда...

* * *

**Елкан менинг юрагим...
 Александра Мишарина**

Не ҳақда гаплашдинг мен билан денгиз?
 Нени уқтиради шаддод мавжларинг?



*Қирғоқни ювгувчи тўлқинлар шаксиз,
Нафас ростламайди, юммас кўзларин.*

*Гоҳ майин, гоҳида ёввойи сасинг –
Беозор, гоҳ шахд-ла оқади сув ҳам.
Хеч топа олмадим, тилингни сенинг
Тезюрар кемалар кўзга кўринган.*

*Узун қиш, қадрдон қор қирғоғида
Эсладим, шамоллар суҳбатин тинглаб.
Чорладинг елканинг бўлмоғлигимга
Мен этиб келмадим сўзлар саралаб.*

МИНИАТЮРАЛАР

ОЙ

Тун бўйи юрагим ойга эврилди. Нима ҳақдадир сукутга чўмди, нима ҳақдадир ўй сурди, нима ҳақдадир титради ёлғизлик бағрида. Кейин эса тўсатдан тунги сукунатни дўқиллатиб ура бошлади. Ва юрагимда сенинг аланганг чўғланди, сенинг тафтинг билан исиндим.

Кейин оҳиста оқаринқирадим, ёришдим, совий бошладим ва ўчдим. Тун сўнггида менинг юрагим – Ой – шабнамга ўранди. Кумуш томчилар майсалар юзини ёритди.

ХОТИРА

Менинг хотирам – улкан шохли дарахт кабидир. Қишда жимийди, гўёки уйқуга чўмади, шимол шамоли унинг яланғоч бутуқларида хуштак чалади. Баҳорнинг оёқ товушидан дарахтларда яшил новдалар кўринар экан, хотирам сесканганча кўзини очади. У илиқ шабадада қалин китобнинг юзлаб бетларини варақлай бошлайди ва яна юзлаб одамларнинг шивири эшитилади қалбимдан.

Мен кулоқ соламан. Варақлайман хотирамнинг чексиз тарихини. Кечаги куннинг тирилаётган ҳар бир саси диққатимни тортади. Титраётган тилла барглар ҳали заминга тўкилмасидан, шивирлаган дарахтлар саси тинмасдан уларни эшита бошлайман.

Мен сени эшитаман, Хотира. Юрагингга кулоқ тутяпман, мана. Кел, суҳбат кураимиз.

ДЕВОР ОРТИДАГИ ОДАМ

Икки ойна ва эшиги бор кичкина кулбамнинг. Эрталабки шабадага юзма-юз, тунги юлдузларни бошга кўтариб, четан баргларининг шитири билан ёнма-ён кўчага чиқишга ошиқаман: деразага қараш мумкин – агар ҳаво совуқ ва ёмғир ёғаётган бўлса. Ва яна кўчага чиқиш, дераза ортидаги одам билан учрашиш мумкин.

У тез-тез уйимга ташриф буюради: шошмасдан атрофни айланади, деразадан қарайди, сокингина эшикни чертади. Мен бу одамни яхши танийман – у узоқ йиллардан буён шу ерда. У билан кўришишни, суҳбатлашишни хоҳлайман: ўзим ва уйим ҳақида гапиргим, шеър ўқиб бергим келади. Биламанки, бундан у ҳам шодланади.

Фақат кунлар ўтаяпти, мен унга пешвоз чиқмаяпман. На деразани, на эшикни очаман. Гўё ненидир кутяпман, недандир хайикаман.

Мен чиндан ҳам сени кўргим келади девор ортидаги одам. Сен мени эшитаяпсанми ёки йўқ?..

БАХТ

Бахтим менинг, ярқироқ, олис ва кўл етмас юлдуз. Сен биттасан. Бошқа ҳеч кимим йўқ. Қачонлардир олис-олислардаги қорамтир осмонда кўрганим сўнмас шукуҳингдаги ловуллаган аланга менинг юрагимни ёритди.

Сен доим мен билан биргасан, менинг абадий севгим. Кунлар ва ойлар ўтаяпти, вақт сувдай оқмоқда, нима қилмай – йиғласам ёки кулсам, чексиз йўллардан ўз-ўзимдан қочиб бораётсам, самодаги ёғдуни ва бошқа юлдузни севаманми – сенинг жимжит нигоҳларингни доим ҳис қиламан ва кўраман.

СЕНСИЗ

Бугун эрта тонгданоқ юрагим ўз ўрнини тополмай, дарахт бутоқларида адашиб қолган қушдай питирлайди.

Ва ҳаммаси чексиз айлана ҳосил қилиб, кўз олдимдан лип-лип ўтади: тўхтовсиз ва узлуксиз югуради. Ойлар ва йиллар, кунлар ва лаҳзалар оппоқ изгирин билан қаердандир келади ва қайгадир йўл олади. Унинг ортидан устал ва курсилар, ойна ва деворлар, китоблар, бўм-бўш ва ёзиб ташланган қоғозлар, чиқиллаётган майда соатлар айланиб чирпирак учиб киради. Бошим қаттиқроқ ва яна қаттиқроқ айланади. Кўлларимни узатаман, бу айланма дарвозани тўхтатгим келади, увиллаган шамол мени чангаллайди, чир-чир айланаётган тубсизликка тортиб кетади.

Ва тўсатдан бу тартибсизликлар аро сенинг овозинг эшитилади. У мен билан ниманидир оҳиста гаплашади. Ҳаммаси тўхтаб қолади, ўз ўрнига туради: устал ва курсилар, ойна ва деворлар, китоблар, бўм-бўш ва ёзиб ташланган қоғозлар, ҳатто чиқиллаётган майда соатлар ҳам. Юрагим эса кўксим узра бетиним питирлашдан, узилишдан тўхтади.

Бугун сахарда мен шуни қайта тушундим: овозинггина мени ер шарида ушлаб туради.



SHARQ va G'ARB HIKMATI

Қиёмиддин НАЗАРОВ

ИККИ ТОМЧИ СУВДЕК ЎХШАШ

Шарқ қадимий цивилизация ўчоғи ва умумбашарий тараққиёт бешиги, илк фалсафий тафаккур макони, дея бежиз таърифланмаган ва бу тавсиф машҳур мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилади. Аслида, шарқона ҳикматлар шаклланиши учун асос бўлган ва улар сақланиб келаётган фалсафий макон, асосан, Яқин Шарқ (Миср, Сурия, Ироқ, Иордания, Туркия, Яман, Судан, Қувайт ва бошқалар), Ўрта Шарқ (Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқ.), Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё (Бирма, Вьетнам, Индонезия, Таиланд, Ҳиндистон ва унга яқин давлатлар), Узоқ Шарқ (Хитой, Сибир, Япония, Корея) каби ҳудудлардан иборат.

Шарқ жуда катта ҳудуд, унинг тузилиши, халқлари ниҳоятда ранг-баранг ва турли-туман. Аммо, шу билан бирга, мутахассислар фикрича, муайян белгилар ва хусусиятлар мажмуи бўлган шарқоналик ва уни тавсифлайдиган ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Шарқ халқларининг босиқлиги, ҳар қандай кескин вазиятларда ҳам масала ва муаммоларни тинчлик, мубоҳаса, музокара, мунозара йўли билан ҳал қилиш, борини асраб-авайлаш, йўғини эса яратиш, ҳаётнинг негизи ва замини изчил кундалик меҳнат эканлигини тан олиш ва шунга риоя қилиш, авлодларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини кўзда тутиб, ота-оналарга ҳамда фарзандларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатиш – бундай ўзига хос хислат ва хусусиятлар шарқоналикнинг маъно-мазмунини ифодалашга ёрдам беради.

Бугунги кунда мавжуд бўлган барча илоҳий ва миллий динлар Шарқдан тарқалгани эса бу ҳудуд халқлари тафаккурининг дунё цивилизациясидаги ўрни ва аҳамиятини белгилайди. Узоқ давом этган бу жараёнда Шарқ халқлари тафаккурининг ўзига хос жиҳатлари шаклланган, диний-илоҳий ва дунёвий тамойиллар уйғунлигидаги илк ижтимоий тасаввурлар, ғоя ва назариялар шу заминда вужудга келган, дунё тарихидаги энг қадимги китоблар ёзилган ва инсониятнинг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Баъзи адабиётларда Шарқ инсониятни гўдакликдан балоғат ёшигача тарбиялаб вояга етказган она сифатида таърифланади. Бундай тарбиявий иш эса қатъият, эҳтиёткорлик, очиқлик, изчиллик, асрлар давомида замон сўқмоқлари ва ҳаёт зиналаридан тадрижий, босқичма-босқич кўтарилиб боришни талаб қилади.

Шарқ ва Ғарб ижтимоий тафаккурида бунга мисоллар талайгина. Баъзи адабиётшунослар “Куёш Шарқдан чиқади”, деган ҳикматни буюк немис шоири Гётега нисбат беришади ва унинг ўз эҳтиромини шу тарика

* Қиёмиддин Назаров – фалсафа фанлари доктори, профессор.

ифодалаганини алоҳида таъкидлашади. Аслида эса, ушбу фикрни дастлаб Гётенинг кадрдон дўсти, немис мумтоз фалсафасининг энг забардаст вакили, атокли файласуф Гегель айтган. Кейинчалик Гёте бу қанотли жумлани такрорлашни хуш кўргани, ўзининг машҳур асарлари ва Шарққа бағишланган шеърларида ундан илҳомлангани маълум.

Нафақат ўз миллати, балки бутун Ғарб ва жаҳон фалсафий тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган Гегель ижодини диққат билан ўрганиш эса, унинг бундай фикрга келишига, хусусан, борлиқ ҳақидаги онтологик назариясига Шарқда машҳур бўлган фалсафий қарашлар, айниқса, “Ваҳдат ул-вужуд” ва “Ваҳдат ул-мавжуд” таълимотлари катта таъсир кўрсатганидан далолат беради. Аслида, дастлабки етук фалсафий талқини Форобий даҳосига тегишли бўлган ушбу таълимот Гегелнинг оламдан ташқарида мавжуд бўлган ва уни яратган, кейинчалик борлиқ, табиат ва жамият тимсолида намоён бўладиган ва кўплаб жараёнлардан сўнг ўзини англайдиган ҳамда яна ўзига қайтадиган мутлақ рух ҳақидаги қарашларида яққол ифодасини топган.

Бу борада Гегелнинг ушбу фалсафий таълимоти яхлит тизим сифатида баён қилинган “Рух феноменологияси” номли салмокли асарига мурожаат қилишнинг ўзи кифоя. Ундаги “Мутлақ рух борлиқ, табиат ва жамият шаклида намоён бўлади ҳамда уларга хос барча нарсаларда ўз ифодасини топади. Охир-оқибат у ўзининг чексиз ривожини натижасида яна ўзига қайтади”, деган энг асосий фикрни нафақат Форобий, балки кўплаб ислом фалсафаси алломалари томонидан таъкидланган “Оламдаги ҳамма нарсалар Оллоҳнинг тажаллийси, бирор-бир тарзда зоҳир бўлишидир. Ҳамма нарса Оллоҳдан ва Унга қайтади”, деган фалсафий ғоя билан солиштирсангиз, ортиқча изоҳга ҳожат қолмайди.

Фақатгина немис файласуфи ушбу фикрга ўша даврдаёқ урф бўлиб келаётган европача индивидуализмга хос кичкинагина қўшимча қилади, яъни у Мутлақ рух айнан ўзи яратган фалсафий таълимотда Ер юзидаги тараққиётнинг энг камолга етган чўққисига эришади ва яна ўзига қайтади, дея кичик такаббурликка йўл қўяди, холос. Ҳолбуки, ундан тўққиз аср олдин яшаган Форобий ҳам, бошқа Шарқ алломаларининг бирортаси ҳам бундай эгоистик хулосани хаёлларига ҳам келтиришмаган. Балки улар инсон энг юксак даражадаги маънавий камолотга эришганидагина Оллоҳ васлига ета олади, бунда унга ақл ва тафаккур кучи билан бирга, шу йўлда муттасил риёзат чекиш ва чексиз интилишгина ёрдам бериши мумкин, деган фикрни кўп бора такрорлаганлари маълум.

Аслида ҳам Шарқ ва Ғарб ҳикматлари тарзида намоён бўладиган кадриятларнинг умумий илдизлари бир. Улар бир дарахтнинг мевалари, бир-бирини тўлдирадиган, бири иккинчисини тақозо қиладиган, кейингиси ўзидан олдингисини давом эттирадиган маънавий хилқатлардир. Бунга мисоллар ниҳоятда кўп.

Келинг, шундай мисоллардан бирига мурожаат қилайлик. Бу борада ўрта асрларнинг машҳур файласуфи, тасаввуф фалсафасининг йирик вакили, Азизиддин Насафий (1240–1300) қаламига мансуб “Зубдат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”) асари ва ушбу алломадан 150 йил кейин Европада яшаган атокли христиан илоҳиётчиси ва немис кардинали Николай Кузанскийнинг “Асослар ҳақида” китоби яққол мисол бўлиши мумкин. Уларнинг бири Шайх Кубро таълимоти ва Муҳйиддин ибн Арабий

тариқатини ўзаро боғлаган машҳур аллома бўлса, иккинчиси эса, бир томондан, христианлик мафқурасининг атоқли вакиллари кентербериялик Ансельм ва Аквиниялик Фома, иккинчи томондан аристотелизм ва аверроизмни ушбу дин билан боғлаган ҳамда христианликнинг фалсафа билан алоқасини мустаҳкамлаган Сигер Брабантский ва Буюк Албертлар ишининг ўзига хос давомчисидир.

Гарчанд ушбу мутафаккирлар яшаган замин ва замон орасида ниҳоятда катта масофа бўлса-да, мазкур асарлар орасидаги ўхшашлик, аввало, уларнинг ҳар иккаласида ҳам бу алломалар мансуб бўлган динларнинг фалсафий таълимотида асосий таянч вазифасини бажарган онтология масалалари, яъни олам ва одамнинг яралиши, борлиқ, макон ва замон, инсон ва унинг дунёдаги ўрни, ҳаётининг маъно-мазмуни тўғрисидаги мавзуларга алоҳида эътибор қаратилгани билан изоҳланади. Ушбу асарларда таъкидланганидек, инсоният азал-азалдан бу ёруғ оламнинг сир-синоатларини, дунё қонунларини англашга интилиб яшаган. Олам қандай яралган? Унинг ниҳояси борми? Дунёнинг ибтидоси ва интиҳоси қаерда? Айниқса, инсоннинг умри чегарали бўлганидан, ҳар бир авлод ўз ҳаётининг ўткинчилиги, дунёнинг боқийлиги билан ўзи соҳиб бўлган вужуднинг қандай алоқаси борлиги тўғрисида ўйлашга мажбур бўлган. Одамзодни ўраб турган олам ундан кейин ҳам мавжуд бўлиб қолавергани сабабли, бу мавзу унинг учун абадий мазмун касб этган.

Шу маънода, борлиқ билан боғлиқ серкирра муаммолар барча даврларда фалсафанинг асосий мавзуларидан бири бўлиб келган, турли фалсафий мактаблар, оқимлар ва йўналишлар вакиллари тафаккурига таъсир кўрсатган. Бу мавзу оламнинг дастлабки умумий асосларини англаб етмоқчи бўлган ёки юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг хусусий жиҳатлари ва ранг-баранглигини тушунишга ҳаракат қилган барча файласуфлар учун бир хил қизиқиш уйғотган.

Халқимизнинг энг қадимги ёдгорликларидан бири, бутун инсониятнинг маънавий меросига айланган “Авесто”да ҳам бу борада кўплаб ибратли фикрлар баён қилинган. Шарқнинг атоқли мутафаккирлари Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Абн Арабий, Ибн Рушд, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийлар ижодида ҳам бу мавзу алоҳида ўрин тутган. Улар олам ва одам, абадийлик ва умрнинг ниҳоялилиги, оламнинг чексизлиги ва ҳаётнинг мазмуни каби масалаларда ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган кўплаб ҳикматли фикрларни баён қилганлар.

Тасаввуфда бутун борлиқ, ҳамма нарса, коинот, олам Худо борлиги учун мавжуд, моддийлик ва илоҳийлик уйғун тарзда намоён бўлади деб ҳисобловчи “Ваҳдат ул-вужуд” ҳамда борлиқ, олам, моддийликнинг турлитуман кўринишлари Тангрининг тажаллийси, инсон шунинг маркази, энг олий даражадаги зоҳир бўлишидир, деган тамойилга асосланадиган “Ваҳдат ул-мавжуд” таълимотлари бежиз шаклланмаган.

Гарбда ҳам бу мавзуга алоҳида эътибор берилган. Фалес, Зенон, Сукрот, Афлотун, Арасту, Эпикур, Демокрит, Гераклит, Пифагор ва бошқа кўплаб алломаларнинг фалсафий қарашларида борлиқ масаласига доир ниҳоятда муҳим фикр ва хулосалар ўз аксини топган.

Хуллас, борлиқ муаммоси дунёга турлича ёндашиш, унинг асослари (субстанциялари) англаб етиш, айна вақтда, олам, ҳаёт ва умрнинг ўзига

хослигини инсон томонидан идрок этиш ҳамдир. Негаки, кўп ҳолларда инсонни ўзи яшаётган дунё қаноатлантирмайди ва у ўз ҳаракатлари билан дунёни ўзгартирмоқчи, уни мукамаллаштирмоқчи бўлади. Лекин инсониятнинг энг даҳо вакиллари ҳам барча ишларни ниҳоясига етказа олмаган, энг бой одамлар ҳам бутун борлиқни эгаллаб ололмаган. Яъни олам одамлар учун абадул-абад “Бир кам дунё” сифатида қолаверган ва бугун ҳам шундайлигича қолмоқда.

Шарк ва Ғарб тафаккури учун бу масаладаги умумийлик шундаки, ёруғ оламда яшаётган ҳар бир ақлли инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида ана шу мантиқни англаб етишга, ҳаётнинг мағзини чақишга ҳаракат қилади. Уни ўз ҳаёти, дунёқароши, интилишлари, мақсад-муддаолари нуқтаи назаридан ҳал қилади, шунга мос ҳаёт кечиради. Юқорида қайд этилган асарлар айнан ана шу жиҳатдан ниҳоятда ибратлидир.

Хусусан, Азизиддин Насафий “Зубдат ул-ҳақойик”да ўзи яшаган давргача тўла-тўқис шаклланган ислом фалсафасига доир умумий асосдаги таълимот, ўзига хос онтология ва гносеология назариясини баён қилган. Унда борлиқ иккига – Олами Кубро (катта, улуғ Олам, юнон фалсафасидаги Макрокосм) га ва Олами суғро (Кичик Олам, инсон борлиғи, юнон фалсафасидаги Микрокосм) ажратилиб, улар орасидаги узвийлик кўрсатиб берилган. Бу масалаларнинг барчаси ислом илмида узоқ вақт кўплаб тортишувларга сабаб бўлган азалийлик ва яратилганлик, дин ва фалсафа, ақл ва нақл муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни ечишга интилиш тарзида намоён бўлади. Асарда ушбу мавзулар билан боғлиқ бир бутун, яхлит таълимот баён этилган.

Асарнинг биринчи боби Олами Кубро (макрокосм, космос) ва унинг келиб чиқиши, структураси ва бошқа онтологик муаммоларни ёритишга бағишланган. Унда тушунтирилишича, бизни куршаб турган бу улкан Олам (космос) (жавҳар, субстанция) ва сифатлардан иборатдир (субстанция ва акциденция). Олам, аввало, икки қисм (аспект)дан иборат. Биринчиси – Олами ғайб (яширин олам), иккинчиси – Олами шухуд (шоҳидлик, яъни кўринувчи олам). Бу ҳар икки олам миқдорий ва умумий (яхлит) маъноларда турли номларда тилга олинади. Масалан, холиқият (яралмишлар) олами ва амр (яратувчи) олами, мулк (моддият) олами ва малакут (фаришталар) олами, жисм олами ва руҳ (жон) олами, ҳис (туйғулар) олами ва шуур (фикрлар, тафаккур) олами (менталитет), нур ва соя (зулмат) олами ва ҳ.к. Бу номлар шу икки олам – яширин (кўринмас, ғайб) олами билан кўринувчи (сезилувчи, шухуд) оламининг турлича номларидир. Индивидуал инсон эса, Кичик Олам (инсони суғро) деб ҳисобланади. Ва аксинча, инсон кичик олам бўлса, инсонга нисбатан катта олам Улуғ Олам (Олами Кубро) дейилади.

Асарнинг кейинги бобларида ҳам бу икки (катта ва кичик) оламлар биргаликда ўрганилиши, ҳатто синоним тушунчалар билан ифодаланиши бежиз эмас. Бунинг сабаби шундаки, Насафий фикрича, Кичик Олам Катта Оламнинг кичрайтириб олинган нусхаси (микромодели)дир. Ва инсон ҳар икки (ғайб ва шухуд) оламининг нусхаси, тимсолидир. Зеро, Улуғ Оламда (космосда) бор барча нарсалар унда мавжуддир. Шунинг учун ҳам Улуғ Олам (унинг зоҳири ботинини, моҳияту хиллари)ни идрок этмоқ учун инсон ўз моҳиятини, ўз зоҳиру ботинини англаб етиши керак. Демак, нарса – ходисаларни билмоқчи бўлган инсон, аввало ўзини билиши керак.

Муаллифнинг тасаввуф онтологиясига оид ғояларига асосан бунинг англаш жараёни соф Ваҳдат нималигини тушунишдан бошланади. Борлиқнинг

моҳияти бўлган соф (мусаффо) Ваҳдат (бирлик), унинг тушунтиришича, жисм ва руҳнинг манбаидир, у китоб ва каломнинг ҳам боши, малакут (фаришталар) ва мулк (моддият) оламларининг асоси, бутун борлиқ ва одамнинг манбаидир. Уни тасаввуфда жабарут (араб тилида “буюклик”, улуғлик) деб атайдилар. Мулк ва малакутда бор жами нарсалар жабарутда (тезис ҳолида) мавжуд, деб кўрсатилади. Бу ўз навбатида қадимги юнонларнинг атоқли файласуфи Арастунинг “имконият” категорияси ёки “потенция” тушунчасида ўз ифодасини топган ҳолатларни эслатади. “Зубдат ул-ҳақойиқ”да бундан бошқа яна кўплаб масалалар қараб чиқилган ва уни ҳақли равишда қомусий асар дейиш мумкин.

Юқорида тилга олинган Николай Кузанскийнинг “Асослар ҳақида” китобига келсак, унда Уйғониш даврида Европада ушбу йўналишда ёзилган кўпгина фалсафий асарлардаги каби, Шарқда ўша давргача яратилган назариялар, айниқса, “Зубдат ул-ҳақойиқ”да баён қилинган ғоя ва фикрларга икки томчи сувдек ўхшаш жойлар кўплаб учрайди.

Асарда Кузанский аввало, яратувчи билан яратилганлик, олам ва одам муносабатларини акс эттирар экан, ўша давр схоластик фикрлаш услуби учун характерли бўлган ер билан осмон, Худо билан табиат ва инсон орасига чегара, тўсиқ қўювчи ғояларни танқид қилади. Унинг фикрига кўра, “Худо борлиғи олам борлиғидан бошқа нарса эмас, чунки олам борлиғининг ўзи Худо борлиғидир”. Бундан кўриниб турибдики, муаллиф шаклантирган тамойиллар ва қоидалар “Зубдат ул-ҳақойиқ”даги каби руҳий олам билан ердаги олам, яъни ғайб олами ва кўзга кўриниб турадиган махлуқотлар дунёси бир бутун яхлит эканлигини илғаб олишга ёрдам беради.

“Асослар ҳақида”даги пантеистик ва диалектик ғоялар муаллифнинг космологик ва натур фалсафий қарашларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Чунончи, Кузанский Худо табиатида чексиз имкониятлар мавжудлигини назарда тутиб, коинотнинг маконда чексизлиги ғоясини олға сурди. Унинг эътироф этишича, ҳаракатсиз юлдузлар оламнинг ниҳояси эмас, у бошқа оламларга уланиб кетган. “...Олам машинаси ҳамма ерда ўз марказига эга, бироқ бирор ерда ўз ниҳоясига эга эмас, чунки унинг маркази ва ниҳояси Худодир. Худо эса ҳамма ерда мавжуд ва ҳеч қаерда конкрет шаклда мавжуд эмас”.

Асарда тавсифланган космологияда энг асосий ўринлардан бирини инсон муаммоси эгаллайди. Муаллиф христиан креационизмининг инсон тўғрисидаги ғояларидан юз ўгиради ва бу борада инсонни микрокосм ҳисоблайдиган антик фалсафа ғояларига қайтади. Микрокосмни илоҳий моҳият билан боғлашга уринган Кузанский “кичик олам” (яъни инсоннинг ўзи), “катта олам” (яъни универсум), “максимал олам” (яъни илоҳий мутлоқ) тушунчаларини муомалага киритади. Унинг тушунтиришича, кичик олам катта оламга, катта олам эса максимал оламга ўхшайди. Файласуфнинг ушбу фикр-мулоҳазаларидан шундай хулосага келиш мумкинки, кичик олам, бу – инсон, у ўз атрофини ўраб олган табиий оламини нафақат қайта ишлайди, балки максимал Худо оламига ҳам ўхшатади.

Асардаги инсонга доир фикр-мулоҳазаларга юзаки қарасак, муаллиф инсонни Худога ўхшатиб, ўрта аср ортодоксияси доирасидан чикмагандек бўлиб кўринади. Лекин чуқурроқ эътибор бериб таҳлил этсак, у инсонни Худога шунчалик ўхшатадики, яъни инсонни шунчалик худолаштирадики, инсонни “Инсонийликнинг Худоси” ёки “Инсонлашган Худо” деб атайди.

Асарда инсонни илоҳийлаштириш ёрдамида унинг асосида ётган моҳиятни очиб беришга ҳаракат қилинган. Унда агар энг олий асос, яъни Худо мутлақ ижодкор бўлса, Худога ўхшаш инсон ҳам ижодий ибтидога эга, деб ҳисобланган. Муаллиф фикрича, инсон чекланган ва чекланмаган моҳият, чексизлик ва чекланганликнинг уйғунлигидан иборат бўлиб, чексизлик инсоннинг Худогача етишиши йўлидаги узоқ йўл бўлса, чекланганлик эса, инсоннинг ҳеч қачон Худога тенглаша олмаслигидир. Онтологик нуқтаи назардан қарасак, инсон Худо яратган жамики мавжудотларнинг ҳаммасидан ҳам устун туради. Аммо у Худога тенглаша олмайди ва ҳеч қачон уни ўз измига юрита олмайди. Балки доим Худо измида қолади ва унинг иродасига бўйсунуш даражасида қолаверади.

Хуллас, “Зубдат ул-ҳақойиқ” ва “Асослар ҳақида” асарларидаги фикрлар оқими шундай уйғун ривожланганки, улар орасидаги ғоялар кетма-кетлиги, концептуал яқинлик ва ўхшашликни рад қилишнинг иложи йўқ. Уларнинг илдизи бирлиги, ҳар иккисида ҳам умумий фалсафий ғоялар тизими акс этгани яққол кўриниб турибди. Хўш, бундай ўхшашликнинг сабаби нимада? Бунинг илдизи қаерда? Ёки бу ўхшашлик тасодифми?

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бунда ҳеч қандай тасодифият йўқ, балки азалдан икки кутб орасидаги мустаҳкам илмий алоқалар борлиги бунинг асл илдизидир. Масалан, XII аср охири – XIII аср бошларида Ғарбий Европада ижтимоий-иқтисодий тараққиёт олдинги даврга қараганда анча жадаллашди. Айна пайтда, Ғарб ва Шарқ фалсафаси бевосита учрашган, асрлар ва цивилизациялар маданияти ворислиги таъминланган серқирра жараёнлар ҳам амалга ошган. XII асрнинг ўрталарида араблардан қайтариб олинган Толедо ҳамда Палермо шаҳарларида ўзига хос анъаналарга бой араб ва яҳудий фалсафасининг мактаблари бўлган. Бу даврда епископ Раймунд бошчилигида таржимонлар гуруҳи тузилиб, араб тилида ёзилган китобларни лотин тилига таржима қила бошлайдилар. Шу тарихида ўрта аср Европа зиёлилари Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Ал-Хайсам, Ибн Рушд ва бошқа Шарқ алломалари ижоди билан танишдилар. Шунингдек, антик файласуфларнинг араб тилига ўгирилган китобларини лотин тилига таржима қилиш анъанага айланди. Арабчадан лотин тилига Афлотун, Плотин, Прокл, Секст Эмпирик, Диоген Лаэртсий, Гален, Евклид ва бошқаларнинг асарлари таржима қилинди. Айниқса, Арасту асарларини таржима қилиш алоҳида ўрин эгаллади. Олдинги даврда файласуфлар Арастунинг мантиққа оид рисоаларини билишган, холос. Таржима туфайли унинг кўп асарлари маълум бўлди.

Шу билан бирга, ўша давр тарихидан маълумки, Н.Кузанский яшаган ва ижод қилган йилларда бутун Европани лол қилган Ибн Рушд таълимоти, яъни аверроизм¹ ушбу минтақада ниҳоятда кенг тарқалаётган, алломанинг ғоя ва қарашлари, асарларига қизиқиш ниҳоятда катта эди. Бу борада, айниқса, Римдан узоқроқда, аммо ислом фалсафаси, жумладан, Ибн Рушд таълимоти тарқалишида Ғарб ва Шарқни боғлаган ҳудуд, яъни Испанияга энг яқин бўлган Франциядаги Париж университети ҳамда Римнинг ёнгинасида қад ростлаган ва нафақат Италия, балки бутун Европада ном қозонган илм даргоҳи – Падуа университети фаолияти алоҳида эътиборга моликдир.

Бу соҳадаги изланишлар ва аверроизм таълимотини дин ва черков амалиёти билан боғлаш соҳасидаги фаолият шунчалик кучайган ва у бутун

¹ Аверро – машхур ислом файласуфи Ибн Рушднинг лотинча исми. Аверроизм – Ибн Рушд фалсафасининг Европада тарқалган номи.

минтақа илоҳиётчилари ҳамда олимлари эътиборини тортган эдики, энг обрўли христиан дини алломалари ҳам бу билан ҳисоблашишга мажбур бўла бошлаган эдилар. Рим папасининг ушбу масалани кўриб чиқиш, аристотелизм ва аверроизмнинг христиан дини арконлари билан узвий алоқадорлиги масалаларини ўрганиш учун махсус комиссия тузгани, унинг таклиф ва хулосаларини амалиётга жорий этиш ишларига ниҳоятда катта аҳамият қаратгани ҳам буни яққол исботлайди.

Папа Григорий IX 1231 йилги фармойиши билан олдинги декретларни янгиледи ва айна вақтда, Арасту асарларини католицизм эътиқодига мувофиқлаштирувчи комиссия тузди. Бу давр тақозоси эди. Августинчилик таълимоти ўрта аср маънавият ва маърифатининг муҳим таянчига айланган университетлар, уларда ўтиладиган фанлар учун ҳар жиҳатдан тор бўлиб қолган эди. Афлотун ва Августин фалсафасида умумий ғоялар, яратувчилик, уларнинг бирламчилиги ҳақида фикр юритилади. Университетларда математика, физика, астрономия ва бошқа табиий фанлар ўрганилиб, улар оламдаги нарсаларнинг айрим, хусусий хоссаларини ўрганишга чорлар эди. Арасту асарларини ўрганишга йўл очилгандан кейин икки ғоявий-назарий йўналиш бир-бири билан тўқнашди. Бу эски мавқеда турган августинчилар ҳамда аверроистлар ўртасидаги ғоявий кураш эди. Папанинг Арасту асарларини кўриб чиқишга оид топшириғини Альберт Больштедский ва Фома Аквинскийлар бажаришга киришганларида Парижда Сигер Брабантский (1240–1281) бошлиқ аверроистларнинг довуғи бутун Европа бўйлаб тарқалаётган эди. Сигер ва унинг тарафдорлари Ибн Рушд асарларида Арастунинг қарашлари аниқ баён этилган, деб ҳисоблашарди. Сигер Арастуни файласуф, Ибн Рушдни унинг буюк шарҳловчиси, деб атаган.

Араб файласуфи Ибн Рушд (1126–1198) Арасту асарларига шарҳ бериш билан бирга, унинг материя ва ҳаракатнинг чексизлиги, оламдаги нарсалар сабабий қонуниятларга бўйсунishi каби тасаввурларини ривожлантирди, ўзи ягона шахсиз субстанция бўлган мавҳум дунёвий ақл ғоясини ишлаб чиқди. Файласуф “икки ҳақиқат” таълимотини асослаб бериб, фан ва фалсафани дин билан тенг, деб ҳисоблаш, уларни илоҳиётчилар назоратидан озод этиш ғоясини қувватлаган. Ғарб аверроистлари, Ибн Рушднинг бу соҳадаги ғояларига, айниқса, “икки ҳақиқат” таълимотига катта эътибор бердилар. Уларнинг фикрича, фалсафанинг илоҳиётдан мустақиллигини таъминлаш зарур бўлгани каби, илмни ҳам эътиқоддан фарқлаш, ажратиш лозим. Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам дунё динига айланиб бораётган христианлик ва исломнинг ўша замондаги баъзи мутаассиб илоҳиётчилари илмни эътиқодга, фалсафани илоҳиётга қарама-қарши қўйишга сабаб бўладиган бундай фикрлар учун аверроистларни ҳам, уларнинг салафларини ҳам аяб ўтиришмаган, албатта.

Ибн Рушдни Худодан қайтганликда айблаган, уни ва ўғлини бу аллома туғилиб ўсган Қурдоба жоме масжидидан қувиб чиқарган ва алалоқибат унинг Марокашга сургун қилиниши ва ўша ёқда ўлиб кетишига сабаб бўлганларнинг номини тарих сақлаб қолмаган. Тўғри, гарчанд ушбу кишилар Ибн Рушд асарларининг араб тилидаги асл нусхаларини бутунлай йўқ қилиб юбориб, уларнинг сақланиб қолмаслигига ва аллома номининг бир неча вақт қораланишига эришган бўлсалар-да, аммо ўзларининг асл мақсадларига ета олмаганлар. Чунки улар “Ибн Рушд асарларини мутлақо йўқ қилдик”,

дея ўзларига тасалли бераётган пайтларда, алломанинг аксарият асарлари Европа тилларига таржима қилиб бўлинган ва машхур илм даргоҳларида фалсафа бўйича муҳим қўлланмалар сифатида қизиқиб ўрганилаётган эди.

Ибн Рушднинг космологик назарияси ва онтологик қарашлари ҳам осмондан олинмаган, албатта. У ҳам ўзига замондош бўлган бошқа ислом олимлари каби бу соҳада ўзидан олдин ўтган мусулмон алломаларининг ғоя ва қарашларини чуқур ўрганган, асарларида улардан таъсирланиб яратган ўзига хос фалсафий тизимни баён қилган “Зубдат ул-ҳақойиқ” яратилганиданоқ бутун ислом оламига кенг тарқалгани, ундаги фалсафий концепциянинг ниҳоятда машхур бўлгани ва унинг муаллифи Ибн Рушддан бир ярим аср илгари яшаганини ҳисобга олсак, масала ниҳоятда ойдинлашади. Ушбу концептуал таълимот нафақат Ибн Рушд, балки “Зубдат ул-ҳақойиқ”нинг муаллифидан кейин яшаган ва мазкур масала ҳақида фикр юритган кўплаб ислом алломаларининг асарларига таъсир кўрсатгани аллақачон эътироф этилган.

Фақат ушбу таҳлилга Николай Кузанский гарчанд немис бўлса-да, айнан Падуя университетига Ибн Рушд аристотелизми ва аверроизм фалсафаси энг авж даражасига кўтарилган йилларда талаба бўлганини, ушбу таълимотларни яхши эгаллагани ва улардан ғоят катта таъсирлангани ҳақидаги тарихий далилни илова қилсак, юқорида қайд қилинган асарлар орасидаги ўхшашликнинг асл илдизларини излашнинг асло ҳожати йўқлигини англаб оламиз. Мисоли, Алишер Навоий бобомиз ёшлигида ўзини мафтун қилган Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (“Қуш тили”) достони мавзусига эллик йилдан кейин яна қайгани ва умрининг ниҳоясида, ўз таъбири билан айтганда, “таржима расми била” юзага келтирган шеърий мўъжизаси “Лисон ут-тайр”ни яратгани каби, Николай Кузанский ҳам талабалик йилларида қалби ва онгига сингиб қолган ғоя ва қарашларни асло унута олмаган ҳамда ўзининг кейинроқ ёзилган асосий асарларида ушбу таъсир натижасида пайдо бўлган фикр-мулоҳазаларини акс эттиргани шубҳасиз.

Мазкур соҳадаги изланишлардан келиб чиқадиган хулосалардан яна бири шуки, Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккур тадрижи фақатгина эзгуликнинг мутлақ ғалабаси, илми ҳикмат аҳлининг доимий ютуқларидан иборат эмас. Бу тарих иккала ҳудудда ҳам инсон ва жамият учун ниҳоятда катта аҳамият касб этган ғоя ва таълимотлар, турли-туман фалсафий йўналишлар, оқим ва мактабларнинг вужудга келиши, камоли ёки заволига кўп бора гувоҳ бўлган. Уларнинг баъзилари халқлар ва давлатларни тараққиётга етаклаган, эзгулик ва адолатга хизмат қилган бўлса, бошқалари таназзулга олиб келган, одамларни қабоҳат ва жаҳолат томон бошлаган.

Фалсафанинг ўзига ҳам барча замонларда бир хил муносабат бўлмаган. Баъзи даврларда у давлат мафкураси даражасига кўтарилган, маънавий ҳаётда яқка ҳукмронга айланган бўлса, бошқа замонларда унутилишга, иккинчи даражали фанга айланган. Муайян тарихий бурилиш даврларида “Фалсафа нима ўзи?”, “Унинг қандай фойдаси бор?” деган масалалар долзарб аҳамият касб этган. Тарихда “Фалсафа энди йўқ бўлди, уни ўрганишнинг ҳеч бир зарурати қолмади”, қабилдаги гаплар ҳам кўп бўлган. Ана шундай даврларда кишилар фалсафанинг моҳияти, унинг мақсад ва вазифаларини янгича идрок этишга ҳаракат қилганлар, ундан замонавий ташбеҳлар излаганлар. Қандай бўлмасин, замонлар ўтиши би-

лан одамзод барибир фалсафага эҳтиёж сезган ва унинг инсон маънавий камолотида беқиёс аҳамият касб этишига қайта-қайта ишонч ҳосил қилган.

Мавзумиз учун асос бўлган Шарқ ва Ғарб ҳикматларини яратган мутафаккирларнинг тарихи ва тақдири шундан далолат берадики, ўз даврининг қонун ва хусусиятларини зукколик билан англаган, ҳаёт қонуниятларидан воқиф бўлган баъзи етук файласуф ва алломаларнинг ҳаёти ҳам бир текис кечавермаган, уларнинг ғоя ва қарашлари, жамият ва миллат камоли учун ҳаракатлари ҳамма томонидан ҳам ижобий қабул қилинавермаган. Ҳасад ва таъкиб, иқтидорли кишиларни кўролмаслик, ўз кирдикорларини турли найранглар билан хаспўшлашни касб қилиб олганлар не-не улуғ зотларнинг умрини хазон қилган, уларнинг кашфиётлари, ғоя ва таълимотларига қаршилик кўрсатган.

Ушбу масаланинг ҳозирги даврдаги турли ғоя ва мафкуралар, таълимот ва назарияларнинг мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаоларини тўғри англаш билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳати ҳам бор. Глобаллашиб бораётган бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, инсоният ҳаётида рўй бераётган ғоявий курашлар асосий мазмун-моҳиятини ташкил қиладиган ушбу мавзунинг тарихи, тавсифи ва аҳамияти фалсафанинг ўзи каби қадимий ва ниҳоятда долзарб эканлигига шубҳа йўқ. Зеро, бу тарих одам зоти Ер юзида пайдо бўлганидан буён унинг доимий ҳамроҳи бўлиб келмоқда, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш муттасил давом этмоқда.

Гарчанд инсоният ибтидосидан бошланган ана шу азалий курашда эзгуликнинг ғалаба қилиши, соғлом тафаккур устувор бўлиши тарғиб этилса-да, бундай муваффақиятни қўлга киритиш ҳамма вақт ҳам осон кечмаган. Бу эса, инсоният тарихидаги хилма-хил ғоя ва мафкуралар, фалсафий оқимлар ва таълимотларнинг ҳаммаси ҳам эзгу мақсадлар ва бунёдкорлик ишларига хизмат қилавермагани, бирон-бир киши ёки гуруҳга ижобий бўлиб кўринган ёндашув ёки назария бошқалар учун ҳам, муқаррар тарзда, бундай аҳамиятга эга бўлавермаганини кўрсатади.

Шу маънода, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бунёдкор ва вайронкор ғоялар кураши, эзгулик ва ёвузликнинг бир-бирига зидлиги, бузғунчилик тамойилларининг одамзод бошига не-не балоларни келтириши билан боғлиқ фалсафий мавзунинг тарихи узоқ. Афсуски, асрлар оша одамларни эзгу ва хайрли ишларга бошлаб келаётган, умуминсоний аҳамиятга молик бунёдкор ғоялар билан бирга, мазмун-моҳияти бузғунчилик ва ғайриинсонийликдан иборат вайронкор мафкуралар ҳам ранг-баранг шаклларда намоён бўлиб туради. Инсоният тарихи шу тариқа, муайян ғоялар устувор бўлган неча-неча замонлар алмашинуви, турли мафкуралар курашидан иборат узлуксиз жараён сифатида давом этиб келмоқда.

Баъзида алдамчи жозибаси билан одамларни чалғитадиган бузғунчи ғояларни байроқ қилиб, бирон-бир ҳудудни ёки ҳокимиятни эгаллашга интилиш, зарарли мафкуралар асосида кишиларнинг қалби ва онгини забт этиб, уларни ўз мақсадларининг қурбонига айлантиришга уринишлар, вайронкорлик инстинктларини қўзғашга қаратилган маккорона ҳаракатлар ана шундай иддаолар натижаси эканлиги шубҳасиз. Турли инқилоблар, хилма-хил урушлар, қуроли тўқнашувлар натижасида рўй берган кўп сонли талафотлар эса вайронкор ғоялар амалиётининг оқибати, уларнинг ордидан эргашган инсонларнинг бундай самарасиз ва сароб йўллардаги йўқотишларидир.

Айниқса, ўтган асрдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида дунёнинг икки қутбга бўлиниши ва улар ўртасидаги тўхтовсиз ғоявий-

сиёсий курашлар муайян мақсадга йўналтирилган зарарли оқимлар ва йўналишларни ҳам вужудга келтириб, рағбатлантириб турди. Айнан шу асрда инсоният тафаккур тараққиётида ижобий аҳамият касб этувчи қарашлар ташвиқи билан бирга, умуминсоний тараққиётга зид бўлган бузғунчи ғоялар ҳам тарғиб этилди. Улар башариятга хос умумий мезонларга раҳна солиб, миллий, минтакавий хусусиятлар ва турфа сиёсий қарашлар асосида кишиларни ҳар хил гуруҳларга ажратиб ташлашга интилди. Бундай ғоявий-сиёсий айирмачилик, ажратиш ҳамда бузғунчиликка асосланган тарғибот натижасида инсоният катта зарар кўрди.

Ҳозирги давр ҳам бундан мустасно эмас. Дунёнинг бугунги мафкуравий манзарасида ҳам турли-туман ғоялар ва мафкуралар хилма-хил тарзда намоён бўлиб турибди. Уларнинг баъзилари инсониятни эзгуликка, миллатлар ва давлатларни бунёдкорликка сафарбар қилса, бошқалари одамларни бири-бирига қарши қўйиш, орасига нифоқ солиш, турли ижтимоий зиддиятлар, урушлар, қатағонлар ва бузғунчиликларга сабаб бўлмоқда.

Бу эса асл қиёфасини турли найранглар билан беркитишга ҳаракат қилаётган вайронкор мафкураларнинг муттасил хуружи рўй бераётган бугунги мураккаб замонда уларга қарши тура оладиган бунёдкор ғояларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш, мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган замонавий дунёқарашни шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётганидан далолат беради. Мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этилаётган бугунги шароитда тинчлик ва тотувликка, барқарорлик ва бағрикенгликка раҳна солувчи бузғунчи мафкураларнинг мақсад-муддаоларини ўз вақтида англаш, уларга қарши курашиш, эзгу ғояларни амалга оширишга қаратилган бунёдкорлик ишларида омилкор ва масъулиятли бўлиш ушбу жабҳадаги фаолиятимизнинг энг асосий мезонидир.

ҲИКМАТЛАР

Олтин олов билан, аёл олтин билан, эркаклар эса аёл билан тобланадилар.

СЕНЕКА

Лайли гўзаллигин англамоқ учун унга Мажнун кўзи ила қарамоқ лозим.

САЪДИЙ

Аёллар меъёрдан ошишга мойил: улар эркакларга нисбатан анча ёмон ёки анча яхши бўлишади.

ЖАН ЛАБРЮЙЕР

Аёлнинг гўзаллигини мақтанг, у сизнинг жамики ҳақоратларингизни кечиради.

ПЬЕР БУАСТ

*Рус тилидан Шодмон ОТАБЕК
таржимаси*

Муҳаббат ТЎЛАХЎЖАЕВА

ТЕАТР ВА ЯНГИ ЗАМОН

27 март – Халқаро театр куни – сахна арбоблари ва ижодкорларининг байналмилал тусдаги касб байрамидир. Бу санани нишонлаш фикри 1961 йил ЮНЕСКО қошидаги Халқаро театр институтининг Вена шаҳрида ўтказилган IX конгрессида илгари сурилган эди. Халқаро театр куни анъанавий тарзда “Театр – миллатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тинчликни мустаҳкамлаш воситасидир” шиори остида нишонланади.

Дарҳақиқат, жамиятни ҳар тарафлама янгилаш, миллатнинг маънавий тафаккурини юксалтириш ва турли халқлар ўртасидаги маданий мулоқот ривожидида театр санъати алоҳида қимматга эга. 1993 йил 23 октябрда пойтахтимизда ўтказилган “Театр: Шарқ-Ғарб” халқаро фестивали иштирокчиларига йўллаган табригида биринчи Президентимиз шундай деган эди: “Фестивалингиз турли минтақа халқлари маданиятининг энг яхши ютуқлари намоиши ҳисобланади, умид қиламанки, у инсонларни маънавий поклик, эзгулик тантанаси ва янгидан-янги ижодий парвозларга чорлайди”.

Мамлакатимизда Европа намунасидаги театрнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташлар эканмиз, миллий театримизнинг жаҳоний мақоми юксак бўлгани, шунингдек, ўзга халқлар сахна маданияти билан ҳамкорлик жараёни жадал ва самарали кечганини кўрамиз. Юртимиз театрларида замонавий драматургия билан ёнма-ён тарзда миллий мумтоз асарлар, хориж драматургияси намуналари ҳам муваффақият билан саҳналаштирилган ва мухлису мутахассислар эътирофини қозонган. Хусусан, 1921 йил Ф.Шиллернинг “Мақр ва муҳаббат” драмаси, 1926 йил Н.Гоголнинг “Ревизор” комедияси, 1927 йил К.Гощининг “Маликаи Турандот” эртаги, кейинчалик К.Гольдонининг “Икки бойга бир малай”, “Меҳмонхона бекаси”, 1931 йил Лопе де Веганинг “Кўзибулоқ кишлоғи”, 1935 йил У.Шекспирнинг “Ҳамлет”, 1941 йил “Отелло”, бироз вақт ўтиб Мольернинг “Тартюф” комедияси ҳамда жаҳон драматургиясининг кўплаб мумтоз намуналари бирин-кетин саҳналаштирилган эди.

Юқорида саналган сахна асарлари ўзбек миллий театрини европача шакл ва мазмун билан бойитди, жаҳон театрининг ноёб тажрибаларини амалиётда татбиқ қилиш имконини берди, актёру режиссёрларнинг ижодий тасавури, имкониятларини юзага чиқаришга кенг майдон яратди. Натижада ўзбек театрининг мазмундор қиёфаси бўй кўрсатди, унинг замирида актёр ижроси ва режиссёр ёндашувининг хилма-хил услублари, турли театр йўналишларининг ажойиб уйғунлиги намоён бўлди.

* Муҳаббат Тўлахўжаева – санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, санъатнинг барча жабҳаларида қатор ислохотлар амалга оширилди, дунё ҳамжамияти, хусусан, маданий дунёси билан яқинлашув жараёни тезлашди. Маълумки, адабиёт ва санъат – умумбашарий ҳодиса, бинобарин, театр ҳам турли маданиятлар ҳамкорлиги ва таъсирини четлаб ўтиши, фақат ўз қобиғида ривожланиши мумкин эмас.

Бугун дунёда шиддат билан юз бераётган глобаллашув жараёни, тезкор ахборот алмашинуви ва интеграция ҳодисалари, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва байналмилал ғоялар сахна санъатига ҳам таъсир кўрсатиб, умуминсоний қадриятларнинг ягона тизимини қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда ўзбек театри ўзига хос ва мос йўлини сақлаб қолиб, азалий услуб ва анъаналарини ишонч билан давом эттираётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида ўзбек театрининг жаҳон сахна санъатига яқинлашув жараёни тезлашди, буни сахналаштирилган спектакллар мисолида ҳам кўриш мумкин. 1992 йил атоқли режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг машҳур “Искандар” спектакли (Алишер Навоий достони, Шухрат Ризаев инсценировкаси асосида) Францияда намойиш этилади, томошада улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий образини фаранг актёри Франсуа Шатто ўзгача эҳтирос ва маҳорат билан ижро этиб, чинакам санъат тилу миллат, сарҳаду чегара билмаслигини яна бир карра исботлайди. Қолаверса, етакчи театрларимизнинг хориж мамлакатларига муваффақиятли гастрол сафарлари, юртимизга спектакль сахналаштириш учун Италия, Россия, Франция, АҚШ, Германия, Исроил, Корея, Япония сингари давлатлардан тажрибали режиссёрларнинг таклиф этилиши, Ўзбекистон Ёшлар театри Санкт-Петербургдаги “Болтиқ уйи” ҳамда Москвада бўлиб ўтадиган А.Чехов номидаги театр фестивалида мунтазам иштирок этаётгани ўзбек театрининг халқаро нуфузи мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, мамлакатимизда “Хумо” халқаро театр фестивали бўлиб ўтди, унда ҳамдўстлик давлатларидан ташқари Германия, Япония, Франция, Буюк Британия, Исроил театрларининг спектакллари намойиш этилди. 2015 йилнинг охирида пойтахтлик томошабинлар Жанубий Кореядан ташриф буюрган “Хэбома” театрининг буюк драматург Вильям Шекспир фожиаси асосида сахналаштирилган “Макбет” спектаклига гувоҳ бўлишди. Шу йилнинг ўзида “Глобус” глобус бўйлаб” халқаро турнеси доирасида Шекспир асос солган афсонавий “Глобус” театри юртимизга ташриф буюрди ва жаҳон драматургиясининг гултожи – “Ҳамлет” фожиасини янгича талқинда томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Оҳорли шакл, енгил юмор ва ҳаракатга асосланган мазкур спектакль улуғ драматург таваллудининг 450 йиллигига бағишланди. Шунингдек, пойтахтимиз ушбу турне доирасидан жой олган “Театр масалалари” халқаро форумига мезбонлик қилди.

Яна шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, тўлиқ таъмирлаш ва реконструкция ишларидан сўнг Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри ҳақиқий санъат муҳибларини яна ўз бағрига чорлади, илк мавсумнинг ўзидаёқ ижодий жамоа шонли анъаналарини давом эттирувчи спектакллар билан мухлисларни қувонтирди. Ҳозирда театр репертуаридан Ж.Вердининг “Травиата”, “Аида”, Г.Доницеттининг “Ишқ шароби”, П.Чайковскийнинг “Оққуш кўли”, “Уйкудаги гўзал”, А.Аданнинг “Жизель”,

Л.Минкуснинг “Дон Кихот” сингари жаҳон опера ва балет санъатининг мумтоз намуналари ўрин олган.

Хўш, бугунги замонавий ўзбек театри ҳақида нималар дейиш мумкин? Ўзбекистон сахна санъатининг ҳозирги қиёфаси ҳақида сўз кетганда, театрлар репертуари ранг-баранг тусга кириб бораётгани, янги сахна тили ва ифода воситалари шаклланаётгани, режиссёру актёрлар янги экспериментлар устида изланаётганини қайд этиш лозим. Айрим сахна ижодкорларининг изланишларида жаҳон театр тажрибалари билан ҳамоҳангликни кузатамиз. Спектаклларда ташбеҳу рамзлар, шартлилик, рақс ва пластика, экспрессив бадиият, реалистик-психологик талқин, қувноқ бадиҳавий рух, шарқона сахна маданияти ва бошқа хилма-хил шаклларнинг мужассамлиги ўзбек театрининг истикболи ҳақида ёруғ умидлар беради.

Бугун жаҳон театри услубу шакл жиҳатидан мутлақо янги босқичга қадам қўйди десак, хато бўлмайди. Ҳатто замонавий театрда кечаётган айрим ҳодисалар, услубий изланишларни тушунтириб, шарҳлаб беришга санъатшуносу мунаққидлар иккиланиб қолмоқда. Чунки Европа театрларига кинематография унсурлари ва компьютер технологиялари фаол кириб келмоқда, мюзикль, пластик-шоу, театр-концерт сингари жанрларга эътибор кучайиб, янги ифода воситаларини инкишоф этаётган спектакллар визуаль томоша ва рамзлар асосига қурилмоқда. Масалан, канадалик таниқли театр режиссёри Робер Лепаж ўз спектакларида мураккаб нур техникаси ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиб, XXI аср театрининг янги шаклини намоиш этди. Америкалик театр режиссёри, драматург, сценограф Роберт Уилсон ижоди ҳам эътиборга лойиқ. Бу режиссёр драматик театр ва замонавий санъат, кинематография ва пантомима, цирк ва замонавий рақс уйғунлигига асосланган театр услубини яратмоқда. Интервьюларидан бирида режиссёр: “Ўз моҳиятига кўра авангард санъат мумтозликнинг янги қиррасидан ўзга нарса эмас”, – деган эди.

Агар замонавий театрнинг ўзи нима деган саволга мухтасар жавоб изласак, бу, аввало, спектакль шакли ва мазмуни устида олиб борилган тажриба, холос, деган оддий тўхтамга келамиз. Бу-ку, масаланинг ташқи белгиси. Хўш, замонавий спектакль қандай бўлиши керак, режиссёрнинг драматург, актёрлар, сахна рассомлари, бастакорлар билан муносабати-чи? Томошабин қандай янги талқинлар, қизиқарли, марокли, ёрқин, ҳайратомуз спектаклларга гувоҳ бўлади? Эҳтимол, бу мумтоз асарлар, миллий эпослар, халқ оғзаки ижоди, психологик драма, мелодрама, комедия ёки кутилмаган янгилик билан тувовчи трагикомедия ёхуд мўъжизали эртақнинг янги сахна талқини бўлар? Замонавий театр турли жанрларга бой. Бироқ унинг асосий хусусиятлари “интерпретация” деган сўзда мужассам бўлиб, ушбу атама драматик асарнинг режиссёр томонидан қандай талқин этилишини англатади.

Бугун мамлакатимизнинг етакчи театрларида ранг-баранг мавзу ва жанрдаги сахна асарлари намоиш этилмоқда, айниқса, мумтоз асарларга қайта мурожаат қилинаётгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий”, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек”, Фарб мумтоз драматургиясидан Софоклнинг “Шоҳ Эдип”, Мольернинг “Тартюф”, Жан Ануйнинг “Тўрғай” каби асарлари сахна юзини кўрди. Мазкур спектакллар театр жамоаларининг айна вақтдаги ижодий мезонлари, қандай муаммолар ва ғоявий мақсадлар билан яшаётгани,

давримизнинг долзарб масалаларига ёндашуви, шунингдек, янги сахнавий шакл ва ифода кашф этиш йўлидаги изланишларини кўрсатади.

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: бугун томошабинга қандай мавзулар зарур? Уни қандай кечинмалар, зиддиятлар, характерлар ҳаяжонга солади? Бу масалаларнинг барчаси долзарб аҳамиятга эга бўлиб, сахна ижодкорларидан алоҳида эътиборни талаб қилади.

Япониялик таниқли театр режиссёри Тадаси Судзуки интервьюларидан бирида таъкидлаганидек, “тор миллатчилик хусусиятларини бартараф этиб, услублар, ҳатто театр мактабларини фаол тарзда қарама-қарши қўйганда, шундай рақобат муҳитида сахна санъати самарали ривожланади”. Назаримда, ушбу фикрлар бевосита ўзбек театрига ҳам дахлдор. Инсонлар театрга қандай мақсаду эҳтиёж билан келади? Бу саволни санъатнинг ушбу турига хизмат қилаётган ҳар бир инсон ўз-ўзига бериб кўриши лозим. Зеро, театр ҳам бошқа санъат турларидек гўзал ва умрбоқийдир, демак, унинг тақдири ҳар бир маданиятли инсонни бефарқ қолдирмаслиги керак. Театр шундай бир санъатки, у инсонларни мудом ҳайратга солиб, қалбларни жунбишга келтиради, онгу шуурга муттасил таъсир этиб, руҳиятни мунтазам бойитиб боради. Бу шундай санъатки, у туйфайли инсон ўзини ҳам, оламни ҳам танийди.

ИЛМГА БАХШИДА УМР



Атоқли театршунос олим, анъанавий томошалар бўйича йирик мутахассис, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мухсин Қодиров ҳаёт бўлганида, бу йил март ойида 85 ёшни қаршилаган бўларди. Олим ўзининг сермахсул фаолияти давомида халқ томошалари (анъанавий театр, ракс, цирк, майдон томошалари ва байрамлар)ни илмий тадқиқ этиб, ўзбек театр этнографияси йўналишига асос солди. Унинг “Ўзбек халқ оғзаки драмаси”, “Масхарабоз ва қизикчилар санъати”, “Халқ кўғирчоқ театри”, “Сахнамиз лочинлари”, “Ўзбек театри анъаналари”, “Ўзбек халқ томоша санъати”, “Навоий ва сахна санъати”, “Темур ва темурийлар даври томоша санъатлари”, “Анъанавий театр драматургияси” сингари китоблари санъатшунослик илмига қўшилган катта ҳисса бўлди.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида ўтказилган “Илмга бахшида умр” фотокўргазмаси ва хотира кечаси олимнинг ибратли ҳаёти, серқирра илмий фаолиятига бағишланди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев, фольклоршунос олим Тўра Мирзаев ва бошқалар Мухсин Қодировнинг илм-фан равнақидаги хизматларини алоҳида тилга олиб, у қолдирган мерос ёш авлод маънавий камолотида муҳим ўрин тутишини таъкидлашди. Шундан сўнг кўргазмадан ўрин олган асарлар намоиши ўтказилди. Экспозицияда жамланган элликдан ортиқ фотолавҳа Мухсин Қодировнинг умр йўлларига назар ташлаш имконини берди.

Шохрух АБДУРАСУЛОВ



МАРК АРИАН – ГЎЗАЛЛИК КУЙЧИСИ

Америкалик таникли рассом Марк Ариан 1947 йили Фарбий Қўшма штатларда туғилган. Болалигида китобдаги расмлардан, кейинчалик фотосуратлардан нусха кўчириш орқали расм чизишни бошлаган.

Бадий таълим олиш мақсадида Миссури штатидаги Марисвилл университетига ўқишга киради. Кейинчалик у машхур голланд рассомларидан Йоханнес Вермеер, Питер Паул Рубенс ва Рембрандт, француз рассомларидан Вильям-Адольф Бугро ҳамда америкалик Жон Сингер

Саргент асарларидан илҳомланганини қайд этади.

Йигирма бир ёшида Ариан дин тарғиботига киришади ва ўн саккиз йил мобайнида диний мавзуларда асарлар яратади. Шу давр ичида черков унинг рангтасвир сирларини чуқурроқ ўрганиши ҳамда дунё кезиши учун шароит яратиб беради. Хорижий сафарлар мусаввирнинг дунёқараши, ижодий феномени шаклланишига хизмат қилди. Жумладан, унинг ижодида мавзулар хилма-хиллашади, янги образлар акс эта бошлайди.

Марк Ариан нозик рангларнинг биридан иккинчисига ўта билади, нур ва соя ўйини орқали асарларининг таъсирчанлигини ошира олади. Унинг ишлари ҳаёт завқи ва гўзаллиги билан тўйинган.

Арианнинг катта кўламдаги рангтасвир асарлари қаторига Фарбий Виржиния штатига қарашли Олтин Сарой деворига ишланган нафис фрескаларни ҳам киритиш лозим. Ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан келадиган сайёҳлар мазкур асардан ҳайратланиб, рассом ижодига юксак баҳо берадилар.

Марк Ариан рококо ва импрессионистик оқимлар уйғунлигида ижод қилади. Картиналарида натюрморт, кундалик ҳаёт, раққосалар, балериналар ёки оддий аёлларнинг турмуш тарзи акс эттирилади. Бир қарашда асар композицияларида ҳаётнинг муайян лавҳаси, оний парчасигина тасвирлангандек туюлади, бироқ бу картиналар пухта ўйлангани, маълум ғоя ва ҳис-туйғуни ифодалаш билан қимматли.

Журналимизнинг 1-бетида Арианнинг рококо услубида ишланган “Мутолаа” асари акс этган. Унда танланган нафис ранглар уйғунлиги руҳиятга ёруғлик бағишлайди. Бундан ташқари, сарғиш, пушти ва кўкимтир яшил ранглар асарнинг таъсирчанлик кувватини оширади. Ҳаётдан мамнун ва хотиржам қиз романтик китобни катта қизиқиш билан ўқимокда, асар қаҳрамони фирдавсмонанд ёруғлик қуршовида, ёшлик гўзаллигига йўғрилган, лирик ва поэтик руҳиятда тасвирланади. Рассом қуёш нурини кизнинг юзига туширади, айнан шу нур орқали ёноқлари ва лабининг қизиллиги, киприклари узун ва қуюқлигини кўрсатади. Ҳарир оқ кўйлаги устидан пушти рангдаги шойи тасмали белбоғ боғланган, бу унинг балоғат ёшидаги, турмушга чиқмаган қиз эканига ишорадир.

Бир сўз билан айтганда, Марк Ариан яратган образлар аёлнинг борлиқдаги энг гўзал хилқат экани ва мудом муҳаббат у эҳтиромга лойиқлигини эслатиб туради.

*Камола НИШОНОВА,
Камолитдин Бехзод номидаги миллий
рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси*

TAQVIM

УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

1 МАРТ

1929–2005 йиллар. ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, атоқли адабиётшунос, танқидчи, таржимон, публицист, “Меҳнат шухрати” (1997), “Буюк хизматлари учун” (1999) орденлари соҳиби, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002), “Жаҳон адабиёти” журнаlining биринчи бош муҳаррири. “Замон. Қалб. Поэзия”, “Биринчи мўъжиза”, “Талант – халқ мулки”, “Адабиёт – ҳаёт дарслиги”, “Гўзаллик излаб”, “Маънавий камолот йўлларида”, “Чўлпонни англаш”, “Сардафтар сарлавҳалари”, “Ижодни англаш бахти” сингари қатор китоблари ўзбек адабий танқидчилиги ривожига муҳим ўрин тутди. Таржимон сифатида Лев Толстойнинг “Иқрорнома”, Пауло Коэльонинг “Алкимёгар”, Эфраим Севеланинг “Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан” ва бошқа асарларни ўзбек тилига ўгирган.

4 МАРТ

1678–1741 йиллар. АНТОНИО ВИВАЛЬДИ, буюк италян композитори, виртуоз скрипкачи. Асосан скрипка учун мўлжалланган концертлари билан шухрат қозонган. Айниқса, шу йўналишга мансуб тўрт қисмли “Йил фасллари” туркум асари машҳур. Вивальди лютня, шалмей, кларнет, валторна, фагот, виолончел, гобой, флейта каби мусиқий асбоблар учун махсус куй басталаган. Композитор ижоди давомида 40 га яқин опера, 500 дан зиёд концерт асарлари яратган.

6 МАРТ

1475–1564 йиллар. МИКЕЛАНЖЕЛО БУОНАРРОТИ, улўф италян ҳайкалтароши, рассом, шоир, Уйғониш даврининг йирик намояндаси. “Кентаврлар жанги”, “Бола кўтарган Мадонна”, “Мадонна Брюгге”, “Даҳшатли суд”, “Довуд”, “Одамнинг яралиши”, “Уйкудаги Амур”, “Авлиё Матфей”, “Чормихга тортиш”, “Авлиё Антонионинг изтироби” ва бошқа асарлари жаҳон ҳайкалтарошлигининг мумтоз намуналари ҳисобланади.

1806–1861 йиллар. ЭЛИЗАБЕТ БРАУНИНГ, таниқли инглиз шоираси, таржимон. “Марафон жанги”, “Конгресс олдидан кўшиқ” поэмалари, “Идрок ҳақида тажриба ва бошқа шеърлар”, “Португалча сонетлар” номли шеърӣ тўпламлари инглиз адабиётида жиддий ҳодиса саналади. Таржимон сифатида Эсхилнинг “Занжирбанд Прометей” фожиасини инглиз тилига ўгирган.

7 МАРТ

1908–1973 йиллар. Анна МАНЯНИ, таниқли италян актрисаси, “Оскар” мукофоти соҳибаси (1956), “Олтин глобус” (1956) ва Берлин



кинофестиваллари ғолиби (1958). Италия неореализм киносининг илк намунаси – “Рим – очик шаҳар” (Р.Росселлини) фильмидаги Пина образи актрисани кенг жамоатчиликка танитган. Шунингдек, “Йўлдаги орзулар”, “Севги”, “Энг гўзал”, “Рома она” сингари Голливуд фильмларида ҳам суратга тушган.

8 МАРТ

1864–1919 йиллар. Апте Хари НАРАЯН, атоқли ҳинд адиби. Маратхи тилида ижод қилган. 1890–1918 йилларда “Караманук” (“Эрмак”) газетасини нашрдан чиқарган. “Ҳозирги замон тарихлари”, “Майсур йўлбарси”, “Чандрагупта”, “Саҳар”, “Мен”, “Яшвантрао Кхаре” каби жами 21 та роман муаллифи бўлиб, шулардан 11 таси ҳинд халқи тарихига бағишланган.

9 МАРТ

1814–1861 йиллар. Тарас ШЕВЧЕНКО, улуғ украин шоири, адиб, расом, этнограф. Шоирнинг “Кўбизчи” шеърий тўплами украин миллий адабиётининг мумтоз намуналаридан ҳисобланади. Шевченко аксарият насрий асарлари (қисса, кундалик, мактублар) ва бир қанча шеърларини рус тилида яратган, шу боис унинг ижоди нафақат украин, балки рус адабиётига ҳам дахлдор. “Кавказ”, “Васиятнома” поэмалари, “Сафардан қайтмади”, “Хаёл”, “Қишлоқ”, “Ўроқчи аёл” ва бошқа шеърлари довруқ қозонган.

12 МАРТ

1946 йил. Лайза МИНЕЛЛИ, америкалик таниқли актриса, хонанда, “Оскар” мукофоти соҳибаси (1972). “Чарли Бабблз”, “Бепушт какку”, “Кабаре”, “Нью-Йорк, Нью-Йорк”, “Овозсиз кино”, “Оҳиста тараккиёт”, “Тўзалнинг ўлимига қадар” сингари кўплаб фильмларда турфа қаҳрамонларни гавдалантирган.

15 МАРТ

1924–1983 йиллар. Эътибор ЖАЛИЛОВА, ўзбек мусиқали театр актрисаси, хонанда, Ўзбекистон халқ артисти (1964). Зухра (“Тоҳир ва Зухра”), Шоҳиста (“Олтин кўл”), Ширин (“Фарҳод ва Ширин”), Лауренсия (“Кўзибулоқ қишлоғи”), Офтобхон (“Офтобхон”), Нурхон (“Нурхон”) образларини яратган.

16 МАРТ

1839–1907 йиллар. Арман СЮЛЛИ-ПРЮДОМ, машҳур француз шоири, эссенавис, адабиёт бўйича Нобель мукофотининг илк лауреати (1901). Замондош ижодкорлар билан бирга 1902 йили Француз шоирлари жамиятини тузади. “Вақт”, “Синган гулдон”, “Адолат” поэмалари, “Синовлар”, “Хилватгоҳлар”, “Станслар ва поэмалар” каби шеърий тўпламлари эълон қилинган.

21 МАРТ

1839–1881 йиллар. Модест МУСОРГСКИЙ, буюк рус композитори, машхур “Қудратли тўлқин” гуруҳи аъзоси. Композитор ижодида, айниқса, опера жанри алоҳида ўрин тутди. Хусусан, “Борис Годунов”, “Хованщина”, “Сорочинск ярмаркаси” опералари, “Офтобсиз”, “Ажал қўшиқ ва ракслари”, “Болалик” вокал туркумлари, “Кўрғазмадаги расмлар” фортепиано асари жаҳон мусиқа хазинасидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

24 МАРТ

1940–2005 йиллар. Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, атоқли ўзбек адиби, замонавий ҳикоячиликнинг етук вакили, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991), “Меҳнат шухрати” (1999) ордени соҳиби. Талабалик йиллари ёзган “Тўлқинлар” (1963) қиссаси билан эътироф топган. “Оқ отли”, “Ўн саккизга кирмаган ким бор?”, “Олис юлдузлар остида”, “Ҳаёт абадий”, “Оғир тош кўчса...”, “Бодом қишда гуллади” ҳикоялар тўпламлари, “Сўнгги бекаг”, “Қил кўприк”, “Йўловчи”, “Олабўжи”, “Динозавр” (1-китоб) романи, “Қора камар”, “Зиёфат” драмалари билан ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшган.

30 МАРТ

1746–1828 йиллар. Франсиско ГОЙЯ, буюк испан рассоми, наққош, романтизм даври тасвирий санъатининг ёрқин намояндalarидан бири. “Соябон”, “Идиш сотувчи”, “Мадрид бозори”, “Ярадор ғишт терувчи”, “Қирол IV оиласи”, “Сеньора Бермудес”, “Фердинанд Гиймарде” каби асарлари испан ранг-тасвирининг мумтоз намуналарига айланган. Шунингдек, мусаввир Испаниянинг озод бўлишига бағишланган картиналари билан ҳам машхур.

1844–1896 йиллар. Поль ВЕРЛЕН, француз шоири, адабиётда импрессионизм ва символизм оқимининг асосчиларидан бири. “Сатурн поэмалари”, “Нафис байрамлар”, “Сўзсиз романслар”, “Донолик” шеърӣ тўпламлари билан машхур бўлган. “Кузги қўшиқ”, “Итоат”, “Қасамёд”, “Тунги пейзаж”, “Шўрлик подачи бола”, “Ҳаргиз ҳеч қачон”, “Менинг туғишган тушим” ва бошқа шеърлар муаллифи.

*Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ
тайёрлади.*

РЕЗЮМЕ

●● Женская лирика занимает отдельное место в литературе каждого народа. В рубрике “Меридианы поэзии” данного номера журнала уделено особое внимание поэтическим произведениям прекрасной половины человечества. Надеемся, что образцы творчества таких известных поэтесс, как Анна Свирщинская (Польша), Елисавета Багряна и Лиляна Стефанова (Болгария), а также представительниц современной поэзии США заслужат достойное внимание читателей.

●● В рубрике “Жемчужины мировой литературы” вы можете ознакомиться с продолжением романа французского писателя Виктора Гюго “Собор Парижской Богоматери”. Цыганку Эсмеральду обвиняют в покушении на капитана Феба. Женщина, подвергнутая жестоким пыткам, вынуждена признаться в преступлении, которого не совершала. Ее приговаривают к смертной казни. Кто же виноват в том, что Эсмеральду постигла столь горькая участь? Казнят ли ее?..

●● Один из столпов современной узбекской поэзии Абдулла Арипов внес весомый вклад также в развитие узбекской переводческой школы. В частности, поэма Данте Алигьери “Божественная комедия” (часть “Ад”), мастерски переведенная на узбекский язык, своего рода проявление творческой отваги А. Арипова. Переводы таких поэтических драм, как “В катакомбах” Леси Украинки, “Немой рыцарь” Ене Хелтаи, стихотворений Александра Пушкина, Тараса Шевченко, Егише Чаренца, Кайсына Кулиева, Мехсети Гянджеви, Халила Ризо и тому подобных заняли достойное место в сокровищнице узбекской литературы. В рубрике “Из сокровищницы мастеров перевода” представлено пространное описание переводческой деятельности Абдуллы Арипова, а также образцы перевода.

●● Знаток классической восточной поэзии, проницательный критик, прославленный ученый-наовивед Натан Маллаев хорошо известен широкому кругу читателей своими литературно-научными исследованиями. Помимо того, он является автором перевода ряда произведений персидско-таджикской литературы. В данном направлении проявляется еще одна грань творчества Н.Маллаева. В рубрике “Драма” представлено произведение таджикского писателя Сатима Улугзода “Рудаки”, мастерски переведенное Натаном Маллаевым на узбекский язык. Один из величайших представителей мировой литературы, знаменитый персидско-таджикский поэт Рудаки отличался такими качествами, как любовь к народу, справедливость, правдивость, что и отображено в данной пьесе.

●● Эссе популярного узбекского публициста, переводчика и журналиста Якубджана Худжамбердиева “Часовой маятник” посвящено анализу непростых взаимоотношений человека с обществом. Автор выражает личную точку зрения по поводу некоторых людей, пытающихся закрыть глаза на темные пятна недавнего прошлого и впадающих в ностальгию по былой советской эпохе, соответственно, пессимистически оценивающих нынешние перемены.

RESUME

••• Women authors have their own place in the literary of every nation. Works by such poetesses are published in “Meridians of Poetry” rubric of the March issue. Selected poems written by well-known Polish poetess Anna Svirshinskaya, Bulgarian authors Elisafeta Bagriana, Liliana Stefanovna, also works by modern American poetesses are presented here.

••• The continuation of a novel “The Hunchback of Notre-Dame” by Victor Hugo is published in “Treasures of World Literary” rubric. Gipsy Esmeralda was blamed in an attempt upon captain Feb’s life. She had to plead guilty because of horrible instruments of torture and she was sentenced to death. So, who’s to blame in Esmeralda’s troubles? Will she be executed?

••• The master of the modern Uzbek poetry Abdulla Oripov played great part in development of Uzbek translation school. He skillfully translated poem “Divine Comedy” by Dante Aligeri (a part named “The Hell”) into Uzbek and it was a courageous work. He also translated poetic dramas named “Reverberations” by Lesia Ukrainka and “The Dumb Knight” by Yonio Heltai and poems by Aleksandr Pushkin, Taras Shevchenko, Yegishe Charents, Khaisin Khuliyev, Mahsatiy Ganjaviy, Halil Rizo. Abdulla Oripov’s translation creativity is widely analyzed and some of his translations presented in “Treasures of Great Translators” rubric.

••• An expert on Eastern classic literature, an eminent literary critic, a great scientist of Navoi’s creativity Natan Mallayev is known by his literary-scientific investigations. He also translated Persian-Tajik literary into Uzbek and it was one of his abilities too. The work named “Rudakiy” by Tajik author Sotim Ulugzoda translated by N.Mallayev is given in “Dramatic Art” rubric. A great figure of the world literature, Persian-Tajik poet Rudakiy’s humanism, truthfulness and honesty is commended in this play.

••• Popular Uzbek publicist, translator and journalist Yoqubjon Khujamberdiyev analyzes difficult relations between society and person in his essay named “The Watch Hand”. The author admits some people who conceal mistakes of the past, miss “old soviet times” and look to present days with pessimism and offers his opinion about them.

Жаҳон АДАБИЁТИ

2017 йил март сони

Навбатчи муҳаррир: Ж.АСҚАРОВА
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли
Мусаххих: Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган кўлёмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда тахририятнинг ёзма розилиги олинши шарт.

Тахририят манзили:

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 12.04.2017 й. Бичими 70x108^{1/16}. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 4280 нусха. 4585 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб, “Sharq” НМАҚда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© **Жаҳон адабиёти, 2017 й.**